



Ахмадали Гофуров – 1927 йил 23 февралда Фарғони вилояти Бешариқ тумани Рапқон қишлоғида таваллуд топган. Шу қишлоқда 7-синфни тамомлаб, 1947–51-йилларда Тожикистон Республикасидаги Конибодом педогогика билим юртида, 1951–54 -йилларда Тошкент ҳуқуқшунослик институтида таълим олган. 1954–1962 йилларда Фарғони вилояти ички ишлар бошқармасида ишлаган. 1960 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлаган. 1962 йил сентябрдан Фарғона Давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона Давлат университети)да “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасида ўқитувчи, доцент,


профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. 1966–1968 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида аспирант бўлиб, 1968 йил июнида Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ва суғоришнинг иқтисодий самарадорлиги мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1982 йил майида Москва халқ хўжалиги институти (ҳозирги В.Г. Плеханов номи Россия иқтисод академияси)да Мамлакатда сув хўжалиги комплексининг иқтисодий муаммолари мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Фарғона Давлат университетида декан лавозимида, 1975–2005 йилларда иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири лавозимида, 2005 йилдан ҳозиргача шу кафедрада профессор лавозимида ишлаб келмоқда. Жаҳоннинг 14 та узоқ хорижий – Франция, Германия, Белгия, Голландия, Польша, Саудия Арабистони, Ҳиндистон каби мамлакатларида ва яқин хорижий – Россия, Украина, Беларус, Грузия, Озарбайжан, Болтиқ бўйи республикалари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби мамлакатларида илмий сафарларда ва халқаро конференцияларда қатнашган. 317 номда илмий мақолалар муаллифи, шулардан 17 таси монография, 14 таси дарслик, 10 таси ўқув-услубий қўлланмалар.

ISBN 978-9943-302-33-4



АХМАДАЛИ ГОФУРОВ

ҲИНДИСТОН



Тошкент – 2010

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАДАЛИ ҒОҒУРОВ

ҲИНДИСТОН

*Ижтимоий-иқтисодий, маданий, тарихий
ва географик жиҳатлари*

Кўлланма

«МОЛИЯ»

А. Ғофуров. ҲИНДИСТОН. Ижтимоий-иқтисодий, маданий, та-
рихий ва географик жиҳатлари. «Молия» нашриёти, 2010 й. -160 б.

Ҳиндистон (Ижтимоий-иқтисодий, маданий ва географик жи-
ҳатлари) ўқув қўлланмаси биринчи марта Олий Аттестация Комис-
сиясининг номенклатурасига кирган фанлар қаторидан ўрин олган
"Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти" "Минтақа иқтисодиёти" "Иқти-
содиёт назария" Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Жаҳон тарихи",
"Жаҳон географияси", "Ахборот технологияси" каби фанларни ўқитиш-
да зарур бўлган Ҳиндистоннинг табиий иқлими, ҳудуди, жойлашу-
ви, табиий менерал ва иқтисодий ресурслари, қишлоқ ва сув хўжа-
лиги, саноат тармоқлари, илғор ахборот технологияси, туристик са-
лоҳияти, ҳинд халқларининг тиллари, адабиёти, маданияти, санъа-
ти ва бошқа томонлари тўғрисида бирламчи эътироф этилган маълу-
мотларнинг умумлашган таҳлилий кўрсаткичлари, уларга таъсир этув-
чи ташқи ва ички омиллари асосида тайёрланди.

Мазкур қўлланма, ўқитувчиларга, аспирантларга, тадқиқотчи-
ларга, магистрантларга, талабаларга ва хорижий мамлакатлар билан
қизиқувчиларга мўлжалланган.

Настоящее Пособие подвешается впервые издаётся на узбекс-
ком языке, которое предусмотрено в номенклатуре Высшей Аттес-
ционной Комиссии как учебный предмет "Региональная экономи-
ка", "Международное экономическое отношение", "Мировая исто-
рия", "Социальная география", "экономическая теория" и другим
гуманитарным наукам. В нем комплексно освещают природные, кли-
матические и территориальные, трудовые ресурсы Республики Ин-
дии, а так же краткие истории, государственное устройство, лите-
ратуры, языки и религии, культуры, искусство, просветительные
учреждения, отрасли экономики, промышленность, сельское и вод-
ное хозяйство, информационная технология, архитектурные и при-
кладные творчества, внешняя и внутренняя политика, отношение
Индии с другими, странами, в том числе, с Узбекистаном, разви-
тие туризма и другие, которые предназначены для студентов, маги-
странтов, аспирантов, исследователей, а так же интересующим лю-
дям о Республике Индии.

This text-book is published in Uzbek language for the first time, whih
meets or standards of VAK (Высшей Аттестационной Комиссии) as at
text-book for the following subjects «Regional Economics», «International
Economical Relationships», «World History», «Economical geography»,
«Economical theory and other humanitarian science». The following
questions are devoted to natural climatic and territory, resources of the
republic of India. There is some short history, state, system, literature and
religion, art, educational Institutions, branches of Economics industry
farming and Irrigation, Information Technology, architecture, applied art
foreign and Internal politics relationships between Indiaand other countries
including Uzbekistan development of tourism and other questions. This
text-book is for students, post-graduated, researches and people who are
interested in the Republic of India.

Масъул муҳаррир :

Вахабов А.В.— и.ф.д. профессор «Б.М.А» ректори

Тақризчилар :

Ю. Аҳмадалиев — геог.ф.д., профессор

Й. Салижанов — филол.ф.д., профессор

доктор Саид Манал Хон Алкадри — Ҳиндистон элчиси

*Фарғона давлат университети Илмий кенгаши томонидан
2009 йил октябрда (баённома №3) нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-302-33-4

© "Молия" нашриёти, 2010 й

КИРИШ

Инсоният тарихида жаҳон цивилизациясига, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётига сезиларли ҳисса қўшиб келган мамлакатлар ўртасида Ҳиндистон 5 минг йилдан кўп давр ичида жаҳон маданиятига ва фанига салмоқли ҳисса қўшиб, ва бутун Осиёнинг Жануби-шарқий минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатиб келган. Бу мамлакатнинг ижтимоий институтларининг тарихий ривожланиш жараёнида ўзига хос хусусиятларнинг вужудга келганлиги географик, этник, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва мафкуравий омилларининг узоқ ҳамда мураккаб ўзаро ҳаракатининг натижаси ҳисобланади.

Ҳиндистоннинг тарихий жараёнларининг табиий иқлим, ҳудудий бирлигининг кенглиги, денгиз ва океанга яқинлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ривожланишининг давомийлиги, иккинчи томондан, ҳар хил ҳудудий туманлар, вилоятлар ва этник гуруҳларнинг ҳар хил даражада ривожланишидир. Бу билан шундай ҳолат тушуниладики, ҳозирги даврда Ҳиндистонда инсоният жамияти ривожланишининг турли босқичларида уруғчилик тизимида, ҳозирги умуминсоний қадриятлар тизимининг маданий-тарихий типи вужудга келганлигини кўриш мумкин.

Ҳиндистон жамиятининг эволюцияси материалларида шу бир мамлакатнинг ўзида бир қатор асосий даврларнинг энг жозибали ва қизиқарли томонларини кузатиш мумкин. Шу билан бирга тарихий жараённинг Ҳиндистон модели ривожи Европа, Осиё, Африка ва Америкадаги каби ижтимоий ривожланишга ўхшашлигини қиёслаш билан ўзига хослигини кузатиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ва тарихий фанлар бу ривожланишни, ижтимоий тузумларнинг қонуний алмашуви тўғрисидаги таълимот билан асослайди.

Шу билан бир вақтда аниқ тарихий-иқтисодий тадқиқот, шу жумладан, Ҳиндистон тарихи, иқтисодиёти, маданияти ва жамияти, бу жамиятнинг ривожланишидаги умумийликни ва хусусиятларни очиб беришга йўналтирилган умумжаҳон-тарихий жараённинг қонуниятлари доирасида ўрганилади.

Шу муносабатлардан келиб чиқиб, мазкур қўлланма Ҳиндистоннинг тарихий, табиий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётининг Ҳиндистон – Ўзбекистон ўртасида ривожланиб бораётган алоқалар тажрибасини тасаввур этишга мўлжалланган очерк ҳисобланади. Бу билан, албатта, Ҳиндистоннинг асосий ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва мадани муаммоларининг кўпчилигини ёки барчаси бўйича икки мамлакатларнинг ҳиндшунослик тадқиқот ишларининг ниҳоясига етган натижасини акс эттиришга даъво қилинмайди. Қўлланмада умумжаҳон-тарихий ривожланиш қонуниятининг Ҳиндистонда рўй берган ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун принципал аҳамиятга эга бўлган Ҳиндистон тарихининг, табиатининг, иқлимининг, тилларининг, динининг, табиий бойликларининг ва меҳнаткаш ҳинд халқининг озодлиги ва мустақиллик учун олиб борган курашининг, ҳозирги даврдаги саноати, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, хизмат кўрсатиш инфратузилмалари соҳаларининг, замонавий ахборот технологияларининг ривожланишида баъзи бир муҳим томонлари тўғрисида қисқача ахборот беришга бағишланган ўзбек тилидаги биринчи нашр ҳисобланади.

Энг муҳим муаммолардан бири ҳозиргача долзарб илмий мунозара предмети бўлиб қолаётган, мустамлака давригача ҳинд халқининг тарихини даврларга бўлиш ҳисобланади. Бу Ҳиндистоннинг қадимги ва Ўрта асрлардаги ижтимоий тизимининг характерини аниқлаш билан боғлиқ бевосита йўналишини ўрганишни талаб этади. Бу соҳадаги йўналишда, айниқса, Бобурийлар даврини аниқ тарихий ва ёзма манбалар асосида объектив ўрганиш ўзбек ва ҳинд халқларининг қадимги дўстона ва мураккаб ҳамкорлигининг тарихи, иқтисодиёти, қурилишини, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларини ҳар томонлама объектив ўрганиш зарурат касб этади. Шунинг учун мазкур қўлланмада Ҳиндистоннинг қадимги даврлардан то мустақиллигининг 60 йиллик давригача бўлган даврларига қисқача изоҳ берилган. Қўлланмада Ҳиндистоннинг барча умумий назарий жиҳатларига чуқур эътибор берилмасдан, географик жойлашуви, уни ўраб олган денгизлари, океани, ер ости ва усти минерал табиий ва хом ашё бойликлари, иқлими, ҳозирги даврдаги миллий тиллари ва уларнинг бошқа ташқи ва ички халқларининг тиллари билан уйғунлашганлиги, ҳамдўстлиги ва ҳамкорлиги, давлат тиллари (инглиз, урду) ҳинд халқининг динлари ва диний эътиқодлари, улар ўртасида бағри-кенглик ва ўзаро келишувчилик, осойишталикда яшаш урф-одатлари, ҳинд халқининг менталитети, анъаналари, турмуш тарзи, маданияти, маорифи, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлири тизими, маърифий музейла-

ри, радио ва, телевидение муассасалари, сўнги йилларда барпо этилган илмий ахборот технологияси, илмий-техник тараққиёти даражасининг шаклланибгина қолмай, тобора ривожланаётганлигини, уларнинг муаммолари ва уларни ҳал этиш усуллари тўғрисида умумий тасаввурлар берилади. Шунингдек, қўлланмада Ҳиндистоннинг саноати, унинг тармоқларининг ривожланиши, замонавий саноат ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланганлиги, айниқса, ахборот технологияси, дастурларидаги муваффақиятлари натижасида жаҳон мамлакатларининг ўнинчи бирлигида ўрин эгаллаб, илғор мамлакатларга айланиб бораётганлиги эътиборга сазоворлиги тушунарли ва аниқ қилиб баён этилган.

Ҳиндистон мамлакати аграр-индустриал бўлганлиги сабабли, ҳинд қишлоқ хўжалиги, унинг тармоқлари тўғрисида, ғаллачилик, пахтачилик, чой, жут, шоли, ерёнғоқи, сабзавот, полизчилик, боғдорчилик, узум ва мевалар, цитрус маҳсулотлари етиштириш бўйича ривожланиб бораётганлиги, сўнги йилларда ҳинд халқларининг фаровончилиги даражасининг ўсиб бораётганлиги ва туб ислохотлари баён қилиб берилган. Ҳиндистон сўнги йилларда ўзида ишлаб чиқарилган ғалла билан ўз аҳолисини таъминлаганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ва импорт операцияларини амалга ошираётганлиги қайд қилинади. Ҳиндистондаги иқлимнинг хилма-хиллиги сабабли, ерларни сугориш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида йирик сув омборлари, гидротехника иншоотлари, каналлар, сугориш шохобчалари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости зах сувларини пасайтириш муаммоларига жуда катта эътибор бериб, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилганлигига мазкур ишда алоҳида изоҳ берилади. Шулар билан бир қаторда, умумий тарзда ҳинд аҳолисининг таркиби, табиий ўсиши, тарихий жараёнида вужудга келган каста (табақачилик)ликни бартараф этиш, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан тенгликнинг конституциявий кафолатланганлиги борасида муайян муаммоларнинг борлиги, уни ҳал этишда давлатнинг чора-тадбирлари ўрганилган.

Ҳозирги даврда Ҳиндистондаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ҳинд жамиятини ривожлантиришдаги фаолияти, улар ўртасида демократик асосда муаммоларнинг ҳал қилиниш усуллари баён этилган.

Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати биринчи бош вазир Ж.Неру томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил асосига қурилгани, уни амалга ошириш жараёнида ҳарбий блоklarга қўшилмаслик

ва мустақил суверенитетини таъминлайдиган сиёсати эътиборга сазовордир. Шу муносабат билан жаҳон ҳамжамиятида Ҳиндистон ўзига хос ташқи аралашмаслик сиёсатини олиб боради. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон мустақиллигининг 60 йиллиги даврида бу сиёсат ўзини оқлаганлиги бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун тажриба омилига айланиб борганлиги қайд этилган. Ҳиндистоннинг шу сиёсати йўналиши туфайли мустақилликка эришган Ўзбекистон республикаси билан икки мамлакат ўртасида қадимги муносабатлар асосида замонавий ҳалқаро тенг ҳуқуқли субъект сифатида дўстлик, ҳамкорлик, тинчлик муносабатлари янгича босқичда ташкил этилиб, тобора ривожланаётганлиги кўрсатиб берилган. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида 60 тага яқин ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, сарможалар киритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, тўғридан-тўғри инвестиция киритиш каби соҳалардаги муносабатлар ривожланиб бораётгани кўрилади. Икки мамлакатнинг маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида, туризм соҳасида, экологик муаммоларнинг ечимини биргаликда топиш йўналишида, терроризмга, диний фундаментализмга, ақидапарастликка қарши биргаликда кураш олиб бориш, замонавий таълим-тарбия, банк ва молия тизимини ривожлантиришда ўзаро кадрлар тайёрлаш, ахборот технологиясини ютуқларидан фойдаланишда ўзбек-ҳинд муносабатлари, айниқса, жаҳоннинг бошқа олимлар қаторида ўзбекистонлик олимлар билан ҳиндшуносликни янада чуқурроқ ўрганиш лозимлиги тўғрисида ва бошқа муаммолар тўғрисида конференциялар, симпозиумлар, семинарларни мунтазам ўтказишда ҳинд олимларининг фаоллиги ва ўзбек олимлари билан ҳамкорлиги ривожланаётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида Тошкент шарқшунослик институтининг ташкил топиши, унда М.Ганди ва Ж.Неру номли музей ва фонд ташкил этилганлиги, Ҳиндистон билан Фарғона давлат университети ўртасида илмий, маданий ва кадрлар алмаштириш муносабатлари мунтазам йўлга қўйилганлиги ҳамда бир қанча келишув меморандумлари ва битимлари имзоланганлиги баён этилади.

Ўқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг миқёсли муносабатларни янада чуқуроқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун умумий ва ўзига хос хусусиятли концепция ишлаб чиқиш вазифасини ҳал этиш лозим. Чунки Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар бир-бирига узвий, тарихий, маданий, иқтисодий, савдо ва санъат соҳаларида чуқур боғланганлиги, ҳинд шунослик тараққиётларини янада чуқурлаштиришни талаб этади. Бу муаммоларни ва амалий вазифаларни ҳал этишда Ҳиндистон элчихонаси, Лал Баҳодир Шастри номли Ҳиндистон маданий маркази, Тошкент шарқ-

шунослик институти, Фарғона давлат университети ва бошқа илмий марказлар ўртасида янада кенгроқ муносабатларни йўлга қўйиш энг долзарб масаладир. Таъкидлаш лозимки, бу масалалар бўйича сўнгги 5 – 6 йил ичида Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчихонаси, шахсан собиқ элчи жаноблари Скан Р. Тойалнинг хизмати эътиборга созовордир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг учинчи босқичи амалга оширилмоқда, унда қўйилган дастурий чора-тадбирларнинг такомиллаштирилишидан келиб чиққан ҳолда, таълим тизими сифатини ошириш ва ёндашувларини такомиллаштиришга йўналтирилганлигини янада теранроқ ислоҳ қилиш, таълим даражалари ўртасидаги боғлиқликни узлуксиз таъминлаш билан бирга, хорижий таълим тизимидаги, айниқса, илғор ахборот технологиясига эга бўлган Ҳиндистон билан алоқасини ҳар томонлама, айниқса, таълим тизими, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон ўз олдига таълим шакллари мақбуллаштириш вазифасини қўяётган экан, таълим технологиясига, бошқача қилиб айтганда, технологик-техник ва инсоний ресурсларни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиб, бутун билимлар даражасини ҳамкорликда яратиш, қўллаш ва аниқлаш бўйича ягона тизимли усулга ўтишда Ўзбекистон – Ҳиндистоннинг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги ўта долзарблигини кўрсатади. Мазкур қўлланма "Иқтисодиёт назарияси", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Макро иқтисодиёт", "Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти", "Информатика ва ахборот технологияси", "География", "Саноат иқтисодиёти", адабиёт ва санъат соҳаларидаги бир қатор фанларни ўрганишда, олий таълим, коллежлардаги профессор-ўқитувчиларга, талабаларга, аспирант, магистрантларга, тадқиқотчи ва қизиқувчиларга мўлжалланган. Албатта, ҳар қандай тадқиқотнинг ниҳояси бўлмаганидек, мазкур қўлланма муайян нуқсонларга ва камчиликлардан холи эмас. Шу нуқтани назардан қаралганда мазкур китобнинг мазмуни, йўналишлари ва хусусиятларини такомиллаштириш учун ўрганувчилардан таклиф ва мулоҳазалар билдирилса, муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини изҳор этади. Мазкур китобни тайёрлашда яқиндан қўмаклашган Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Тошкент шарқшунослик институтининг ҳинд тиллари кафедраси раҳбариятига ўз ташаккурини билдиради.

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ (ҳиндча Бхарат), Жанубий Осиёда, Ҳинд океани ҳавзасида жойлашган давлат. Ҳудуди шимолдан жанубга 3200 км, ғарбдан шарққа 2700 км га чўзилган. Шимолда Ҳимолай тоғлари, Ғарбда эса Арабистон денгизи, Шарқда Бенгал қўлтиғи билан ўралган. Ҳиндистон таркибига Арабистон денгизидаги Лаккадив ва Аминдив ороллари, Бенгалия қўлтиғидаги Андамап ва Никобор ороллари ҳам киради. Қуруқликдаги чегараси тахминан 15 минг, денгиз бўйлаб чегараси 5,5 минг км дан зиёд. Шимоли-ғарбда Покистон ва Афғонистон, шимолда Хитой ва Непал, шимоли-шарқда Бангладеш, шарқда Бирма, шунингдек, Бутан билан чегарадош. Майдони 3287,1 минг км². Аҳолиси 1 млрд. 177 млн. киши (2008). Пойтахти – Деҳли шаҳри. Ҳиндистон маъмурий жиҳатдан 35 штат ва иттифоқ территорияларга бўлинган. Штатлар дистрикт (округ)ларга, улар ўз навбатида талук ёки таъсилларга ажратилган.

Давлат тузуми. Ҳиндистон – федератив республика (29 штат ва 6 иттифоқ ҳудуди). Ҳамкорлик таркибида амалдаги конституцияси 1950 йил 26 январда қабул қилинган; 1976 йили тузатишлар киритилган. Давлат ҳокимиятининг олий органи – Парламент [Халқ палатаси (қуйи палата) ва Штатлар кенгаши (юқори палата)дан иборат]. Конституциясининг 44-моддасига тузатиш киритилган Ҳиндистон "суверен, конституциявий мустақил, дунёвий, демократик республика" деб номланган. Давлат бошлиғи – Президент, у айни вақтда олий бош қўмондон. Президент Бош вазирни ва унинг тавсиясига кўра ҳукуматнинг бошқа аъзоларини ҳамда Олий суд аъзоларини тайинлайди. Амалда олий ижроий ҳокимият Бош вазир қўлида. Штатларни Президент тайинлаган губернаторлар бошқаради. Ҳар бир штат ўз қонун чиқарувчи мажлиси ва ҳукуматига эга. Иттифоқ ҳудудларни Президент тайинлайдиган бош комиссарлар, лейтенант-губернаторлар, маъмурлар бошқаради.

Суд тизими Олий суд (у конституцион назорат органи ҳамдир), штатлардаги юқори судлар, шунингдек, округлардаги қуйи босқич судларидан ташкил топган.

ТАБИЙ ИҚЛИМ ШАРОИТИ

Табиати. Ҳиндистон қирғоқ чизигининг узунлиги 12 минг км. Қирғоқлари паст, кумли, кам парчаланган, лагунали.

Рельефи. Ҳиндистон худудининг 3/4 қисми текислик ва ясси тоғликлардан иборат.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. Ҳиндистоннинг катта қисми қадимги Ҳинд платформасида жойлашган. Ҳимолай тоғ этаклари неоген континентал ётқизиклари билан тўлган. Ҳимолай тоғлари шаклланиши неогенда тутаган мураккаб бурмали тоғли ўлкадир.

Фойдали қазилмалардан темир рудаси (умумий захираси 21,6 млрд. т), хромит, марганец, мис рудалари, олтин, слюда, ноёб ва қимматбаҳо тошлар, олмос, тошқўмир (захираси 136 млрд. т чамасида), боксит (умумий захираси 250 млн. т) ҳамда нефть ва газ конлари бор.

Ҳинд океани — катталиги жиҳатидан Тинч ва Атлантика океанларидан кейин учинчи ўринда турадиган океан. Асосан жанубий ярим шарда жойлашган. Ҳинд океанини Африка, Осиё, Австралия ва Антарктида қитғалари ўраб туради. Атлантика ва Тинч океанлари билан туташган. Майдони (денгизлари билан бирга) 74917 минг км², ўртача чуқурлиги 3897 м, ўртача сув ҳажми 291945 минг км³; денгизларисиз майдони 73442,7 минг км², ўртача чуқурлиги 3963 м ва сув ҳажми 291030 минг км³.

Ҳинд океанида денгиз қўлтиқлари ва ороллар бошқа океанларга нисбатан кам; йирик денгизлари ва қўлтиқлари; қизил денгиз, Форс қўлтиғи, Андаман, Арабистон, Арафура ва Тимор денгизлари, Бенгалия қўлтиғи ва ҳ.к. Йирикроқ ороллари пайдо бўлиши жиҳатидан материк ороллари бўлиб, қирғоққа яқин: Мадагаскар, Шри-Ланка, Сокотра, Вулканик ороллари (Маскарен, Крозе, Принс-Эдуард ва б.) маржон ороллар (Малрдив, Лакладив, Чагос, Кокос ва б.) ҳам бор. Қирғоқлари кам ўйилган.

Сув туби рельефи ва геологик тузилиши, Ҳинд океани қирғоқлари бўйлаб камбар (100 км.гача) материк саёзлиги (шельф) чўзилган; чуқурлиги ташқи чеккасида 50 — 200 м материк ёнбағри тик зиналар ҳосил қилиб тушган, баъзи жойларда Ҳинд, Ганг ва бошқа. дарёларнинг сув ости водийлари билан қўшилган. Океаннинг энг чуқур қисми (7130 м гача) Зонд шаклида. Ҳинд океани туби тизмалар, тоғлар ва

баландликлар орқали бир қанча сойликларга бўлинган. Улардан энг йириклари: Арабистон сойлиги, Ғарбий Австралия сойлиги, Африка — Антарктида сойлиги. Сойликлар таги материк яқинида аккумулятив текисликлар ва марказий қисмида сертепа текисликлардан иборат. Энг йирик сув ости тизмаси — меридионал шаклланган. Шарқий Ҳинд тизмаси — меридионал йўналган Шарқий Ҳинд тизмаси — (узунлиги 5000 км). Ҳиндистон ярим ороли ва Мадагаскар оролидан жанубда ҳам бир неча йирик сув ости тизмалари бор. Океан қаърида вулканлар кўп, улар катта-катта массивлар ва занжирлар ҳосил қилган. Океан ўртаси тизмалари уч тармоққа бўлинган тоғ системаси (Арабистон-Ҳиндистон, Ғарбий Ҳинд, Африка — Антарктида ва Марказий Ҳинд тизмалари ҳамда Австралия — Антарктика кўтарилмаси)дан ташкил топган. Бу тизмаларнинг кенглиги 400 — 800 км, баландлиги 2-3 км, шу қисмида чуқур водийлар бор. Уларнинг атрофларида рифт тоғлари бор; кўндаланг ёриғлар бўйлаб горизонтал силжишлар рўй берган.

Ҳинд океани туби чўкиндилари қатламининг қалинлиги материк ёнбағри этакларидан (3 — 4 км), океан ўртасига томон (100 м) камайиб боради. Фораминиферали (материк ён бағрларида ва сойликларнинг 4700 м гача чуқур жойларида), диатомли (500 ж.к.дан жанубда), радиолярияли (экватор яқинида) ва маржонполипли чўкиндилар кенг тарқалган. Полиген чўкиндилар — чуқур сув ости қизил гиллари экватордан жануброқдаги қисмларда 4,5 — 6 км чуқурликда, терриген ётқизиклар, материклар қирғоқлари яқинида учрайди. Хемоген чўкиндилар, асосан, темир-марганец конкрецияларидан, рифтоген чўкиндилар эса, океан туби жинсларининг эмирилишидан ҳосил бўлган жинслардан таркиб топган. Туб жинслар материк ёнбағирларида (чўкинди ва метаморфик жинслар), тоғларда (базалртлар) ва океан ўртасидаги тизмаларда (базалртлар, серпентинитлар, перидотитлар) кўп учрайди.

Ҳинд океанининг океан қаъри ва унинг чекка қисмлари учун кўпроқ барқарор тектоник структуралар характерлидир. Фаол ривожланаётган структуралар ҳозирги геосинклиналлар (Зонд ёйи) ва георифтогеналлар (океан ўртасидаги тизмалар) камроқ майдонни эгаллаган. Бу асосий макроструктуралар морфологияси, ер пўстининг тузилиши, сейсмик фаоллиги, вулканизми билан кескин фарқланади ва кичикроқ структуралар (плиталар, палахсали тизмалар, вулканик поғоналар)га бўлинади.

Ҳинд океани тубининг структуралари ичида Маскарен тизмасининг шимолий қисми алоҳида ўрин тутайди; бу қадимги Гондвана материгининг бир қисми бўлса керак. Фойдали қазилмалардан шельфларда нефть ва газ (айниқса, Форс қўлтиғида), монацит кумлар

(Жануби-ғарбий Ҳиндистоннинг қиргоғи ёни районларида) ва бошқа рифт зоналарда хром, темир-марганец конкрециялари, океан қаърида темир-марганец конкрециялари тўпламлари бор.

Ҳинд океанининг шимолий қисмида муссон иқлим, бу ерда ёзда экваториал, қишда тропик ҳаво массалари ҳукмрон. 8 – 100 жанубий қисмидан жанубда тропик кенгликларда барқарор пассат шамоллари эсади ва у ўртача кенгликларда тропикдан ташқари циклонларга айланиб кетади. Тропик кенгликларнинг ғарбий қисмида ёзда ва кузда довул бўлиб туради. Ҳавонинг ўртача температураси океаннинг шимолий қисмида ёзда 25 – 27°, Африка қирғоқлари яқинида 23°, жанубий қисмида ёзда 30° ж.к.дан 20-25°, 50° ж.к. да, 5-6°, 60° ж.к.дан жанубда 0°дан паст. Қишда ҳаво ҳарорати экваторда 27,5°, шимолий қисмида 20°, 30° ж.к.да 15°, 50° ж.к.да 0 – 5°, 55 – 60° ж.к.дан жанубда 00 дан паст. Жанубий субтропик кенгликларда йил давомида ғарбида илиқ Мадагаскар оқимининг ва шарқида совуқ, Ғарбий Австралия оқимининг таъсири бор. Ўртача йиллик ёғин Арабистон денгизининг шарқида ва Бенгалия қўлтиғида 3000 мм, экватор ёнида 2000 – 3000 мм, Арабистон денгизининг ғарбида 100 мм дан ортиқ, Антарктида яқинида 250 мм. Булуғлилик Ҳинд океанининг шимолида қишда 10 – 30%, ёзда 60 – 70%, жанубида ўртача 40 – 50%.

Сув юза қатламининг циркуляцияси океан шимолида муссон характерида; ёзда, шимоли-шарқий ва шарқий оқимлар, қишда жануби-ғарбий ва ғарбий оқимлар, қиш ойларида 3 – 80 ж.к.лар оралиғида пассатлараро (экваториал) қарши оқим ҳаракат қилади.

Ҳинд океанининг жанубий қисмида сув циркуляцияси антициклонал айланиш ҳосил қилади, асосан, шимолда Жанубий Пассат, ғарбда Мадагаскар, Игна бурни илиқ оқимларидан ҳамда жанубда Ғарбий шамоллар ва шарқда Ғарбий Австралия совуқ оқимларидан ташкил топган. 50° ж.к.дан шимолда, иссиқлик, асосан, буғланишга, 50° ж.к.дан жанубда океан билан атмосфера ўртасида иссиқлик алмашинувига сарф бўлади.

Шимолий қисмида май ойида ҳарорат сув юзасида максимум (290)га етади. Бу ерда температурадан совуқ сувнинг юзга кўтарилиши нисбати 22 – 23°, экваторда 26 – 28°, 300 ж.к. да 16 – 20°, 500 ж.к. да 3 – 5, 55° ж.к. дан жанубдан 10 дан паст. Ҳарорат қишда шимолий ярим шарнинг шимолида 23 – 250, экваторда 20°, 30° ж.к. да 21 – 250, 500 ж.к. да 5 – 9, 60° ж.к. дан жанубда манфий.

Сувнинг шўрлиги сув балансиға боғлиқ. [Сув айланиши Ҳинд океанининг юза қисмида буғланиш (-1330 мм/йил, ёғин-сочин (1000 мм/йил) ва материкдан оқиб келган сувлардан (70 см/ил, таркиб

топади]. Форс қўлтиғида шўрлик 37 – 39%, Қизил денгизда 41%0, Арабистон денгизида 36,5% дан ортиқ. Бенгалия қўлтиғи ва Андаман денгизида 32,0-33,0 гача, Жанубий тропикларда 34 – 34,5 % гача, Жанубий субтропик кенгликларда 35,5%, 400 ж.к. дан жанубда 33 – 34,3 %. Сув зичлиги антарктик кенгликларда энг кўп (1027), океаннинг шимоли-шарқий қисмида энг кам (1018, 1022). Сувнинг ранги Бенгалия қўлтиғида, асосан, кўк, Антарктик кенгликларда ҳаво ранг, баъзи жойларда зангори.

Ҳинд океанида сув кўтарилиши унча баланд эмас (очиқ океан қирғоқлари ва ороллар яқинида 0,5 – 1,6 м), фақат баъзи қўлтиқларнинг тўрида 5-7 м, Мумбай қўлтиғида эса 11,9 м, ҳар ярим суткада такрорланади. Музлар Ҳинд океанининг юқори кенгликлар қисмида ҳосил бўлади, шамол ва оқимлар уларни айсберглар билан бирга шимолга суради (августда 550 ж.к.гача, февралда 65 – 680 ж.к.гача).

Ҳинд океани юза ости сувининг ҳарорати 100 – 500 м чуқурликда 10 – 180, шўрлиги 35,0 – 35,7%, 400 – 1500 м да 4 – 100, 34,2 – 34,6%, 1000 – 3500 м да 1,6 – 2,80; 34,68 – 3478%; 3500 м дан чуқурда Жанубда - 0,070 дан -0,240 гача; Шимолда 0,50 ва шўрлиги 34,67 – 34,77%.

Ҳинд океани акваторияси тропик ва жанубий мўътадил минтақаларда жойлашган. Тропик минтақанинг саёзроқ жойларида 6 ва 8 м нури маржонлар ва сувмаржонлар тарқалган; улар оққизил сувўт-лар билан бирга ороллар ва атолллар ҳосил қилади. Маржонполиплардан умуртқасиз ҳайвонлар (булутлар, чувалчанглар, краблар, моллюскалар, денгиз типратикани ва б.) ва маржон балиқлар кўп. Соҳилларида мангр чангалзорлари бўлиб, уларда узоқ вақт куруқликда тура оладиган сакровчи балиқлар яшайди. Сув қайтган вақтда очилиб қолган пляжлар ва ғояларда куёш нурлари таъсирида ўсимликлар ва ҳайвонлар камайиб кетган. Мўътадил минтақанинг сув кўтарилишида сув босадиган қисмларида қизил ва қўнғир сувўтлар (ламинариялар, фукуслар) ўсади, ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар кўп. Очиқ океан юза (100 м чуқурликкача) қатламининг флораси бой; айниқса, планктон сувўтларининг перединия ва диатом турлари, Арабистон денгизида кўк-яшил сувўтлар кенг тарқалган.

Океан ҳайвонларининг асосий қисми копенод-қисқичбақалар (100 турдан ортиқ), қолганлари қанотоёкли моллюскалар, медузалар, сифофорлар ва бошқалар, шунингдек, радиоляриялар, кальмарлар; балиқлардан – учар балиқлар, нур сочувчи анчоуслар, миктофид-

лар, корифенлар, тунецлар, ҳар хил акулалар, заҳарли денгиз илонлари; денгиз тошбақалари, китлар, куракоёқдилар; қушлардан — альбатрос, фрегат, пингвинлар бор.

Ҳинд океани тадқиқот тарихини 3 даврга бўлиш мумкин: қадимдан то 1772 йилгача; 1772 — 1873 йиллар оралиғи ва 1873 йилда то ҳозиргача. Биринчи давр мил.ав. 3000 — 1000 йил муқаддам ҳинд, миср ва финикий денгизчиларининг сузишларидан бошланиб, 1772 — 75 йилларда 710 ж.к.гача борган Ж.Кук саёҳати билан тугайди. Иккинчи даврда тадқиқотларни рус ва чет эл экспедициялари давом эттирди. Асосий рус экспедициялари — О.Коцебу "Рюрик" кemasида (1818) ва Паллен "Циклон" кemasида (1858 — 59). Учинчи давр океанни комплекс ўрганиш билан характерланади; 1960 йилгача якка-якка кемаларда тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотларда чет эл ва рус ("Обо", 1956 — 58) кемалари қатнашган. ЮНЕСКО қошидаги ҳукуматлараро океанографик экспедицияси ҳинд океанида тадқиқотлар ўтказиб (1960 — 1965), янги маълумотлар тўплади. Уларда рус ва чет эл олимлари фаол қатнашдилар.

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТИ

Ҳинд океанида ташиладиган юкларнинг умумий ҳажми Атлантика ва Тинч океанларидагига нисбатан анча кам, дунё юк айланмасининг 10%ни ташкил этади. Ҳинд океани ҳавзасидан четга, асосан, хом ашё, жумладан, нефть ва нефть маҳсулотлари (Форс қўлтиғи портлари), қалай (Малайзия ва Индонезия), волфрам (Бирма), мис ва кобальт (Замбия), гуруч (Бирма), пахта (Ҳиндистон, Покистон, Судан), жут (Бангладеш), каучук (Малайзия, Индонезия, Шри-Ланка), зиравор (Индонезия, Шарқий Африка мамлакатлари, Малагаси Республикаси), жун (Австралия), чой (Ҳиндистон, Шри-Ланка) чиқарилади. Четдан бу ерга саноат моллари — газлама, металл, турлихил машиналар, цемент келтирилади. Юкларнинг асосий қисми Сувайш канали орқали ўтади; Исроил давлатининг агрессияси натижасида 1967 йил июндан 1975 йил июнгача канал берк эди ва кемалар Африка қитъасини айланиб ўтарди. Юкларнинг бир қисми шарқда Японияга ва жанубда Австралиядан Африканинг Яхши-Умид бурнига ва ундан Америкага жўнатилади; қолганлари Ҳинд океани портлари орасида ташилади.

Ҳинд океанидан Россиянинг Европа қисмидаги денгизлари билан Узоқ Шарқ ва Камчатка орасида йўллар ўтган; шу йўл орқали собиқ Иттифоқ Африка, Осиё ва Австралиядати давлатлар билан савдо алоқалари олиб борарди.

Осиёда — Мино ал-Аҳмади, Харқ, Рас-Таннура, Ҳор ал-Амоя, Ободон, Бандар-Шаъпур, Басра, Адан, Мумбай, Калькутта, Мадрас, Кароачи, Читтагонг (Чатагам), Коломбо, Рангун, Сингапур; австралияда — Фримантл; Африкада — Дурбан, Порт-Элизабет, Лоренсу — Маркиш, Момбаса, Дор ус-Салом, Таматаве, Могадшо ва ҳоказо портлар бор.

Ҳаво транспорти. Асосий ҳаво йўллари Ҳинд океанининг шимолий қисми устидан ўтади. Бу йўллар орқали Ҳинд океани ҳавзасидаги давлатлар Фарбий Европа, Россия ва Марказий Осиё билан боғланган. Йирик йўналишлари: Рим — Афина — Байрут — Қоҳира; Қоҳира — Манама — Карачи — Мумбай — Калькутта — Рангун. Бу трассада Шри — Ланка, Индонезия ва Австралияга тармоқлар ажралган. Қоҳира — Найроби — Хартум — Сосбери — Претория Ҳинд океанини битта линияда кесиб ўтган: Найроби ва Преториядан бошланиб, Мадагаскар — Реюнрон — Маврикий — Кокос ороллари орқали Жанубий Австралия (Порт)га боради. Россия ва Марказий Осиё билан Ҳинд океани ҳавзасидаги Ҳиндистон, Бирма, Малайзия, Шри — Ланка, Танзания ва бошқа давлатлар ўртасида ҳаво йўллари мавжуд.

Ҳинд океани соҳили бўйлаб ва оролларда радиостанция тармоқлари кенг тарқалган. Буюк Британияни Ҳиндистон билан боғловчи бир неча параллел линиядан иборат кабель ётқизилган; Ҳинд океанини кесиб ўтган кабелда Маэ (Сейшел ороллари), Маврикий ороли ва Кокос оролларида радиоузел станциялари бор.

Дунё бўйича овладиган балиқнинг атиги 5% и Ҳинд океанига тўғри келади. Экватор атрофларидан тунец, Антарктика сувларидан кит овланади. Шри-Ланка, Баҳрайн ороллари, Австралиянинг шимоли-ғарбий қирғоқлари яқинидан марварид ва садаф олинади. Форс қўлтиғи ҳавзасида нефть кўп; куруқликдан ва сув ости (шельф)дан нефть қазиб чиқарилади.

Ҳинд — (санскритча Синдху; пушту тилида Абба-Син — дарёлар отаси) — Хитой, Ҳиндистон ва Покистондаги дарё. Узунлиги 3180 км, ҳавзасининг майдони 980 минг км². Тибет тоғлигининг Кайлас тизмасидан, 5300 м баландликдан бошланади. Юқори оқимида даралардан оқади. Ўрта қисмида пастроқ тоғлар орасидан ўтади. Бу ерда унга серсув Кобул дарёси қўшилади. Сулаймон тоғларидан чиқиндан кейин дарё Ҳинд — Ганг текислигида оқади.

Энг катта ирмоғи — Панжнад дарёси қўшилгандан сўнг Ҳиндистонда ўзининг кенлиги 1 — 2 км га, тошқинларда 5 — 7 км (баъзи жойларда 20 — 22 км)га етади. Қуйи оқимида Тар чўлидан ўтади ва дельта ҳосил қилиб, Арабистон денгизига қуйилади.

Ҳиндистон тоғларида, асосан, қор ва музликлардан, қолган қисмида муссон ёмғирларидан тўйинади. Баҳор ва ёз (март — сентябрь)да тўлиб оқади. Ўртача сув сарфи Ҳайдаробод шаҳрида 3850 м³/сек. кўрғоқчил даврларда Ҳиндистонда, баъзан, қуйи оқимида қуриб қолади ва Арабистон денгизига етмасдан тугайди. Дарё ҳар йили 450 млн. Тонна оқизиқ келтиради. Ҳиндистон ҳавзасида 11 млн.га ер суғорилади (асосан, Панжобда ва дельтада), тўғонлар, ирригация иншоотлари қурилган, каналлар ўтказилган. Ҳиндистонда, одатда, қуйилишидан Дара-Исмоилхон шаҳригача кема қатнайди. Шаҳарлари: Суккур, Ҳайдаробод, дельтасида - Карачи (Покистон).

ҲИНДИСТОН ЯРИМОРОЛИ — Осиёнинг жанубий қисмидаги я. о. Майдони 2 млн. км². Фарбда Арабистон денгизи, шарқда Бенгалия қўлтиғи билан чегарадош. Шимолий чегараси шартли равишда Ҳинд ва Ганг дельталари оралиғидан ўтказилган. Ҳиндистон яриморалида Ҳиндистоннинг ярмидан кўп территорияси Покистон ва Бангладешнинг бир қисми жойлашган.

Ер юзаси фарбида энсиз аллювиал пасттекислик, шарқда ўрқир текислик. Катта майдонда Декан ясси тоғлиги ястанган. Энг баланд жойи Анаймуди тоғи — 2698 м. Замини Ҳинд платформасининг қадимги токембрий жинсларидан таркиб топган (қ. Ҳиндистон). Бўр охири — палеогеннинг бошларида, ҳозирги Декан ясси тоғлиги; худуди ер остидан кўплаб оқиб чиққан базальт билан қопланган; айни вақтда, платформанинг чеккалари - Арабистон денгизи ва Бенгалия қўлтиғи соҳиллари чўккан. Қазилма бойликлар кўп: темир ва марганец рудалари, олтин, рангли металлар, графит, нодир элементлар, кўмир, нефть, олмос ва б.

Иқлими субэкваториал муссон иқлим. Ўртача ҳарорат январда 21 — 29°, майда 40° гача, йиллик ёғин 700 — 3000 мм. Ёғиннинг 90%и ёзги муссон даври (май — окт.) да ёғади. Дарёлари ёмғирдан тўйинади, муссон режимли, ёз-қузда тўлиб оқади, тез-тез тошади, сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Годавари, Кришна каби дарёларида кемалар қатнайди. Тупроқлари қизил, базальт устида тропик қора тупроқлар. Фарбий Гат тоеларининг денгиз томондаги ёнбағирларида доим яшил нам тропик ўрмонлар, марказий қисмида саванна ўрмонлари ва саванналар, шунингдек, барг тўқувчи муссон ўрмонлари, дельталарда мангр ўрмонлари тарқалган. Жуда катта территорияни инсон таъсирида ҳосил қилинган маданий ландшафтлар - экин майдонлари, пальмазорлар ва мевали дарахлар эгаллаган. Ҳайвонот дунёси кўплаб қириб юборилган; баъзи жойларда Ҳиндистон фили, арслон, ёввойи ҳўкиз, йўлбарс, қоплон, маймунлар, судралувчилар ва қушлар сақланган,

ҲИНДИХИТОЙ — Осиёнинг жануби-шарқий қисмидаги ярим орол. Ганг ва Брахмапутра дельталаридан Хонгха дарёси дельтасига ўтказилган шартли фаразий тўғри чизиқ Ҳиндистоннинг шимолий чегараси деб қабул қилинган. Майдони 2 млн. км².

Ҳиндистон худуди шимолдан жанубга чўзилган учта йирик тоғ тизмаси — Аракан тоғлари (Ракхайп), Тенассерим (Танинтайи) ва Аннам тоғлари (Чионгшон), кенг пасттекисликлар ва текисликлар (Иравади текислиги, Менам паст-текислиги, Кампучия текислиги), плато (Корат) ва тоғликлар (Шан тоғлиги) билан бўлинган. Энг баланд жойи Виктория тоғи — 3053 м. Карст ҳодисаси кенг тарқалган. Баъзи тизмаларни чуқур эрозион-тектоник водийлар бўлиб-бўлиб юборган. Пасттекисликлар, асосан, аллювиал ва қўл ётқизикларидан тузилган. Тупроғи кўп қисмида палеозой ва мезозойда, Марказий ва Фарбий Бирма территорияси кайнозойда бурмаланган. Кайнозой бурмаланиши вилоятида йирик нефть конлари бор. Қуйи палеозой ва мезозой ётқизикларидан дунёда энг катта қалай, вольфрам конлари, шунингдек, кўрғошин, рух, никель, боксит, темир рудаси, кўмир, олтин конлари топилган.

Иқлими, асосан, субэкваториал, 10° ж. к. дан жанубда экваториал иқлим. Ўртача ҳарорат пасттекисликларда январда 20 — 26°, апрелда 30°; 31°, июлда 27°; 29°; тоғларда январда 15°, июлда 24, 25°. Шимолидаги тоғ тепаларида қор ёғади. Йиллик ёғин (асосан, ёзги, муссонлар келтиради) фарбида 2500 — 5000 мм, ички районларида 1300-2200 мм, баъзи жойларда 1000 мм, шарқда 2000 мм. Дарёлари серсув, ёзда тўлиб оқади. Энг йириклари — Меконг, Салуни, Иравади дарёлари Тибет тоғларидан бошланади, қор-ёмғирдан тўйинади, қуйилишида дельта ҳосил қилган. Кўллар кўп, лекин майда, асосан, тектоник ёки қолдиқ кўллар.

Ҳиндистоннинг сернам ҳарбий тоғли районларида доим яшил тропик ўрмонлар (пальма, фўкус, бамбук, дарахсимон папоротниклар), денгиз соҳиллари ва дарё дельталарида мангр ўрмонлари, ички районларининг тоғларида барг тўқувчи тропик ўрмонлар ва доим яшил дағал баргли ўрмонлар, шимолида 700 — 800 м баландликда субтропик ва бореал турлар (доим яшил дуб, каштан, қарағай ва б.). Тупроқлари латерит, ўрмон қизил-қўнғир, қизил ва саванна қизил-қўнғир тупроқлар. Ҳайвонот дунёси хилма-хил, кўпроқ ўрмон ҳайвонлари: маймун, чаламаймунлар, Ҳиндистон фили, йўлбарс, каркидон, қоплон, Ҳимолай айиғи, тўнғиз, жайра; қушлардан жаннат қуши; тўти, товус, тустовуқ, дарё дельталарида қўтон, лайлак, қизил роз ва бошқалар бор.

ҲИНДИЛАР, ҳиндилар - миллати, дини, ирқий ва табақавий тафовутларидан қатъи назар, Ҳиндистоннинг барча аҳолиси, шунингдек, бошқа мамлакатларда яшовчи ҳиндистонликларни англатувчи термин. Ҳиндуизм динига эътиқод қилувчиларни "ҳиндулар" деб аташ мумкин. Ҳиндистоннинг бутун аҳолисига нисбатан бу номни қўллаш илмий ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки Ҳиндистон аҳолисининг бир қисми "ислом", буддизм ва бошқа динларга эътиқод қилади.

ҲИНД-МАЛАЙЯ ВИЛОЯТИ, Шарқий худуди - қуруқликдаги зоогеографик вилоятдир. Осиёнинг жанубий қисмини ва Осиё билан Австралия ўртасидаги ороллarning ярмидан кўпини ўз ичига олади. Ҳинд-малайяда вилояти учун катта худудни эгаллаб ётган тропик ўрмонлар характерлидир. Шимолда анча жойни тоғлар, қисман чўл ва маданий саванна ландшафтлари эгаллаган.

Фаунасининг асосий типини ўрмон фаунаси, Ҳинд-малайя кўпроқ дарахтларда ўрмалаб юрвчи ҳайвонлар ташкил этади. Худуд фаунаси энг қадимги фауналардан, унда миоцен даври вакиллари (фил, каркидон, тапир ва б.) сақланиб қолган. Ҳайвон турлари ва уруғлари кўп, аммо эндемиклар кам. Жумладан, сут эмизувчиларнинг 4 та оиласи — узуноёқлар, жунқанотлар, туپайялар ва гиббонлар эпдемикдир. Ўзига хос ҳашаротхўрлар, хусусан, типратиканлар, кўршапалақлар, ўсимликхўрлар (учар итлар); йиртқичлардан - мушуклар, виверралар, айиқлар; туёқлилардан - тапир, каркидон (3 тури), буғу, ҳўкизлар (пакана буйвол, гаур, бантенг ва б.), антилопаларнинг бир неча тури (нильгау, тўртшоҳли, бурамашоҳли антилопалар), фил, жуда кўп кемирувчилар (тийин, учар тийинлар), маймунларнинг эндемик турлари (орангутан), баъзи дарёларда дельфинлар бор.

Қушларнинг тури кўп (питгалар, бақаоғизлилар ва б.). Лекин фақат кокилдор жарқалдирғочлар ва шохтумшукларнинг бир қанча тури эндемикка холос. Судралувчилардан — гекконлар, эчкемар, агамалар, илонлар, тошбақалар, тимсоҳлар; сувда ва қуруқда яшовчилардан — бақалар, жумладан, учар бақалар, қисман бақақуриллоқлар; балиқлардан — карпсимонлар, лаққа балиқлар, катта дарёларда акулалар бор.

Ҳинд-малайя вилояти фаунаси кўпроқ Эфиопия вилояти фаунасига ўхшайди. Каркидон, фил, одамсимон маймунлар, калтакесаклар, ҳўкизлар, товус, эчкемар ва бошқалар ҳар иккала вилоятда учрайди. Сулавеси оролида Австралия вилояти фаунасига хос ҳайвонлар ҳам яшайди. Ҳинд-малайя вилоятини Ҳинд-Ҳиндихитой вилоятчаси ва Малай вилоятчасига бўлишади. Ҳинд-Малайя вилояти территориясида қадимий маданият мамлакатлари

жойлашган; уларда баъзи қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, жумладан, буйвол, гаур, бантенг, чўчқа, товук, товус, ҳинд ариси хонакилаштирилган.

ҲИНДУКУШ (форс-тож. ҳиндукуш - ҳинд тоғи) — Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистондаги тоғ тизмаси. Узунлиги 800 км, эни 50-350 км. Энг баланд жойи Тиричмир тоғи — 7690 м (Покистонда). Асосий тизмалари — Бобо, Пағмон ва Ҳиндистоннинг ўзи. Ҳиндистон Альп бурмаланиши вилоятида жойлашган. Замини токомбрий, палеозой ва мезокайнозой жинслари (гнейслар, кристалли сланецлар, мрамар, кварцит, оҳактош, кумтош ва б.) дан таркиб топган. Лекин Ҳиндистоннинг ҳозирги структурасини ҳосил қилган асосий тектоник ҳаракатлар неоген-антропогенда содир бўлган; сейсмик ҳаракатлар фаол вилоят. Тошқўмир, темир рудаси, иолиметалл рудалар, бериллий, олтин, ложувард, олтингург, графит ва бошқа конлар бор.

Ҳиндистоннинг иқлими ва ландшафтлари вертикал минтақалар бўйича ўзгариб боради. Шимолий ва шимоли-ғарбий ёнбағирлари ғарбдан эсадиган шамоллар таъсирида. Йиллик ёғин 400 — 800 мм, жанубий ва жануби-ғарбий ён бағирларида 300 мм, шарқдаги баъзи тоғ оралиқ сойликларида 50 мм. Дарёлари қор ва муздан тўйинади, баҳор — ёзда тўлиб оқади. Ҳиндистондан муҳим иқлим ва ландшафт чегараси — Турон — Ҳиндистон сувайирғичи ўтади. Ҳиндистоннинг ландшафтлари шимолий ва жанубий ёнбағирларида бир-биридан кескин фарқ қилади. Пастдан юқорига шимолий қисмида бўз тупроқларда кўп йиллик баланд ўтлар, шувок, pista, тоғ-жигар ранг ва қизил-жигарранг тупроқларида ксерофит буталар, арча, кам чиринди тоғ чўл бўз тупроқларида тоғ қуруқ дашт ёки чўл ўсимликлари ўсади. Бирмунча сернам жануби-шарқий ёнбағирларидаги субтропик жигарранг тупроқларда барг тўкувчи қуруқ ўрмонлар ва буталар, юқорида, 2500 м гача Ҳинд-Ҳимолай типидagi кенг баргли ўрмонлар (доим яшил дуб ва б.), 2500 — 3300 м да игна баргли (қарағай, оқ қарағай, кедр) ва аралаш ўрмонлар, 3300 — 3700 м ва ундан баландда субальп ва альп ўтлоқлари тарқалган. Ҳайвонлардан — илвирс, тоғ бўриси, қоплон, тоғ эчкиси, кўк кўй; қушлардан — кумой, тибет улари, тоғ гоз; Ҳинд-Ҳимолай турларидан Ҳимолай айиғи, силовсин, сувсар, тўнғиз ва бошқалар бор.

ҲИНД — ҒАРБИЙ ТИНЧ ОКЕАНЛАР ХУДУДИ — Дунё океанининг энг катта зоогеографик вилояти; материк саъзлигининг сув туби фаунасини, Ҳинд океани тропик зонасидаги ороллarning соҳилларини ва Тинч океанининг ғарбий қисмларини ўз ичига олади. Тропик дунёсининг вилоятларидан бири. Худуд шарқда Африка

ва Қизил денгизнинг шарқий соҳилидан то Микронезия, Меланезия, Полинезия ва Индонезиянинг энг чекка ороллариғача, шимолда Корея, Жанубий Япония ва Гавайи ороллари соҳиллариғача, жанубда Африканинг жанубий чеккаси, Австралиянинг ғарбий ва шарқий соҳиллариғача бўлган худудлари ёйилган. Ҳиндистондаги шароит ҳайвонларнинг яшаши учун қулай; суви доим илиқ ($24 - 28^{\circ}$), кеча ва кундуз тенг (12 соатдан), бир йилда иккита мавсум - қишки куруқ ва ёзги ёмғирли мавсум бўлади, қўлтиқлар, бўғозлар ва ороллар кўп ва ҳ. к. Шу сабабли фаунасида турлар ва эндемик оилалар сероп.

Умуртқасизлардан олтинурли маржонлар, пармаловчи булутлар, ҳар хил куртлар, мўйловоёқли қисқичбақасимонлар; умуртқалилардан маржон тўти-балиқчалар, кемирувчи маржонлар; мангр ўрмонлари сувларида устрицалар, краблар, сакровчи балиқлар ва бошқалар. бор. Бу ерда иқлим қадим замонлардан буён деярли ўзгармаганлигидан мезозойда, ҳатто палеозойда яшаган ва аллақачон қирилиб битган группаларнинг тирик вакиллари сақланиб қолган. Қиличдумлиларнинг 3 тури, тўрт жабрали бош оёқли моллюскалар, саккизоёқлиларнинг бир неча тури, елкаоёқли оилалар, оддий моллюскалар, мўйловоёқли қисқичбақалар, игнатанлиларнинг Юра даврида яшаган уруғларидан баъзи турлари, умуртқалилардан латимерия кабилар шулар жумласидан.

ҲИНД – ҲИНДИХИТОЙ ВИЛОЯТЧАСИ, худуди индхудудчаси – куруқликдаги зоогеографик худудча. Ҳинд-Малайя зоогеографик худудиди; унинг материк қисмини (Малакка я. о. нинг жанубий қисмидан ташқари) ҳамда Шри-Ланка, Хайнань, Тайван ва Рюкю ороллари ўз ичига олади. Ҳиндистон я. о. фаунаси билан вилоятчанинг бошқа қисмлари фаунаси орасида фарқ борлигидан, Ҳинд-Ҳиндихитой вилоятчасини, одатда, алоҳида икки та вилоятчага бўладилар.

Ҳинд-Ҳиндихитой вилоятчасида типратикан, лори лемур, маймунлар, айиқлар (бамбук айиғи ва б.), панда; жуфт туёқлилардан – буғулар (самбар, аксис, ботқоқ буғуси, мунтажки ва б.), антилопалар (нирғау, бурамашохли, гарна ва б.), буйвол, гаур ва кулранг ҳўкиз, фил, каркидон, мушуксимонлар (йўлбарс, қоллон ва ҳ.к.) ва виверралар, кемирувчилар (олмахон, палма тийини, учар тийин, жайра, каламуш) бор. Дарё дельфинлари эндемик. Кушлардан Ҳинд-Ҳиндихитой вилоятчаси учун кенгоғизлилар, ёввойи товуқлар, тустовуқсимонлар, товус, каркидонқуш, булбул ва бош-қалар. харақтерлидир. Судралувчилардан илонлар (кўзойнакли илон), йирикбошли тошбақалар ва тимсоҳларнинг эндемик турлари бор.

Худудининг шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбидаги чегаралари унча аниқ эмас. Бу ерда ҳайвонлар Палеарктика фаунаси билан араллашиб кетган; Ҳинд-Ҳиндихитой вилоятчаси учун ёт бўлган кўрсичқон, қумсичқон, қулон каби ҳайвонлар учрайди. Шимолда Ҳимолаининг баланс қисмларида эса тибет фаунаси, яоми голарктика фаунаси тарқалган.

ҲИНД-ГАНГ ТЕКИСЛИГИ – Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш худудларидаги аллювиал текислик. Ҳимолай тоғлари ва Декан ясси тоғлиги оралиғида. Узунлиги 3000 км, эни 250 – 300 км. Ҳиндистон худуди – Ҳимолай тоғларининг нураган жинслари билан тўлган, альп бурмаланишида ҳосил бўлган тоғолди букилмаси; усти қадимги ва ҳозирги аллювий билан қопланган. Ер юзаси, асосан, Ҳинд ва Ганг дарёлари дельталарига томон қия текислик.

Иқлими шарқий қисмида субэкваториал муссон, ғарбида тропик иқлим. Ўртача худуд июлда $30 - 36^{\circ}$, январда 20° , баъзан 0° гача тушади. Йиллик ёғин 100 – 150 мм дан 1500 мм гача. Дарёлар кўп, серсув: Панжнад, Желам, Чиноб, Сатлаж, Жамна, Гомати, Брахмапутра ва б.; ёзда муссонлар ва тоғ қорларининг эришидан сув кўпайиб, ҳалокатли тошқинлар юзага келади. Тупроқлари ҳар хил аллювиал тупроқлар. Ландшафти иқлимнинг Шарқдан Ғарбга қурғоқчиллашиши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Ганг ва Брахмапутра дельтаси қалин мангр ва доим яшил ўрмонлар, марказий қисми барг тўқувчи ўрмонлар ва саванналар, ғарби шўрхоқлар ва қумли чўллардан иборат. Ҳиндистон худуди энг қадимги маданият марказларидан ҳисобланади. Экинзорлар (шоли, буғдой, тарик, маккажўхори, пахта ва б.) ва мевали боғлар кўп. Текисликни 2 табиий район – қурғоқчил Ҳинд водийси ва сернам Ганг текислигига ажратишади.

Ҳиндистоннинг иқлими субэкваториал, муссонли, шимолида тропик иқлим. Йил давомида учта мавсум кузатилади: июнь – октябр ойларида иссиқ ва нам, ноябрь-феврал ойларида куруқ, салқин, март – май ойларида жуда иссиқ ва куруқ бўлади. Нам мавсумда йиллик ёғиннинг 80% ёғади. Йиллик ёғин Ғарбий Гат ва Ҳимолай тоғларининг шамолга рўпара ён бағирларида 5000 – 6000 мм, Шилонг тоғида 12000 мм (Ер юзида энг серёғин жой), Ҳинд-Ганг текислигида 100мм, Ҳиндистон Ярим орол марказий қисмида 300 – 500 мм. Январнинг ўртача ҳарорати текисликларда 150 (шимолида), 270 (жанубида), май ойиники ҳамма жойида 28 – 350, айрим вақтларда -1, -80, июлда 23 – 180. Ҳиндистонда 40 минг км² майдон абалдий қор ва музликлар билан банд. Тор чизигининг ўртача баландлиги ғарбида 5300 м, шарқида 4500 м.

Тупроқлари. Ҳиндистон худудларининг кўп қисмида қизил, Декан ясси тоғлигида қора, Ҳинд-Ганг тексиллиги ва денгиз бўйича пасттексисликларида бўз, жигарранг ва ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Дарё дельталари ва денгиз соҳилидаги айрим жойларнинг тупроғи ботқоқли тупроқ. Ҳимолай тоғлари ёнбағрида тўқ жигарранг, сариқтоғ, қўнғир-ўрмон, подзол, тоғ-ўтлоқ тупроқлари пастдан юқориға алмашилиб боради. Тупроқлари ҳамма жойда камунум.

Ўсимликлари. Ҳиндистон Яриморали ва Ҳинд-Ганг тексиллиги асосан акация, сутлама, пальма, банрянли саванна ҳамда муссонли бузтазорлар ва тик сандал, бамбук каби дарахтли ўрмонлардан иборат.

Ҳайвонот олами Ҳиндистон — Малайя дунёсига мансуб.

ҲИНДИСТОН АҲОЛИСИ. Ҳиндистон жаҳон мамлакатлари орасида энг қадимги, энг кўп миллатли, ҳар хил диний эътиқоддаги ўзига ҳос маданиялашган (цивилизациялашган) мамлакатдир. 1^а аданий ва археологик маълумотларга кўра 5 — 6 минг йиллик ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи давомида алоҳида ўзига хос хусусиятдаги аҳоли тоифалари, гуруҳлари тизими мавжудлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги Ҳиндистонда бир миллиард 200 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. (Индия — 2008 г.) Ҳиндистон аҳолисининг таркибида каста (қавм, авлар, жати, тоифа, табақа маъноларида) жамиятда муҳим ўринни эгаллайди. Каста муайян анъанавий касб билан шугулланадиган, ўзга хос аҳоли гуруҳлари ва тоифалари билан алоқа қилиши чекланган, наслдан-наслга эндогам бўлиб келган кишилар гуруҳидир. Аслида, кастага бўлинишнинг у ёки бу шаклдаги кўринишлари кўпчилик қадимги ва Ўрта аср давлатлари (Қадимги Мир, Қадимги Эрондаги имтиёзли коҳинлар, Япониядаги Самурайлар табақаси, қадимги Ўзбекистондаги тўралар, хўжалар, эшонлар кабилар)нинг ижтимоий тизимида мавжуд бўлган. Аммо, Ҳиндистонда каста уюшмаси ижтимоий тизимга айланган. Бу ерда каста қадимги ва Ўрта аср жамоасида, дастлаб, тўрт табақа—варна шаклида пайдо бўлди. Каста тизими Ҳиндуизмнинг асосий элементидир.

Ҳиндуизм каста уюшмасининг ҳар томонлама ривожланишига шарт-шароит яратиб берди. Каста пайдо бўлишида ижтимоий меҳнат тақсимооти муҳим роль ўйнайди. Касталар кўпайган сари, уларнинг сони ошди. Ўрта асрларда бутун ҳинд жамияти бир неча юз кастага ажралди ва ўз навбатида, синфий табақа тизimini вужудга келтирди. Каста тизимининг энг юқори поғонасини руҳоний ва зодагон феодаллар, ундан пастки поғонани ҳарбий, деҳқон, савдогар,

судхўрлар, кейинги погонани ҳунармандлар (масалан, тўқувчи, кулол, темирчи, дурадгор каби) ташкил қилган. Юқоридаги кўрсатилган ҳамма касталар тўла ҳуқуқли жамоа аъзоларидир. Каста табақа тизимининг энг пастки поғонасида ярим кул жамоа қуллари (ёлланма деҳқонлар, шунингдек, фаррош, тунги қоровуллар, жун ошловчи, кир ювувчи ва ҳ.к) бўлиб, улар дин нуқтаи назаридан "нопок" ҳисобланган. Уларни ачхудлар ("ҳазар қилинганлар") деб аташган. Улар юқори табақа кишиларини "мурдор қилмаслиги" учун алоҳида, четроқ жойларда яшаган. Умумий қудуқдан, йўлдан фойдаланиш, бутхоналарга бориш ҳам ман этилган. Ҳар бир каста муайян худудда (қишлоқ ёки бир нечта қишлоқда, шаҳар маҳалласида, бутун бир шаҳарда) яшайди. Ҳар бир кастанинг ўз кенгаши — панҷаяти бўлиб, улар каста аъзоларининг иқтисодий-ижтимоий ва жамоадаги иштирокини ҳамда каста расм-русумларининг бажарилишини назорат қилиб туради. Одил судлов ишларини олиб боради.

Ҳозирги даврда каста ҳинд жамиятидаги синфларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, ҳинд буржуазиясининг асосий қисми савдогар-судхўр кастасидан, қишлоқ жамоси бошлиқлари эса юқори ҳарбий-деҳқон кастасидан таркиб топган. Кастачилик реакцион (зиддиятли) тизим бўлгани учун инглиз мустамлакачилар уни сақлаб қолишга уриндилар ва улардан миллий озодлик курашини олиб боришда фойдаландилар. М.К.Ганди кастанинг дискриминациясига (камситилишига) қарши бўлди ва озодлик ҳаракатида каста ва диний жамоалар бирлиги учун кураш олиб борди. Ҳиндистон Республикаси Конституцияси (1950 й.) кастани тенг ҳуқуқли деб эълон қилди. Уларни таҳқиқлашни тақиқлади (1955 й) "Ҳазар қилинганлар"нинг аҳолини яхшилаш мақсадида махсус тадбир ишлаб чиқди ва амалга оширди. Ҳиндистондаги барча прогрессив ташкилотлар, шунингдек, Ҳиндистон миллий конгресси партияси кастачилик тизимига қарши изчил кураш олиб бормоқда.

Ҳиндистон дунёда энг кўп миллатли давлатлардан бири. Ҳиндистонда турли тилларда сўзлашувчи ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида турган бир неча юз миллат, элат ва қабила-лар яшайди. Аҳолисининг 72% ҳинд-европа тил оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳида сўзлашувчи халқлар — ҳиндлар (ҳиндистонийлар), маратхалар, бенгаллар, бихарлар, гужаротлар, ориялар, ражастхонийлар, панжобилар, ассомлар ва б. ни ташкил этган. Кашмирлар дари тил гуруҳига мансуб. Жанубий Ҳиндистонда асосан дравид тил оиласида (жами аҳолисининг 24,6%), шимоли ва шимоли-шарқда тибет-бирма тилларида сўзлашувчи халқлар яшайди.

ҲИНД ТИЛИ – Ҳиндистоннинг давлат тили; асосий адабий тиллардан бири. Асосан, Шимолий Ҳиндистоннинг марказий вилоятлари (Уттар – Прадеш, Мадхья – Прадеш, Харьяна штатлари, иттифоқчи ҳудудлари – Деҳли, қисман Ражастхон, Химачал – Прадеш, Бихар штатлари)да кенг тарқалган. 275 млн. дан ортиқ киши шу тилда гаплашади (2007 й). Ҳинд-Европа тилларининг ҳинд-ория тармоғига мансуб. Адабий ва иккита қардош диалектлар гуруҳига бўлинади. ғарбий диалектлари: кхари боли, бангару (ёки хариани), браж, канаужи, бундели. Шарқий диалектлар: авадҳи, багхели, чхаттисгарҳи. 15-аср охири – 19-аср бошларида шаклланган адабий Ҳиндистон тили юари боли диалектикага таянади. Фонетик жиҳатлари барча янги ҳинд тиллари учун умумий. Унлилар – қисқа ва чўзик, "соф" ва бурун, дифтонг. Ундошлар – оддий, жарангли ва жарангсиз, тилорқа, тилўрта ва тилолди, лабланган ва ҳ.к. Морфологик қурилиши жиҳатидан флектив. Одатдаги сўз таркиби: ҳол, эга, тўлдирувчи, кесим, аниқловчи аниқланмишдан олдин келади. Лексикасида санскрит сўзлари кўп. Ҳиндистонда деванагари ёзувидан фойдаланилади.

Давлат тили – ҳинд тили; инглиз тили вақтинча иккинчи давлат тили. Ҳар бир штатда ўзининг расмий тили мавжуд. Аҳолисининг 83% ҳиндуизм, 11% ислом, 2,4 % христиан, 1,7 % буддизм динига, қолганлари бошқа динларга эътиқод қилади. Кам сонли зардуштийлар ва иудалистлар ҳам бор. Аҳолининг табиий ўсиш суръати юқори (1961 – 71-йилларда 24,7%, 2007 йилда 1,8 фоиз кишига кўпайган). Ҳиндистонда туғилишни чеклаш хусусида давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Иш билан банд аҳолининг 3/4 қисми қишлоқ хўжалигида ишлайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км². га 220 киши. Ҳинд-Ганг текислиги ва жанубий соҳилида аҳоли зич. Шаҳар аҳолисининг салмоғи 30% (2007). Энг йирик шаҳарлари: Калькутта (шаҳар атрофи билан 15 млн. дан зиёд киши,) (2008 й), Мумбай (Бомбей) (12 млн.), Деҳли (11 млн.), Мадрас, Ҳайдаробод, Аҳмадобод, Бенгалуру, Канпур, Пуна.

ҲИНД-ЭРОН ТИЛЛАРИ – ҳинд-европа тиллари оиласининг алоҳида тармоғи. Бу тармоққа ҳинд, эрон ва дари каби 150 га яқин жонли ва 20 га яқин ўлик тиллар киради. Ҳозирги Ҳиндистонда эрон тили Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Непал, Ироқ, Афғонистон Республикаси, Туркия, Тожикистон, Кавказ ва бошқа жойларда тарқалган.

Ҳиндистоннинг қадимги вакиллари бўлган орийларнинг асл ватани ҳақида икки хил фикр мавжуд. Биринчи фикрга кўра, орийлар ватани Ўрта Осиё бўлиб, уларнинг бир қисми бу ердан Ҳиндикуш

тоғлари орқали Ҳиндистонга, иккинчи бир қисми Эронга бориб ўтrockлашган. Иккинчи тахмин бўйича, орийларнинг асл ватани ҳозирги Россиянинг жанубий қисмидаги ҳудудлар, улар Кавказ орқали Эронга бориб қолганлар. Олимлар орий қабилаларининг икки қисмга (ҳинд ва эрон шохобчаларига) ажралиши мил. ав. икки мингинчи йилларнинг бошларида юз берган, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги Ҳиндистон ва Эрон тиллари учун флектив турланиш ҳамда тусланишнинг йўқолиб бориши, турланиш ва тусланиш учун аналитик формалар қўлланиши, эргатив қурилишининг тараққий этганлиги, гапда сўзлар тартибининг, асосан барқарор эканлиги характерлидир.

ҲИНДИСТОНИЙ - халқ сўзлашув тили; Ўрта асрларда қхари боли диалекти асосида юзага келган (Деҳли, Агра, Маратҳа районлари). Шимолий ҳамда қисман Марказий ва Жанубий Ҳиндистонда миллатлараро алоқа тили сифатида ривожланган. 400 млн. дан ортиқ киши шу тилда гаплашади (2007). Жанубий Ҳиндистонда Ҳиндистон "дакҳни тили" ёки "жанубий ҳиндистоний" номи билан шаклланган. Ҳиндистон урду ва ҳинди ёки адабий ҳинд ёзма-адабий тилларига асос бўлган.

Фонетик ва грамматик қурилиши ҳинди ва урду тиллари билан умумий. Луғат таркиби урду тилидан ўзлаштирилган эроний ва араб сўзларининг камлиги, ҳинди тилидан ўзлаштирилган санскритча сўзларнинг йўқлиги билан фарқланади; асосан, азалий ўз сўзлари (асли ҳинди ёки "тадбхава"), шунингдек, қадимда ўзлаштирилган эроний сўзлардан ташкил топган. Баъзан Ҳиндистон деганда урду тили, гоҳо урду ва ҳинди тилларининг махсус халқ сўзлашув услуби тушунилади.

ҲИНД-ЕВРОПА ТИЛЛАРИ – Евросиёдаги йирик тил оилаларидан бири. Ҳинд - Европа тилларининг доираси, асосан қиёсий-тарихий тилшуносликнинг таркиб топиши ва ривожланишининг илк даври (19-асрнинг биринчи чораги)да аниқланди.

Ҳинд-Европа тилларига қуйидаги тил гуруҳлари киради:

1) Хетт-лувий ёки анатолий гуруҳи. Бунга несит, лувий, палай тиллари, иероглифик ёзуви хетт (мил. ав. 18-асрга оид – подшо Анигтас ёзувлари, диний маросим, мифологик, тарихий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа характердаги матнлар), ликий, лидий, карий ва Кичик Осиёдаги баъзи қадимги тиллар киради; 2) Ҳинд (ҳинд-ория) гуруҳи: веда санскрити; ўрта ҳинд тиллари (пали, пракрит, апабхранша); янги ҳинд тиллари (ҳинди, урду, бенгали, панжоби, синдҳи, гужароти, маратҳи, ассом, ория, непал, сингал, циган ва б.); 3) Эрон

гуруҳи: муқаддас "Авесто" китобининг тили — авеста, қадимги форс (ахамонийлар подшолигига оид миххатли ёзувлар) тиллари; ўрта Эрон тиллари (пахлавий, парфян, хоразмий, сак, бақтрия); янги Эрон тиллари (форс, пашту, балучи, курд, тожик, осетин, толиш, тат, парачи, ормури, мунжан ягноб); помир тиллари (шуғнон, рушан, бартанг, язғулом, ишкашим, вахон ва б.); 4) арман тили (мил. 5-асрга оид қадимги матнлар тилидан бошланади); 5) ўлик фригий тили (мил. ав. 6-ва мил. 1-4- асрларга оид айрим глоссалар, ёзувлар ва исм-номлар); 6) юнон гуруҳидаги ўлик тиллар — қадимги юнон тили (мил. ав. 10-аср ва мил. 5-аср), византия тили ва янги грек тили; 7) ўлик фракий тили. Айрим глоссалар, ёзувлар ва исм-номлар ҳолида етиб келган; 8) албан тили. Ёзма ёдгорликлар мил. 15-асрдан маълум; 9) ўлик иллирий тили. Исм-ном, сўзлар ва ёзувлар тарзида сақланиб қолган; 10) ўлик венет тили. Бизгача мил.ав. 5 — 1-асрларга оид ёзувлар кўринишида етиб келган; 11) италян тиллари гуруҳи. Унга оск, умбр, собел, фали, пелигн ва бошқа мил. ав 1-асрдаги италий шевалари киради; 12) роман тиллари гуруҳи: француз, провансал, италян, сардин, испан, аромун, ретороман, португал, румин, молдаван тиллари ва ўлик далматин тили; 13) кельт тиллари гуруҳи (ирланд, шотланд, мэнк, бретон, валлий ва корнуэл гуруҳчалари); 14) герман тиллари гуруҳи: дан (Дания), швед, норвег, исланд, фарер, инглиз, нидерланд, фриз, фламан, немис, идиш тиллари ҳамда гот ўлик шеvasи; 15) болтиқ тиллари гуруҳи: литва, латиш ва ўлик тилга айланган куриш, прус, ятвяж тиллари; 16) славян тиллари гуруҳи. Бу гуруҳ, ўз навбатида, шарқий (рус, украин ва белорус тиллари), ғарбий (чех, словак, поляк, кашуб тиллари ҳамда ўлик полаб тили) ва жанубий (болгар, македон, серб-хорват, словен каби) гуруҳчаларга бўлинади; 17) тохар тиллари гуруҳи: Синьцзянда тарқалган тохар (қорашар ва кучан) тиллари (мил. 6 — 7- асрларга оид матнлар).

Баъзи тилларнинг (мас, этруск тилининг) Ҳинд-Европа тилларига мансублиги ҳал қилинмаган. Юқоридагилардан маълумки, Ҳинд-Европа тилларининг бир қисми аллақачонлар исиз йўқолиб кетган. Ҳинд-Европа тиллари муайян тарихий даврларда қарийб бутун Европада, Олд Осиё, Кавказда, Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва бошқа жойларда тарқалган. Ҳинд-Европа тиллари диалектлари бўлиниш хусусиятлари жиҳатидан ҳинд, форс, болтиқ ва славян тилларига, қисман италий ва кельт тилларига яқин. Шунингдек, Болтиқ-славян тиллари ҳинд-форс тиллари билан кўпгина умумий хусусиятларга ҳам эга. Италий ва кельт тиллари эса кўп жиҳатдан герман, венет ва иллирий тилларига ўхшаш.

Ҳинд-Европа тилларини Урал, Олтой, дравидий, картвел, сом-хон тиллари билан қиёсий-тарихий ўрганиш бу тиллар ўртасида қадимдан боғланиш, хусусан, лексик алоқа мавжудлигини кўрсатди. Кейинги текширишларда, хусусан, рус олимлари В.М. Иллич-Свитич ва А.Б. Долгополярскийнинг ишларида тилларнинг бу оилалари қачонлардир ягона юксак "ностратик" оилани ташкил қилган, деган назария илгари сурилган.

ҲИНДИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

Ҳиндистоннинг жанубида тош даврига оид горлардаги расмлар, қиздирилган лойдан тайёрланган буюмлар, заргарлик безаклари сақланади. Мохенждаро, Хараппа ва Ҳинд дарёси ҳавзаларининг марказларида эрамиздан аввалги 3 — 2 минг йилликларда илк синфий жамият санъати ривожланди (ҳайвон ва мифологик образлар тасвирланган бўртма муҳр-гуморлар, ҳайкалчалар ва бақалар мавжуд). Эрамиздан аввалги 4 — 2 асрларда тошдан ёдгорликлар тайёрланди (Дидарганжадан топилган маъбудалар ҳайкали, Сарнатхадан топилган "Шераги Каптель" каби), милодий 1 — 5 асрларда Кушон подшолиги даврида Гандхара бадий мактабига мансуб буддавий ҳайкаллар ясаш ривожланди. 5 — 7 асрларда деворий рассомлик гуллаб-яшнади (Ажангадаги гор ибодатхоналари), 10 — 12 асрларда бронза ҳайкалтарошлиги кенг тарқалди (рақс тушаётган Шива (Натаражан) ҳайкалчаси). 13-асрдан Деҳли султонлиги ва кейинчалик Бобурийлар давлати даврида амалий безак санъати ва китоб минатюраси тараққий этди. Ўрта асрларда Ҳиндистонда миниатюра санъати ривожланди. Дастлабки ҳинд миниатюра мактабларидан гужорат мактаби машҳур бўлган. 16-асрда миниатюра санъатининг бобурийлар мактаби вужудга келди.

Бу мактаб вакиллари тасвирнинг ҳаққоний бўлишига интилдилар; тарихий рисоаларга безаклар яратиш, портрет ва анималистик жанрлар кенг тарқалди. Мустамлакачилик даврида Ҳиндистон профессионал санъати деярли ривожланмади, халқ хунарамандчилиги (пилама тўқиш, каштачилик, тўқиш, фил суяги ва ёғоч ўймакорлиги, қадама нақш, тошга зарб қилиш ва бошқалар) тараққий этди. 19-аср охиридан замонавий расомлик вужудга келди (Р.Р.Варма). 20-аср бошларида "Бенгалия Ўйғониш даври"да кўп рассомлар миллий анъаналарни сақлаб қолдилар (рангтасвирчилар А.Тагор, Н.Бас, С.Укил; Хайкалтарош В.П Кармаркар ва бошқалар) Ҳиндистон тасвирий санъатида турли оқим ва мактаблар, жумладан,

модернистик, оқим ривожланган. Рассомлар Д.П. Чоудхури, Б.Н. Жижжа, С.Н. Банержи, Хайкалгарошлар К. Сен, Ч. Кар, П.Д. Группа, график Х. Дас ва бошқалар миллий санъат анъаналарида асарлар яратдилар. Ҳиндистонда амалий безак санъати ҳам ривожланган. Ҳиндистоннинг ҳозирги замон халқ амалий санъатида ҳунармандликнинг кўплаб қадимий турлари: тўқувчилик, кулолчилик, ёғоч, суяк ва тош ўймакорлиги санъати, металлдан ҳар хил буюмлар, чиннидан буюм ва ҳайкаллар ясаш; турли лак бўёқлар тайёрлаш ривожланмоқда.

Бобирийлар давлатининг ташкил топиши билан (1526 йил) Ҳиндистон санъати яна ҳам камол топди, Акбар шоҳ даврида шаҳар ва қалъа қурилиши авж олди. Сарой-қалъа ансамбллари қуриш энг юксак даражага кўтарилди.

Деҳли султонлигининг мустақамланиши билан (13-аср боши 14-аср ўрталари) Деҳлида Қутб Минор деб аталган минорали Қувват ул-Ислом масжиди (1193 йилда қуриш бошланган) ҳамда мустақам қалъа деворлари билан ўралгач, шаҳарлар (Сягри, Жаҳоппаноҳ, Туглақобод, Ферузобод; ҳаммаси 14-асрда, ҳозирги Деҳли ҳудудида) қурилди.

Бобирийлар давлатининг режаланиши билан Ҳиндистон санъати яна ҳам камол топди, Акбар шоҳ даврида шаҳар ва қалъа қурилиши санъатининг ажойиб намуналари яратилди (Агра; Ажмер, Оллоҳободдаги қалъалар, Фа-теънур-Секри шаҳар-қалъаси). Шоҳ Жаҳон ҳукмдорлиги даври (1627 – 58) да архитектурада безак ва ҳашамат ортди, қурилишда мрамар энг кўп ишлатиладиган материалга айланди. Мақбаралар қуришдаги анъанавий шакллар мукамал даражага кўтарилди (Аградаги Тож Маҳал).

Ўрта асрларда Ҳиндистонда миниатюра санъати ривожланди. Дастлабки ҳинд миниатюра мактабларидан гуҷарот мактаби машҳур бўлган (11 – 16-асрлар). 16-асрда миниатюра санъатининг бобирийлар мактаби вужудга келди. Бу мактаб вакиллари таъсирнинг ҳаққоний бўлишига интидилар; тарихий рисоаларга иллюстрациялар яратиш, портрет ва анималистик жанрлар кенг тарқалди.

Инглиз мустамлакачиларининг ҳукмронлиги даври (18-аср 1947) // да Ҳиндистонга Европа маданияти кириб келди, миллий маданият эса инқирозга юз тугди. Порт шаҳарлар (Калькутта, Мумбай, Мадрас) тез ўса бошлади. Янги қурилган шаҳарлар икки қисмга бўлинди – европаликлар учун мўлжалланган обод қисмида ҳар хил маъмурий бинолар, данғиллама уй-жойлар ва парклар, ҳиндлар учун мўлжалланган қисмида эса ишчиларнинг бетартиб қурилган кулба-

лари ва бошқалар ўрин олди. Янги Деҳли (1912 йилдан 30- йилларгача қурилган) – мустамлака давридаги шаҳар қурилишининг намунаси бўлди. 19-аср охири – 20-аср бошида А. Тагор ва санъатшунос Э. Б. Ҳавелл бошчилигида рассомликда "Бенгалия Уйғониш даври" деб аталган янги оқимга асос солинди. 1950- 60 йилларда Ҳиндистонда аниқ режа асосида қурилган 500 га яқин театр қад кўтарди. Эски шаҳарлар (Деҳли, Калькутта, Мумбай, Мадрас) ўсмоқда, йирик шаҳарлардаги тураржой ва жамоат бинолари эклектика руҳида қурилмоқда. Ҳозирги даврда Ҳиндистонда ўзига хос замонавий меъморчилик уйғунлашган тарзда қурилмоқда.

ҲИНД МУСИҚАСИ 4 минг йиллик тарихга эга бўлиб, дунёда энг қадимий ва ўзига хос шакллардан иборат. Унинг илдизлари халқ байрам ва диний маросимлари, Хараппа маданияти (айниқса, Моҳенҷодаро тараққиёт даври) билан бевосита боғлиқ. Ҳиндистоннинг қадимги ёзма ёдгорликлари ("Ведалар" – "Ригведа", "Самаведа" "Атҳарваведа" ва "Яжурведа"; мил. ав. 2 – 1 минг йилликлари) да диний мадҳиялар ўз аксини топган. Мусиқашунослар Ҳиндистонда мумтоз мусиқанинг юзага келишини бевосита "Самаведа" билан боғлашади. Унинг фалсафий-эстетик ва назарий мезонлари Бҳаратнинг санскрит тилида ёзилган "Натьяшастра" рисоласида асослаб берилган (тахм. мил. 3 – 4 асрлар), Матанганинг "Брихадеши" рисоласида (5 – 7-асрлар) ҳинд мумтоз мусиқаси ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Шарангадеванинг "Сангитаратнакар" 7 жилдли тўпламида (13-а.) ҳинд рагалари, уларнинг парда ва ритмик тузилиши, миллий мусиқа созлари каби масалалар ёритилган. Рамаматянинг "Сварамелакаланидхи" (16-а.) ҳамда ҳинд олимларининг бошқа рисоаларида мусиқий товушлар (тхатх) тизими коинот қуввати сифатида юзага келган товуш (нада)лар ҳамда олам тараққиёти маҳсули бўлмиш усуллар бирлашуви маъносида талқин этилади. Космологик тасаввурлар асосида Қуёш тизимининг 7 та сайёрасига нисбат берилган 7 та асосий парда, улар негизида 22 яримтондан кам бўлган интервал (шрутилар) тизими юзага келган.

13-асрдан бошлаб Шимолий Ҳиндистон мусиқа маданияти Марказий ва Ўрта Осиё халқларининг бадиий анъаналари, мусулмон санъати таъсирида ривожланиб борган. Бунинг натижасида ҳинд мумтоз мусиқада 2 асосий услуб қарор топди: шимолий. ("ҳиндустани") ва жанубий ("кварнатак"). Жанубий Ҳиндистон мусиқа услуби (кварнатак) асосан анъанавий хонандалик санъати билан ажралиб туради, унда рагалар негизда диний кўшиқчилик жанрлари: – киртан, пада (бастакорлар Пурандараса, 15 – 16 асрлар; Кшет

райн, 17 — а.), крити (мумтоз) ашуланинг асосий тури; Шьям Ша-стри, Муттусвами Дикшитар, Тьягаража ижодида равнақ топган, (18 — 19-асрлар) енгил мумтоз мусиқа жанрлари — тиллана (18 — а.), жадвалли (19-а.) ва бошқалар кенг ўрин олган.

Шимолӣ Ҳиндистон мумтоз мусиқасида энг муҳим лирик жанрлардан "дхрупад" (Свами Ҳаридас, Мийан Тансен, (16 — 17-асрлар), хонандаликда, сўнгра созандаликда ҳам ишқий ва ширин кайфиятни акс эттирувчи, виртуозли "хайал" (манбалардан унинг асосчиси Амир Хусрав Деҳлавий ҳисобланади) жанрлари кенг ўрин олган. Мумтоз мусиқа соҳасида "тхумри", "ғазал", "қавалли", сўфиёна "калам", шунингдек, "дадра", "таппа", "тараона"лар ҳам мавжуд.

Ҳинд мумтоз мусиқаси, мусиқий фольклор, рақс санъати шакллари асосида анъанавий мусиқий театр турлари-жатра, якшагана, тамаша ва бошқалар ташкил топган. Мумтоз рақс турларига бхарат натъям, катҳакали, катҳак, манипури, одисса ва бошқалар киради.

Ҳинд халқ мусиқа ижоди турларининг бойлиги ва ранг-баранглиги Ҳиндистонда турли миллат вакиллариининг истиқомат қилиши, улар кўп тилларда сўзлашуви билан белгиланади. Халқ мусиқа чолғуларидан урма дҳол, дҳолак, дамару, удуккаи, пуфлама, комбу, сингх, тиручиннам, карнай, муралли, моҳори, нагасар, торличертма эктара, дугара, тунтуне, жантар, торли, камоли камайча, банам, саринда ва бошқалар кенг ўрин олган. Профессинал мусиқа созларидан вина, сетор, сарод, тампура, саранги, най, бансури, сурнай, шаҳнай, нагасварам, фисгормония, покҳоваж, табла мриданга, гҳатам кабилар оммалашган.

Ҳиндистонда миллий ооздлик ҳаракати ва мустамлакачиликка қарши курашнинг кучайиши (19-асрнинг 1-ярми ва 20-асрнинг ўрталари) миллий мусиқа маданиятининг ривожланишида муҳим даврни бошлаб берди. Рабиндранат Тагорнинг ижоди ёрқин саҳифа бўлиб қолди. Фаол зиёлилар орасида миллий мусиқа меросини ўрганишга қизиқиш кучайди. Янги ўқув юртлари очилди, жамоа ташкилотлари ташкил этилди: Мадрас (ҳоз. Ченнай)да Мусиқа академияси (1928), Керала санъат маркази (1930), Халқ санъатини сақлаш Бенгалия жамияти (1932), Деҳлидаги Гандҳарва Маҳавидьялай мусиқа институти (1939) ва б. Вишну Нарайяна Бҳатқ-анде, Вишну Дигамбар Палускар, Чиннасвами Мудальяр, Суббарам Дикшитар каби мусиқашунос олимлар ҳинд мусиқа маданиятини ривожлантиришда ўз илмий асарлари билан катта ҳисса қўқдилар.

Ҳиндистон мустақилликни қўлга киритгач (1947), ҳинд мусиқасини ривожлантиришда янги давр бошланди. Театрлардан янги мусиқали спектакллар қўйилди (Шила Ватсинг "Қотган ер", Фулом

Ҳайдарнинг "Бўйсунмас Панжоб", С.Шанкарнинг "Поезд", Г.Д.Мадгулькарнинг "Рам ҳақида қисса" кабилар). Кино мусиқаси компози-торлик ижодини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб қолди, унда миллий ва Ғарбий Европа мактабларининг услубий омиллари уйғунлашган. Натижада композиторлар томонидан кино учун халққа манзур куй ва қўшиқлар яратилди. 1960 — 90 йилларда А.Вишвас, Ҳ.Кумар, С.Чоудхури, Р.Барман, Рави, Наушад, Хайём, Мадан Моҳан каби композиторлар киномусиқа жанрида ижод қилишган, ҳозирги кунда Шанкар ва Жейкишан, Лакшмикант Пьярелал, С.Д.Барман, Ану Малик каби композиторлар бу соҳада фаол ижод қилмоқдалар. Улар басталаган куй ва қўшиқларни Тальят Маҳмуд, Гита Датт, Шамшод Бегум, Манна Дей, Лата Мангешкор, Муҳаммад Рафи, Мукеш, Аша Бҳонсле, Уша Мангешқар, шунингдек, Кумар Сану, Алка, Ягник, Анурадҳа Паудвал, Сону Нигам, Удит Нарайян, Б.Субраманиам, Кавита Кришна Муртҳи, Ар Раҳмон Ҳарихаран, Аднан Сами ва бошқалар ижро этишган.

Мумтоз мусиқа ижрочилигида Рави Шанкар (сетор), Бисмиллоҳ Хон, Али Акбар Хон, Амжат Али (сардор), Ҳарипрасад Чаурасия (най), Пандит Рам Нарайян (саранги), Пандит С.Р.Вьяс ва Маликаржун Мансур (хонанда-рага), Суббулакшм, Кишори Амонкар, Сандхья мукержи (хонанда-рага), Мукеш Шарма (сарод), Иршад Хан (сетор ва сурбаҳор), Устад Зокир Ҳусейн ва Илмас Ҳусейн Хон (табла), Жагжит Сингх (хонанда-ғазал), Гулфам Аҳмад (сарод ва рабаб) ва бошқалар машҳур.

Ҳиндистонда мусиқа мактаблари ва коллежлари, университетларда мусиқа факультетлари мавжуд. Мусиқа санъати соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари, санъаткорларнинг ижрочилик фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, мусиқа санъатига оид конференция, форум фестивалларини ташкил этувчи идоралар фаолият кўрсатмоқда; булар орасида — Деҳли мусиқа, рақс ва драма академияси (Сангит Натак Академи), Мумбай ижрочилик санъати миллий маркази, Чаннай мусиқа академияси машҳур. Миллий мусиқа маданиятининг турли хил шакллари тарғиб этишда Умумҳиндистон радиоси вазифани бажармоқда. Ундан ташқари, Ҳиндистоннинг кўплаб телевиденияларида, штатларидаги радио ва телевидениялари ҳам хар хил тилларда ўзига хос хусусиятли мусиқалар доимо бериб борилади.

Мусиқаси. Ҳиндистон халқлари энг қадимий, ниҳоятда ўзига хос мусиқа маданиятига эга.

Импровизация ҳинд мусиқасига жуда хос нарса. Ҳар қандай мусиқа асари анъанавий усул-ритм йўллардан бири — рагалар асосида импровизация қилинади. Рага — ҳинд мусиқа эстетикасидаги асосий

тушунчалардан ҳар бири чуқур маънога, маълум бир бадиий образга эга. Мас, рага-васанта баҳорни ифода қилади, рага-камала нилуфарни билдирса, рага-ширингара севги туйғусини ифода этади ва ҳ. к.

12-аср охири — 13-аср бошларида Ҳиндистонда мусулмон феодал империяси ўрнатилгач, ҳинд мусиқа маданияти мусулмон Шарқ мусиқа меросининг бевосита таъсирида ривожланди.

20-аср бошларидан миллий озодлик ҳаракатининг таъсири остида ҳинд мусиқачилари орасида миллий фольклоршуносликка қизиқиш кучайди.

Ҳиндистон мустақилликка эришгач, мусиқа маданияти ривож учун янги имкониятлар вужудга келди. Мусиқа, рақс ва драма академияси (1953), Бутун Ҳиндистон радиосининг миллий оркестри (1952), Деҳли, Мумбай ва бошқа шаҳарлардаги радиомарказлар қошида хор жамоалари ташкил этилди. 1954 йилдан бери ҳинд кўшиқлари конференцияси ("Сангит самелян"), мусиқа ижодиётининг турли масалаларига бағишланган мунозара ва симпозиумлар ўтказилади.

Театри. Ҳиндистонда халқ театр томошалари жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Улар қабилаларнинг турли урф-одатлари, ўйин ва рақслари асосида вужудга келган.

Кўпчилик халқ театрлари томошаларининг асосини қадимги эпик поэмалар — "Рамаяна" ва "Маҳабхарата" дан олиб ўйналадиган сахналар ташкил қилади. Анъанавий театрларнинг энг ёрқин ва таъсирли воситаларидан бири рақснинг бҳарат-патрям, катҳакалий, катҳак, манипурий каби турларидир. Рақснинг шу турлари миллий жореографиянинг классик мактабини ташкил этади. Жанубий Ҳиндистондаги кўпчилик театрларнинг хореографик асосини бҳарат-натрям ва катҳакалий, Шимолий Ҳиндистондаги театрларни эса катҳак ва манипурий ташкил қилади.

Халқ томошаларининг Шимолий Ҳиндистонда энг тарқалган тури сюжетлари асосини эпик дostonларнинг қаҳрамонлари — Рама ва Кришна шахсидан олинган эпизодлар ташкил қиладиган рамийлала ва кришналийлардир. Театр санъатига доир қадимги рисолаларда ижтимоий зиддиятлар ва трагик ҳолатлар (халқ кўзғолонлари, қамал, подшо ҳокимиятини ағдариб ташлаш, қаҳрамоннинг ўлими ва ҳ. к.) ни сахнада кўрсатиш қатъий ман қилинган.

19-асрнинг 2-ярмида миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши, миллий онгнинг ўсиши Европа типдаги театрни вужудга келтириш, бенгал, ҳинд, маратҳа каби янги ҳинд тилларида драматургия яратишни тақозо қилди. Дастлабки труппалардан бирини Калькуттада 1795 йилдаёқ рус ҳиндшунос олими Г. С. Лебедев тузган эди. 1872 йилда эса бенгал драматурги Г. Гҳош Миллий театрга асос солди.

20-асрнинг 40-йилларида мамлакатда театр ҳаёти анча фаоллашди. Халқ театрлари ассоциацияси (1943) Ҳиндистоннинг бир қанча прог्रेसив театр жамоалари ва ташкилотларини бирлаштирди.

Ҳиндистон мустақилликка эришгач, миллий маданият, жумладан, театр санъати ривож топди. 1953 йилда мусиқа, рақс ва драма академиясининг очилиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳиндистоннинг энг машҳур театрлари Калькуттада ("Бахурупий", "Стар", "Рангмаҳал" ва б.). Шунингдек, Деҳли, Оллоҳобод, Мадрас, Мумбай, Банорас каби шаҳарларда ҳам доимий театрлар мавжуд. 60-йилларда мамлакатда 30 дан ошиқ профессионал театр жамоалари бор эди. 1959 йилда Деҳлида Музика, рақс ва драма академияси қошида Ҳиндистонда биринчи давлат театр мактаби очилди. 1971 йилда фақат Мумбайнинг ўзида 22 профессионал жамоа ишлади.

Кўғирчоқ театри ҳам театр томошаларининг энг қадимги турларидан биридир. Ҳозирги Ҳиндистонда кўғирчоқ театрининг куйидаги турлари энг машҳур — кўғирчоқ театр (Ражастҳон, Орисса штатлари), чодирхаёл (Андхра Прадеш, Керала, Орисса штатлари) ва қўлқоп кўғирчоқ театри (Орисса, Уттар-Прадеш штатлари) мавжуд.

Киноси. Ҳиндистонда биринчи фильм 1913 йилда ишланган ("Рожа Харшгандра", реж. Д. Г. Пхалке). Дастлабки овозли кино 1931 йилда экранга чиқди ("Алам Ара", реж. А. Ираний). 30-йилларда, миллий-озодлик ҳаракати авж олган даврда, илғор ижтимоий гоёлар илгари сурилган "Девдас" (1935, реж. П. С. Баруат), "Кўшнилар" (1939, реж. В. Шантарам) каби фильмлар яратилди. 1947 йилда Информация ва радиоэшиттириш вазирлиги қошида кинематография бўлими ташкил этилди. Халқ турмушини ҳаққоний акс эттирган дастлабки фильмлар пайдо бўлди ("Ер фарзандлари", 1946, реж. Х. А. Аббос; "Мазлумлар", 1949, реж. Н. Гҳош). 50-йилларда ҳозирги замоннинг муҳим ижтимоий масалаларига бағишланган "Икки бигҳа ер" (1953, реж. Б. Рой), "Дайди" (1951, реж. Р. Капур) каби фильмлар яратилди. Режиссёр С. Рейнинг "Йўлдаги кўшиқ" (1955), "Енгилмаганлар" (1957), "Апулнинг дунёси" (1959) дан иборат кинотрилогияси жаҳон кино санъатида ҳам муҳим воқеа бўлди.

Хужжатли фильмлар ҳам суратга олинди. 1960 йилда Пуна шаҳрида Кинематография институти очилди. 1964 йилда эса Миллий киноархив (Пуна ш.) ташкил қилинди. 1954 йилдан Мумбайда ҳар йили Бутун Ҳиндистон кино фестивали ўтказилади. Кино санъати масалалари ёритиладиган бир неча журналлар нашр қилинади. Ҳар йили ҳинд, бенгал, маратҳа ва бошқа тилларда 400 дан ортиқ фильм

суратга олинади. Ҳиндистонда 7 мингдан ортиқ кинотеатр бор (1978). Ҳиндистон кино санъати вакиллари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент кинофестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

ҲИНД АДАБИЁТИ — Ҳиндистондаги адабиётлардан бирининг ёзуви. Ҳинд тили ва унинг диалектлари миллоднинг биринчи минг йиллик охиридан ривожлана бошлаган. Дастлаб, диний-фалсафий мазмунда бўлган ва буддизм, жайнизм, шиванизм мазҳаблари ғояларини баён этган. 10 — 14 асрларда ҳинди диалектларида феодал даври этник қахрамонлик поэзияси тараққий этди. Сарой шоирлари ҳарбий жасоратларни ва ўз ҳомийларининг юришларини мадҳ этувчи поэмалар яратдилар (Чанд Бардай, "Притхвираж-расо", 12-аср 2-ярми; Нарпати Налрь, "Бисалрдеве-расо", тахм. 13-аср ва б.). 15 — 17- асрларда Шимолий Ҳиндистонда кенг тарқалган диний-реформаторлик ҳаракати ҳинд адабиётида жамиятдаги диний табақаланишга қарши кураш ва ижтимоий тенглик ғояларининг илгари сурилишини, адабиётнинг демократик мазмун билан бойишини тахмин этди, янги адабий-бадиий шакллари юзага келтирди (Нанак, 1469 — 1539; Дадудайал, 1544 — 1603; Сундардас, 1596 — 1689 ва б.). Бу хил тенденциялар баъзи суфий шоирлар ижодида ҳам яққол кўринди. Малик Муҳаммад Жаёсининг "Падмават" достонида форс ва ҳинд лирикаси анъаналари бириктирилди. Кўпчилик шоирлар ижодида замонавий масалалар фольклор қахрамонлари образлари воситасида акс эттирилди [мас., Биддепотти (1370 — 1440)нинг лирик шеърлари, Сурдас (тахм. 1483 — тахм. 1563) маҳия ва кўшиқлари, Мира Баи (1499 — 1547), Нандадас (16 — аср), Раскхан (16 — 17-асрлар), Тулсидас (тахм. 1532 — 1624) ва б. ижоди]. 17-аср ўрталаридан ҳинд адабиётидаги демократик руҳ сусайиб, у феодал-аристократларнинг диди ва талабларига мослаша борди. Поэзиянинг асосий мавзуи ва фазилати аёлларнинг гўзаллигини, ишқий ҳузурни нафис тараннум этишдан иборат бўлиб қолди.

19-асрнинг биринчи ярмида кхари боли диалектида проза асарлари юзага кела бошлади. Санскрит ва инглиз тилидан диний ҳамда дунёвий адабиёт намуналари таржима қилинди, ҳинди тилида вақт-ли матбуот пайдо бўлди. Таниқли маърифатпарвар Бхаратенду Харишчандр (1850 — 85) публицистикаси ва прессаларида халқ миллий онгининг ўсиши, мустақилликка интилиши ғоялари акс этди. Унинг ижоди ҳозирги замон ҳинд адабиёти тараққиёти учун замин бўлди. 19-асрнинг иккинчи ярмида ҳинд адабиётида оригинал повест ва романлар яратилди, кейинроқ, ҳикоячилик, танқид ва адабиётшунослик ривож топа бошлади.

20-аср бошларида миллий озодлик ҳаракати таъсирида ҳинд адабиётида ватанпарварлик, ватан озодлиги учун кураш ғоялари тобора ёрқин акс эта борди [Майтхилишаран Гупта (1886 — 1964), Макханал Чатуверди (1889 — 1968), Балкришна Шарма Навин (1897 — 1900), Рамдхари Синҳ Динкар (1908) ва б. шеърлари]. 20 — 30- йиллардаги ҳинд адабиётида романтик йўналиш таъсири кучли бўлди. (Сумитранандан Пант (1900), Жайшанкар Прасад (1889 — 1937) ва б.). 30-йилларда Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатининг, илғор ғоялар ва чет эл прогрессив адабиёти таъсирининг кенг ёйилиши натижасида ҳинд адабиётининг барча жанрларида актуал ижтимоий мавзу томон бурилиш кўзга ташланди. 1936 йилда Поемчанд иштирокида Ҳиндистон прогрессив ёзувчилари ассоциацияси ташкил этилди. Ҳиндистон халқлари миллий адабиёти кейинчалик ана шу ассоциация таъсирида тараққий этди. 40-йилларнинг охирида фрейдизм ва Фарбдаги субъективистик назариялар таъсирида ҳинд адабиётида таркиб топди. Модернизмга хос бўлган индивидуализм ва умидсизлик кайфиятлари 50 — 70- йиллар ҳинди прозаси ва поэзиясида ҳам ўз таъсирини сақлаб қолди [Илачандр Жўши (1902), Жайнендр Кумар (1905) ва б. ижоди]. Шунга қарамай Сумитранандан Пант, Вриндаванлал Варма (1889 — 1969), Манматханатх Гупта (1908), Бхишма Саҳни (1915), Амритлал Нагар (1916) ва бошқаларнинг ижодида реалистик анъаналар кенг ривож топди. Гуманистик идеаллар, ҳинд халқининг ижтимоий ва маънавий тараққиётига ишонч туйғулари акс эттирилди. 1975 йилда тузилган Ҳиндистон прогрессив ёзувчилари федерацияси адабиётда реалистик методни янада мустаҳкамлаш ва мамлакатнинг демократик тараққиёти йўлидаги курашда ёзувчиларни бирлаштиришни мақсад қилиб қўйган, ҳинд адабиёти вакилларидан Премчанд, Яшпал ва бошқаларнинг айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

ҲИНД ЁЗУВИ — Жануби-шарқий Осиёдаги ёзувлар гуруҳи. Бу ёзувлар келиб чиқишидаги умумийлик ва алфавитлари тузилишидаги ягона принцип жиҳатидан бир-бири билан боғланган. Ҳинд ёзуви кўри-нишлари Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Непал ва Шри-Ланка ҳудудларидан ташқари, кўшни районларда ҳам тарқалган (шимолда Тибет ва Марказий Осиёдан Молғолиягача; жанубда Бирма, Ҳиндхитой я.о. ва Индонезияда). Ҳинд ёзувининг бу районларга кириб бориши шу жойларда будда дини ва адабиётининг тарқалиши билан (асосан мил. 1-минг йилликда) боғлиқ. Ҳинд ёзуви ўнлаб кўринишларга эга. Шулардан муҳимлари қуйидагилар: Ҳиндистоннинг ўзида — Мохенжо-Даро, Хараппа ва бошқа жойлардан топилган мил.ав. 3 — 2-минг йилликларга оид иероглифик ёзув. Дастлабки ўқилган ёзма ёдгор-

ликлар (мл.ав. 3-асрга оид) брахми бўгин ёзувида чапдан ўнгга қараб битилган. Бу ёзув кейинчалик Ҳинд ёзувига асос бўлган. Ҳиндистонда брахми ёзуви билан бир қаторда, мил. ав. 3-асрдан то мил. 5-асргача ўнгдан чапга ёзиладиган кхароштни ёзуви мавжуд бўлган. Брахми ёзуви аста-секин бу ёзувни сиқиб чиқарган. Брахми ёзувининг илк ёдгорликларида унинг маҳаллий кўринишлари ажралиб туради. Улар асосида кейинчалик Ҳинд ёзувининг уч асосий тармоғи — шимолий, жанубий ва жануби-шарқий тармоқлари шаклланган.

Шимолий тармоқ: а) гупта ёзуви. У 6 — 10 асрларда Марказий Осиёда санскрит, сак, кучан ва бошқа тиллардаги матнларни ёзишда қўлланилган; б) тибет ёзуви. 7-асрдан бир неча кўринишларда ишлатилган; в) 7 — 8 асрларда шаклланган нагари-ёзуви. Кейинги шакли — деванагари Шимолий Ҳиндистонда ҳинди, маратхи, санскрит тилларидаги матнларни ёзишда фойдаланилади; г) 8-асрдан Кашмирда қўлланилган шарада ёзуви; д) невари ёзуви (Непалда қўлланиладиган тури, 12-асрдан), эндиликда унинг ўрнини деванагари ёзуви эгаллаган; е) бенгал ёзуви. 15-асрда шаклланган ва бенгал, ассом, санскрит тиллари учун ишлатилади; ё) ория ёзуви; ж) гужарот ёзуви; з) 16-асрда сикхлар томонидан киритилган гурмуқхи-панжоб ёзуви. Булардан ташқари, турли ёзишмаларда, савдо, иш юритиш ва бошқа тармоқларда қўлланиладиган кайтхи, махажани, ланда, моди каби тез ёзишга мўлжалланган шакллари ҳам мавжуд.

Ҳинд ёзувининг жанубий тармоғига ҳарфлари думалоқ шаклда ёзиладиган грантха ёзуви (5 — 6 асрлардан ривожланган бўлса-да, қўл ёзмалар орқали 14-асрдан маълум) киради. Бу ёзув санскрит тилидаги матнларни ёзишда қўлланилган. Жанубий Ҳиндистондаги ҳозирги тўрт адабий тил: каннада, телугу (5-асрдан), малаялам (8 — 9 асрлардан), тамил (7-асрдан) алфавитлари ҳам шу ёзувга асосланган.

Ҳинди ёзувининг жануби-шарқий тармоғи Ҳиндистондан ташқарида ва, асосан, қадимги пали ёзуви асосида шаклланган сингал, бирма, кхмер, лаос, тай ёзуви, шунингдек, Ҳинди-Хитой ва Индонезиядаги эски ёзувлардан иборат.

ҲИНД (ҲИНД-ОРИЯ) ТИЛЛАРИ — Ҳинд-Европа тиллари оиласининг қадимги ҳинд тармоғидан тарқалган тиллар. Дард тиллари ва Эрон тиллари билан қариндош. Ҳинд (Ҳинд-Ория) тиллари Шимолий Ҳиндистон ва Покистонда, шунингдек, Шри-Ланкада, Непалда тарқалган. Ҳинд (Ҳинд-Ория) тилларидан ҳинди, урду, бенгали, маратхи, гужароти, панжоби, ория, ассом тиллари Ҳиндистоннинг; урду, бенгали, панжоби, синдхи тиллари Покистоннинг; непали Непалнинг; сингал тили Шри-Ланканинг давлат тили ҳисобланади.

Ҳинд (Ҳинд-Ория) тиллари орасидаги ўзаро яқин алоқалар натижасида уларда қатор умумий, муштарак хусусиятлар шаклланган. Ҳинд (Ҳинд-Ория) тиллари ҳинди, бенгали, маратхи, панжоби ва бошқа тилларда ёзилган бой адабиётга эга. Ҳинд (Ҳинд-Ория) тилларида брахми ёзувининг тарихий вариантлари бўлган алфавитлардан (деванагари, "бал-бодх", гурмуқхи ва б.) ёки араб-форс графикасидан, шунингдек, махсус грантха, ланда ва бошқа алфавитлардан фойдаланилади. Ҳозирги Ҳинд (Ҳинд-Ория) тилларини ўрганишда Ж.Бимс, Р.Хёрнле, Р.Г.Бхандаркар, Ж.-А.Грирсон, Ж.Блок, Г.Т.Бейли, С.К.Чаттержи, Р.Л.Тёрнер ва бошқаларнинг ҳиссаси катта.

ҲИНДИСТОН ТАРИХИ

Археологик топилмалар Ҳиндистонда тош давридаёқ кишилик жамияти бўлганлигидан далолат беради. Энг қадимги синфий жамият мил. ав. 3-минг йилликнинг 2-ярми — мил. ав. 2-минг йилликнинг 1-ярмида Ҳинд дарёси водийсида пайдо булган (қ. Хараппа маданияти). Мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида шимоли-ғарбдан Ҳиндистонга орийлар кириб келиб, аввал Панжоб, кейинчалик Ганг дарёси водийсида жойлашадилар.

Мил. ав. 6-асрда шимолий Ҳиндистоннинг шарқий қисмида, Ганг ва Жамна дарёлари ҳавзаларида Матадха, Кошала, Паичала каби қулдорлик давлатлари бўлган.

Мил. ав. 6 — 4 асрлардаги иқтисодий тараққиёт қадимги ҳинд жамиятида турмуш шароитларини анча ўзгартирди. Қуллар ва ёлланма ишчиларнинг меҳнатидан дехқончилик, ҳунармандчилик ва кўнчилик ишларида фойдаланилди. Ижтимоий зиддиятларнинг кучайши диний-сектантлик ҳаракатини пайдо қилди, оқибатда буддизм ва жайнизм динлари вужудга келди. Мил. ав. 4-асрнинг ўрталаридаёқ, Нандалар сулоласи даврида, қарийб бутун Ҳинд дарёсининг водийси Магадха давлати тасарруфида эди. Магадха равнақ топган даврдаёқ Ҳинд дарёси ҳавзасининг бир қисмини Ахамонийлар босиб олган эди. Мил. ав. 327 — 325 йилларда Ҳиндистонга Александр македониялик бостириб кирди. Магадха давлатининг босқинчилик урушлари Мауриялар сулоласи даврида ҳам давом этди. Подшо Ашока ҳукмронлигида қарийб бутун Ҳиндистон ва ҳозирги Афғонистоннинг бир қисми Маурияларга қарашли эди. Мил. 1-асрда шимолий Ҳиндистоннинг катта қисми кушанлар қўл остига ўтди (қ. Кушан подшолиги). 1 — 3-асрларда Ҳиндистон, Рим билан қизғин савдо-

сотик олиб борди. Кўшанлар давлати емирилгач, 4-асрда Ҳиндистоннинг шимолида яна Магадха давлати равнақ топди. Кейинчалик Гупталар сулоласи даврида шимолий Ҳиндистоннинг талайгина қисми-шарқда Бенгалия қўлтиғидан ғарбда Панжоб ва Катхиявар ярим оролигача бўлган ҳудуд Магадха давлати таркибига кирди. Худди шу даврда Деканда Вакатақа, Паллава, Ганга каби давлатлар мавжуд бўлган. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра 2 – 4-асрларда бу ерда қулдорлик тузуми емирила бошлаган.

6 – 12- асрларда Ҳиндистонда бир неча давлат мавжуд бўлган. 7-асрнинг 1-ярмида маҳаллий подшоолардан бири Харша Ҳиндистон шимолидаги жуда кўп давлатларни забт этиб, Ҳарша империясига асос солди.

8- аср бошларида араблар Сипдни босиб олдилар. 11-асрнинг бошларида Маҳмуд Ҳазнавий Шимолий Ҳиндистонга бир неча марта ҳужум қилиб, Панжобнинг бир қисмини ўз давлатига қўшиб олди.

12-аср охири – 13-аср бошларида Шимолий Ҳиндистонни Гурийлар давлатининг ҳукмдори (Муҳаммад Гурий) забт этди. Унинг ўлиmidан сўнг ноибларидан бири Кутбиддин Ойбек Деҳли султонлигига асос солди (1206). Деҳли султонлари мўғуллар ҳужумини даф эта олдилар. 14-аср бошида султон Аловиддин Ҳилжий даврида эса сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлган Декан тўла бўйсундирилди. Амир Темурнинг 1398 йилги ҳужумидан сўнг ва феодал кўзғолонлари натижасида 15-аср бошида Деҳли султонлиги парчаланиб кетди. 14 – 15-асрларда ҳинд рожаларининг ҳокимияти сақланган Рожаяпугана (қ. Рожастхон)дан ташқари шимолий Ҳиндистонда Жаунпур, Бенгал, Гужарот, Малва ҳамда Деканнинг шимолида Бахманий султонлиги пайдо бўлди. Афғонларнинг Лўдийлар сулоласи (1451 – 1525) ҳукмронлиги даврида Ганг дарёси водийсининг талайгина қисми султонликка қўшиб олинди.

15-аср охирида Ҳиндистонга дастлабки европалик мустамлакачилар – португаллар кириб келди ва 16-асрнинг 1-ярмида улар денгиз соҳилидаги бир қанча пунктларга (Гоа, Диу, Даман) жойлашиб олдилар.

1526 йили Заҳириддин Муҳаммад Бобур Панипат яқинидаги жангда Иброҳим Лўдийни енгиб, Деҳли султонлигини эгаллади ва Ҳиндистонда Бобируйлар империясига асос солди.

Бобур Ҳиндистоннинг янги даври, янги империясига асос солди. У Деҳлида Мустақил Ҳиндистон давлатини ташкил қилиш учун жуда кўп куч-қудрат сарфлаб 1526 – 1530 йилларда ҳукмронлик қилади. Унинг ўрнига тахтга ўтирган Ҳумоюн (1530 – 1540 ва 1555 й.) ҳукмронлигида Ҳиндистонда тинчлик бўлмади. Ҳиндистонда тин-

члик ва осойишта ўрнатиш учун Ҳумоюннинг ўғли 14 ёшли Акбар тахтга қўйилди. Акбар ёзишни ҳам, ўқишни ҳам билмаган бўлса-да, унинг ақлий қобилияти ва хотираси жуда кучли эди. Акбар (1556 – 1605) 50 йилча ҳукмронлик қилди Унинг даврида Ҳиндистонда ягона миллийликни ривожлантиришга ва ҳар хил диний эътиқодларини бирлаштиришга ҳаракат қилинди. Оллохобод, Лаҳар, Агра каби кўплаб шаҳарларда ибодатхоналар, ёдгорликлар қурдирди. Мамлакатнинг иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан қудратини оширди. Унинг ўрнига Ҳиндистонлик хотинидан Жаҳонгир, ундан сўнг унинг ўғли Шоҳ-жаҳон (1627 – 1658 й.) ҳукмронлик қилди. Унинг даврида Аграда Тож Маҳал мавзолейи каби меъморий жиҳатдан ажойиб иншоот билан қаторда Мати-масжид, мадрасалар қурдирди. Санъат ва мусиқа ривожланди. Ж. Неру таъкидлаганидек, Бобурийлар Ҳиндистонда Ўрта Осиё уйғониш даврини бошлаб берди. Мамлакатнинг иқтисодий бойлигини оширишга, аҳоли онгининг ривожланишига ва янгиликка интилишга асос солди.

17-аср бошларида Ҳиндистонга Англия ва Голландиянинг Ост-Индия компаниялари суқилиб кирди ва португалларни Ҳиндистон билан олиб бораётган денгиз савдосидан маҳрум қилиб, мамлакатда қатор факториялар (корхоналар) оча бошлади. 1664 йилда французларнинг Ост-Индия компанияси ҳам фактория ташкил этди. Бобурийлар империясининг ворислари ўртасидаги ўзаро доимий урушнизола ринглиз ва французларнинг Ост-Индия компанияларига Ҳиндистонда ғарбий экспансия уоштириш имконини берди. Ҳиндистонда устуликка эришиш учун бу икки компания ўртасида Жанубий Ҳиндистонда бўлиб ўтган жанглар (1746 – 63) натижасида Англиянинг Ост-Индия компанияси ғолиб чиқиб, Бенгалияни забт этди, Карнатик ва Ауд князликларини ўз вассалларига айлантирди. 1803 йили Деҳли босиб олингач, бобурий подшоолар инглизларнинг Ост-Индия компаниясига мутлақ қарам бўлиб қолдилар.

1773 йили Буюк Британияда қабул қилинган қонунга кўра "Ост-Индия компаниясининг фаолияти инглиз парламенти назоратига ўтказилди. 1774 йили У. Хейстингс биринчи генерал-губернатор қилиб тайинланди. 1833 йили Ост-Индия компанияси савдо ташкилотини сифатида тугатилиб, унга Ҳиндистонни мустамлакачилик асосида бошқариш вазифаси топширилди. Ҳиндистон секин-аста Буюк Британияга қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб берадиган базага айланиб қолди. Инглиз капитали билан муроса қилувчи ҳинд савдо буржуазияси пайдо бўлди. 1851 йил Мумбайда биринчи ҳинд ип газлама фабрикаси, 1854 йили Калькуттада инглизларнинг жут фабрикаси ишга тушди. Тош йўлла-

ри, суғориш иншоотлари ва чой плантациялари барпо этилди. Ҳиндистонда капиталистик уклад муносабатларига асосланган кўп уклад ривожлана бошлади. 19-аср ўрталарида мустамлакачиларга қарши халқ кўзғолонлари бўлиб ўтди. 1857 — 59 йилларда бўлиб ўтган йирик ҳинд халқ кўзғолони Ҳиндистоннинг кейинги ривожига жуда катта таъсир кўрсатди. 1858 йили Ост-Индия компанияси тугатилиб, Ҳиндистонни бевосита инглиз парламенти идора қила бошлади.

19-асрнинг охирида инглиз саноат капитализми ўсиб, империализмга ўтиши натижасида Ҳиндистон асосан инглиз капитали сарфланадиган объектга айланди.

ҲИНДИСТОН ХАЛҚ КЎЗҒАЛОНИ, сипоҳийлар кўзғалони (1857 — 59). Ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши озодлик ҳаракатида Панжоб билан Бенгалия ўртасидаги ҳудуд кўзғалоннинг маркази бўлган. 19-аср ўрталарида ҳинд халқининг деярли барча табақалари ўртасида инглизлар ҳукмронлигига қарши норозилик кучайди. 1857 йил 10 майида Мирут (Meerut) шаҳрида ҳинд сипоҳлари кўзғолон кўтардилар. Уларнинг 3та полки Деҳлига қарши юриб, аҳоли ва маҳаллий сипоҳлар ёрдамида Деҳли қалъасини эгалладилар. Кўзғалончилар Бобирийлар сулоласи ҳукмронлиги тикланганлигини эълон этдилар ва подшоҳ Баҳодиршоҳ II ни Ҳиндистоннинг ҳукмдори сифатида мамлакатни озод қилиш учун кураш чақирғига қўл қўйишга мажбур қилдилар. Икки ҳафта ичида бутун Шимолий Ҳиндистон кўзғалончилар қўлига ўтди. Деҳлидан ташқари Канпур ва Лакхнау да кўзғалончиларнинг катта қўшини йирилди. Бу уч кўзғалон марказида алоҳида-алоҳида мустақил ҳукуматлар тузилди. Деҳлида Баҳодиршоҳ II ҳукуматидан ташқари сипоҳлар ва шаҳарликлардан иборат олий маъмурий кенгаш — жалса тузилди. Деҳлидаги қўшинларга жалса аъзоси Бахтхон қўмондонлик қилди. Лекин Деҳли ва Лакхнау даги сарой амалдорларидан тузилган ҳукумат аъзоларининг бир-бири билан келишма олмаслиги туфайли, кўзғалончилар ўртасида низолар бўлиб турди. Канпурдаги ҳукумат бошқарув аппарати тузилди, қўшин ва аҳолини озик-овқат билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Кўзғалон раҳбарлари қўллаган мудофаа тактикаси босқинчиларга Панжоб ва Бенгалияни ўз қўлларида сақлаб қолиш имконини берди. Инглизлар бу ҳудудлардаги кўзғалонларни, Декандаги сипоҳларнинг чиқишларини тезда бостирдилар, Мадрас ва Бомбейдаги сипоҳлар қўшинларини ўз тобеликдариди сақлаб қолдилар. Калькуттада йирик қўшин тўллаган босқинчилар 1857 йил май охирида Ганг бўйлаб ҳужумга ўтдилар; июнда Банорас ва Оллоҳободни эгалладилар. 15 — 16 июлда Канпурдаги Нана Соҳиб қўшинига қаттиқ зарба

бердилар. 19 сентябрда эса 4 ойлик қамалдан кейин Деҳлини қўлга киритдилар; Баҳодиршоҳ II ни Рангунга сургун қилдилар. 1858 йил 19 мартда Лакхнау ҳам таслим бўлди.

Шундан сўнг партизанлик ҳаракати бошланди. Тантиа Топи ўз ҳарбий базаси — Калпи шаҳрига таяниб, инглизларга жиддий зарба берди. Тантиа Топи Жҳанси ҳокимаси Лакшми Баи билан бирга Калпи, Канпур ва Гвалиор атрофларида уруш олиб борди. 1858 йил 1 ноябрда Англия қироличаси Викториянинг кўзғалонда иштирок этган барча феодалларни афв этганлиги тўғрисидаги манифести эълон қилинди. Натижада йирик феодаллар кўзғалондан четлашди. 1859 йил апрелга келиб партизанлар ҳаракати ҳам бостирилди. Кўзғалончилар ваҳшиёна жазоланди. Кўзғалон бостирилса-да, инглизлар Ҳиндистондаги сиёсатларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Ост-Индия компанияси тугатилди, Ҳиндистон бевосита Англия ҳукуматининг назоратига ўтди.

XIX аср 80-йиллар бошидаги стихияли халқ кўзғалонлари билан шаклланаётган ҳинд камбағалларининг иш ташлашлари ҳамда кенг тус олган буржуа миллий ҳаракати инглиз мустамлакачиларини ташвишга солиб қўйди. Ҳиндистоннинг вице-қироли Ж. Рипон буржуа-помешчик оппозициясига ён босишга мажбур булди. 1885 йили қатор маҳаллий буржуа-помешчик ташкилотлар бирлашиб, Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК)га уюшди. Миллий ҳаракатда либерал ва радикал йўналишлар вужудга келди.

1905 — 08 йиллардаги ҳаракатда биринчи марта Ҳиндистон камбағаллари қатнашди. Айниқса, 1908 йилги Мумбайдаги иш ташлашлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

I Жаҳон уруши даври (1914 — 18) да Ҳиндистон метрополия томонидан урушда қатнашди. Ҳиндистон Миллий Конгресси I Жаҳон уруши ва Октябрь инқилоби таъсирида ўз сиёсатини ўзгартирди. Мустамлакачиларга қарши курашнинг М. Ганди тарғиб қилган сатояграха (қуч ишлатмасдан қаршилиқ кўрсатиш) шакли миллий ва майда буржуазия манфаатларига жуда мос тушди. Ганди таълимоти — гандизм Миллий Конгресс партиясининг расмий мафкурасига айланди. Мустамлакачиларнинг Амритсар қирғини (1919 йил апрель)дан сўнг декабрда Миллий конгресс итоат қилмаслик компаниясини авж олдириб юборди.

1918 — 20 йилларда ишчилар миллий ҳаракати кучайди. 1920 йили Бутун Ҳиндистон касаба союзлари Конгресси ташкил этилди. 1920 — 22 йилларда дастлабки коммунистик гуруҳлар вужудга келди. 1923 — 27 йилларда миллий озодлик ҳаракати вақтинча сусайди. Мустамлакачи ҳукмрон доиралар коммунистлар таъсиридан чўчиб, уларга

қарши репрессия бошладилар. 1925 йил декабрда Ҳиндистон Коммунистик партияси (ҲКП) тузилди. 1927 йилда Конгрессда антиимпериалистик кураш тарафдорларини бирлаштирган сўл қанот вужудга келди. Унга Ж. Неру ва С. Ч. Бос раҳбарлик қилдилар.

1929 — 33 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқироzi Ҳиндистон антиимпериалистик ҳаракатини янги босқичга кўтарди.

1930 йили Миллий Конгресс Ганди раҳбарлигида яна бўйсунмаслик компаниясини бошлаб юборди. 1931 йил мартда Конгресс раҳбарлари мустамлакачи ҳукмрон доиралар билан музокара бошладди. Ҳар икки томон келиша олмагач, бўйсунмаслик компанияси давом эттирилди (1934 йилгача).

1935 йили Англия парламенти Ҳиндистонни бошқариш тўғрисида Конституцион Акт (қонун) қабул қилди. Бунга кўра вилоятларнинг автоном ҳуқуқлари бир оз кенгайтирилиб, уларда маҳаллий ҳукумат тузилди. Лекин ҳокимият илгаригидек инглиз мустамлакачилари қўлида қолаверди. Мамлакатда бу реакцион Актга қарши намойишлар бўлиб ўтди.

1937 йил бошида вилоятларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига 1935 йилги Конституцион Акт асосида сайловлар ўтказилди. 11 вилоятнинг 8 тасида Миллий Конгресс ғолиб чиқди.

1941 йил июнда фашистлар Германиясининг собиқ Иттифоққа ҳужум қилиши Ҳиндистондаги сиёсий вазиятни ўзгартирди. Миллий Конгресс собиқ Иттифоққа ўз хайрихоҳлигини билдирди.

Уруш сўнггида Ҳиндистон билан Англия империализми ўртасида иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кескин кучайди. 1946 йил бошида армия, флот ва авиацияда инглизларга қарши оммавий чиқишлар бўлиб ўтди. 1946 йил 18 — 23 февралда Мумбайдаги ҳарбий денгизчилар кўзғолони инқилобий ҳаракатнинг юқори чўққиси бўлди. Англия ҳукумати миллий ҳаракат раҳбарлари билан музокара бошлаб, 1946 йил баҳорида Ҳиндистонга доминион статусини беришга қарор қилганлигини эълон қилди. 1946 йил августда Ж. Неру бошчилигида Муваққат ҳукумат тузилди.

1947 йил 18 июлида Англия парламенти Ҳиндистон мустақиллиги тўғрисида расмий ҳужжатни қабул қилди. Унда шу йилнинг 15 августидан Британия ҳамдўстлигига кирган Ҳиндистон ва Покистон доминионларини ташкил қилиш кўзда тутилганди. Ҳиндистонга-ҳиндларнинг, Покистонга — мусулмонларнинг оммавий равишда кўчиб келиши тезлашди, айни вақтда мамлакатда жуда кўп қонли тўқнашувлар содир бўлди.

ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ. 1947 йил 15 август куни Ҳиндистон ва Покистон расман суверен мустақил давлат бўлди. Аммо шундан кейин ҳам Покистонга кўчиб ўтмаган 61 миллион мусулмон (аҳолининг 9% и) билан ҳиндлар ўртасида тўқнашувлар тўхтамади. Диний тотувликнинг доимий тарафдори М.Гандининг ўзи ашаддий ҳинд тақводорлари тажовузига учраб, ҳалок бўлди. Шу тариқа Ҳиндистон мустақиллигининг биринчи йилидаёқ, унинг озодлиги учун фаол курашчининг ҳаёти фожиона тугади.

Мамлакат иқтисодий турмушни йўлга қўйишда ҳам зўр қийинчиликларга дучор бўлди. Фалла, пахта, жун етиштиришга ихтисослашган минтақаларнинг Покистон таркибига кирганлиги туфайли аҳвол ёмонлашди. Ҳиндистонда шундоқ ҳам мураккаб бўлган озиқ-овқат муаммоси кескинлашди. Кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетди.

Ҳукумат турли сиёсий партиялар ва гуруҳлар иштирокида мазкур жорий муаммоларни ҳал этиш ва айни вақтида — 1948 — 1949 йилларда Ҳиндистон учун жуда муҳим бўлган ҳужжат — Конституцияни ишлаб чиқиш билан шуғулланди. 1949 йил ноябрь ойи охирида Конституция Таъсис мажлис томонидан тасдиқланиб, 1950 йил 26 январда кучга кирди. Бу кун — Ҳиндистон мустақиллиги куни ҳисобланди. У Англия доминионлигидан чиқиб, "суверен демократик республика" деб эълон этилди. Беш йил муддатга сайланадиган Президент давлатининг расмий бошлиғи ҳисобланди. Ижроия ҳокимияти Президент номидан, бош вазир бошчилик қиладиган Вазирлар Кенгаши томонидан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият эса икки палатали парламентда мужассамлашди.

Ҳиндистон Республикаси ваколатлари чекланган штатлардан иборат федерация давлати сифатида тузилди. Марказий ҳокимият ҳам, штатларининг ҳукуматлари ҳам қонун чиқарувчи органлар олдидан ҳисоб беради. Фарб намуналари бўйича тузилган мазкур Конституцияда кенг кўламдаги демократик эркинликлар эълон қилиниб, Ҳиндистоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига олинди ва дини, ирқи, кастага мансублиги, жинси ҳамда туғилган жойига қараб фуқароларни камситиш тақиқланади, деб қўшиб қўйилди.

1951 йил охири ва 1952 йил бошида Ҳиндистонда Марказий мамлакат ва штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига дастлабки сайлов ўтказилди. Уларда Ҳиндистон Миллий Конгресси галабага эришиб, парламентдаги ўринларнинг 74% ини, қонун чиқарувчи маҳаллий кенгашлардаги ўринларнинг деярли 66% ини эгаллади. Ўша пайтдан бери ҲМК то 80-йиллар охирига қадар барча парламент сайловларида (1977

йилги сайловлар бундан мустасно) ғалаба қозонди, у аслида мазкур даврда якка ҳукумрон партия эди. У кўпчилик аҳолининг ишончини қозониб, буюк давлат тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олди. ҲМК бу вазифани бажариш учун, биринчидан, таркиби жиҳатидан жуда хилма-хил бўлган жамиятнинг орзу-умидларини ифода қилиши, иккинчидан, Ҳиндистонни замонавий Европача модернизациялашган демократик давлатга айлантириш бўйича узоқ муддатта мўлжалланган стратегик йўлни ишлаб чиқиб, амалга ошириши лозим эди.

ҲМК кўп жиҳатдан бу йўлни амалга ошираолдики, бу аввало, унинг раҳбари, 17 йил давомида узлуксиз ҳукумат бошлиғи бўлиб турган Жавоҳарлал Нерунинг хизматидир. Ж.Неру ҳеч қачон Европа капитализми тарафдори бўлмаган, бу тузумни Ҳиндистон жамияти учун ҳатто хавфли, ҳалокатли тузум деб ҳисобларди. Унинг идеали — демократик социализм йўналишига хос модель эди.

1955 йилда ҲМК Ж.Неру таклифига биноан, ўз дастурий мақсади сифатида Ҳиндистонда "социализм намунасидаги жамият" қуриш ғоясини олға сурди. Ж.Неру тасаввурига кўра, мазкур жамият иқтисодий-тида давлат сектори етакчи роль ўйнайдиган, ночор фуқороларга ғам-хўрлик қиладиган, шахслар ва гуруҳлар манфаатлари уйғунлашадиган жамият бўлиши лозим эдики, бу — хаёлий ғоя эди. Аммо, дастлаб, бу йўл мамлакатнинг босқичма-босқич ривожланиб боришни, замонавий изга туширилишини таъминлаш имконини берди, бунда кескин бурилишлар, ларзалар, ўтқир ижтимоий тўқнашувлар бўлмади. Беш йиллик режаларнинг тузилиши ҳам ижобий роль ўйнади, аммо улар мажбурий тусдаги режалар эмасди. Ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати ҳамма учун тушунарли бўлиб, уни олдиндан башорат қилиш мумкин эди. Мазкур режалар 1951 йилдан то ҳозирги даврга қадар тузилмоқда.

Ж.Неру ҳукуматининг иқтисодий соҳасидаги асосий куч-ғайрати, аввалло, саноатда давлат секторини жадал ривожлантиришга қаратилди. Бунинг учун давлат томонидан металлургия, машинасозлик, электр энергетика, кўмир ва нефть саноати корхоналари қурилди. Қатор тармоқларда хусусий сармоядан фойдаланишга йўл қўйилмади. Аммо ўрта ва майда бизнес қўллаб-қувватланди. 50-йиллар бошида ҳукумат аграр ислохотни амалга оширди. Заминдорларнинг ерлари деҳқонларга ва қуйи касталарга мансуб ижарадорларга сотилди, уларнинг тўртдан уч қисми майда мулкдорларга айланди, кооперативлар тузиш рағбатлантирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпая борди.

Жамиятнинг касталарга бўлинишига барҳам бериш ёш демократия учун жиддий синов бўлди. Кўпгина касталар янгиланиб бораётган жамиятда ўз ўрнини топа олмади, сабаби — унда юқори

касталар устун мавқени эгаллаган эди. Хорижонлар — қишлоқ аҳолисининг энг кўп сонли гуруҳлари учун барча "пок" касталар эшиги ёпиб қўйилганди. Уларнинг давлат ёрдамисиз ўз аҳволини бирон-бир даражада ўзгартиришига қурби етмасди. Конституция (46-модда)да хорижонлар ҳуқуқини таъминлаш кафолати бергиланган эди. Унга кўра, парламентда, штатларнинг қонун чиқарувчи мажлисларида, давлат хизматларида, ўқув юртлари ва давлат корхоналарида хорижонларга жойлар захира тарзида ажратиб қўйилган. Мазкур имтиёзлар фақат ҳиндларга тааллуқли бўлиб, бошқа (ислом, буддавийлик, христиан) динларига ўтган хорижонларга нисбатан қўлланилмасди.

Шунга қарамасдан бу масалада ҲМК сиёсати асрлар давомидаги барқарор каста тизимида ўзгариш ясади, унинг яхлитлигини бузди. Ҳиндистонликларнинг амалдаги тенг ҳуқуқлигига эришиш борасида дастлабки қадам қўйилди, эскича қарашларга таъсир этувчи фикрлар ривожланди.

Ж.Неру ҳукумати аҳоли таркибининг кўп миллатли эканлиги билан боғлиқ қатор муаммоларга дуч келди. 1950 йил Конституциясида қайд қилинган маъмурий-худудий бўлиниш мустамлака замонларига хос бўлган тизимининг такрори эди. Натижада қатор кўп сонли миллатларга мансуб кишилар бир неча штатлар ўртасида "бўлиб олинган", алоҳида мақом олган султонликлар ҳам сақланиб қолган эди. 1953 йилда ҳукумат аҳоли тазйиқи остида штатларни миллат ва тил асосида қайта туза бошлади. Айни вақтда султонликлар тугатилди. Ушбу жараён 1960 йилда яқунланди. 1961 йилда Португалия мустамлакачилари қўлида сақланиб келаётган Гоа, Дуи ва Даман ҳудудлари қўшиб олинганидан кейин Ҳиндистоннинг маъмурий худудий таркибини шакллантириш ишлари тугалланди. Ҳозирда мамлакат 25 штат ва 6 иттифоқ худудидан иборат.

Лекин штатларнинг янги чегараларини ўрнатиш билан миллий-этник муаммолар бирозгина камайди, холос. Конституцияга биноан 1965 йилда инглиз тили ўрнига ҳинди тили давлат тили деб эълон қилиниши лозим эди. Шу муносабат билан вазият таранглашди. Бу тадбирга жанубий штатлар аҳолиси қаршилик кўрсатди, чунки мамлакат шимолида тарқалган ҳинди тили уларга бегона тил эди. Шу тариқа намойиш ва тўс-тўполонлар авж олди. Тил масаласига оид узил-кесил қарор қабул қилинмай қолди. Ҳозир Ҳиндистонда ҳинди ва инглиз тиллари давлат тили ҳисобланди, ваҳоланки, аҳолининг оз қисми инглиз тилини билади.

Миллий озодлик ҳаракатининг авж олиб кетиши натижасида инглиз мустамлакачилари Ҳиндистондан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1947 йил апрелда Ҳиндистон билан собиқ Иттифоқ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Ҳиндистон мустақилликка эришгандан кейинги дастлабки йилларда Миллий конгресс ҳукумати мамлакатнинг бўлиниши сабабли вужудга келган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилди. Озиқ-овқат, sanoat хом ашёси масаласи жуда оғир аҳволда эди. Кашмир масаласида Покистон билан бўлган ҳарбий тўқнашув (1947 йил октябрь – 1949 йил 1 январь) Ҳиндистондаги тангликни яна ҳам мураккаблаштирди.

1952 – 53-йилларда аграр ислоҳот ҳақидаги қонун асосида барча штатларда аграр ислоҳотлар ўтказила бошлади. Оғир ва энергетика sanoatларининг асосий тармоқлари давлат ихтиёрига олинди. Халқаро муносабатларда Неру ҳукумати бетарафлик, ҳарбий-сиёсий блоklarга қўшилмаслик сиёсатини олиб борди, собиқ Иттифоқ ва бошқа мамлакатлар билан дўстона иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик ўрнатилди, Осиё ва Африкадаги колониализм ва неоколониализм сиёсатига кескин қарши чиқди. Англия, Франция, Исроилнинг Мисрга (1956), АҚШнинг Ливанга (1958) ва Буюк Британиянинг Иорданияга қарши (1958) агрессияларини қоралади. Ҳиндистон ядро қуролини уч муддатда синашни тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасини имзолади (1963).

Мамлакатнинг бундан кейинги тараққиёт йўлини белгилашда ҳинд миллий буржуазиясининг турли гуруҳлари орасида ўзаро кураш кучайиб кетди. Реакция кучларининг бирлашуви натижасида 1959 йилда Сватантра партияси вужудга келди. Реакцион кучлар Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатини ўзгартира олмагач, Миллий Конгресснинг ички сиёсатига таъсир ўтказа бошладилар. Натижада, 60-йилларда йирик капиталга маълум даражада ён босила бошлади. 1964 йил майда Ж. Неру вафотидан сўнг Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясининг аҳволи оғирлашди. 1965 йил кузида Ҳиндистон – Покистон можароси юз берди. Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг тинчлик ташаббуси билан Тошкент Декларацияси (1966)нинг имзоланиши бу икки мамлакат ўртасидаги низоларнинг ҳал қилинишига асос солди.

1966 йил январда Бош вазир Л.Б. Шастри вафотидан сўнг Ж. Нерунинг қизи И. Ганди Ҳиндистон Бош вазири бўлди.

И. Ганди ҳукумати Нерунинг бетарафлик сиёсатини давом эттириб, халқаро майдонда Осиё ва Африка мамлакатларига қилинган империалистик агрессияларни қоралади.

1977 йил мартда парламентга ўтказилган сайловда Жаната парти (партияси) голиб чиқди. Бу ҲМК нинг кейинги 30 йил (1947–77) мобайнидаги биринчи энг йирик мағлубияти эди. Жаната парти лидери М. Десаи Ҳиндистон Республикасининг тўртинчи Бош вазири бўлди.

1977 йил мартдаги мағлубиятдан кейин ҲМК даврини бошидан кечирди. Партиянинг бир қатор кўзга кўринган раҳбарлари Жаната партига ўтиб кетди. 1978 йил январда собиқ Бош вазир И. Ганди ва унинг бир қанча тарафдорлари ҲМКдан чиқиб, янги партия – ҲМК(И)ни туздилар.

1977 – 79 йиллар да Ҳиндистонда ички вазият мураккаб бўлди. Десаи ҳукумати мамлакат олдида турган ижтимоий-иқтисодий проблемаларни, айниқса, аграр масалани ҳал қила олмади. Ҳукмрон партия (Жаната парти)даги сиёсий гуруҳлар ўртасида зиддият кучайди. 1979 йил июлда бир гуруҳ депутатлар Ч.Синх бошчилигида Жаната партиянинг парламент фракциясидан чиқиб, янги Лок дал партиясига уюшдилар. Натижада Десаи ҳукумати парламентда кўпчилик овоздан маҳрум бўлди ва 1979 йил 15 июлда истеъфога чиқди. Парламентнинг эски таркиби асосида янги ҳукумат тузишга бўлган уриниш муваффақиятсиз тугади. 22 августда Президент парламентни тарқатиб юборди ва янги сайлов ўтказилишини эълон қилди. Чаран Синх бошчилигида (Лок дал ва ҲМК иштирокида) коалицион муваққат ҳукумат тузилди.

1980 йил 3 – 6 январда ўтган парламент сайловида Индира Ганди бошчилигидаги ҲМК(И) номзодлари галаба қозониб, парламентнинг қуйи палатасидаги ўринларнинг учдан икки қисмини эгаллади. И. Ганди яна Ҳиндистоннинг Бош вазири этиб сайланди.

1964 йилда Ж.Неру вафот этгандан кейин, унинг номи ва улкан обрўси партияни ҳам, халқни ҳам мустаҳкам жипслаштириб турарди. Унинг вафотидан кейин ҲМКда марказдан қочиш тамойиллари юзага келди. Нерунинг кекса сафдоши Лаъл Баҳодир Шастри (1904 – 66) ҳукумат бошлиғи этиб сайланиши ҳам вазиятни ўзгартира олмади. Гуруҳлар, динлар ва касталарнинг манфаатлари, улар раҳбарларининг нафсонияти партиядаги вазиятга кучли таъсир эта бошладди. ҲМК(И)нинг "ҳукуматдаги" қаноти билан партиянинг ўнг қаноти ўртасида зиддиятлар кучайди. ҲМК(И)нинг қатор штатларидаги ташкилотларда ихтилоф чиқиб, ҲМКга мухолиф минтақавий партиялар тузилди. 60-йиллар ўрталарида иқтисодиётда кескин танглик юз бериши туфайли аҳвол янада мураккаблашди. Л.Б.Шастри ўлими (1966 йил январь) дан сўнг ҲМК раҳбарияти ва унинг парламентдаги фракцияси партия ва ҳукумат тақдирини Ж.Нерунинг қизи Индира Ганди қўлига топширишга қарор қилди, отасининг номи партия берилиги ва обрўсини қайта тиклашига умид боғлади.

Индира Ганди (1917 – 1984) Швейцария, Англия ва Ҳиндистон ўқув юргларида таҳсил кўрган. Миллий-озодлик ҳаракатида иштирок этган. 1959 – 60-йилларда – Ҳиндистон миллий Конгресси партиясининг раиси. 1964-66-йилларда – ахборот ва радиоэшиттириш вазири. 1966 – 77, ва 1980 – 84-йилларда – Ҳиндистон бош вазири. Айни вақтда қатор вазирлик лавозимларини эгаллаган. ҲМК партияси фракциясининг раҳбари (1967 – 77, 1978 – 84) йилларида ҲМК(И) партиясининг раиси. Барча динларнинг тенглиги тарафлори бўлган. Қуйи касталар ва "хорижонлар"ни ижтимоий ва маданий ривожлантиришини тезлаштиришни ёқлаган. Миллий иқтисодиёт – унинг давлат ва хусусий саноатлари жадал тараққий қилишига кўмаклашган. Қўшилмаслик ҳаракати раҳбарларидан бири. 1984 йил 31 октябрда ўз қароргоҳида сингх террорчилари томонидан ўлдирилган.

И.Гандининг шундан кейинги тадбири иқтисодиётда давлатнинг бошқарувчилик ролини кучайтиришдан иборат бўлди. 1964 – 70-йилларда 14та энг йирик банк ва қатор соҳаларда улгуржи савдо тармоқлари давлат тасарруфига ўтказилди, монополиялар фаолияти чеклаб қўйилди. Аграр сиёсатда янги босқич амалга оширилажаги эълон қилинди. Йирик сармоядорлар ва ўнг мухолифат ҳукумат йўлини қаттиқ танқид қилди, аммо жамият бу йўлни маъқуллаб кутиб олди. Ҳукумат иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солинишини кучайтиришга қаратилган йўлни давом эттирди. Ҳиндистон ва хорижий компаниялар ҳамда кўмир конларининг бир қисми устидан назорат ўрнатилди, қатор корхоналар давлат қўлига ўтди. Қишлоқ хўжалигида ерни ишлаш соҳасида янги технологиялар, машиналарнинг қўлланиши, ҳосилдор буғдой, шоли ва бошқа экинларнинг навларини экиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кучайтириш мақсадида самарали фермерлик хўжалиklarини ташкил қилиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди ва улар "яшил инқилоб" деб номланди. Натижанда, 1970 – 76- йилларда Ҳиндистон қишлоқларида тракторлар сони 100 мингдан 250 мингга етди. Донни харид қилиш нархлари оширилиб, уруғлик, ўғит сотиб олишда, сувдан фойдаланишда деҳқонларга пул ёрдами берилди. Аҳоли сони жадал суръатлар билан ўсиб боришига қарамай, мамлакат ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашга муваффақ бўлди.

Аммо 1974 – 75 йилларда иқтисодиётда танглик юз бериши, нархнаво ошиб, ишсизлик кўпайиши туфайли жамиятда ҳукумат сиёсатига қарши норозилик кучайди, намойишлар бошланди. 1975 йилда Оллоҳбод учун сайлов пайтида қатор конституциявий қонунлар бузилганлиги учун И.Ганди депутатлик мандатидан маҳрум этди. Июль ойида

И.Ганди ҳукумати мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилди. Мухолифотнинг талай арбоблари қамоққа олинди. Иш ташлаш ва намойишлар ўтказиш тақиқланди. Айни вақтда ҳукумат 20 моддадан иборат дастурни эълон қилди. Унда, жумладан, сармоя қўйиш тартибини эркинлаштириш, қуйи касталар ва хорижонларнинг фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш кўзда тутилган эди. Тез орада бу ҳақида қатор қонунлар чиқарилди. Хусусан, йирик заминдорлардан тортиб олинган ерларнинг бир қисми "хорижоналар"га бўлиб берилди. Шу тариқа ҲМК юқори "касталар" ва "хорижонлар" ҳисобига ўз ижтимоий базасининг кенгайишига умид боғлади.

Йирик сармоядорлар ҳукуматнинг мазкур тадбирларини қўллаб-қувватлади. Аммо кўп сонли ўртаҳол касталар давлат тадбирларидан зарар кўрганликлари туфайли ҲМКдан юз ўгирди. 1977 йилги сайловларда ҲМК партияси 1947 йилдан буён биринчи марта мағлуб бўлди. Турли мухолифат гуруҳларидан иборат Жаната парти (Халқ партияси)нинг қўли баланд келди. М.Десаи бошлиқ касталарнинг манфаатларини химоя қилган, "хорижонлар" эса сайловларда ушбу касталарга эргшиб, овоз беришган эди. Сайловлардан кейин ҲМК чуқур тангликни бошидан кечирди. Десаи ҳукумати И.Ганди ва Конгресс фаолиятини текширишга киришди. ҲМК раҳбариятида ҳам И.Гандига хуружлар кучайди. Бу партия М.Ганди ва Ж.Неру ишларининг чинакам давомчиси сифатида сиёсат юритишини эълон қилди. ҲМК аъзоларининг кўпчилиги И.Гандига эргашди.

И.Ганди яна ҳукумат тепасига келгандан кейин, у йирик сармоядорлар учун илгари белгиланган чекловларнинг кўпини бекор қилди. Иқтисодиёт ривожланиши учун шарт-шароит яратилди. Айни вақтда ҳукумат аҳоли энг ночор қатламларнинг ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда жамиятни бирлаштириш йўлини ҳам давом эттирди. Унинг янги дастури кўп жиҳатдан аввалгисига ўхшар эди. Лекин ҳукумат жамиятда тарқоқлик кучайиши ҳолларига дуч кела бошлади. Гарчи шаҳар ҳаёти касталарга хос анъаналарни кўп жиҳатдан емираётган бўлса-да, таълим олиш ёки ишга жойлашиш учун интилишда рақобат ўсиб бораётганди. Юқори касталарга мансуб айрим кишилар "хорижонлар"га ҳужум қилиб турурди. (Давлат хизматидан ёки ўқув юртиларидан жами ўринларнинг 15% и "хорижонлар" учун захира тарзида ажратиб қўйилганди). Қишлоқларда юқори касталарнинг вакиллари "хорижонлар" ни ҳукумат берган ерлардан қувиб чиқариш учун қуролли дасталар тузишди.

Аммо И.Ганди ҳукумати бу масалада ўзи илгари танлаган йўлни давом эттирди, ҳатто "хорижонлар"ни химоя қилиш учун қишлоқларда қўриқчилар тизимини таъсис этди.

Айирмачилик (сепаратчилик) бундан ҳам мушкул муаммо эди. Мустақиллик даврида Ҳиндистонда тили, маданияти, баъзан дини билан бир-биридан фарқланувчи кўпгина халқларнинг жипслашуви содир бўлди, аммо иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар бу халқлар ўртасидаги зиддиятларни кучайтирди. Қўшни давлатларда ўз қабиладошлари яшайдиган ёки алоҳида диний муштараклик касб этган аҳолидан иборат айрим чегарадош штатларда сепаратчилик айниқса кучли намоён бўлди. Масалан, мамлакат жанубида яшовчи тамиллар орасида қўшни Шри-Ланкадаги тамиллар билан бирга алоҳида давлат тузиш гояси қўллаб-қувватланди. "Тамил Илам озодлиги йўлбарслари" деб аталмиш ҳарбий ташкилот 1983 йилда Шри-Ланкада қуроли кураш бошлади ва уни кейинчалик Ҳиндистонда ҳам давом эттирди. Бихар штатидаги ҳиндларга қарши қабилалар ҳаракати мухторият шиорини олдинга сурди. Кашмирда эса Покистонга мойил кайфият мавжуд эди. 1990 йилда Покистон билан уруш чиқишига оз қолди. 80-йиллар охиридан бошлаб ўзаро тўқнашувлар оқибатида Кашмирда 16 минг киши ҳалок бўлди.

Покистон билан чегарадош Панжоб штатидаги синхлар ҳаракати Ҳиндистон ҳудудий яхлитлиги учун айниқса зўр хавф солди. 70-йиллар охирида бу ерда миллий ҳаракат кучая бошлади. Бу эса "яшил инқилоб" туфайли штатда электр қуввати, сув етишмаслиги, ортиқча иш кучи оқиб келиши билан боғлиқ бўлиб, мавжуд муаммони баттар чиғаллаштириб юборди. Жангари синхларга хос анъаналар тиклана бошлади. Мазкур диний жамоа орасида синхларнинг мустақил давлати — Холистон (Сингхистон)ни тузиш тарафдори бўлган жангарилар оқими зўр обрў қозонди. Жангарилар ўз дастурларини тузиб, ҳиндларга ҳамда ўзларининг мўътадилроқ қабиладошларига қарши террорчилик амалларига қўл урди. Сингхларнинг муқаддас шаҳри — Амристардаги Хар-Мандир (Олтин ибодатхона) эҳром мажмуи уларнинг қароргоҳи ва бошпанаси эди. 1984 йил 7 июнда И.Ганди буйруғи билан ҳинд қўшинлари Олтин ибодатхонага ҳужум қилиб, уни эгаллади. У ерда беҳисоб қурол-яроғ топилди. 1984 йил 31 октябрда И.Ганди ўзининг икки сингх кўрикчиси томонидан отиб ўлдирилди.

Худди шу куни унинг ўғли Ражив Ганди янги ҳукумат бошлиғи этиб сайланди. Бу пайтгача у ҲМК(И) партиясининг бош котиби эди. У кечкурун радио орқали халққа мурожат қилиб, ҳар қандай зўравонликка қўл урмасликка чақирди.

1984 йил декабрида навбатдаги парламент сайловлари ўтказилиб, ҲМК(И) партияси яна галаба қозонди. Р.Ганди ҳукумати хусусий секторга таяниш ва миллий иқтисодиётни замонавийлашти-

риш дастурини таклиф этди. Йирик сармоядорларга қўшимча имтиёзлар сифатида тўғри солиқлар қисқартирилди, мерос солиғи бекор қилинди. Ҳукумат илгари монополиялар гуруҳига мансуб қилинган 800 га яқин йирик компания фаолияти устидан назоратини имкон қадар камайтирди. Майда тадбиркорларга ҳам ёрдам кўрсатилди. Натижада саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиш суръатлари ортиб, 1984 — 89 йилларда ўрта ҳисобда 9%га етди.

Аммо, Р.Ганди ҳукуматининг йирик сармоядорлар билан муносабати унчалик ҳам силлиқ эмасди. 1986 йилда имтиёзларнинг бир қисми бекор қилинди. Мудофаа ва молия вазири В.П.Сингх халққа ёқиш учун даромадларнинг қисқаришига ва йирик хусусий фирмаларнинг солиқларни тўламаслигига қарши кампанияни авж олдирди. Айрим бизнесменлар қамоққа олинди. Савдо-саноат доираларининг кескин норозилиги Р.Гандини мазкур кампанияни тўхтатишга мажбур этди. 1987 йилда омма орасида обрў орттирган В.П.Сингх ҳукумат тиркибидан чиқиб, мухолифот партиясини тузишга киришди. 1988 — 89-йилларда Ҳиндистон хорижий ва хусусий сармоядорлари га янги имтиёзлар берилди. ҲМК(И) ҳукумати ижтимоий соҳада "хорижонлар"га ёрдам кўрсатишни давом эттирди, аммо энг камбағал аҳоли бошқа гуруҳларнинг норозилигини ҳисобга олиб, қолоқ куйи касталарнинг ҳам маълум даражадаги тоифаларига мадад берди. Шунингдек, ҳукумат миллионлаб кишиларнинг йўқсиллиги туфайли қабилаларо ва диний можаролар содир бўлган минтақалар аҳолисига ижтимоий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрди. Айни вақтда куч қўллаш ва полиция воситасида Панжоб, Ассом, Бихар, Жамму ва Кашмирдаги ва бошқа жойлардаги айирмачилар ва жангариларнинг ҳаракати бостирилди. 1987 йилда Ҳиндистон армиясининг бўлинмалари тинчлик ўрнатувчи куч сифатида, тамил сепаратчиларига қарши курашда Шри-Ланка ҳукуматига ёрдам бериш мақсадида шу мамлакатга юборилди. Ҳиндистон аскарларининг "Тамил Илам озодлик йўлбарслари" билан қуроли тўқнашувларда иштирок этиши Ҳиндистоннинг 50 миллионга яқин тамиллар яшайдиган Тамилнад штатида ҳукуматга қарши кайфиятни кескин кучайтирди.

Аҳолининг кўпгина қатламлари ҳукумат сиёсатидан, унинг миллий ва диний соҳаларида жангари кучлар зўрайишининг олдини олишга ноқобиллигидан, йирик шаҳар буржуазиясига ҳаддан ортиқ ён босиб, аҳоли бошқа гуруҳларининг манфаатларини назарга илмаслигидан, ҳукуматдаги коррупция ҳолларидан норози эди. Ана шундай мушкул вазиятда — 1989 йил ноябрида парламент сайловлари бошланди. Мухолифот ҲМК (И)нинг яккаҳокимлигига қарши ку-

раш очишга қарор қилди. В.П.Сингх тузган Жаната дал партияси, Ҳиндлар партияси, Бхаратия Жаната парти ҲМК(И) устидан ғалабани таъминлаш учун сайлов округларини ўзаро бўлишиб олиш ҳақида тил бириктирди. Сайловларда ҲМК(И) овозларнинг атиги учдан бир қисмидан кўпроғини олди, холос. Парламентдаги ўринларнинг тўртдан бир қисмини эгаллаган Жаната дал (Халқ партияси) ҲМК(И)га қарши бошқа мухолифотчи кучлар ёрдамида ҳукумат тузди. Унинг бошлиғи Сингх йирик сармоядорларнинг сиёсат соҳасидаги таъсирига қарши курашни ўз ҳукумати сиёсатининг асоси, деб эълон қилди. Асосий эътибор қишлоқ хўжалиги ва майда саноатни ривожлантиришга қаратилди. Сингх: "Биз халқ бевосита иштирок этадиган ҳукуматни — камбағаллар ҳукуматини тузамиз", деб ваъда берди. Албатта, халққа ёқиш учун танланган бу йўл Ҳиндистон жамияти олий табақаларига, унинг сармоядор доираларига ёқмади. 1990 йил ноябридаёқ ҳукумрон Жаната дал 1979 йилдаги Жаната парти тақдирига дучор бўлди ва парчаланиб кетди.

Муддатидан олдин сайловлар 1991 йил июнь ойига белгиланди. Сайлов мавсуми даврида, 1991 йил 21 май куни ҲМК(И) лидери Ражив Ганди тамил террорчилари томонидан ўлдирилди. Унинг ўлими билан Конгресс тарихида, бутун Ҳиндистон жамияти тарихида Неру оиласи билан боғлиқ бутун бир давр нидоюсига етди; мазкур оила намоёндалари жами 39 йил мамлакатни бошқариб келган эди.

Сайловларда Ҳиндистон халқи яна ҲМК(И) учун овоз берди. П.В.Нарасимха Рао (1921 йилда туғилган) — Р.Ганди ҳукуматининг собиқ ташқи ишлар вазири — янги ҳукумат бошлиғи бўлди. У Ҳиндистон иқтисодиётини янада эркинлаштиришдан, давлатнинг йирик монополиялар билан мустақкам иттифоқ тузишдан иборат Р.Ганди йўлини давом эттирди. Бу омиллар эса 90-йилларда иқтисодиётнинг барқарор суръатлар (йилига 7 — 9%) билан ўсишини таъминлади. Айни вақтда Нарасимха Рао ҳукумати (1991 — 1996) диний айирмачилик ҳолларига дуч келди. 40-йиллар охиридан аланга ола бошлаган ҳинд-мусулмон мижраси мисли кўрилмаган даражада кучайди. Жангариларнинг ошқора ташкилотлари таъсирида 1992 йил 6 декабрида Айодхья (Уттар-Прадеш штати)да фожиавий воқеалар содир бўлди. Ашаддий ҳинд гуруҳлари темир таёқлар билан қуролланиб, мусулмонларнинг муқаддас ибодатгоҳи — Бобур масжидига ҳужум қилиб, бузиб юборишди, сўнг мусулмонларнинг уйлари ва дўконларига ўт қўйишди. Ҳукумат тартибсизликни бостириш учун куч қўллади, аммо тўс-тўполон бошқа шаҳарларда ҳам кучайди. 1993 йил январиди ҳинд-мусулмон тўқнашувлари Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳри — 12 миллион аҳоли яшайдиган

Мумбайни ҳам ўз домига тортди. Ҳукумат бутун мамлакат бўйича мижраси оловини сўндиришга муваффиқ бўлди, аммо ҳиндлар билан мусулмонлар орасидаги адоват сақланиб қолаверди. Мусулмонларнинг сиёсий ташкилотлари кучая бошлади. Бхарата жаната партияси (БЖП) ўз мафкурасига кўра диний бўлмаган ҲМК(И) партиясига қарши тура оладиган таъсирли сиёсий кучга айланди.

1996 йил майидаги парламент сайловларида ҲМК(И) 28%, БЖП 23,5%, сўл партиялар уюшмаси 20% овоз олди. ҲМК(И)га қарши бошқа кучлар мадади билан БЖП раҳбари Атал Бихари Ваджапаи ҳукумат тузди. А.Б.Ваджапаи М. Десаи ҳукуматида ташқи ишлар вазири бўлган эди.

Ҳозирги Ҳиндистонда "бир партияли" сиёсий тузум ўрнига кўп партияли тузум ўрнатилган.

Ҳиндистон шароитида демократия иқтисодий вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим шарти ҳисобланди. Ҳозирда Ҳиндистон ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда 9-ўринни эгаллаб, саноатда қатор юксак даражадаги секторлар фаолият кўрсатади. Илмий ходимлар сони бўйича эса мамлакат дунёда учинчи ўринни эгаллайди. Бу омиллар ўтқир ижтимоий ва демографик муаммоларга қарамай, Ҳиндистонга муваффақиятли ривожланиш имконини бермоқда. 2004 йил бошида ўтказилган сайловларда Сингх партиясининг гуруҳ раҳбари Манмаҳон Сингх Ҳиндистон бош вазири лавозимига сайланди.

Ташқи сиёсат — ҲМКнинг ташқи сиёсати шу партия ички сиёсатининг бевосита давоми эди. Бу сиёсатга Ж.Неру асос солган бўлиб, "куч ишлатмаслик" таъсирини ўтказган эди. Неру тинч-тотув яшашнинг беш асосий қоидаси — "панча шила" (ҳинд тилида — беш асосий қоида)ни ишлаб чиқдики, улар қуйдагилардан иборат: давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш; бир-бирига ҳужум қилмаслик; бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик; тенглик ва ўзаро манфаатдорлик; тинч-тотув яшаш. Биринчи бор ушбу қоидалар 1954 йилги Ҳиндистон — Хитой битимида қайд этилган бўлиб, ўша вақтдан бери халқаро муносабатлар амалиёти ва мафкурасига чуқур сингиб кетди.

Мазкур принциплар сўзда эмас, амалда Ҳиндистон ташқи сиёсатининг заминига айланди. Ж.Неру ишлаб чиққан ҳарбий блоklarга қўшилмаслик ғояси юқоридаги қоидаларнинг бевосита давоми сифатида кўпчилик давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳиндистон бошқа мамлакатларни ўзига бўйсундиришга, уларнинг ички ишларига аралашинишга ҳеч қачон интилмади, ҳаминша босқинчилик қурбонларини ҳимоя қилди. Шу боисдан унинг ташқи сиёсий йўли ривожлана-

ётган мамлакатлар учун жозибали эди. Ҳиндистон Бандунг конференцияси ва Кўшилмаслик ҳаракати ташаббускорларидан бири, аслида у мазкур ҳаракатнинг "норасмий раҳбари" эди.

Мустақил Ҳиндистон учун Покистон билан боғлиқ муаммолар икки томонлама муносабатлар соҳасида энг оғриқли муаммо бўлди. Кашмир масаласи бу икки давлат ўртасида талай можароларни келтириб чиқарди. Покистон Ҳиндистондаги мусулмонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келди. Ҳиндистон Собиқ Иттифоқ билан сиёсий жиҳатдан яқинлашган шароитда Покистон АҚШ ва Буюк Британия мададига таянди.

1965 йил август — сентябр ойларида Кашмир масаласида жиддий қуроли тўқнашув содир бўлди. 1971 йил декабрида кенг қўламли уруш авж олди. "Совуқ уруш" шароитида Ҳиндистон Фарб давлатлари билан яқин сиёсий алоқа ўрнатмаган эди. Иқтисодий соҳасида алоқалар ривожланган бўлса-да, хорижий сармоялар Ҳиндистон иқтисодиётига кам қўйилган эди. Фарб кредитлари ёрдамида асосан давлат корхоналари қурилди.

Собиқ Иттифоқ раҳбарияти Ҳиндистоннинг чинакам "социалистик" эвалюция йўлидан боришига умид боғларди. Шу боис Собиқ Иттифоқ Ҳиндистонга кенг миқёсда техник ва иқтисодий ёрдам кўрсата бошлади. 1991 йилда — Собиқ Иттифоқ қулаган даврга қадар — унинг кўмаги билан Ҳиндистонда жами 90 дан ортиқ йирик sanoat корхонаси бунёд этилган бўлиб, яна 50 таси қурилаётган эди. Ҳиндистон армияси Собиқ Иттифоқ қурол-яроғи билан қуроолланган эди. Собиқ Иттифоқ Ҳиндистоннинг Хитой ва Покистон билан можароларида Ҳиндистонни қўллаб-қувватларди.

"Социалистик Ҳиндистон" ҳақида орзулар амалга ошмаган бўлса-да, Ҳиндистон билан дўстона муносабатлар Собиқ Иттифоқга Жанубий Осиёда ўз таъсирини ўтказиш ва ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари назарида ўз обрўини ошириш имконини берди. Ҳиндистон Собиқ Иттифоқдан ёрдам олиб, у билан ҳамкорлик қилиб, айни вақтда ўз ташқи сиёсий ғояларига садоқатини сақлаб қолишга интилди. У Собиқ Иттифоқнинг қуроолланиш пойғасидаги иштирокини танқидий баҳолади, 1968 йилда Чехословакияга бостириб киришини қоралади, Афғонистондаги қуроли босқинига салбий муносабатда бўлди.

90-йилларга келиб, Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатида Фарбга мойиллик аниқ намоён бўла бошлади.

ҲИНДШУНОСЛИК — Ҳиндистон халқлари тарихи, маданий мероси, мафкуравий қарашлари, адабиёти, sanoati ва тилларини, шунингдек, янги даврда Ҳиндистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларини ўрганувчи фанлар мажмуи.

Европада ҳиндшунослик 19-аср бошида шаклланди. Аммо европаликларнинг Ҳиндистонга бўлган қизиқиши антик даврдан бошланган эди. Ўрта асрларда араб тилида ижод қилган олимлар (айниқса, 11-асрда Абу Райҳон Беруний), кейинчалик европалик сайёҳлар (13-асрда Марко Поло, 15-асрда Афанасий Никитин) Ҳиндистон тўғрисида маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Ҳиндистонга бориладиган денгиз йўлининг кашф этилиши ва бу мамлакатнинг мустамлакага айлантеририлиши даврида (16-18-асрлар) у ерга қўллаб христиан миссионерлари ва савдогарлари кела бошлади. Улар маҳаллий тиллар ва урф-одатларни ўрганишга киришдилар. 17-аср охиридан Ҳиндистон тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларни нашр қилиш билан мустамлакачи компанияларнинг амалдорлари шуғулланди. 20-асргача Ҳиндистонни ўрганиш 2 йўналишда — амалий (мустамлака бошқармасини амалий масалалари билан боғлиқ ҳолда) ва академик (шу минтақанинг ёзма ёдгорликларини ва умумий тарихий-филологик масалаларини ўрганиш) йўналишларда олиб борилган. 18-аср охиридан Европа (шунингдек, Россия) ва АҚШда санскрит, кейинчалик, пракрит ва пали тиллари ўрганила бошлади. Санскритнинг грамматик тузилишига оид тадқиқотлар вужудга келди. "Ригведа" ва ш. к. адабиётлар, буддизм, жайнизм ва бошқа динлар кенг тадқиқ қилинди. Ҳиндистоннинг амалий йўналиши асосан Ҳиндистоннинг ўзида ривожланди. Янги ҳинд-орий тилларининг қиёсий грамматикалари пайдо бўлди. Буюк Британия, Франция, Германияда тарихий солномалар, эпиграфик, нумизматик, этнографик ва бошқа материаллар тўпланди, тадқиқ қилинди. Бутун Ҳиндистон ва унинг айрим районларига оид географик маълумотлар тўпланди.

Рус ҳиндшуносларидан биринчи бўлиб Г. С. Лебедев ҳиндлар турмуши ва урф-одатлари тўғрисида ҳамда Ҳиндистоннинг Калькутта шеvasига оид грамматикани ёзиб, нашр эттирди. 19-аср бошидан Фанлар Академиясилар ва бир қанча университетларда санскритни ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Йирик ҳиндшунос, асосан, буддизм билан шуғулланган И. П. Минаев ва хитойшунос В. П. Васильев рус буддашунослигига асос солишди.

20-асрда ҳиндшунослар Ҳиндистоннинг қадимги, Ўрта аср ва янги даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий масалаларини, маданиятини кенг тадқиқ қила бошладилар. Монографик тадқиқотлар, умумлашган йирик асарлар вужудга келди. Кембриж университетига б томлиқ "Ҳиндистон тарихи" (муаллифлари Ж. Аллан, У. Хейг ва б.), кўп жилдли "Ҳинд халқининг тарихи ва маданияти" (Р. Ч. Мажумдор таҳрири остида), шунингдек, У. Гҳошал, Д. Д. Косамби,

Р. Мукержи, К. Паникар, К. Нилакант Шастри ва бошқаларнинг асарлари нашр этилди. Археология (мас., Ҳинд дарёси водийсида мил. ав. 3 – 2-минг йилликка оид обидаларнинг очилиши) ва эпиграфиканинг янги муҳим ютуқлари тарихчиларнинг энг йирик муваффақиятлари бўлди, "Веда"ларни ўрганиш йўлга қўйилди.

Фалсафа ва дин соҳасида, асосан, Шимолий Ҳиндистондаги буддизм кенг тадқиқ қилинди. С. Радхакришнаннинг фалсафанинг умумий тарихига оид муфассал тадқиқотлари нашр этилди. Ҳиндистон тарихи, адабиётига оид умумлашган асарлар вужудга келди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ҳиндистоннинг ўзида, шунингдек, Фарбий Европа ва АҚШда Ҳиндистоннинг иқтисодий, ижтимоий тарихини ўрганиш кенгайди. Деҳли, Алигарх, Калькутта университетларида тарихчи-марксистлар — Бипал Чандра, И. Ҳабиб, Д. Чаттопадхря, С. Саркор ва бошқалар дарс бера бошладилар. Р. Тҳапар, Т. Райчаудхури ва бошқа ҳинд олимларининг асарларида ҳам Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий тарихини прогрессив йўналишда ўрганиш тенденциялари кўриниб турди. Ҳиндистоннинг ҳозирги иқтисодий-сиёсий масалаларини ўрганиш кенг тус олди. Конкрет социологик ва социолог-этнографик тадқиқотлар Ҳиндистонда муҳим ўрин эгаллади.

Россияда санскритшунослик ва буддашунослик билан бир қаторда Ҳиндистон филологияси тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларни ўрганиш кенгайди. Айниқса, II жаҳон урушидан кейин ҳиндшунослик соҳасида олиб борилаётган ишлар янада ривожланди. Ҳиндистоннинг 4 томлик тарихи, асосий тилларининг луғатлари, грамматикалари, адабиётлари тўғрисидаги очерклар, классик ва ҳозирги замон ёзувчиларининг асарлари, таржималари нашр этилди. Кейинги йилларда Ҳиндистондан покистоншунослик ажралиб чиқди.

Европадаги давлатларда ҳиндшунослик кенг ривожланди. Уларда Ҳиндистоннинг янги ва энг янги тарихи, иқтисодий ва сиёсий масалалари, миллий тиллари ва адабиётларига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Собиқ Иттифоқ ФА Шарқшунослик институти Собиқ Иттифоқ да Ҳиндистоннинг маркази ҳисобланади. Москва, Ленинград, Тошкент, Тбилиси, Гарту университетларида, Москва халқаро алоқалар институтида ҳиндшунослар тайёрланди ва тадқиқот ишлари олиб борилди. Ҳиндистонда Калькутта, Деҳли, Банорас, Мумбай, Мадрас, Алигарх (Муслмон университети) университетлари ва бошқа кўпгина илмий текшириш институллари Ҳинд шуносларнинг марказлари саналади. Европа ва АҚШ университетларида Ҳиндистон бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. АҚШнинг 16 та университетида Ҳиндистон кафедралари бор. Японияда буддалогия кенг ривожланган.

Ўзбекистонда Ҳиндистонни ўрганиш узоқ тарихга эга. Ўрта Осиёнинг йирик олим ва мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абдураззоқ Самарқандий, Заҳириддин Бобур, Фурқат асарларида Ҳиндистон тўғрисида маълумотлар кенг берилган. Ўрта Осиёда, хусусан, Тошкентда Ҳиндистонни ўрганиш 19-аср охири — 20-аср бошида анча ривожланди.

XX аср бошидан ўзбек ҳиндшунослигида янги давр бошланди. Ўзбек олимлари Рабиндранат Тагор ҳаёти ва ижодини ўргана бошладилар, асарларини таржима қилдилар. Ҳинд халқининг миллий озодлик ҳаракати ўрганилди. Б.Солиевнинг "Ҳиндистон Англия зулми остида" китобчаси Тошкентда чоп этилди (1920).

II жаҳон урушидан сўнг, Тошкент ҳиндшунослигининг йирик марказларидан бири бўлиб қолди. 1947 йили САГУ (ҳозирги ТошДМУ)нинг Шарқшунослик факультетида ҳинд филологияси кафедраси очилди. Унда ҳинди ва урду тиллари бўйича олий ўқув юртлари ва мактаблар учун дарслик, хрестоматия, луғат, сўзлик ва дастурлар тайёрланди.

1958 йили ЎзФА Шарқшунослик институтида Ҳиндистон ва Покистон бўлими очилди. Шу вақтдан Ҳиндистонни чуқур ва илмий асосда ўрганиш бошланди. ЎзФАнинг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ҳинд фалсафаси ўрганилади ва тадқиқ қилинади. Йирик ҳинд мутафаккир ва маърифатпарварларидан Саид Аҳмадхон, Муҳаммад Иқбол, Маҳатма Ганди, Свами Вивакенанда, Ж.Неру И.Ганди ва бошқаларнинг фалсафий, ижтимоий-иқтисодий қарашлари тўғрисида илмий тўпламлар, асарлар ва бошқалар чоп этилди. И.Г. Низамутдиновнинг "XVI — XX аср" бошларида Ўрта Осиё — Ҳиндистоннинг маданий алоқалари тарихи очерки нашр этилди.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ, КАСАБА СОЮЗЛАРИ ВА БОШҚА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Ҳиндистон Миллий Конгресси (И), ҲМКдаги бўлинишдан сўнг И. Ганди томонидан 1978 йил январда тузилган. 1980 йил январдан ҳукмрон партия. Жаната парти (Халқ партияси). 1977 йил тузилган. 1977 йилги сайлов олди блокида Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК)га оппозицияда бўлган барча партиялар ва гуруҳлар - Жан Сингх, Конгресс ташкилоти, Бхаратия Локдал, социалистлар, шунингдек, Демократия учун Конгресс партияси кирган. 1977 — 79 йилларда ҳукмрон партия. Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК), 1885 йили тузилган. 1947 — 77 йилларда ҳукмрон партия, ҳинд миллий

буржуазияси, помещиклар ва майда буржуазиянинг муайян табақалари манфаатини ҳимоя қилади. ҲМК конституция йўли билан Ҳиндистонда "социалистик типдаги жамият" қуришни ўз мақсади деб эълон қилган. 1977 йил март сайловларидаги мағлубият натижасида ҲМК қаттиқ инқирозни бошидан кечирди. Унинг бир қанча машҳур арбоблари партиядан чиқиб, Жаната партига қўшилдилар ёки ўз сиёсий партия ва гуруҳларини тuzдилар. Партиядаги бўлинишдан (1977) кейин ҲМК(И) номини олди. Раиси Д.Арс.Ҳиндистон Коммунистик партияси (ҲКП), 1925 йил декабрда тузилган, 546 минг аъзоси бўлган. (1978). Ҳиндистон параллел Коммунистик партияси (ҲПКП), 1964 йил охирида ҲКП нинг "сўл" арбоблари гуруҳи томонидан ташкил этилган. Шунингдек, 17 минтақавий партиялар ҳам мавжуд (энг йириклари: Анна дравида муннетра казагам — асосан Тамилнад штатида; Акали дал — Панжоб штатида).

Ҳиндистон касаба уюшмалари миллий Конгресси 1947 йили тузилган. ҲМК таъсирида. Умум Ҳиндистон касаба уюшмалари Конгресси 1920 йили тузилган, ҲКП раҳбарлигида ишлайди. Ҳиндистон ишчилар иттифоқи. 1948 йили тузилган, социалистлар таъсирида. Ҳиндистон касаба уюшмалари маркази 1970 йили тузилган. ҲПКП таъсирида. Меҳмат Миллий ташкилоти 1971 йили тузилган, Жаната парти таркибидаги Конгресс ташкилоти партияси таъсирида фаолият юритади. Энг йирик деҳқонлар ташкилоти — Кисан сабҳа (Умум Ҳиндистон деҳқонлар мажлиси), ҲКП таъсири остида ишлайди ва б.

Ҳиндистон тинчлик ва бирдамлик ташкилоти, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш Бутун Ҳиндистон Ассоциацияси, Ҳиндистон хотин-қизлар миллий федерацияси ва бошқа оммавий ташкилотлар бор, Умум Ҳиндистон ёшлар Конгресси ва бошқа жамоат ташкилотлари бор.

Транспорт. Темир йўл транспортда юкларнинг 75% ташилади. Автомобиль ва авиация транспортлари ривожланмоқда. Темир йўл узунлиги 62 минг км, жумладан, 30 минг км кенг изли (1978). Автомобиль йўлларининг узунлиги 787 минг км, жумладан, 513 минг км қаттиқ қопламли. Денгиз флотининг умумий тоннажи 7,55 млн. брутто рег. т (2007). Энг йирик портлари: Мумбай, Калькутта, Мармаган, Вишак-ҳапатнам, Мадрас, Кочин, Муҳич марказлари авиалиниялар билан боғланган.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Четга, асосан қанд, жут буюмлари, чой, пахта, ип-газлама, металл ва металл буюмлар, машина ва ускуналар, химикатлар, темир рудаси чиқарилади; четдан машина, ускуналар, металл буюмлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, минерал

ўғитлар, химикатлар, кимё хом ашёси келтирилади. Асосан АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Япония билан савдо қилади. МДҲ ва Европадаги бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари ривожланмоқда. Экспортнинг 1/5 қисми МДҲ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. Ҳиндистонга туристлар кўп келади. Пул бирлиги — Ҳиндистон рупияси.

Қуролли Кучлари куруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳарбий денгиз кучларидан иборат. Умумий сони 1 млн. 200 минг кишидан кўпроқ (2006). Олий Бош қўмондон — Президент, қўшинларга умумий раҳбарликни мудофаа вазири амалга оширади. Армия, авиация ва флотдаги оддий аскарлар кўнгилчилардан иборат бўлиб, 15 йилга ёлланадилар. Умумий мажбурий ҳарбий хизмат йўқ. Офицерлар ҳарбий ўқув юргларида, миллий кадет корпусларида тайёрланади. Офицерларнинг бир қисми чет элда таълим олади. Куруқликдаги қўшинлар, пилдлар, артиллерия, бронетанк, ҳаво десанти, махсус қўшинларнинг бўлинмалари оғир ва енгил танклар бор. Ҳарбий ҳаво кучлари ташкилоти жиҳатдан авиация қўмондликлари штабларидан ташкил топган. Ҳарбий денгиз кучлари (денгиз авиацияси билан бирга) Ғарбий, Шарқий ва Жанубий)-ғарбий денгиз қўмондонликларидан ташкил топган, жанговар кемалари, ҳарбий-денгиз авиациясида самолёт ва вертолётлар бор. Қуролли Кучлардан ташқари чегара қўшинлари, ҳарбийлаштирилган ташкилотлар ҳам бор. Қурол-яроғларнинг асосий қисми чет эллардан сотиб олинган, ракета ва бошқалар ўзида ишлаб чиқарилади.

Фани ва илмий муассасалари. Табиий ва техника фанлари. Ҳинд дарёси ҳавзасидаги аҳоли қадим замонларданоқ Месопотамия ва Қадимги Мисрдан қолишмайдиган юқори маданиятга эга бўлган.

"Аюрведа" (мил. ав. 9 — 3-асрлар) номли асар Ҳиндистоннинг қадимги тиббиёти бўйича қимматли манба ҳисобланади. Мил. 1-аср, айниқса, Гупталар даври (4 — 6-асрлар) қадимги Ҳиндистон маънавий маданиятининг энг гуллаган даври бўлди. Ҳисоблашнинг ўнлик позицион системасининг яратилиши жаҳон фанига қўшилган энг катта ҳисса бўлди. Планеталарнинг турган жойини аниқлаб берувчи синуслар жадвали ўша давр Ҳиндистон фанининг катта ютуғи ҳисобланади.

Бобурийлар империяси даврида астрономия катта ютуқларга эришди. Деҳли, Жайпур ва бошқа шаҳарларда расадхоналар очилди.

Инглиз мустамлакачилари фақат мустамлакачилик ҳўжаликларига зарур бўлган фан соҳаларинигина ривожлантирдилар. 1787 йили Калькуттада ботаника боғи, 1792 йили Мадрасда расадхона барпо қилинди.

1857 йили Калькутта, Мумбай ва Мадрасда университетлар очилди. Ҳиндистоннинг геология ва ботаника, антропология ва археология хизматлари ташкил этилди. 1871 — 72 йилларда Ҳиндистонда биринчи аҳоли рўйхати ўтказилди.

19-аср охири — 20-аср бошларида табиий-илмий ва техникавий жамиятлар — Калькуттада Инженерлик ассоциацияси (1895), Аҳмадободда (1902) ва Мумбайда (1904) Медицина жамиятлари, Дехлида Математика жамияти (1907) ва бошқалар пайдо бўлди.

Ҳиндистон мустақилликка эришгач (1947), илмий-тадқиқотлар амалий аҳамият касб эта бошлади. Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва халқ фаровонлигини ошириш мақсадида фанга катта аҳамият берилди. Ядро физикаси, қаттиқ жисм ва элементар заррачалар физикаси, табиий бирикмалар кимёси, электроника ва бошқа соҳаларда фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида Ҳиндистон олимлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш устида ишламоқдалар.

Тиббиёт тадқиқотлари билан университет ва қатор махсус марказлар шуғулланади. Машҳур тиббиёт муассасалари: Бугун Ҳиндистон гигиена ва соғлиқни сақлаш институти (Калькутта), Безгак институти (Дехли), Касаулидаги Марказий илмий-тадқиқот институти, Рак касалликлари институти (Мумбай), Бенгалурдаги Психиатрия институти, Тамилнад штатидаги Мохов касаллиги институти, Юрак хасталиги Хавкин институти (Мумбай).

Математика, физика ва астрономия соҳаларида ҳам бирмунча тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Атом тадқиқот марказида ядро ва техника физикаси, электрон асбобсозлиги муаммолари, радиацион хавфсизлик, кимёвий технология, радиокимё, тиббиётда изотоплардан фойдаланиш соҳасида ишлар олиб борилмоқда.

Ҳиндистонда илмий-тадқиқотлар 219 та университетларда ва кўплаб махсус марказларда, илмий жамият ва ассоциацияларда шунингдек, Ҳиндистон Миллий Фанлар академиясида олиб борилади. Ҳиндистон Миллий Фанлар академияси энг йирик илмий муассаса ҳисобланади. Унинг институтларида Илмий ва саноат тадқиқотлари Кенгаши, Атом энергияси бўйича комиссия, қишлоқ хўжалик тадқиқотлари бўйича Ҳиндистон кенгаши, Тиббиёт тадқиқотлар бўйича Ҳиндистон кенгаши, Университетларни маблағ билан таъминлаш Комиссияси, Мудофаа тадқиқот илмий Конгресси ассоциацияси, Ҳиндистоннинг энг оммавий касалликлари бўйича 130 та илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда Ҳиндистонда фан ва тадқиқотларнинг ривожланишида хориж давлатлари билан олиб бориладиган илмий алоқалар муҳим ўринда туради. Университетларда илмий ишларни ташкил этишда ЮНЕСКО Россия, Буюк Британия ва АҚШ ёрдам кўрсатган. Собиқ Иттифок билан Ҳиндистон илмий ва маданий ҳамкорлик асосида космик тадқи-

қотлари, геофизик, тиббий бирикмалар кимёси, пахта толаси кимёси кабилар олиб борилган. 1979 йилда рус космик ракетаси ёрдамида "Ариабета" ва "Бхаскара" сунъий йўлдошлари училди. 700 дан ортиқ ихтисослашган лаборатория илмий-тадқиқотлар ишлари олиб борилди. Мамлакат Илмий-тадқиқот ишлари билан 2,5 млн. дан зиёд киши шуғулланади. Метеорология департаменти муассасалари ва Геофизик тадқиқотлар миллий институтида (Ҳайдарабод ш.) геофизик тадқиқотлар олиб борилади. Ҳиндистонда 5 географик ассоциация минтақавий, тарихий ва иқтисодий география масалалари устида ишламоқда. Кимё соҳасида Миллий кимё лабораторияси (Пуна ш.) йирик тадқиқот маркази ҳисобланади. Бу — қаттиқ жисм кимёси, физик-кимё, биокимё. Органик ва анорганик кимё, полимерлар кимёси ва кимё машинасозлигининг амалий муаммолари устида тадқиқотлар олиб борилади. Табиий бирикмаларни ўрганиш соҳасида Ҳиндистон жаҳон фанида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Ботаникага оид тадқиқотлар билан Мадрас Университети шуғулланади. Зоологияга оид тадқиқотлар Дехли Университетида олиб борилади. Бирбала Сани номидаги Палеоботаника институти (1946 йили очилган) биология соҳасида йирик тадқиқот маркази ҳисобланади, институт Ҳиндистон палеофлорасини ўрганиш билан шуғулланади. Статистика институти, математик статистика бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Энг йирик бўлган Осиёни ўрганиш илмий тадқиқот институти (1904 й) кўп соҳаларни ўрганади.

1973 — 74 йилларда 281,6 минг ўринли 15,7 минг касалхона (1000 кишига 0,6 ўрин), 1,5 мингта касалхоналарнинг поликлиника бўлими, 4,4 мингта соғлиқни сақлаш маркази ва 10,5 мингта диспансер ишлаган. 1974 йилда 138 минг врач (ҳар 4300 кишига 1 врач), 9 минг тиш врачлари, 51 минг фармацевт ва 88 мингта яқин ўрта тиббиёт ходими ишлаган. Бундан ташқари, халқ таъбири ҳам кенг қўлланилади. Тиббиёт ходимлари 100 та тиббиёт, 15 та тиш врачлари коллежларида ва 11 та бошқа тиббиёт ўқув юртиларида, ўрта тиббиёт ходимлари 480та мактабда тайёрланади.

ҲИНДИСТОНДА ТИББИЁТ ХИЗМАТИ. Мамлакатда соғлиқни сақлаш амалиётида халқ таъбири ҳам кенг қўлланилади. Соғлиқни сақлаш асосан Ҳиндистон мустақиллиги йилларида ички инфекциялар, гелиминтозлар, трахома, сил, болалар инфекциялари, мохов, вабо, чечак, оғиз бўшлиғи ва бурун-томоқ органлари, рак, қон босими каби касалликлар учраб турган. Мустақилликка эришгандан сўнгу бу касалликларга қарши курашишга катта эътибор қаратилди. Тиббий хизматни кучайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш ва оилани режалаштириш марказий ва минтақавий вазирликлари ташкил этилди.

Марказий тиббиёт таълими, илмий-тадқиқот институтларининг фаолиятига раҳбарлик тартибга солинди, шунингдек, штатлардаги (вилотлардаги) сув порти ва аэропортлардаги соғлиқни сақлаш органларини Марказий тиббиёт таълим хизмати бошқариб туради. Тиббиёт ходимлари 100 тадан ортиқ тиббиёт олий ўқув юрларида, 20та тиш врачлари коллежларида ва 18 та тиббий билим юрларида, тайёр ҳодимлар 490 та тиббиёт мактабларида тайёрланади. Мамлакатда кўплаб тиббиёт марказлари, замонавий шифохоналар ва амбулаториялар тармоқлари мавжуд. Асосий курорт масканлари 40 тадан ортиқ бўлиб, аҳолига ва хорижийликларга дам олиш ва даволаниш учун шароитлар яратилган. Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари, АҚШ ҳамда Марказий Осиё республикаларининг касаллари учун мақбул баҳолар бўйича сифатли даволашнинг қулай ва жозибали маркази Ҳиндистон соғлиқни сақлаш муассасалари бўлиб келмоқда. Ҳиндистон бир йилда бир миллион соғломлаштириш туризмига хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга бўлиб, ҳар йили давлат газнасига 5 млрд. АҚШ долларини олиб келиш имкониятларни беради. Ҳиндистонда даволаниш қиймати Фарб мамлакатларига нисбатан 5 маротаба пастлиги билан фарқ қилади. Масалан, юракни операция қилиш Ҳиндистонда 6000 доллар турса, Фарб мамлакатларида 30 000 долларни ташкил этади, мия суягини алмаштириб қўйиш Фарбда 400 000 доллар, Ҳиндистонда эса 30 000 долларни ташкил этади.

Ҳиндистон комплекс соғлиқни сақлаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида ажойиб имкониятларга эга. Касалларга ЙОҒА, мецитация, аюрведа, аллопатия ва бошқа даволанишлар қўлланади. Соғлиқни сақлаш муассасалари жаҳоннинг даволаниш марказларидан қолишмайдиган шароитга эга бўлиб, халқаро стандартлар бўйича тажрибали, билимли мутахассисларга эга. Сўнгги беш йил ичида соғлиқни сақлаш учун чет эллардан Ҳиндистонга келаётган касалларнинг сони 10 мингдан 100 мингтагача кўпайди. Ҳиндистонда соғлиқни сақлаш соҳасида 4 млн. ходим ишлайди, бу мамлакат иқтисодиётининг энг йирик хизмат кўрсатиш секторларини ташкил этади. Ҳиндистон саноати Конфедерация ва Маккензи фонди томонидан олиб борилган кўшимча тадқиқотлар кўрсатишича қуйидагилар аниқланган:

– ҳозирги даражадаги суръатда ривожланиш ва ўсиш 2012 йилда Ҳиндистон соғломлаштириш туридан келадиган даромад 2 млрд долларни ташкил этади;

– истиқболдаги 10 йил давомида соғлиқни сақлашнинг харажатлари 2 баробарга кўпайтилади, соғломлаштириш хизмати 2012 йилга келиб 14,8 млрд. доллардан 33,6 млрд. доллага ёки 2,3 бар барча яқин кўпаяди;

– соғлиқни сақлаш базаларининг умумий ҳажмида фармацевтик базаларининг ўсиши 2012 йилда 22,2 млрд. дан 50 млрд. долларга ўсиши мумкин.

– Мумбайдаги Осиё кордиология институти АҚШнинг Кливленда Институти билан биргаликда ташкил топиб, ҳар ҳил мураккаб кордиологияга оид касалларга энг арзон баҳоларда муқобил соғлиқни сақлаш хизматини кўрсатиш имкониятига эга;

– Ҳинд тиббиёт хизмати юқори даражадалиги билан унинг юқори муваффақиятлилиги ва интеграцияланганлигидир;

– 2002 йилда ўтказилган 43 000 кордиологик операциялардан 98,5 фоизи муваффақиятли бўлган;

– бош мияни алмаштириш бўйича 110 операциядан 80 фоизи муваффақиятли чиққан.

– 60 000 та жигарни алмаштириш операцияси бўйича 95 фоизи муваффақиятли бўлган.

Жаҳоннинг энг нуфузли соғлиқни сақлаш марказларидан ҳисобланган Буюк Британия Ҳиндистон жарроҳлик марказини эътироф этган ва Буюк Британиянинг стандартлар Институти Дехлидаги ESKORTS касалхонасини аккредитацияга олган. Кўплаб хусусий касалхоналар гуруҳи халқаро тиббиёт марказларининг сертификатларини олганлар.

Қиёсий баҳолаш

Операция	АҚШда	Ҳиндистонда
Мия суягини алмаштириш	40 000	30 000
Жигарни алмаштириш	50 000	40 000
Юракни очиш операцияси	50 000	44 000
Бош мияда операция	29 000	8 000
Оёқ суягидаги операция	16 000	45 000

Ҳиндистонда менерал сув булоқлари ва иқлим станциялари кўп.

Ветинарияси. Ҳиндистонда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг юқумли ва инвазион касалликларидан оқсил, қутуриш, шохли моллар ўлати, эмфизема карбункули, қўй ва эчкиларнинг чечак касал-

лиги, қушларнинг Ньюкасл касаллиги, трипаносомоз ва ҳ. к. кўп тарқалган. Ветеринария врачлари 19 та ветеринария институтлари ва коллежларида тайёрланади. Ҳиндистонда 9 мингдан ортиқ ветеринария врачлари бўлган (1970). Ветеринария хизмати ҳудудий принципга асосланган, ветеринария лаборатория ва станциялари бор. Илмий-тадқиқот ишларининг энг муҳим маркази – Иззатнагар институти ва унинг Муктешвардаги бўлими.

Маорифи. Ҳиндистон мустақилликка эришган даврда мамлакат аҳолисининг 96 фоизи саводсиз бўлган. 1949 йилда қабул қилинган Конституция бўйича халқ таълимини ривожлантиришга кенг йўл очилди. Ҳиндистондаги ҳозирги замон халқ маорифи системаси мураккаб тузилган: 3 – 6 ёшли болалар учун мактабгача муассасалар (улар кам ва асосан хусусий секторга қарашли), бошланғич ва кичик "асосий" мактаблар (6 – 14 ёшдаги болалар учун), тўлиқ бўлмаган ўрта ва катта "асосий" мактаблар (1 – 14 ёшдаги болалар учун) бор. 1971 йили барча турдаги мактабларда 82,6 млн. 2007 йилда 100 млн. га яқин ўқувчи ўқишни битирди. Давлатга қарашли бошланғич мактабларда ўқиш bepул, ўқитиш она тилида, кўп миллатли районларда эса ўша туманнинг асосий тилида олиб борилади. Хусусий бошланғич мактабларда ва кўпчилик ўрта мактабларда ўқиш пуллик. 1967 йилдан ҳинд тили асосий бўлмаган штатлардаги мактабларда учта тил – миллий, ҳинд ва инглиз тиллари, ҳинд тили асосий бўлган штатлардаги мактабларда ҳинд ва инглиз тиллардан ташқари биронта ҳудудий тил ўқитилади. 1967 йилдан дастурларни қайта кўриб чиқиш, янги дарсликлар тузиш ишлари олиб борилаётган. Ҳиндистонда (2007 йилнинг бошида) 99 та университетга тенглаштирилган 12 та институт, миллий аҳамиятга эга 9 та институт бор. Олий таълим пулли, ўқиш муддати 5 – 6 йил.

Ҳозирги кунда (2003) мамлакатда катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш мақсадида махсус мактаблар очилган бўлиб, уларда 120 млн. киши шугулланади. Мамлакатда ҳозирги кунда 219 та университет ва институтлар ҳамда 7 мингдан зиёд коллежлар мавжуд. Энг кекса олий ўқув юр்தларидан Мумбай университети, Калькутта университети, Мадрас, Чиной ва Деҳли университетлари бор. Неру номи Янги Деҳли университети 1964 йилда очилган.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАР. Ҳиндистонда маданий, маърифий ва маънавий соҳаларга қадимдан катта эътибор берилган. Ўзининг мукамаллиги билан маданий, маърифий ва иқтисодий қарашларини баён этган асар – "Артхашастра" асари эрамыздан аввалги IV – III асрларда вужудга келган. Асар подшо Чандрагупта I нинг маслаҳатчиси Каутильс Бишнугупта томонидан ёзилган. Эрамыздан ав-

валги VI – V асрларда ёзилган "Калила ва Димна" насиҳатнома фалсафий асари ва бошқа кўплаб қадимий ҳинд ёзувчилари, файласифлари, математиклари томонидан яратилган асарлар Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади. Асосий кутубхоналар: Калькуттадаги миллий кутубхона 1902 йилда ташкил топган. Деҳлидаги оммавий марказий кутубхона (1951), Чиннайдаги оммавий марказий кутубхона (1896 й) ва бошқа мингдан ортиқ кутубхоналар бор. Мамлакатда 460 тадан ортиқ музейлар фаолият юритади. Музейларнинг энг йириклари: Чиннайдаги давлат музейи (1851), Янги Деҳлидаги миллий музей, Варанаси шаҳридаги Санъат музейи, Калькуттадаги Ҳиндистон музейи (1814), Барда Мехнология музейи, Мумбайдаги Фарбий Ҳиндистон музейи, Деҳлидаги Ж. Неру (1964) ва М. Ганди (1948) мемориал музейлари бор.

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР. Фалсафа. Ҳиндистондаги фалсафий тафаккур тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Жуда қадимий тарихга эга бўлган "Веда"ларда макон, замон, дунёнинг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритилади. Бу фикрлар брахманизм мафкурасини вужудга келтирди, кейинчалик у Брахман, Лранряк ва Упанишадлар каби оғзаки санскрит матнларда кенг тарқалди.

Мил. ав. 7 – 4- асрларда Ҳиндистон яриморотидаги турли ижтимоий ва этник гуруҳлар интеграцияси ҳинд маданиятини ривожлантирди. Натижада, брахманизм – веда мафкурасига зид бўлган лоқаята, жайнизм, бхагавата, илк санкъря, аживака ва буддизм каби фалсафий оқимлар пайдо бўлди. Афсонавий Брихасиати ҳинд материалистик мактаби – лоқаята асосчиси ҳисобланади.

Ҳинд фалсафаси тараққиётининг илк классик даври (мил. ав. 4-аср)да олгита ортодоксал фалсафий тизим шаклланди. Бу система-ларнинг дастлабки шакли сутра бўлиб, унда шу таълимотнинг асосий қоидалари баён этилган. Кейинги асрларда сутраларни талқин қилиш, аниқлик киритиш, конкретлаштириш асосида турли талқиндаги шарҳлар вужудга келди. Уларнинг йиғиндиси яхлит фалсафий позиция (даршана), яъни тизимдан иборат бўлган фалсафий адабиётлар йиғиндисини ташкил этди. Бир-бирига яқин тизимлар ўз маъноларига кўра гуруҳларга ажратилди. Шу сабабли фалсафий анъаналарда нряя билан вайшешика, санкъря билан йога, миманса билан веданталар бир-бирларига боғланган ва бир-бирларини тўлдириб борган. Умуман олганда, ҳинд фалсафасининг 6 тизими фалсафий жиҳатдан ҳиндуизм мафкурасини тўлиқ характерлайди.

Ҳинд фалсафасининг кейинги классик тараққиёти (1 – 8-асрлар)да 6 ортодоксал системанинг асосий қоидалари қарор топди ва буддизм фалсафасининг сўнгги шакллари ривожлантирилди.

8 — 17-асрларда ҳинд фалсафасида Шанкара таълимоти алоҳида ўрин эгаллайди. У буддизм диалектикаси методини қўллаб, ўзигача мавжуд бўлган барча ортодоксал фалсафий анъаналарни синтез қилди. Унинг системаси келгуси ҳиндуизм фалсафий ва диний тафаккурининг назарий асоси бўлибгина қолмай, балки ҳиндуизм социал ташкилоти (кастачилик жамияти)нинг назарий асоси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Шанкара анъанаси Ҳиндистонда ҳозирги вақтда ҳам кенг ёйилган. Гангеши Упадърьяга асос солган наврянъя фалсафий мактаби (12 — 17-асрлар) ҳинд фалсафасида катта муваффақиятга эришди. У дунёда ягона (20-аср бошларигача) тугалланган бойнал-милал формал логика муносабати системасини ишлаб чиқди ва ҳақиқат назарияси таҳлилининг танқидий методологиясини яратди.

18-аср охири 19-аср бошларида фалсафада диний-идеалистик анъаналарга боғлиқ ҳолдаги маърифатпарварлик ғоялари кенг ёйилди. Ўйрик мусулмон мутафаккири Валиуллоҳ динни реформация қилиш ғояларини илгари сурди. Раммўҳаб Рай маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилиб, 1828 йили "Брахмо самож" жамиятини тузди. Бу жамият вакиллари веда мазҳабининг объектив идеализм принципларига таянган ҳолда биринчи бўлиб Ҳиндистонда Европа фалсафасини ўргана бошладилар. "Ёш Бенгалия" жамиятига бошчилиқ қилган Г. Дерозо диний реформация ғояларини материалистик анъаналар билан боғлади. Унинг издоши Акшай Кумар Датт ҳам материалистик ғояларни тарғиб қилди.

19-асрнинг 2-ярмида фалсафа тараққиёти Британия ҳукмронлигидан қутулиш йўлларини излаш билан боғлиқликда бўлди. Саид Аҳмадхон ислом дини доирасида маърифатпарварлик ва диний реформаторлик ғоялари билан чиқди.

19-аср охири-20-аср бошларида Ҳиндистонда фалсафий тафаккур С. Вивекананданинг маърифатпарварлик ғоялари таъсирида ривожланди. У "универсал дин" назариясини илгари сурди.

20-асрда М. Гандининг ҳинд миллий озодлик ҳаракатининг мафкурасига айланган диний-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий таълимоти — гандизм кенг тарқалди.

1925 йили Р. Тагор ва С. Радхакришнан ташаббуси билан Ҳиндистон фалсафа конгресси ташкил этилди ва унинг ҳар йиллик сессияларида ҳинд фалсафаси тараққиётининг асосий масалалари муҳокама қилинди. 50-йилларда П. Ж. Чаудхури, Ч.Т.К. Чари ва бошқаларнинг "Фан фалсафаси" мактаби пайдо бўлди. Буржуа фалсафаси ва социологиясида ҳамда "социалистик намунадаги" жамият концепциясини асослаш учун ҲМК партияси назарийчилари томонидан социал ва гуманистик муаммоларга муҳим эътибор берилди.

Ҳинд марксистлари (Д. Чаттопадхя, М. Рой, Б. Сен, Баларама мурти, Р.Б. Шарма ва б.) ўз асарларида ҳинд материализми, буддизм фалсафаси, қадимги ҳинд фалсафий системаларининг моҳиятини таҳлил қилдилар. ҲКП арбоблари — А.К. Гҳош, Ш.А. Данге, Ч. Р. Рао ва бошқалар асарлари ва нутқларида Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг туб масалалари ишлаб чиқилди.

Фалсафий муассасалари: Ҳиндистон фалсафа Конгресси ва Ҳиндистон фалсафа институти (Амалнурда, иккаласи ҳам 1925 йили ташкил этилган). Ҳиндистон фалсафа ассоциацияси (Нагпур ш.), Калькуттадаги Ҳиндистон фалсафа академияси, Вриндабен шаҳри даги Шарқ фалсафаси институти, Ҳинду университети (Баһорас) ва бошқалар. Кераладаги марксистик тадқиқотлар институтида "Ипдиан стадиез", "Паст энд презент" "Ҳиндистон тадқиқоти, ўтмиш ва ҳозирги давр", "Ҳоризонт" ва бошқа марксистик фалсафий журналлар нашр қилинадиган бўлди.

Тарих фани Ҳиндистонда қадим замонларда пайдо бўлган. 13 — 14-асрларда мусулмон ҳукмдорларининг саройларида форс тилида тарихий йилномалар яратилган. Булардан энг муҳими Барони ва Афиф (14-аср), Абул Фазл, Низомиддин Аҳмад, Бадауний (16-аср), Муҳаммад Қосим Фариштаий номлари. Ҳиндистон мустақилликка эришгач (1947), археологик қазималар, манбашунослик ишларига жиддий эътибор берилди, форс ва ҳинд тилларидаги янги манбалар ўрганила бошлади, янги тарихий журналлар чиқа бошлади. Мустақиллик учун кураш тарихи, айниқса, Ҳиндистон Миллий Конгресси ва М. К. Ганди фаолияти мунтазам ўрганилмоқда.

Ҳиндистон Тарих илмий тадқиқот институти (Мумбай), Тарихий тадқиқотлар институти (Калькутта), Деҳли ва Мумбай, университетлари ва б. университетлар тарихни ўрганиш марказларидир. Таллайгина тарих жамиятлари бор. 3 та йирик журнал чиқади.

Иқтисодиёт фани. Қадимги ҳинд "Артахаштра" рисоласида ва феодализм даври йилномаларида иқтисодиётта оид фикрлар юритилади. Мустамлакачилик даврида, айниқса, 19-аср охириларида ҳинд буржуа иқтисодчиларининг миллий мактаби шакллана бошлади. Бу олимларнинг фикрича, Ҳиндистоннинг қолоқлиги, мустамлакачилик эксплуатация системасининг натижасидир. Ҳиндистон мустақилликка эришгач, иқтисодий муаммоларни ўрганиш доираси кенгайди. Айниқса мустақил иқтисодиётнинг шаклланишига оид тадқиқотлар (режалаштириш ва тартибга солишнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш, иқтисодий сиёсат, нуфус ва меҳнат билан банд бўлиш проблемалари, аграр масала) кўпайди.

Иқтисодиётга оид масалалар билан Дехли иқтисодий тадқиқотлар институти, Иқтисодий тараққиёт институти, Амалий иқтисодий тадқиқотлар миллий кенгаши, Марказий статистика ташкилоти, Мумбай университети иқтисодиёт факультетлари шуғулланади. Иқтисодиётда оид бир неча журналлар нашр этилади.

Юридик фани. Ҳиндистонда юридик фанларнинг пайдо бўлиши мил. ав. 2 – 1- асрларга мансуб. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги ҳинд қонунлар мажмуи – Ману қонунлари тахминан, ўша даврда тузилган. Бобурийлар даврида шариат қонунлари ва Ҳиндистоннинг ўзига хос қонунчилик вужудга келган. Мустамлакачилик тузуми ўрна-тилгунга қадар ҳинд ҳуқуқшунос олимлари аввал ҳинд одат ҳуқуқи, кейинчалик мусулмон ҳуқуқларини таҳлил қилиш билан шуғулланганлар. Мустамлакачилик даврида Ҳиндистон ҳуқуқшунослигига ин-глизларнинг таъсири катта бўлган. 1947 йилдан сўнг, дастлабки пайт-ларда, ҳуқуққа оид асарлар таҳлил характерида бўлиб, 60-йиллардан эса оригинал асарлар пайдо бўла бошлади. Маъмурий, савдо, ер, шар-тнома, оила ва молия, банк, умумий ва адолат ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи ва шу каби ҳуқуқларга оид оригинал асарлар нашр қилинди. Юрист кадрлар ва илмий ходимлар университет юридик факультетларида, махсус институтлар, коллеж ва мактабларда тайёрланади. 30 га яқин марказий ва маҳаллий ҳуқуқий журналлар нашр этилади.

1973 йилда Ҳиндистонда 56 тилда 12653 та даврий нашрлар, шу жумладан, 830 та кундалик газета чиқарди (умумий тиражи 35,3 млн. нусха, ҳинд тилида 3340, инглиз тилида 2493, урду тилида 990 нашр). 2007 йилда уларнинг сони бир нечага кўпайди. Матбуотда монополиялар гуруҳи ҳукмронлик қилади, улардан энг йириклари: "Индиан экспресс", "Ҳиндустан таймс", "Таймс оф Индия", "Стейтсмен лимитед", "Фри пресс" ва б.

Йирик газеталари. инглиз тилида "Нэшонал гералд" (1938 йилдан); инглиз, бенгал ва ҳинд тилларида "Амрита базар патрика" (1868 йилдан), инглиз тилида "Фри пресс журнал" (1930 йилдан). Бу газе-талар ҲМК партияси сиёсатини ифодалайди ёки куллаб-қувватлай-ди. Инглиз тилида чиқадиган "Ҳинду" (1878 йилдан), бенгал тилида "Жугантор" (1937 йилдан) ва бошқалар. ҲМКга хайрихоҳ. Қуйидаги кундалик газеталар йирик ва ўрта буржуазиянинг, бир қатор маса-лалар бўйича эса умуман миллий буржуазиянинг манфаатларини ҳимоя қилади: "Ҳиндустан таймс" (инглиз тилида, 1923 йилдан), "Ҳиндус-тан" (ҳинд тилида, 1933 йилдан), "Индиан экспресс" (инглиз тили-да, 1932 йилдан), "Таймс оф Индия" (инглиз тилида, 1838 йил-дан), "Пав Бхарат Таймс" (ҳинд тилида).

ҲКПнинг марказий органи – инглиз тилида чиқадиган "Нью эйж" газетаси (1953 йилдан). "Пиплс демократи" газетаси эса парал-лел компартиянинг марказий органи, иккала партия ҳам штатларда миллий тилларда газеталар чоп этади.

Ўзини мустақил деб ҳисобловчи бир қатор даврий нашрлар ҳам бор: ииглиз, ҳинд ва бошқа тилларида чиқадиган прогрессив ҳафта-лик "Блиц" (1941 йилдан), прогрессив кундалик газета "Пэтриот" (1963 йилдан, инглиз тилида) ва б. Энг йирик ахборот агентлиги – Пресс траст оф Индия 1949 йилда ташкил этилган.

Дастлабки радиостанция 1927 йилда Мумбайда ишга туширилган. 1932 йилда Бутун Ҳиндистон радиосига асос солинган. 1973 – 74-йилларда унинг системасида 70 та асосий, 4 та ёрдамчи станция ва оммавий дастурларни параллел равишда бериб турадиган 28 та мар-каз ишлаган; Реклама дастурини олиб борадиган 2 та марказ бор. Радиоэшиттиришларга Ҳиндистон Информация ва радиоэшиттириш-лар вазирилик раҳбарлик қилади.

1959 йилда Дехлида дастлабки телестанция ишга тушди; теле-марказ Дехлида: Мумбай, Калькутта, Амритсор, Шриногар, Пуна-да ретрансляцион станциялари бор.

Ҳиндистон Матбуоти, радиоэшиттириш ва телекўрсатуви.

Ҳозирги даврда Ҳиндистонда 84 тилда умумий адади 51 млн. нусха-дан иборат 19 мингта газета, 31 млн. нусхадан иборат 18 мингта журнал нашр этилади. Энг йириқлари "Индиан эксспресс" инглиз тилидаги кун-далик газета (1932 йилдан), "Таймс оф Индия" ("Ҳиндистон вақти") инглиз тилидаги кундалик газета (1938 йилдан), "Стейтсмен" ("Давлат арбоби") инглиз тилидаги кундалик газета (1875 йилдан) "Нешил ге-рольд" ("Миллий хабарчи") инглиз тилидаги кундалик газета (1938 йил-дан), "Нав бхарат таймс" ("Янги Ҳиндистон вақти") ҳинд тилидаги кунда-лик газета (1947 йилдан "Ная патх" ("Янги йўл") ойлик адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнал (1954 йилдан), "Форин афферс рипорте" ("Ха-лқаро муносабатлар ҳабарчиси") инглиз тилидаги ойлик журнал (1952 йилдан), "Ҳаёт" урду тилидаги ҳафтанома (1963 йилдан), "Ҳинду" инглиз тилидаги кундалик газета (1978 йилдан), "Ҳиндистон" ҳинд тилидаги кундалик газета (1933 йилдан), "Блиц" ("Чакмоқ") инглиз, урду, ҳинд, маратхий тилларидаги ҳафтанома журнал (1941 йилдан), "Пресс Траст оф Индия" Ҳинд тилидаги энг йирик ахборот агентлиги (ПТИ) (1947 йилда ташкил этилган, "Юнайтед Ньюс Индия" (ЮНИ), Ҳиндистон матбуот ахборот агентлиги (1961 йилда тузилган). Умум Ҳиндистон теле-видениеси (1976 йилдан ишлаган), Радио эшиттиришлар 1927 йилдан, телекўрсатувлар 1959 йилдан бошланган.

ҲИНДИСТОН МЕЪМОРЧИЛИГИ. Ҳиндистонда эрамиздан аввалги 3 – 1-минг йилликлардаёқ мудофаа, хўжалик ва тураржой бинолари, боғлар ва сув ҳавзалари бўлган йирик шаҳарлар (Сангхал, Лотхал, Матхура, Паталипутра) қурилган. Эрамиздан аввалги 4 – 2 асрларда улкан қалъа, саройлар (подшо Ашоки саройи), диний ашёларга мўлжалланган иншоот-ступалар, мемориал, устун (стамбха)лар, фор ибодатхоналари (Карлида(мил. авв. 1 асрда)), Ажантада (мил. авв. 2-асрда ва мил. 7 асрда) ва монастирлар, эҳромлар яратилган.

Милод бошларида будда ибодатхоналарининг янги турлари – Сангида ер устига қурилган тўрт колонналли пешойвондан иборат куб шаклдаги ибодатхона (5 асрда), Элларда яхлит қоятошни ўйиб ишланган ибодатхона (8-асрда) пайдо бўлган. 6 – 7 асрларда ибодатхоналарнинг силлиқ минора шаклидаги шимолий Мадхха-Прадеш штатида жойлашган Кхажурахо ибодатхоналар мажмуасида (Кандарья, Махадсо ва Бхубанешвар шаҳридаги Муктешвара ибодатхоналари) ва зинасимон минора шаклидаги жанубий (Махаблитурамдаги Дхармаражаратка ибодатхонаси) турлари шаклланади. Шу даврда Банорас шаҳрида ҳинд қўшиқлар Ибодатхоналари қурилади. Шаҳарларда 1500 тага яқин ибодатхона бор.

Ҳиндистон бадиий маданиятининг бошланиши Ҳинд ва Ганг дарёлари соҳилларида вужудга келган энг қадимий маданият марказларига бориб тақалади.

Хараппа маданияти даврида Сангхал ва Лотхал каби йирик шаҳарлар бунёд этилган.

Милоднинг бошларида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида жойлашган Кушан подшолигида Матхура санъати мактаби шаклланди.

10 – 11-асрлардаги Ҳиндистонда феодализмнинг мустақамланиши билан шаҳарлар, ибодатхоналар қуриш тезлашди. Ибодатхоналарнинг архитектураси янада серҳашам, сербезак, композициялари янада мураккаброқ тус олди.

10 – 12-асрларда Ҳиндистоннинг жанубида бронза пластикаси кенг тарқалди. Ҳинд худоларнинг ҳайкал ва ҳайкалчалари орасида маъбуда Шиванинг кўп қўлли Натаражан (рақс худоси) шаклидаги тасвири асосий ўринни эгаллайди.

Мусулмон феодалларининг 12-аср охири – 13-аср бошларида Шимолий Ҳиндистонни забт этиши Ўрта Осиёдан, Яқин Шарқдан Ҳиндистон учун янги бўлган маданиятни олиб келди, ислом дини ҳукмрон

диниға айланди. Қурилишда гумбаз, қубба, пештоқ каби янги элементлар, масжид, минора, мадраса, мақбара каби иншоот турлари пайдо бўлди, сарой-қалъа ансамбллари қуриш энг юксак даражага кўтарилди.

Дехли султонлигининг мустақамланиши даврида (1193 йилда қуриш бошланган) ҳамда мустақам қалъа деворлари билан ўралгач шаҳарлар (Сягри, Жаҳоппаноҳ, Туглақобод, Ферузобод; ҳаммаси 14-асрда, ҳозирги Дехли худудида) қурилди.

ҲИНДИСТОН МИНИАТЮРА МАКТАБЛАРИ – ўрта асрларда Ҳиндистонда шаклланган миниатюра услублари. Деворий рассомлик санъати тушқунликка учрагач, мамлакатнинг турли районларида ривож топган (11 – 19-асрлар). Муҳимлари:

Гужарот миниатюра мактаби (11 – 16-асрлар) миниатюралари диний китобларга ишланган иллюстрациялардан иборат. Илк даврлар (14-асрнинг 2-ярмигача)да пальма барглариға чизилган, матн ҳам ёзилган. 14-асрнинг 2-ярмидан қоғозга ишланган, олдинги содда композициялар анча мураккаблашган, фонда архитектура элементлари, манзара акс эттирила бошлаган. Гужарот шоҳлари даври (1396 – 1572) миниатюраларида тасвир жонлилиги, расм тиниқлиги, безак деталлари кўпайгани кўзга ташланади. Гужарот миниатюраси Ражпут миниатюра мактабининг илк даврлариға таъсир кўрсатган.

Ражпут (ёки Рожастхон) миниатюра мактаби (16 – 19-асрлар) – Рожастхонда ва Марказий Ҳиндистонда шаклланиб ривож топган. Асосий марказлари: Мевар, Марвар, Бунди, Кишангар, Мальва ва бошқа жойларда. Миниатюралар диний мазмунда: Кришнаға эътиқод (муъбута билан худонинг висолиға эришиш) ифодаланган. "Раги" (ёки "рагини") жанри фаслларға, об-ҳавоға бағишланган иллюстрациялардан иборат, уларда табиат кўрки нафис акс эттирилган.

Бобурийлар миниатюра мактаби (16-асрнинг 2-ярми – 18-аср) Бобурийлар саройида шаклланган (бу мактаб Европада Мўғул миниатюра мактаби номи билан машҳур). Эрон ва Ўрта Осиё миниатюраси анъаналари маҳаллий анъаналар билан уйғунлаштирилган, шу даврларда европалик рассомларнинг Ҳиндистонға олиб келинган картиналари таъсири ҳам кўзга ташланади. Дастлабки даврда миниатюрачилар Ҳиндистонға таклиф этилган табризлик Мир Саид Али, шерозлик Абдусамад ва бошқа рассомлар бошчилигида ижодий меҳнат қилганлар. Мактаб 16-асрнинг 2-ярмида, Акбаршоҳ даврида шаклланиб, Шоҳ Жаҳон даврида юксак даражаға кўтарилган. Илк даврларда қўлёзма китобларнинг мазмунига асосланишға, конкрет тарихий шахсларни реал акс эттиришға, воқеаларни тўғри ифодалашға аҳамият берилган. Воқеа кўп фи-

гурали композициялар шартли манзара фониди ифодаланган ("Бобурнома", 16-аср охири, Москвадаги Шарқ халқлари санъат музейида). Аста-секин миниатюра дастгоҳли санъатга айлана борди (кўлёзма китобларга алоқасиз, мустақил миниатюралар, айниқса портретлар ишланди). 17-асрнинг 2-чорагида анималистика жанри ривожланди: гул, ҳайвон, қушлар тасвирига кўпроқ аҳамият берилди. 18-асрга келиб реал борлиқдан анча узоқлашилган, расмлар туссизлашган. Лекин кўпгина миниатюраларда эркак ва аёлларнинг кийимлари деталларига аниқ кўрсатилган. Бобурийлар миниатюра мактаби Шимолий Ҳиндистон ва Декан миниатюралари ижодига катта таъсир кўрсатган.

Декан миниатюра мактаби (16 – 17-асрлар) маҳаллий анъаналар, айниқса, қадимий деворий рассомлик анъаналари Эрон, Ўрта Осиё, турк миниатюралари анъаналари билан уйғунлаштирилиши оқибатида вужудга келган. Ёрқин бўёқ, бўёқларнинг контрастлиги, безак тарзидаги тасвирлардан реал манзаралар ҳосил қилинган, реалистик руҳдаги портретлар, маиший лавҳалар яратилган.

Ҳимолай тоғ районларида "Пахари" ("тоғ") номи билан аталган миниатюра мактаби (17 – 19-асрлар) ҳам машҳур бўлган.

ҲИНДУИЗМ (санскритча ҳиндумата, ҳиндусамая, ҳозирги номи ҳинду дхарма) — дунёда кенг тарқалган динлардан бири. Ҳиндуизмга эътиқод қилувчилар асосан Ҳиндистонда (95% га яқини) яшайди, улар Покистон, Бангладеш, Непал, Шри-Ланкада, шунингдек, Жанубий Африка ва Жануби-шарқий Осиёда ҳам учрайди.

Ҳиндуизмнинг қадимги манбаи ҳинд қабилаларининг содда-мифологик натурализм динларига ва улар асосида вужудга келган веда дини, браҳманизмга бориб тақалса-да, алоҳида диний эътиқод сифатида ўрта асрларда шаклланди ва ҳукмрон мафқурасига айланди, ҳозиргача Ҳиндистонда катта таъсирга эга.

Ҳиндуизм асосида маҳаллий этник, миллий социал шароитлар билан боғлиқ бўлган халқнинг турли-туман кундалик урф-одатлари, маросимлари ётади. Буларни бажариш учун кўплаб маҳсус ибодатхоналар, муқаддас жойлар (масалан, Ганг дарёсининг Банорас шаҳридаги қисми) мавжуд. Ҳиндуизмга боғлиқ тоат-ибодатлар, маросимларни руҳонийлар, қишлоқ браҳманлари, пир (гуру)лар бошқарадилар, уларда эса бу вазифаларни оила бошлиғи бажаради.

Политеистик дин бўлган Ҳиндистонда асосий худолар (Шива, Вишну, Браҳма)нинг кўриниши сифатида кўплаб маҳаллий худолар эътироф этилади. Одатда, ҳар бир қишлоқ ёки жамоа ўз худосига эга.

Ҳиндуизм ва унга кирадиган халқ эътиқодига анимизм, аждодлар руҳига сиғиниш, фетишизм, бутпарастлик, сеҳргарлик ва шу кабилар хосдир. Ҳиндистонда кўплаб тоғлар, дарёлар (хусусан, Ганг), ўсимлик (масалан нилуфар), ҳайвонлар (маймун, фил, илон ва айниқса, сигир) муқаддас ҳисобланади ва уларга топинилади. Турли-туман гайритабиий ҳодисалар ҳам сиғиниш объекти.

Ҳиндуизмга эътиқод қилувчилар социал ташкилотининг асосий шакли кастачилиқдир. Қайси кастага мансублигига қараб кўпинча диний расм-русмлар ҳам фарқланади.

Руҳ(жон)нинг кўчиб юриши (сансара) ҳақидаги таълимот Ҳиндистондаги барча диндорлар учун умумий таълимотдир. Унга кўра, киши ўлгандан сўнг жони янги ўсимлик, ҳайвон ёки инсон танасига кириб олади ва қайта туғилади. Янги руҳнинг қай даражада бўлиши карма қонунига, яъни кишининг ҳаёт давридаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига боғлиқ. Диндорларнинг асосий мақсади инсонни мана шу қайта туғилиш занжиридан, азоб-уқубатдан халос қилиш, яъни мақсадга эришишдир.

Мақсадга эришишнинг йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва уни асослаш Ҳиндистондаги турли диний-фалсафий таълимотларнинг асосини ташкил этади. Бундай фалсафий мактаблардан энг асосийси веданта идеалистик системасидир. Ведантага кўра, борлиқнинг олий асоси руҳий реаллик — Браҳмандир, бошқа нарсалар унинг ўйини (лила), иллюзияси (майя)дир, шунинг учун ҳам ҳаётнинг асл мақсади — руҳий мутлаққа, Браҳманга эришиш, унга қўшилиб кетишдир. Бунга — худога меҳр қўйиш, содиқ бўлиш (бҳакти), веданта билимлари бўлган борлиқнинг ҳақиқий принциплари ҳақида фикр юритиш (жняна), йога практикаси ёрдамида мистик ҳаёлга чўмиш (ража йога) орқали эришилади.

Ҳиндистонда муқаддас ҳисобланган китоблар; ведалар (гимн, браҳман, араньяка ва упанишадилар), "Маҳабхарата", айниқса, унинг "Бҳага-вадгита" ва "Рамаяна" қисмлари, пурана, дхармашастри ва б.

Ҳиндистонда кейинги даврларда, айниқса, у сиёсий мустақилликка эришгандан (1947) кейин кастачилик диний камситишлари ва Ўрта асрчиликнинг бошқа реакцион сарқитларини йўқотиш чоралари кўрилди. Мамлакатдаги айрим диний жамият партиялари реакцион ташкилотларнинг назарий ҳукмронликни тиклаш, социал ҳаётда диний сарқитлар таъсирини сақлаб қолиш учун олиб бораётган ҳаракатларига қарамай Ҳиндистоннинг ижтимоий замани тобора торайиб бормоқда.

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ВА ҲИНДИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

20-асрнинг иккинчи ярми мобайнида жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларида деярли аграр ислохотлар, ер ислохотлари муайян даражада амалга оширилди. Аграр соҳада олиб борилган ўзгаришлар, эволюцион ислохотлар натижасида озик- овқат ишлаб чиқариш, ғалла, сабзавот, полиз, мева маҳсулотлари, пахта, жут, зиғир каби маҳсулотлар етиштириш ва саноат корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиб, ундаги динамик ўзгаришлар иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг аграр соҳасини ривожлантириш моделлари бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма-хил бўлиб, улар мамлакатдаги тупроқ ва иқлимий шароит, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, анъаналар, миллий хўжаликнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви даражасига, улардаги иқтисодий муносабатлар характери, хусусий ва давлат секторлари ўртасидаги нисбат (мувозанат) ҳамда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш усуллари бўйича бир-биридан фарқ қиладди. Шу билан бирга уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлардан энг асосий ва муҳими, бу ҳар қандай тараққиёт модели ўз олдига пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини ошириш, кишиларнинг яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилашни, иш билан бандлик даражасини таъминлашни мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида қишлоқ хўжалиги соҳаси, энг аввало, бандликни таъминлаш, даромадларнинг ошиб боришида асосий ва долзарб ҳамда муҳим манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, аксарият ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотлардаги ҳиссаси кам кўрсаткичда бўлса-да, аграр соҳаси ҳаётий ва стратегик муҳим сектор бўлиб келмоқда. Шу билан бирга ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг ҳал қилувчи ҳаётий секторига айланиб қолмоқда. Ривожланган мамлакатлар ичида Ҳиндистон иқтисодиётида аграр секторнинг XX аср ўргалари, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигигача бўлган давр мобайнида ўзгаришлар илмий тадқиқ қилиниб, унинг тараққиёт хусусиятлари, аграр иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллари Ҳиндистоннинг ўзида ҳар томонлама таҳлил қилинган бўлиб, улардан самарали фойдаланиш муаммолари ва ҳал этиш йўллари белгилаб олинган.

Аммо, Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолати ва унинг барқарор ривожланишдаги муаммоларига тўғри баҳо бериш ва ёндашиш учун, аввало, аграр сектор тараққиётини, яъни ривожланиши тўғрисидаги замонавий аграр назарияларни аниқ тасаввур этиш лозим. Бундай ўзига хос ёндашув ва баҳолаш, айниқса, ҳозирги пайтда хорижий мамлакатлар иқтисодиётини ўрганишда қиёслаш усул хосдир. Зотан, бу масала иқтисодиёт адабиётларида муайян даражада илмий таҳлил ва ўрганилган деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаблари:

– бундай ёндашув ва ўрганиш ҳозирга қадар махсус иқтисодий адабиётларда, айниқса, Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатлар аграр сектори тараққиётини ўрганишга бағишланган комплекс изланишлар, илмий мақолаларнинг етарли эмаслиги;

– хорижий мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон иқтисодиётининг аграр соҳасининг илмий изланишларга бағишланган, унинг жаҳон мамлакатлари ичида қашшоқлик даражаси кўрсаткичларининг юқорилиги билан ажратилган ҳолда, ижобий ва салбий томонларнинг ҳам ёритилган ҳолда комплекс таҳлили етарли даражада эмас;

– Ҳиндистоннинг аграр сектори ривожланиши бозор ва режали иқтисодиётга асосланган мамлакатлар илмий доирасида турлича талқин этилар эди. Шу нуқтаи назарда келиб чиқиб, Ҳиндистон иқтисодиётида аграр сектор тараққиётини ўрганишдаги дастлабки услубий ёндашув, бу – аграр ривожланишнинг ҳозирги замон аграр назариясига асосланиб, ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси, миллий даромад, ҳосилдорлик, экспорт-импорт, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳиссаси ва бошқалар объектив равишда ҳар томонлама ҳамда комплекс ўрганишни ва умумлаштиришни тақозо этади.

Ҳиндистон ахборот марказлари маълумотларидан маълумки, Ҳиндистон аҳолисининг 71 фоизи (тахминан 844,5 мингга яқин киши) қишлоқ жойларида истиқомат қиладди. Демак, Ҳиндистонда ҳам ҳозирги жаҳондаги етакчи мамлакатлардаги каби иқтисодий муаммолардан муҳими ишсизлик муаммосидир. Жаҳон экспертларининг таҳлилига кўра, ишсизликнинг энг юқори даражаси ҳам айнан Ҳиндистонда бўлиб, унинг ҳал этиш муаммолари давлатнинг устувор сиёсатига айланган:

– Ҳиндистонда деҳқончиликка етарли ер участкалари етишмаслиги, ерлар асосан йирик заминдор (мулкдор)лар қўлида бўлиб, олдий деҳқонлар ер участкаларини ижарага олиб фойдаланишади.

– Ҳиндистоннинг қишлоқ жойларида саноат корхоналари, қайта ишлаш тармоқлари ва янги иш жойларини ташкил этиш фақат XX асрнинг 90-йилларидан бошланган;

– XX асрнинг 80-йилларигача таълим даражасининг пастлиги ва қишлоқ жойларида мактабларнинг етишмаслиги, унинг оқибатида саводсиз аҳолининг ишсиз қолганлиги, 90-йиллардан мамлакатда таълим соҳасидаги дастурларни юқори даражада амалга ошириш натижасида Ҳиндистон XXI асрда илмий мутахассисларнинг сони жиҳатидан дунёда 3 ўринда туриши;

– Ҳинд оилаларида табиий ўсиш (туғулиш) сонининг юқорилиги, ҳукумат томонидан бунинг олдини олиш мақсадида "Оилани режалаштириш" сиёсий дастури ишлаб чиқилганлигига қарамай аҳолининг ўсиш суръатлари пасаймаётганлиги.

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий муаммоларни хал этиш, ҳукумат томонидан вужудга келаётган ишсизлик даражасини кескин пасайтириш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг энг мақбул йўли – бу қишлоқ жойларида иш ўринларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга жалб этиш кабилардир.

Ҳиндистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўрганиш ва умумлаштириш асосида, унинг олиб борган иқтисодий ислохотларини куйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич, 1947 – 1955 йиллар бўлиб, бу даврда миллий иқтисодиёт барпо этилди, янги хўжалик механизмлари, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида бошқариш механизмларининг асослари шаклланди, иқтисодий тангликка ва инқирозга чек қўйилди, ҳукумат томонидан миллий иқтисодиёт тармоқларини қайта тиклаш воситаси назоратга олинди. Мамлакатда кенг миқёсда режалаштиришга ўтиш, қишлоқ хўжалигини талаб даражасида тиклаш ва саноатлаштиришни жадаллаштириш мақсадида давлат секторига катта эътибор берилди.

Ҳиндистон иқтисодиёти тараққиётида узоқ муддатли режалаштиришдан ("беш йиллик") самарали фойдаланилди. Узоқ режалаштиришнинг индиктив усули қўлланилди, яъни режалар давлат секторидagi корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланиб, хусусий секторга ўзини ўзи бошқариш усули қўлланилди Ҳиндистондаги бу режалаштириш сиёсати собиқ Иттифоқ давридаги режалаштиришдан (императив) тубдан фарқланади, чунки собиқ Иттифоқда режалаштириш барча соҳалардаги корхоналар учун мажбурий (қонуний) амалга оширилган. Шу билан бирга Ҳиндистон ҳукумати давлат бюджетидан маълум соҳаларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилмай турган бўлса ва ўзини оқламаса, кейинги молиявий йилдан бу маблағларни бошқа соҳага ўтказиб юбориш чораларини қўллаган.

Иккинчи босқич – 1955 – 1964 йиллар ўрталаригача мамлакат иқтисодиётини жадал суръатларда ривожлантириш ва индустриалаштириш даври бўлиб, бу босқичда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти ва муносабатларини қайта қуриш чоралари дастури ишлаб чиқилди ва чет эл капиталининг миллий бозордаги эркинлиги чегараланди.

Учинчи босқич – 1964 – 1977 йилларгача бўлган даврни ташкил этади. Бу босқичда режалаштириш асосида иқтисодиёт соҳасидаги асосий куч-гайрат, аввало, саноатда давлат секторини жадал тараққий эттириш, учун давлат бюджети ҳисобидан металлургия, машинасозлик, электр энергия, кўмир, нефть ва кимёвий саноат корхоналари қурилди, кўп тармоқларда хусусий тадбиркорлар сармояларидан самарали фойдаланилди. Кичик ва ўрта бизнес қўллаб-қувватланилди. Ер эгалари ерларининг қисман деҳқонларга ва қуйи касталарга мансуб ижарадорларга сотилди, уларнинг тўртдан бир қисми майда мулкдорларга айланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Тўртинчи босқич – 1977 – 1980 йиллар даврида ҳокимиятга келган Жаната парти раҳбари М.Десаи даврида иқтисодиётда ижтимоий-иқтисодий турғунлик ва инқироз вужудга келди.

Бешинчи босқич – 1980 – 1990 йиллар даври бўлиб, Ҳокимиятга келган И.Ганди ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янги тиклаш бўйича қатор чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Ҳукумат 20 дан ортиқ дастурни эълон қилди. Унда, жумладан, инвестиция қўйиш тартибини эркинлаштирди, қуйи касталар "хорижонлар"нинг фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш кўзда тутилди, хусусан, йирик заминдорлардан тортиб олинган ерларнинг бир қисми "хорижонларга" бўлиб берилди. Аммо, мамлакатда ер ислохотлари охиригача етказилмади, электр энергияси қуввати ва сув етишмовчилиги, ишсизликни камайтириш чора-тадбирлари дастурларини амалга ошириш учун имконият топилмади. Ҳукумат бошлиғи И. Ганди ўлдирилгандан кейин янги ҳокимиятга келган Р.Ганди бу ишларни давом эттиришга киришди.

Ҳукумат хусусий тадбиркорлик секторига суянган ҳолда миллий иқтисодиётни замонавийлаштириш дастурини таклиф қилди. Йирик сармоядорларга қўшимча имтиёзлар сифатида тўғри солиқлар қисқартирилди, мерос солиғи бекор қилинди, илғор монополиялар гуруҳига мансуб бўлган 800 тага яқин йирик компаниялар фаолияти устидан назоратни имкон қадар пасайтирди. Майда тадбиркорларга ва кичик бизнесга ҳам ёрдам кўрсатилди. Натижада иқтисодиётда ижобий силжиш рўй берди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,4 фоиз-

га, саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1984 – 1989 йилларда ўртача 9 фоизга етди. Бу даврда ахборот технологияси, телекоммуникацияларни ривожлантириш бошланди.

Олгинчи босқич – 1991 – 2007 йиллар даври. Бу давргача Р.Ганди ҳукуматидан норози бўлган мухолифотлар, мамлакатдаги миллий ва диний соҳаларда жангари кучларни кучайтиришнинг олдини олмаганлигидан, йирик шаҳар буржуаз гуруҳларга ортиқча ён босқанлигидан ва бошқа гуруҳлар манфаатларини назоратга олмаслигидан ҳамда ҳукуматдаги коррупция ҳолатларидан норозилик сабабли, у ўлдирилди. Унинг ўрнига келган (1991 йил июнь) янги ҳукумат Р.Ганди сиёсатини давом эттирди. Лекин Нарасимҳа Рао ҳукумати (1991 – 1996 йилларда) диний айирмачилик гуруҳини кучайтириши оқибатида мусулмонларга қарши хуруж кучайди. Шунга қарамастан, бу босқич "глобаллаштириш даври" бўлиб, унда ташқи иқтисодий фаолиятда тарифларни қисқартириш, эркин иқтисодий савдо ҳудудларини ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнес тadbиркорлигини келажакда юқори технологиялар билан ривожлантириш устувор аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, аҳоли эҳтиёжини таъминлаш даражасида ички имкониятдан самарали фойдаланилиб, ўзини озиқ-овқат билан таъминлаш амалга оширилди. Бу даврда Ҳиндистонда янги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ саноат соҳасига, айниқса, ахборот технологиялари, информация дастурлаш, компьютерлаш ва замонавий даражада иқтисодиёт соҳасини, аграр соҳани қайтадан янги техника ва технология билан жиҳозлаш ҳамда модернизация қилишга катта эътибор берилди.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг ислохотларини амалга оширишга асос бўлган омиллар тизими, уларнинг устуворлиги қуйдагича:

– мамлакат иссиқ иқлим минтақасида жойлашганлиги, бир йилда икки марта ҳосил олиш, йил давомида деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти;

– унумли ва серҳосил экин майдонларининг кўплиги, мамлакат умумий ҳудудларининг 92,9 фоизи экин экишга яроқли ҳисобланиб, ҳайдаланадиган экин майдони 199,9 млн. гектарга яқин, ёки Ҳиндистон ҳудудининг 57 фоизини ташкил қилади. Ҳайдаладиغان экин майдонларининг унумдорлиги бўйича Ҳиндистон Хитойдан кейин жаҳонда 2-ўринда туради.

– Ҳиндистонда сув ресурслари манбалари ҳолати бўйича мамлакат ҳудудининг 314,5 минг км² сув майдонини ташкил этиб, ушбу сув ресурслари манбаларидан 60 млн. гектарга яқин ер майдони суғорилади. Бу жиҳатдан Ҳиндистон (суғориладиган ер майдони бўйича) жаҳон мамлакатлари ўртасида биринчи ўринда туради;

– мамлакат меҳнат ресурсларининг етарли эканлиги – Ҳиндистон аҳолиси бир миллиард 180 млн кишини (2008 й) ташкил этади. Шундан 702 млн. киши ёки 68 фоизи меҳнат ресурслари ҳисобланади, унинг 66 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқларида шуғулланади. Меҳнат ресурслари сони жиҳатидан Ҳиндистон дунёда Хитойдан кейин 2-ўринда туради;

– қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун тижорат банклари томонидан доимий равишда имтиёзли кредитлар билан таъминланиши; мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун махсус ихтисослаштирилган тижорат банклари томонидан қисқа ва узоқ муддатли ниҳоятда қулай кредитлар бериш йўлга қўйилган. Фермер ва деҳқон хўжалиқларига берилган кредитлар миқдори йилдан-йилга ошиб боради. Масалан, 1993 йилда 151 млрд. рупия миқдорига кредит берилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 57 млрд. рупияга ёки 7 маротабага кўпайди (1 доллар – 46,70 рупия);

– қишлоқ хўжалиги тармоқларига хорижий техника ва технологияларни жалб қилиниб, экин майдонларини суғоришда сунъий суғориш технологияларидан фойдаланиш, Ҳиндистоннинг ўзида ишлаб чиқарилган тракторлар ва хорижий тракторлар ҳамда технологиялар билан ишлов бериш, улар ёрдамида жаҳон стандартларига мос даражада сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган;

– қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда кимёлаштиришнинг йўлга қўйилганлиги. 1973 йилда бир гектар ер майдонига тахминан 60 кг минерал ўғит солинган бўлса, 1988 йили бу кўрсаткич 100 кг ни, 2006 йили 300 кг ни ташкил этди. Олинадиган ялпи ҳосилининг 50–52 фоизи экин майдонларига солинадиган минерал ўғитлар ҳисобига етиштирилади. Ҳиндистондаги экин майдонларини ўғитлашга кетадиган барча харажатлар миқдори бўйича Ҳиндистон дунёда АҚШ, Хитой ва Россиядан кейин 4-ўринда туради;

– мамлакатда ирригация ва мелиорация тизимининг юқори даражадалиги. 1951 йилдаги 22,6 млн. гектар суғориладиган майдонлар 2007 йилда 100,0 млн. гектарга яқин, яъни 4,5 баробарга кўпайди. Давлат режалаштириш дастури бўйича 2010 йилда сув ресурсларидан самарали фойдаланиб, 113 млн. гектар майдон суғоришга мўлжалланган;

– Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта хусусий бизнес тadbиркорларининг ривожланишининг мамлакатда кичик бизнес, сифатида оилавий фермер ва деҳқон хўжалиқларини ҳинд иқтисодчилари "ҳинду индустриясининг асосий тармоғи" деб аташади. Чунки кичик ва ўрта тadbиркорлик корхоналарига қишлоқ хўжалик хом ашё-

сидан 822 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга рухсат берилган. Иш билан банд аҳолининг 80 фоизи мазкур секторда фаолият кўрсатади ва мамлакат экспортининг 45 фоизини таъминлайди;

— Агра секторидида илмий селекция институтларининг ташкил топганлиги. "Яшил инқилоб" аграр ислоҳотини амалга ошириш жараёнида мамлакатнинг ҳамма штатларида илмий-тадқиқот институтлари ташкил этилган. Ҳукумат томонидан янги экин навларининг ихтиро қилинишида селекция иши рағбатлантирилиб турилади.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар жаҳон бозорида сифатлилиги ва нархи бўйича рақобатдошли ҳисобланади.

Юқоридаги ва бошқа омиллар натижасида Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринларда борди. Жумладан, чой, шакарқамиш, ерғоқ, жуг маҳсулотлари бўйича дунё мамлакатлари бўйича 1-ўринда; шоли, буғдой, мева ва сабзовотлар, гуллар етиштириш бўйича 2-ўринда; кофе, сут, тамаки ва пахта етиштириш бўйича ўринда туради.

ҲИНДИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ҳиндистон худудининг 3/4 қисмини текисликлар ва ясси тоғликлар ташкил қилади. Ҳиндистон яриморонининг катта қисмини Декан ясси тоғлиги эгаллаган. Мамлакат шимолида Ҳинд — Ганг текислиги, Ҳимолай ва Қорақум тоғлари бор. Иқлими жанубда субэкваториал, шимолида тропик, муссон иқлимда. Текисликларда январнинг ўртача ҳарорати шимолда + 15° дан жанубда + 22° гача, майники + 28°, + 30°. Йилига Ҳинд — Ганг текислигининг ғарбида 60 — 100 мм ва Декан ясси тоғлигининг марказий районларида 300 — 400 мм, Шиллон платосида 12 минг мм гача ёмғир ёғади (бу ер дунёдаги энг сернам жойдир). Энг йирик дарёлари — Ганг, Брахмапутра, Ҳинд. (Мамлакат худудининг 20% ини,) саванна ва бутазор, чалачўллар эгаллайди.

Ҳиндистон қадимий деҳқончилик маданияти мамлакатидир. Лекин ҳинд деҳқонларининг меҳнатсеварлиги ҳамда деҳқончилик соҳасида малакага эга эканликларига, иссиқлик етарли ва кўпгина районларнинг тупроғи унумдор бўлишига қарамай, мамлакат қишлоқ хўжалиги кейинги 200 йил ичида секин ривожланди. Бу помешчик ер эгаллиги ҳамда мустамлака зулмининг оқибати эди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигини ўтмишда қолоқликда сақлаб келган сабаблар ҳамон тўла тугатилган эмас. Республикада аграр масала ҳал қилинмаган. Ҳиндистон мустақилликка эришгач, аграр ислоҳот

бошланди. Бу ислоҳот ўтказилмасдан олдин ишланадиган ерларнинг 70% и хўжаликларнинг 2 — 3% ини ташкил қиладиган помешчик феодаллар қўлида эди. Улар сутхўрлар ва савдогарлар билан биргаликда бутун қўшимча маҳсулотнигина эмас, балки деҳқонлар ҳамда ижарачилар хўжаликларига ҳосил бўладиган зарурий маҳсулотнинг бир қисмини ҳам ўзлариники қилиб олган эдилар.

Ҳиндистонда аграр тузум ислоҳоти ярим асрдан кўпроқ йўлни босиб ўтган бўлса-да, ҳамон такомиллашган эмас. Аграр сиёсатнинг дастлабки принципида мамлакатнинг биринчи беш йиллик режаси (1950/51 — 1955/56 йиллар) баён этилган эди. Ҳиндистонда марказий ҳукумат ер тўғрисида умумий қонун қабул қилган эмас. Аграр ислоҳот тўғрисидаги қонунларнинг конкрет изоҳи, уларни қабул қилиш ва амалга ошириш шартлари қонун чиқарувчи ва ижроия органларга топширилган, унинг муҳокамаси ҳамон ниҳоясига етмаган.

Ер ислоҳоти қишлоқдаги бош масалани — ерни қайта тақсимлаш масаласини ҳал қила олмади. Қонун собиқ ер эгалари бўлган заминдорларга ерга мудом эгалик қилаверишга қисман рухсат этди. Бунда улар ижарачиларни ҳайдаб юбориб, оила аъзолари меҳнати ҳамда ёлланма меҳнатдан фойдаланган ҳолда хўжаликни мустақил юритиш имкониятига эга эдилар. Ислоҳот ўтказилиши жараёнида кўплаб ижарачилар ерлардан ҳайдаб чиқарилди. Бир қанча ижарачилар ҳам ерсиз қолдилар.

Иккинчи ва учинчи беш йилликлар даврида ҳам ўзига хос ер ислоҳотлари амалга оширилди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб маълум бўлишича, аграр ислоҳотларнинг шакл ва методлари самарасиз бўлиб чиқди. Рента эксплуатацияси ва деҳқонларнинг судхўрлардан бўлган қарзларини чеклашнинг иложи бўлмади. Аграр аҳоли сони ҳамон ортиб борди. Кўпчилик районларда ер ренгаси ялпи ҳосилнинг ярмини ташкил этди. Ҳайдаладиган ерларнинг камида 1/5 қисми бутун ҳуқуқлардан маҳрум қилинган ярим ижарачилар ёрдамида ишлатилади. Помешчиклар ва кулоқларнинг ерларида қишлоқ хўжалик ишчиларининг оғир меҳнати кенг тарқалган.

Мамлакатда аграр аҳоли ҳамон ортиқча экан ва бунинг устига аҳоли сони тез ўсиб борар экан, бинобарин, қишлоқларда ишсизлик даражаси ҳамон юқори экан, рента нормасини, ижара ҳажмини қисқартириш учун, қишлоқда амал қиладиган капиталнинг узвий тузилишини кўтариш учун реал шароит яратилмаган. Ҳиндистонда деҳқончилик капитализмининг тез ривожлантириш йўли билан аграр масалани ҳал қилиш учун уриниш бу соҳада туб ўзгаришларга олиб келмади.

Барча ҳинд деҳқонларининг 40% идан кўпроғи ҳамон кам ерли (1 гектардан ҳам кам ери бўлган) ёки умуман ерсиз деҳқонлардир; қишлоқ аҳолисининг 25% и қашшоқ қишлоқ хўжалик ишчиларидир. Ҳиндистон қишлоқларида синфий зиддиятлар кескинлигича қолмоқда: барча деҳқон хўжаликларининг 82% и қўлида атиги 27% ер бор. Айни вақтда 2,4% хўжаликда 73% ер тўпланган.

Ҳиндистоннинг анъанавий қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда ҳукумат деҳқон кооперацияларига катта аҳамият бермоқда. Сўнгги йилларда ҳукумат "яшил инқилоб" йўлини тутди, яъни ерни ишлатиш ҳамда ҳосилни йиғиб-териби олишда замонавий усуллардан, энг янги техникадан ҳамда серҳосил уруғликлардан фойдаланиш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга эришишга катта аҳамият бермоқда. Лекин қишлоқ хўжалигини юксалтиришга қаратилган ана шу тадбирлар мўлжалланган натижани бермаётир, чунки бу тадбирлар аграр тузумни демократик йўл билан тубдан қайта қуришга асосланган эмас.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида деҳқончилик етакчи тармоқдир. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматининг 4/5 қисмидан кўпроғи деҳқончиликка тўғри келади. Ҳиндистонда икки қишлоқ хўжалик мавсуми мавжуд, яъни ёзги мавсум (хариф) — май ойи охирида — июнь ойи бошларида экин экилиб, сентябрь — ноябрь ойларида ҳосил йиғиб олинади; қишки мавсум (рабий) — октябрь — ноябрь ойларида экин экилиб, март — апрель ойларида ҳосил йиғиб олинади. Йиллик ҳосилнинг асосий қисми ёзги мавсумга тўғри келади. Бу пайтда муссон ёмғирларининг сувидан фойдаланилади. Қишки мавсумда ғалла экинларидан юқори ҳосил олиш мумкин. Лекин бунинг учун ерларни яхшилаб суғориш ва мелиорация ҳолатини яхшилаш лозим.

Мамлакатда суғориладиган ерларнинг умумий майдони 100 млн. гектарга яқин ёки ишланадиган ерларнинг 1/3 қисмини ташкил этади, лекин кўпгина ерлар суғоришга муҳтож. Суғоришнинг етишмаслиги натижасида экин майдонининг атиги 1/7 қисмига икки ва ундан ортиқ марта қайта экин экилади. Ҳолбуки, иссиқлик мўл бўлгани учун ирригация яхши йўлга қўйилса, кўпгина ерлардан йилига бир неча марта ҳосил олса бўлади. Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ерлар чекланган. Бунинг устига янги ерларни ўзлаштириш кўплаб капитал маблағ талаб этади. Қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг энг муҳим йўли уни интенсифлаштиришдир.

Экин майдонларининг асосий қисмига озиқ-овқат экинлари экилади. Уларда энг муҳим бўлган шולי аксар ёз даврида етиштирилади. Асосий шоликор районлар дарё дельталари ва аллювиал текисликлар-

да бўлиб, бу ерларда тупроқ унумдор ва ёғин ҳам кўп ёғади. Бугдой, озиқ-овқат иккинчи ўринда туради. У аксар қиш пайтида суғориладиган курғоқчилик районларида экилади. Бошқа дон экинларидан маккажўхори, арпа, тарих ва бугдой экилган районларда, асосан, суғорилмасдан экилади. Дуккакли экинлар муҳим роль ўйнайди.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигига кўплаб капитал маблағ сарфланиши, айрим хўжаликларда бугдойнинг серҳосил навлари, кейинги вақтда шолининг ҳам серҳосил навлари экилиши натижасида озиқли ғалланинг умумий ҳосили 1950 йилдагига нисбатан 1979 йилда 2 марта, 2007 йилда 250 млн. тоннага кўпайтирилди.

Аҳоли сони тез ўсиб бораётган шароитда озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб бормоқда. Озиқ-овқат экинлари етиштиришнинг анча ўсганига қарамай, Ҳиндистон озиқ-овқат билан аҳоли жон боши бўйича тўла таъминланган эмас эди. Мамлакат четдан кўплаб озиқ-овқат, хусусан, АҚШдан бугдой сотиб оларди. Бу эса республикани четта қарам қилиб қўймоқда. Шуни ҳисобга олиб эндиликда Ҳиндистон четдан бугдой олишдан ва четдан шולי келтиришдан воз кечди. 2001 йилдан Ҳиндистон ўзини ғалла билан таъминлашга эришди.

Техника экинлари экин майдонининг атиги 1/5 қисмини ишғол қилса-да, лекин уларнинг иқтисодий аҳамияти жуда катта (енгил саноат учун хом ашё ҳисобланади ва экспорт қилинади). Техника экинларидан энг муҳимлари — пахта, жут, чой, шакарқамиш, мойли экинлардир. Пахта етиштиришда Ҳиндистон дунёда учинчи, жутнинг ялпи ҳосили бўйича иккинчи ўринда туради.

Тоғ этакларида, хусусан, Ассом штатида етиштириладиган чой катта аҳамиятга эга. Чойнинг ялпи ҳосили бўйича ва экспорт қилишда Ҳиндистон дунёда биринчи ўринда туради. Шакарқамиш майдони жиҳатидан ҳам Ҳиндистон биринчи ўринда туради, лекин унинг ҳосилдорлиги паст бўлганидан ялпи ҳосили ҳам Кубадагидан кам. Мойли экинлардан ерёнғоқ ва рапс ҳам катта аҳамиятга эга. Тамаки, каучукли экинлар, кофе дарахти, доривор экинлар, кокос пальмиси, банан, ананас, манго, цитрус экинлар деҳқончиликда каттагина роль ўйнайди.

Чорвачилик — қишлоқ хўжалигининг иккинчи даражали тармоғидир. Чорва моллари сони жиҳатидан Ҳиндистон дунёда биринчи ўринда туради. Лекин чорвачиликнинг маҳсулдорлиги жуда паст. Моллар ориқ, табиий ем-хашак етишмайди, молларни бойлаб боқиш расм бўлмаган, чунки аралаш ем-хашак сотиб олиш учун деҳқоннинг маблағи йўқ. Чорва моллари орасида касалликлар кўп тарқалган. Қорамоллар (буйвол, ҳўкиз, сигирлар)дан деҳқон хўжаликларида биринчи ғалда

от-улов сифатида фойдаланилади. Диний ақидаларга кўра, Ҳиндистонда қорамол — сигир гўштини ейиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам маҳсулот бериш ёшидан ўтган қорамоллар деҳқон хўжаликларидида ортиқча ташвишдан бошқа нарса эмас. Моллар ўлгандан кейин териси экспорт учун хизмат қилади. Чорва молларининг зотини яхшилаш учун зотли моллар боқиладиган давлат фермалари ташкил этилган.

Ҳиндистоннинг энг муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосили
(млн. тонна)

Кўрсаткич	1968/69	1977-79 йй.	1978-79 йй.	2000	2002	2004	2006
Шоли (тозаланган)		52,7	58,8	180			216
Бугдой		31,8	35,0	66,8			71,8
Жавдар		2,3	2,1	6,3			8,9
Маккажўхори		5,9	6,3	8,8			10,6
Тариқ		2,1	1,9	2,0			2,5
Дуккакдилар		11,9	12,2	19,7			23,1
Пахта (толаси)		1,23	1,38	1,88			2,97
Жун		0,98	1,2	9,5			8,1
Мойли экинлар		9,0	9,55	12,1			16,1
Шакарқамиш		18,8	16,5	23,1			25,1
Тамаки		0,445	0,451	0,690			0,710
Чой		0,661	0,571	0,671			0,700
Қалампир		0,40	0,41	0,54			0,60
Кофе		0,125	0,110	0,210			0,220
Каучик							
Дон ва дуккакли дон ишлаб чиқариш (млн.т)		177,02	207,4	253	254	228	248

1. БСЭ Ежегодник №-1980. 252 — 254 бетлар. 2. Индия. 2008. С. 60 — 64

Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги мамлакат миллий даромадининг 22 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади (2007). Иқтисодий фаол аҳолининг 70 фоизга яқини қишлоқ хўжалигида банд. Майда деҳқон хўжаликларининг 22 фоизига яқини ерсизларни ташкил этади. Давлат томонидан Миллий ривожланишга кўмаклашув ("яшил инқилоб") дастурига ажратилган маблағдан асосан бадавлат деҳқонлар фойдаланишмоқда. Қишлоқларда бой ва камбағалга ажратиш жараёни давом этмоқда.

Ҳиндистонда 2006 йили ишлатиладиган ерлар 2093,7 млн. гектарни ташкил этган бўлса, ундан 230,0 млн. гектарини фақат экинзорлар ташкил қилган. Бу ишлатиладиган ерлар мамлакат экин майдонларининг ярмини ташкил этган. Деҳқончиликда ирригация ва мелиорация ҳал қилувчи аҳамиятга эга, суғориш учун мамлакатда магистрал, ўрта ва кичик каналлар ва қудуқ сувларидан фойдаланилади. Давлат томонидан йирик ирригация, сув омборлари, тўғонлар, магистрал каналлар, қатор суғориш тизимлари ва шохобчалари қурилмоқда. Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги шоли, бугдой, маккажўхори, шакарқамиш, тамаки, пахта, жут, чой, қалампир, кофэ, каучик етиштиришга ихтисослашган. Мойли ўсимликлардан ерғоқ, горчица, канакунжут, рапс етиштилади. Чой — Ҳиндистонда маҳсулоти экспорт қилинадиган асосий ўсимлик бўлиб, чой етиштириш бўйича Ҳиндистон дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Кофэ, гевея (каучук олинадиган дарахт) майдонлари ҳам бор. Ҳиндистон қадимдан дунё бозорига кўплаб зираворлар (мурч, қизил қалампир, кардамон, мушк, долчин ва ҳ.к) етказиб берадиган мамлакатдир. Ҳиндистонда кокос пальмаси, банан, цитрус (апельсин, лимон, мандарин) ва бошқа мевали дарахтлар ҳам ўстирилади.

Ҳиндистонда пахтачиликни ривожлантириш динамикаси
(пахта толасида)

Кўрсаткичлар	1970-91	1975-76	1980-81	1985-86	1987	1988	1989	2000	2006
Экин майдони (минг.га)	7600	7350	7820	7533	7400	7892	7655	8101	8167
Ялпи пахта ҳосили (толада. минг. тон)	963	1160	1362	1955	1470	1898	1888	1889	1876
Ҳосилдорлик толада (ц/га)	1,27	1,58	1,74	2,60	2,00	2,41	2,47	2,50	2,41
Истеъмолга (минг тон)	1077	1328	1363	1546	1687	1709	1751	1759	1739
Экспорт (минг тон)	33	78	123	62	60	65	98	92	91
Импорт (минг тон)	156	22	-	-	33	5	1	1	2

Аграр соҳани ривожлантириш учун тавсиялар, хулоса ва таклифлар.
1. Мировое хлопководство. Проблемы и развития — Т.: 1990, С. 68—72.
2. Индия. 2008. С. 61—67.

1. Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш миқдори бўйича жаҳонда АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринда туради. Ҳиндистон ҳукуматининг илғор ислохотларига асосланган аграр сиёсати туфайли дунё аҳолисининг 20 фоизидан иборат бўлган, яъни 1,2 миллиардга яқин бўлган аҳолини озиқ-овқат билан таъминламоқда ва жаҳон аграр бозори экспортида салмоқли ўрин эгалламоқда.

2. Олиб борилган таҳлилларга кўра, Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг ривожланишига асос бўлган энг устувор омиллар қуйидагича:

а) мамлакатда унумдор экин майдонлари, сув манбалари ва меҳнат ресурсларининг етарли эканлиги;

б) ўсимлик дунёсининг бойлиги ва иқлимнинг қулайлиги;

в) ирригация тизими, кимёлаштириш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида хусусий секторнинг устувор аҳамияти;

г) тижорат банклари томонидан доимий равишда имтиёзли кредитларнинг берилиши;

д) хорижий техника-технологияларнинг ва сармоядорларнинг жалб этилиши;

е) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг устун даражада экспорт қилиниши;

ж) кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши: кўплаб илмий селекция институтларининг ташкил қилиниши;

з) етиштирилдиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатлилиги ва бошқалар.

3. Ҳиндистон аграр соҳаси ривожланишининг асосий омиллари таҳлилдан келиб чиқиб, унга кўра, Ҳиндистон ҳукумати аграр секторни ривожлантиришда узоқ йилларга мўлжалланган иқтисодий аграр ислохотлар ва дастурларни қабул қилишга, қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун хорижий технологияларни жалб этишга ва тижорат банклари томонидан доимий равишда имтиёзли кредитларни беришга, экин майдонларини суғориш, кимёлаштириш ва механизациялашга ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга катта эътибор бериб, мунтазам равишда мониторинг олиб бораётганлигидир.

4. Ҳиндистон қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг устунлик аҳамияти таҳлилига асосланган ҳолда, аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларидagi фаолияти давлат ва жамоа хўжаликларига нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлди. Бунга сабаб, аввало, деҳқонларга ўз шахсий хўжаликларида қайси маҳсулот турини етиштириш ёки уни қачон йиғиштириб олиш, йиғиштирилган ҳосилни қанчадан ва қерда сотишни бозордан бошқа ҳеч ким белгилamayди. Ўз ихтиёрида бўлган бу масалаларни уларнинг ўзлари мустақил ва эркин

ҳал қиладилар, бозорнинг талаб ва таклиф қонунига асосланадилар.

5. Мамлакат умумий экспортининг 18 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилиб, уларнинг асосини қанд-шакар, шоли, кофе, чой, пахта, каноп маҳсулотлари, жут, доривор ўсимликлар каби маҳсулотлар ташкил қилади. Экспортда хорижий мамлакатлар улуши: АҚШ — 18 фоиз; Япония — 8 фоиз; Германия — 7 фоиз; Буюк Британия — 6 фоиз ва ҳоказо.

6. Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги тармоқларида етиштириладиган кўплаб маҳсулотлар бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллайди. Жумладан, жаҳон бўйича жами қалампирнинг 85 фоизи, қора мурчнинг 60 фоизи, жутнинг 35 фоизи, чойнинг 30 фоизи, эчкилар сонининг 20 фоизи, дуккакли донлар ва қорамоллар сонининг 15 фоизи, тариқ экинларининг 12 фоизи, бананнинг 10 фоизи етиштирилиб, жаҳон хўжалигида биринчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, шолининг 30 фоизи, гулларнинг 25 фоизи, шакарқамишнинг 22 фоизи, ерёнгоқнинг 20 фоизи, буғдойнинг 15 фоизи, кўйлар сонининг 12 фоизи, сабзавотларнинг 11 фоизи; меваларнинг 9 фоизи етиштирилиб, жаҳон хўжалигида иккинчи ўринни; тамақининг 20 фоизи, пахтанинг 8 фоизи, кофенинг 7 фоизи, тухумнинг 5 фоизини етиштириб, жаҳон хўжалигида учинчи ўринда туради.

7. Ҳиндистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тажрибасидан Ўзбекистон аграр тараққиётида ижодий фойдаланиш учун қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор берилиши ва чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

— қишлоқ хўжалиги тармоқларини, шу жумладан, фермерларни замонавий технология, техника ва ускуналар, минерал ўғитлар, ёнилғи ва махсус кимёвий дорилар билан имтиёзли таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш;

— қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган иқтисодчи олимларнинг кўплаб йирик иқтисодий лойиҳалари ва тажрибаларини таваккал капиталлар ҳисобига амалга ошириш;

— қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун техникаларни сотиб олишда лизинг тизимини кенг жорий этишни рағбатлантириш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш;

— экинларни танлаб экишда ва маҳсулотларни сотишда фермер хўжаликларининг эркинликларини ошириш;

— пахта хом ашёсини етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасини монополиядан чиқариш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотишда кичик ҳамда ўрта бизнес ривожланишини рағбатлантириш,

ушбу тармоқни кенгайтириш ва такомиллаштириш;

– фермерлар, селекционерлар ва ветеринарларнинг фаолиятини ва малакасини янада ошириш мақсадида Ҳиндистон ёки қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлардаги ўқув курсларига кадрларни жўнатиш ва тажриба алмаштиришни кенг йўлга қўйиш;

8. Ҳиндистоннинг сув манбаларидан унумли фойдаланиш тажрибасини ўрганиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида вужудга келаётган сув танқислигига тўла барҳам бериш юзасидан қуйдагиларни тавсия қилиш мумкин:

– Ўзбекистоннинг Қирғизстон, Тожикистон ва Туркменистон мамлакатлари билан дарё ва сойлардаги сув ресурслари ҳамда ундаги муаммоларни ҳукуматлараро даражада тинч йўл билан ҳал қилиш;

– БМТ, ЭКОСАН ва ЕХХТ (ОБСЕ) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Марказий Осиёда сувни тақсимлаш борасида чора-тадбирлар тизимини яратиш.

9. Ҳиндистон сингари Ўзбекистон ҳам валюта тушумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқишда катта имкониятларга эга. Ҳиндистон тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқарилаётган кўплаб маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишлари учун қуйидаги талбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

– фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда валюта тушумини мажбурий со-туддан озод қилиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёни хорижга экспорт қилишда ҳукумат томонидан республика ичкарисидаги темир йўл тарифларини пасайтириш ҳамда Қозоғистон ва Россия давлатлари билан темир йўл хизматлари учун тарифларни енгиллаштириш чораларини кўриш; ҳукуматлараро ҳал қилиш;

– кичик ва ўрта корхоналарнинг маҳсулотларини хорижга экспорт қилишда биржалар кўмагида давлат томонидан ёрдам бериш, уларни сотишда хориж мамлакатларида халқаро кўرғазмалар ва ярмаркалар ташкил қилиш;

– қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатадиган корхоналар учун солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш;

– қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ушбу тармоққа хориж сармоясини жалб қилиш бўйича узоқ йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурни қабул қилиш;

– қишлоқ хўжалигини саноатлаштирилган хўжаликка айлантириш, бу соҳада янги технология ва илғор техникани жорий қилиш-

ни назарда тутган давлат дастурини янада такомиллаштириш;

– Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлов берувчи фермерларни, технологларни, иқтисодчиларни қайта тайёрлаш, хорижий, шу жумладан, Ҳиндистонда тажрибасини, маҳоратини ошириш бўйича келишув чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқариш кабиларни амалга ошириш.

ҲИНДИСТОНДА СУҒОРИШ, МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ҳиндистон Жанубий Осиёнинг Ҳиндистон яриморотида жойлашган бўлиб, худудининг майдони 3276 минг километр ташкил этади. 1978 – 1979 йилларда умумий экин майдони 129 млн. 810 минг гектар, шундан 1964 – 1969 йилларда 158 млн 100 минг гектар бўлса, 1970 – 2001 йилларда яна 46 млн 710 минг, 2001 – 2005 йилларда 9,5 млн. гектарга кўпайган. 64,3 млн гектар ўрмон, 38,4 млн. доимий ўтзорлар, 9,3 млн. гектар кўриқ ерларни ташкил этган.

Ҳиндистон ер тизимининг рельефи хилма-хилдир. Жаҳоннинг энг баланд тоғларидан то пастки дарёлар бўлган жойгача бир неча метр баланд ва пасайиши мавжуд. Унинг рельефи 5 та алоҳида яхши ифодаланган қисмдан иборат: Ҳимолай, Ҳинд-Ганга текислиги, Тор чўл қисми, Жанубий пастқамликлар ва Океан бўйлари текислигидан иборат. Ҳиндистон тропик ва субтропик минтақада жойлашган. Субтропик минтақасида Панжоб, Ражастхон, Деҳли ва Уттар-Прадеш юмшоқ иқлими билан характерланади. Тропик қисмида барқарор иқлим ҳукмронлик қилади. Ҳиндистоннинг катта қисмида 3 та сезон бўлади: ёзи-апрель-июнь, ёмғирли – июль-октябрь; қиши – ноябр-март ойларида бўлади. Ўртача ҳароратда буғланиш 150 дан 300 мм намликни ташкил этади. Бутун мамлакат бўйича ёмғир ёғиши 1143 мм атрофида бўлади. Ҳар 5 йилдан бирида қурғоқчилик бўлиб туради, шу билан бирга, тез-тез сув босиш, сел келиш каби хавфли воқеалар такрорланиб туради. Шунинг учун Ҳиндистонда экин майдонларини доимо ва барқарор сув билан таъминлаб туриш мақсадида кўплаб суғориш шохобчалари, каналлар, ариқлар, дамбалар, гидротехника иншоотлари қурилиб, суғориш тизими ва сув омборлари қурилишига катта эътибор берилади. Айниқса, Ражастхон, Уттар-Продеш, Декан ва Деҳли худудларида йил давомида экинларни суғоришга эътибор берилади.

Ҳиндистон дарёлари жуда серсув ва тез оқувчи ҳисобланиб, қадимий суғориш тизимлари ҳамда янги каналлар орқали экин майдон-

ларига сув етказиб беради. Шимолий Ҳиндистондаги 10 та дарёнинг ўртача йиллик сув ўтказиш қуввати 1257 млн. куб километрни, жанубий ва марказий қисмидаги 6 та дарёнинг ўртача сув ўтказиши 331 млн. 500 минг куб километрни ташкил этади. Ҳозирги даврда бу сувнинг 53 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Ёки умумий оқин сувнинг яна 190 млн. куб километрини ер ости булоқлари ташкил этади. Умумий сув оқими 1679,4 куб километр бўлиб, унинг 650,2 куб километри суғориш учун фойдаланилади. Қиёслаш нуқтаи назардан қаралса, 1951 йилгача, яъни Ҳиндистон мустақиллигигача (биринчи беш йиллик режаси бошланишигача) 92,7 км² сув ёки 5 – 6 фоиз ўртача йиллик сув оқинидан фойдаланилган бўлса, 17 фоизи суғориш учун фойдаланилган эди. Ҳозирги кунда (2007 йилда) Ҳиндистондаги умумий ўртача йиллик сув оқимининг 55 – 56 фоизи саннатда, коммунал хўжаликларидан ва суғориш учун ишлатилади. Ҳиндистоннинг умумий ўртача йиллик сув оқимининг ҳажми Ўзбекистон билан қиёсланса, 28,8 баробар кўпдир.

Ҳиндистоннинг умумий ўртача йиллик сув ҳажмидан фойдаланиш мустақиллик йилларида ортиб борди. 1961 – 1965 йилларда 197,4 км² ёки 36 фоизни, 1968 – 1970 йилларда 231,4 км² ни ёки 41 фоизни, 1991 – 1995 йилларда 421,6 км², 2005 йилда 660,3 км² ни ташкил этди. Ҳиндистоннинг ер ости сувлари ўртача 801,7 км²ни ташкил этиб, ер ости сувларининг кўтарилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштириш жараёни кучайиб бормоқда. Шунинг учун ер ости сувларини, зах сувларни қочириш бўйича ҳар бир беш йилликда режа асосида катта ҳажмда мелиоратив иншоотларни қуриш ишлари билан суғориш ишлари параллел равишда олиб борилади.

Ҳиндистондаги суғориш ишлари узоқ даврлардан бошланганлиги тўғрисидаги сув хўжалиги мутахассислари ва тарихчиларнинг маълумотларига кўра, деҳқончилик бошланганидан бери 3 минг йил муқаддам оддий ирригация ва суғориш шохобчалари қурилиши давлат томонидан бошқариб келинган. Ўша даврларда қудуқлар, сув сақлагичлар, каналлар, дамбалардан самарали фойдаланиб деҳқончиликни ривожлантирганлар. Ҳозирги даврда Марказий ва Жанубий Ҳиндистон худудларида минглаб каналлар, қудуқлар, сув сақлагич (оддий ва мураккаб сув омборлари) дамбалар, ариқлар сақланиб келинади. Мустақиллик йилларида Давлат ҳисобидан ҳар бир беш йилликда ирригация ва мелиорацияга эътибор қаратилиб, замонавий сув омборлари қуриш босқичма-босқич олиб борилди. Бу сув хўжалиги қурилишларига давлат томонидан қўшимча маблағ ажратилиб, замонавий техник воситалар асосида сувлардан самарали фой-

даланишнинг тизимли ва барқарорлигини таъминлашга катта эътибор берилди. 1951 – 1970 йилларда 514 та сув омборлари қурилишига 24 млрд. 280 млн. рупий ёки 3 млрд. 237 млн. доллар сарфланди. Сув омборида сув оладиган 269 та объект қурилиб, унга 19,6 млн. рупий сарфланди ва 7,65 млн. гектар янги ерни суғориш ва 9,6 млн. гектар ернинг сув таъминотини яхшилашга имкон яратилди. 1961 – 1970 йилларда 15,2 млрд. рупий ёки (2 млн доллар) сарфланиб, 37,6 млн. гектар ер ўзлаштирилди.

Умумий сув омборларининг ҳажми 1966 – 1967 йилдан 12 млрд. 335 млн. м³ бўлса, 1970 йилга келиб, яна 60 млрд. рупий сарфланиб, 61,675 млн. м³ (куб метр)ни ташкил этди. Ҳиндистоннинг иқтисодий қудрати ортиб бориш билан ирригация, мелиорация, сув қурилиш хўжалигига, сув омборлари, катта магистрал каналлар, гидро-электр станциялар қурилиши, замонавий гидротехника иншоотлари, дамбалари, уларни замонавий техника воситалари билан бошқариб боровчи телемеханика, автоматлаштириш ва сув тақсимотини режимини тартибга солувчи ўлчагичлар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратди. Бунинг учун махсус гидротехника ва ирригация Давлат комиссияси тузилиб, Давлат дастури яратилди. Дастур сувдан тежаб фойдаланиш, иншоотларни замонавий муҳандислик равишда қуриш, уларни узоқ муддатли фойдаланишга қаратилган ишларни ўз ичига олди. Комиссия бир нечта энг замонавий сув объектларини ва иншоотларини қуриш, сувни тежаш, тақсимлаш, самарали фойдаланиш каби лойиҳаларни тақлиф этиб, амалга ошириб келмоқда. Натижада 1961 – 1970 йилларда давлат маблағи ҳисобидан 13 млн. 210 минг гектар ер суғориладиган бўлди. Ёки умумий ер майдонининг 34% суғориладиган бўлди. 1971 – 1981 йилларда эса 35 млн. 400 минг гектарни ёки 45,6 фоизни ташкил этди. Улардан ташқари, сел босишга ва сув босишга қарши кўплаб иншоотлар, селхоналар, ташламалар қурилишига 9 млрд. 300 млн. рупий сарфланган. Энг йирик сув омборлари Бхакра-Нонгал бўлиб, 2 та дамбани ташкил этади. У 225 минг 550 тонна тош-шағал билан мустаҳкамланиб, 9867,8 млн м³ ҳажмда сув сақланади. Ундан 507 м³/минг сув оқадиган, 1100 км каналлар ва 3390 та сув тақсимлаш устахоналари қурилган. Барча сув омборларидан ва дарёлардан бошланадиган катта ва кичик магистрал каналларнинг узунлиги 597,6 млн километрни ташкил этади. Улар воситасида 2007 йилда 199,9 млн гектар ер майдони сув билан таъминланади. Ҳар бир гектар суғориладиган ер майдонини ишлатиш ва таъминлаш учун 1970 йилда 14,45 рупийдан сарфланган бўлса, ҳар бир зонадаги ва минтақадаги ер майдонларига 8,04 рупийдан 124

рупийгача сарфланган. Бу кўрсаткич 2006 йилга келганда 5 минг рупийдан 139 минг рупийгача ортиб борган. Бунга сабаб, ишлатилаётган лойиҳанинг қиймати, қурилиш материаллари, замонавий техника воситалари баҳосини ошиб бориши бўлди.

Шу билан бирга Ҳиндистонда сув ҳўжалиги, ирригация, мелиорация ва сув омборлари, селхоналар, катта ва кичик каналлар, дренаж -зовурлар, шохобчалар, дамбаларнинг қурилишига сарфлаётган маблағларнинг ҳажми ошиб бормоқда. Эндиликда ишлаш қийин бўлган, тоғли ва баланд жойларда жуда катта ҳажмда қурилишни комплекс ҳолда, электр-энергия олиш ва суғориш билан қўшиб олиб боришга тўғри келмоқда. Шунингдек, сув ҳўжалигида доимий ишлайдиган кўп сонли гидротехник, ирригатор, механик, муҳандис-мутахассисларни тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Бутун Ҳиндистон мамлақати бўйича ўртача йиллик ёғин-сочин миқдори 1143 мм бўлиб, унинг миқдори йиллик меъёрда ва ортиқча бўлиб туради. Мамлакат бўйича ҳар беш йилда бир йил қурғоқчилик кузатилади, айрим тасодиқий ҳолатларда ўн йилда бир марта жиддий қурғоқчилик бўлганлиги ҳам кузатилган.

Ҳиндистоннинг географик ҳолати ҳисобга олинса, унинг тропик ва субтропик иқлимнинг хусусияти бўйича, йил давомида, айниқса, муссон шамоли даврида ёғин-сочинларнинг тушиши бир меъёрда бўлмайди, шу сабабли қишлоқ ҳўжалиги экинларидан барқарор ҳосил етиштиришни мамлакат ҳудудининг катта қисмида суғоришни қўллагандан туриб амалга ошириш мумкин эмас ёки бошқа усуллар қўлланилади.

Ҳиндистоннинг айрим туманлари ва вилоятларида суғориш қурғоқчилик даврида икки ёки уч марта фойдаланиш да эҳтиёт восита ва қурилма иншоотлари кабилар зарур бўлади, бошқа туман ва вилоятларда энг қимматли қишлоқ ҳўжалик экинларини суғориш ёки оммавий ёмғир ёққангача бўлган даврдагина сув билан таъминлаш учун бевосита улардан фойдаланилади. Аммо, катта экин майдонларида, жумладан, Раджастхон, Уттар-Прадеш ва Декан қисмида йил давомида суғориш зарурияти бор. Бу айниқса, Деканнинг тоғ олди қисмига, денгиз соҳили туманларига ва қирғоқ қисмига оид бўлиб, бу ерларда асосий қишлоқ экинларидан шоли етиштирилади.

Ҳиндистон дарёларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: Ҳимолай-Шимолий дарёлар, унда энг қудратли Ганга дарёси бўлиб, унинг ўртача йиллик сув оқими 490 км³ ва нисбатан унча катта бўлмаган Тхамбрапарни — 1,2 км³ сув оқимига эга. Иккинчи гуруҳ Марказий ва Жанубий Ҳиндистон бўлиб, Ҳимолай тоғи Шимолий Ҳиндис-

тондаги учта муҳим дарёлар тизимига сув етказиб беради: Инда, Ганга ва Брахмапутра. Марказий ва Жанубий Ҳиндистоннинг бош дарёлари — Маханади, Годавари, Кришна ва Кавери кабилар Бенгал қўлтиғига Шарқ томон оқади. Араб денгизи томон Фарбга оқувчи Нармада ва Тапти дарёлари, Ганга дарёси тизимига кирувчи Ҳинд ороли Фарбий қисмини кесиб ўтувчи Чамбал, Бетва ва Сон дарёлари мавжуд. Ҳимолай дарёларининг сув оқими мамлакат умумий сув оқимининг 57 фоизини ташкил қилади.

XX асрнинг сўнги йилларида сув таъминотининг камайиши натижасида сув оқимини тартибга солиш билан боғлиқ зарурат вужудга келиб, йилдан бошлаб 1948 сув иншоотлари қуриш лойиҳаларини амалга ошириш, дарёларга қатор дамбалар қуриш ишлар бошланди. Чунки ушбу даврда жаҳонда йирик дарёлар ўзанига йирик дамбалар, сув омборлари ва магистрал каналлар қуриш ишлари ва энг сўнги муҳандислик иншоотлари вужудга келган эди.

Ҳозирги кунда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти маълумотига кўра, Осиё мамлакатларида аҳолининг тоза оқин сув билан таъминланганлиги 65 фоизни, Европада-2 фоизни, Африкада 27 фоизни, Лотин Америка ва Кариб ҳавзасида 5 фоизни ташкил этади. Осиё мамлакатлари орасида энг кўп оқин тоза сув билан таъминланиш даражаси Ҳиндистонда бешинчи ўринда, Бразилия биринчи ўринда туради. 1 Ҳозирги даврда Ҳиндистондаги сув оқимининг миқдори бир млн 677 минг 500 километр кубометрни ташкил этади. Бу — жаҳондаги жами оқин сув оқимининг 0,5 фоизини ташкил этгани ҳолда, мамлакатдаги суғориладиган экин майдонларининг 59 фоизни таъминлайди. Ҳиндистондаги жами (1677,5 км³) оқин сувининг 555,1 км³ қисми рельефининг шартли равишда суғориш учун фойдаланади. Худудлар бўйича сув оқимининг бирдай тақсимланмагани туфайли сер сув худудларидан сув ресурсларини қайта тақсимлаш йўли билан йирик ва ўрта каналлар орқали сув ташлаб бериш кенг қўлланилади. Ҳиндистон мустақиллигининг иккинчи йиллигигача мамлакатнинг оқин суви асосан денгизларга оқиб тушар эди. 1951 йилда биринчи беш йиллик режаси бўйича, умумий йиллик сув оқими ҳажмининг 5 — 6 фоизи ёки 93,7 км³ суви суғориш учун ва 17 фоизи аҳоли истеъмоли учун ишлатилиб, ирригация ва гидротехника иншоотлари ва магистрал каналлар қурилди. 1961 — 1965 йилларда сув олиш ҳажми мамлакат бўйича 197,1 км³ ҳажмига етди, 1970 йилда 222 км³ ҳажмдан зиёд кўпайди. 1990 йилга келиб умумий оқин сув ҳажмининг 292,1 км³ дан суғориш учун олинди-ган даражага кўпайди. Ҳиндистоннинг суғориладиган экин майдон-

**Жанубий ва марказий Ҳиндистон дарёларининг ўртача
йиллик сув оқими**

Дарёлар	Сув олувчи майдонлар	Ўртача йиллик сув оқими
Маҳанада	132800	92,8
Годавари	313390	125,5
Кришна	253000	44,9
Кавери	82360	10,0
Норманда	87410	49,2
Тапти	64750	9,1

Орашение и осушение в странах мира. — Москва. 1984. С.148.

Ҳиндистонда 1954 йилгача суғориладиган майдонларда, умуман, дренаж-зовур тизимидан фойдаланилмаган бўлса, шу даврдан бошлаб, Ўзбекистондаги дренаж-зовур қуриш тажрибасидан фойдаланиш йўли билан дренаж-зовур-коллектор тизimini қуриш кенг қўлланила бошланди. 1970 йилда мамлакатнинг 13,1 млн. гектар суғориладиган майдонидан 5,2 млн. гектар майдонида дренаж-коллектор тизими қурилиб ишга туширилди. Бу ишлар кейинги йилларда давом эттирилди.

Ҳиндистоннинг энг йирик сув хўжалиги объектларига куйдагилар киради:

Ҳиндистонда энг йирик комплекс тарзда қурилган Бхарра-Нангал лойиҳасидаги иккита Дамба бўлиб, Бхакра дамбасининг баландлиги 225,5 метр, бошқариладиган сув ҳажми-9 млрд. 867 млн. 800 минг кубометр, қурилиши 1963 йилда тугалланган. Иккинчи дамбанинг узунлиги 518,2 метр, баландлиги 99,1 метр. Сув омборининг майдони 168,3 км², узунлиги 90 км. Унда икки гидростанция умумий миқдорда 1 млрд. 50 млн. квт электр энергияси ишлаб чиқаради. Шу билан бирга янги ерларни ва мавжуд суғориладиган ерларни суғориш учун дандан фойдаланилади.

Нангал дамбасининг баландлиги 29 метрга яқин, сув ўтказиш қобилияти бир секундда 354 м³. Бхакра-Нангал сув омборининг сув билан таъминлайдиган майдони 4,2 млн. гектар бўлиб, шундан 2,4 млн. гектари янги ўзлаштирилган ерлардир. Худди шу ва юқорида кўрсатилган дамба ва сув омборлардан ташқари кичик ва ўрта ҳажмда гидротехника иншоотларидан Хиракуд (8 млрд. 169 млн. м³ сув сақлайди), Какрапара, Мунгабходра, Панчет-Хилл, Конар, Дургапур, Чамбал, Гандхи-Сагар, Катах ва бошқалар мавжуд. Агар 1951 йилгача 100 йил давомида сув хўжалигига умумий ҳажмда 1 млрд. 560 млн. рупий сарфланган бўлса. 1951 — 1970 йилларда эса 80 млрд. 940 млн. рупий ёки 52 баробарга яқин кўп маблағ сарфланди. 1980 йилдан 2004 йилгача эса 129,4 млрд. рупий сарфланди.

ларининг салоҳияти 99 млн. 930 минг гектарни ташкил этади. Шундан 1970 йилда 38 млн. гектарга яқин экин майдонларини суғориладиган ерлар ташкил этган. Умумий оқин сувининг 50 фоизи ҳажмидан фойдаланилмагани учун ер ости сувлари кўтарилишига, буғланиб кетишига сарфланар эди. Бунинг оқибатида турли даврларда ер ости сувларининг кўтарилиши экин майдонларининг шўрланишига олиб келарди. Бундай ҳолат, айниқса, Ҳинд-Ганг текислигидаги Панжоб, Уттар-Прадеш, Бихара ва Шарқий Бенгалия ҳудудларида анча юқори бўлган.

Суғориш тизими Ҳиндистонда энг қадимги даврлардан амалга оширилган бўлиб, экин майдонлари асосан кичик каналлар ва ариқлар орқали суғорилар эди. Мустақиллик йилларидан бошлаб суғориш ва зах ерларни қуриштириш ишларига алоҳида эътибор берилиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ва суғориш ишларига давлат бюджетидан маблағ ажратиш режали амалга оширилиб борилди. 1950 — 1970 йиллар мобайнида 514 та сув хўжалиги объектлари, шундан 78 та йирик (ҳар бири 50 млн. рупийдан зиёд) ва 436 та ўрта (ҳар бири бир миллиондан 50 млн. рупийгача), умумий қиймати 24 млрд. 280 млн. рупий ёки 3 млрд. 237 млн. АҚШ доллари ҳажмида сув иншоотлари амалга оширилди. Улар ичида қурилган сув омборларида сақланадиган сув ҳажми мамлакат бўйича 12 млрд. 335 млн. кубометрни ташкил этган. 1970 йили унинг умумий ҳажми-61 млрд. 674 млн. кубометрга кўпайди. 1985 йилда сув омборлари қурилишининг тугалланиши билан улардаги умумий сув ҳажми-123 млрд. 348 млн. кубометрга кўпайди.

Шимолий Ҳиндистоннинг муҳим дарёларидаги ўртача йиллик сув оқими ҳажми таснифи

Дарёлар	Сув олувчи майдонлар км ³	Ўрта йиллик сув оқими км ³
Сатлеж (Рупара)	63,152	32,6
Жамна-Чамбало	371870	98,7
Ганга тизими	975955	420,0
Коси	86552	102,9
Гандак	44366	29,3
Чамбал	141361	33,9
Брахмаптура	506239	381,1
Дамодар	23310	12,9
Гагра	127971	75,8
Ганга	998,136	490,0

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳиндистонда сув ҳўжалигини комплекс олиб бориш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш, меъёрий сув таъминотини замонавий ташкил этиш борасида кўплаб муаммоларни ҳал этиш зарурияти вужудга келган. Уларни тезликда ҳал этиш талаб этилади:

1. Катта миқдорда амалга оширилаётган сув омборларини комплекс қуриш лойиҳаси, сув ва энергия билан таъминловчи йирик иншоот объектлари лойиҳаси учун маблағларнинг етарли эмаслиги.

2. Субтропик ва тропик зоналардаги сув омборларида, каналларда сув буғланиб кетиши жуда катта ҳажмдалигини ҳисобга олинса, уларнинг атрофини ўрмонлаштириш, буғланидиган сув ҳажмини (809370 гектарни) камайтириш, исрофгарчиликни ва сувларнинг ер остига шимилиб кетишини камайтириш каби ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

3. Бошқа мамлакатлардаги каби Ҳиндистонда ҳам ерларнинг шўрланиш, захланиш, бо қоқоланиш, ер ости суьларининг кўтарилиш жараёни содир бўлмоқда. Чунки бу ерда самарали дренаж-зовур-коллекторлар тизимига илгари асос солинмаган. Натижада катта ҳажмда тикланиш ва такрор дренаж-коллектор тизимини таъминлашга тўғри келмоқда. Ер ости сувларини қочириш, қуриштишлар табиий ҳолда амалга оширилади. Уларни янада чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш ишлари ниҳоясига етмаган.

4. Табиий шағал ва тупроқдан қурилган сув омборларининг дамбалари атрофида кўплаб турли хил дарахтлар, ўтлар ўсиб, сувларнинг буғланиши, ерга шимилиб кетиши кучаймоқда. Уларни тозалаш қийинлашмоқда;

5. Муҳандислик-ирригаторлар томонидан сувни бошқариш муаммолари етарлича ҳал қилинмаган, улар сувни фақат экинларга етказиб бериш билан чекланганлар. Уларни сувдан самарали фойдаланишга йўналтириш, замонавий бошқариш, автоматик тақсимлашга йўналтириш лозим.

6. Экин майдонлари, суғориш, ўзлаштириш борасида етарлича маблағнинг имконияти чекланганлиги ва бир вақтнинг ўзида комплекс лойиҳаларни амалга ошириш имконияти бўлмапти.

7. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, фермерлар ва деҳқонларнинг суғориш тизимини ишлатиш ва қурилишга бўлган масъулияти анча паст суғориш шохобчалари, катта ва кичик каналларда сувни давлат назорати ҳамда, жамоатчилик билан биргаликда бошқариш тизими, талаб даражасида эмас.

8. Деҳқончилик тизимида ҳар бир минтақа, туман ва вилоятлар шароитининг ҳар хиллигини ҳисобга олиб, экин турларининг серҳосил ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада эмас.

9. Суғоришни жадал ривожлантиришнинг тўсиқларидан бири — ерларни ижарачиларга тез-тез бериб, ишлов бериш ва суғоришни яхшилашга эътиборнинг камлиги.

10. Ортиқча сувдан фойдаланишдаги маҳаллий камчиликлар, нобудгарчиликнинг оқибатларини маҳаллий деҳқонларга тушунтириш, илғор тажрибаларни тарғиб қилишга катта эътибор бериш лозим.

ҲИНДИСТОН САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ҳиндистон аграр-индустриал мамлакатдан индустриал-аграр мамлакатга айланиб бормоқда. Ҳиндистон мустақилликка эришган даврда, асосан енгил, озиқ-овқат ва кон саноати нисбатан ривожланган бўлса-да, аммо оғир саноатнинг асосий тармоқлари паст даражада бўлиб, жуда заиф ҳолда эди.

1950 йилларнинг иккинчи ярмидан саноат тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Шу даврда энг йирик хусусий банклар, суғурта компаниялари давлат тасарруфига ўтказилди ва давлат назорати ўрнатилиши билан ҳукумат саноат ривожига эътибор қаратди.

Ҳиндистон ҳукумати Неру бошчилигида мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларни (интеллектуал инсон учун янги меҳнат қуролиари технологияси ва меҳнат предметларининг таркибий ўзгариши) ривожлантириш учун тараққий этган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш саноат тармоқларини замонавий ташкил этиш ва қуришни мақсад қилиб қўйди. "Энг яхши қурол ёки энг яхши усуллар билан тайёрланган ҳар қандай инсон ёки мамлакат, охир оқибат бундай қурол ёки усулни пастроқ даражасида тайёрланганга нисбатан ишда устун туради",¹ деб таъкидлаган Ж.Неру, Ҳиндистоннинг энг муҳим иқтисодий жиҳатдан тараққиётини саноат тармоқларини ривожлантиришда деб қаради.

Ҳиндистонга 50 йил подшолик қилган Акбаршоҳ жуда катта бойликка эгалик қилиб, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-ижтимоий қудратини мустаҳкамлади. Лекин мамлакатда саноатни ривожлантиришга, янги қурол ва воситаларни ишлаб чиқаришга эътибор бермагани учун Англия ва Португалия мустамлакалари таъ-

¹ Ж. Неру: Взгляд на всемирную историю. — М.: 1989. С. 193.

зйиқига бардош бера олмади. Англия мустамлакачилиги даврида Ҳиндистонда енгил, озиқ-овқат саноати, темир йўллар қурилишига хизмат қилувчи таъмирлаш устахоналари ва қисман, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилди.

Ҳиндистон саноатининг энг муҳим тармоқлари асосан мустақилликка эришилгандан сўнг вужудга келди. Ҳиндистон иқтисодиётини беш йиллик режалар асосида ривожлантириш натижасида янги саноат тармоқлари — металлургия, машинасозлик, электр энергия, кимё, нефть, газ, цемент, қурилиш материаллари каби йирик саноат корхоналари қурила бошлади.

Ҳиндистон саноатини, қишлоқ хўжалигини, гидротехника иншоотларини ривожлантиришда илмий, муҳандис-техник ва ишчи кадрлар тайёрлаб беришда собиқ Иттифоқ, жумладан, Ўзбекистон кўрсатган беғараз ёрдами беқийёс. Ўзбекистон корхоналари Бхилай металлургия заводи учун мураккаб технологик ва электротехник ускуналар, металл конструкциялар, ўтга чидамли материаллар, қувурлар, компрессорлар етказиб берди. Ўзбекистон Брауни ва Коялидаги нефтни қайта ишлаш заводини кенгайтиришда ёрдам берди. Ўзбекистоннинг кўпгина саноат корхоналари ўз маҳсулотларини Ҳиндистонда собиқ иттифоқнинг техник-иқтисодий ёрдами билан қурилган 90 дан ортиқ йирик объектларига жўнатади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган хилма-хил қишлоқ хўжалиги машиналари ҳам Ҳиндистонга етказиб берилади. Собиқ Иттифоқ олимлари билан бир қаторда Ўзбекистон олимлари ҳам Ҳиндистон олий ўқув юрларида маъруза ва суҳбатлар олиб борганлар. Шулар қаторида Ҳиндистоннинг саноат тармоқларини, корхона ва объектларини барпо этишда хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Англия ҳам ёрдам кўрсатган.

Ҳиндистонда босқичма-босқич саноат тармоқларини ривожлантириш билан 1976 йилларга келиб, саноати ялпи миллий маҳсулотнинг тўртдан бир қисмига яқинини беради. Саноатда иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан камроғи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришида ишлайди. XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида Ҳиндистон саноатида 125 та энг йирик ҳинд ва чет эл гуруҳлари ҳамда компаниялари барча хусусий акционер компаниялари активларининг 75 фоизига эгалик қилган эди.

Ҳиндистон ўндирувчи саноати минерал ва энергетика ресурсларига эга бўлди. Қазиб олинаётган фойдали қазилмалар қийматининг 70 фоизи, аниқланган кўмирнинг умумий захиралари 121,4 млрд. тоннага тўғри келади. Собиқ Иттифоқ ва хорижий мамлакатлар ёрдамида топилган янги нефть ва газ конлари ишга туширилган ва нефтни қайта ишлаш заводлар қурилмоқда.

1977/78 йили Ҳиндистонда 92,2 млрд. квт./с. электр энергияси ҳосил қилинди, 11 млн. т. нефть, 104,7 млн. т. кўмир, 44 млн. т. темир рудаси қазиб олинади. 7,74 млн. т. пулат, 178,5 минг тон. алюминий, 2015 минг т. азотли ўғитлар, 670 минг т. фосфорли ўғитлар, 19,3 млн. т. цемент, 84,3 минг дона автомобиль, 50,4 минг қишлоқ хўжалик тракторлари, 1875 минг радиориёмниклар, 4306 млн. т. жут буюмлари, 6,6 млн т. қанд-шакар ишлаб чиқарилди.

Ҳиндистон табиий минерал ресурсларга бой мамлакат. Унда маргонез, слюда (дунёда олдинги ўринлардан бирида), тошкўмир, титан, темир рудаси, олтин, табиий газ, хиромит, нефть, боксит ва бошқалар қазиб олиш жадал ривожланиб бормоқда.

Йилига ўртача 380 млрд квт/с. электр энергияси ишлаб чиқарилади, унинг 4/5 қисми иссиқ электр энергияси станцияларида, 1/7 қисми ГЭСларда, атом электрстанцияларида ҳам электр энергияси ишлаб чиқилади.

Ҳиндистоннинг етакчи саноат тармоқлари: тўқимачилик (асосан, жут ва ип-газлама), озиқ-овқат (қанд-шакар, тамаки, ун, нон, ичимликлар), тери-пойабзал саноати, нефтни қайта ишлаш, цемент, қоғоз, шиша-ойна ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд, минерал ўғитлар (фосфор, калий, азот кабилар), ҳар хил кимёвий заҳарли маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилади. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кимё саноати, самолётсозлик, автомобиль, трактор, комбайн кабилар ишлаб чиқариш ривожланган. Дунёдаги ахборот технологиялари йўналишларидаги корхоналарнинг ярмидан кўпи Ҳиндистонда жойлашган. Мамлакат ядровий технологиялар ва коинотни забт этиш бўйича етакчи ўринда туради.

Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 40 фоизига яқининг майда ва ўрта хунармандчилик корхоналари етказиб беради. Ҳиндистонда хунармандчилик, темирчилик, заргарлик, каштачилик, тўқимачилик, кончилик, терини қайта ишлаш каби маҳсулотлар турини кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар етиштириб беради.

Ҳиндистон аграр-индустриал мамлакат даражасида бўлганлиги туфайли, саноат ишлаб чиқариш даражаси бўйича, жалб қилинаётган хорижий сармоя ҳажми жиҳатидан дунёдаги ривожланган ўн та давлат қаторидан ўрин олган. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқ овлаш бўйича — 25 фоизни, саноати — 30 фоизни, хизмат кўрсатиш тармоғи — 45 фоизни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотнинг 28 фоизини ташкил этувчи давлат сектори ҳарбий саноат тармоқлари, атом энергетикаси, транспорт ва алоқа коммуникацияда етакчи ўринни эгаллайди.

Транспорт тармоғи. Ҳиндистон транспорт тармоғи анча ривожланган. Бунда темир йўл транспорти етакчи ва муҳим роль ўйнайди. Темир йўлларнинг узунлиги 75 минг км, шундан 15 фоизини электрлаштирилган темир йўллар ташкил этади. Автомобиль йўлларининг узунлиги 3 млн. километрдан ортиқ. Ҳиндистонда биринчи марта Калькутта шаҳрида 1984 йилдан ва Деҳлида 2002 йилдан метрополитен ишлаб турибди.

Мамлакат транспорт тизимида энг муҳими сув йўли бўлиб, кемалар қатнайдиган дарё йўлларининг сони 14 та. Мамлакат ташқи савдо айланмасининг 90 фоизи денгиз йўллари орқали амалга оширилади. Денгиз савдо флотининг тоннажи 10 млн. 366 минг тонна, Ҳиндистоннинг йирик денгиз портлари: Мумбай, Калькутта, Качин, Вишакхапатнам, Чаннай. Ҳиндистоннинг кўпчилик шаҳарлари жаҳондаги йирик шаҳарлар билан ҳаво йўллари орқали алоқа қилади. Асосий аэропортлари Мумбай, Деҳли, Калькутта, Бангалор, Чаннай, Бхубанешвар, Мадурай шаҳарларида жойлашган. Мамлакат ичкарасида хизмат қиладиган яна 90 та аэропорти мавжуд. Ҳиндистон ҳаво йўллари билан Ўзбекистон ҳаво йўллари орқали алоқа ўрнатилган, Тошкент – Деҳли йўналишида самолётлар қатнови йўлга қўйилган.

Ҳиндистоннинг энг муҳим саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари
(кейинги йилда олдинги йилга нисбатан)

	1977/78	1997/98	2001/02	2002/04	2004/05	2005/06	2006/07
Ялпи ички маҳсулот ундирувчи	5,2	4,4	5,8	8,5	7,5	9,0	9,4
Саноат маҳсулоти	2,3	2,4	1,8	3,1	7,5	3,6	5,1
Енгил саноат	5,2	5,4	7,7	6,8	8,7	5,3	7,4
Электр энергияси	2,3	2,5	2,1	4,7	7,5	5,3	7,3
Қурилиш ишлари	5,2	5,4	6,2	8,5	7,5	9,0	9,4
Озиқ-овқат	0,2	0,2	0,6	0,5	0,4	2,0	8,2
Нефть	11,0	12,5	3,2	4,3	11,8	5,3	5,6
Кўмир	3,9	5,1	5,8	3,2	4,3	2,4	12,6
Пўлат	8,3	8,1	8,5	5,1	8,4	11,2	10,9

Индия. (1947 – 2007 йилларда Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши) Деҳли. 2008 г. С. 223 – 226.

ҲИНДИСТОНДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва даромадларнинг истиқболда ижобий ўсиши билан самарали кўпайиб боришига хизматларни давомли таъминлашда ахборот технологияси соҳасида ҳарajatлар ошиб бормоқда.

Бутун жаҳон бўйича бош ҳаракатланувчи куч сифатида бу тармоқда аутсорсинг сақланиб қолмоқда, у истеъмолчилар ва етказиб берувчилар ўртасида яхлит боғловчи бўлиб хизмат кўрсатмоқда. Ахборот технологиясига асосланган хизмат кўрсатиш соҳасида юқори сифатли ва рақобат бардошли хизматлар бўлиб, у ўзини афзаллигини Ҳиндистонда ахборот технологияси ва бизнес жараёни хизматида намоён этди.

Билимлар жараёнида талаб этилаётган паст сифатдаги маълумотларни ишлаб чиқарадиган даражадан мураккаб меҳнат жараёнига ўтиш даражаси учун мижозларни манфаатдорлигини оширишга интилишга қаратилган ўз таклифларини кенгайтириб бораётган Ҳиндистон компаниялари ўсиб бормоқда ва умуман, бир бутун бу тармоқларни ривожлантиришга таъсир этишга ижобий ҳаракат қилмоқда.

Осиё – Тинч океани минтақасида жуда тез ривожланаётган бозорлардан бири сифатида сўнгиги бир неча йиллар (1997 йилдан) давомида юқори талаб Ҳиндистоннинг ахборот технологияси соҳасида амалий ҳаракат қилишга манфаатдорлигини ошириб юборди. Ахборот технологиясига асосланган дастурлаш ва хизматлар Ҳиндистон саноатини ривожлантириб, сўнги беш йил мобайнида (2001 – 2006) 28 фоизга ўсди. Ҳиндистон ялпи ички маҳсулотида бу тармоқнинг ҳиссаси 1999 – 2000 йилдаги 1,2 фоиздан 2005 – 2006 йилда 4,8 фоизга, 2006 – 2007 йилда 7,1 фоизга кўпайди ёки 5,9 баробарга ўсди.

Ҳиндистон компаниялари халқаро сервис билан ишлашнинг афзалликларини тушунган ҳолда, бутун жаҳон мамлакатлари бўйича хизмат кўрсатишни етказиб бериш имкониятларини кенгайтириб юборди ва ҳамкорлар билан бирга маҳаллий компанияларни бирлаштириб, янги гоя ва ихтироларни жорий қилиш бошланди. Айниқса, ахборот технология дастурларини таъминлашни ишлаб чиқариш бўйича халқаро йирик компаниялардан Microsoft oracte, SAP ва бошқалар Ҳиндистонда ўзларининг ваколатхоналарини очиб олишга рухсат берилди.

Ҳиндистонда ахборотлаш хавфсизлигининг даражаси жаҳоннинг бошқа мамлакатларидагига нисбатан анча юқори. Бунга сабаб, мамлакатда ахборот технологиясини ҳимоя қилишни яхшилашга қаратилган қатъий мақсадларнинг мавжудлигидир. Ҳиндистонда бу масалада янада кўпроқ ишларни амалга ошириш мумкин, масалан, 2000 йилда ахборот технологиялари тўғрисидаги Актга қўшимчалар кириштиш, таклифлар ёрдамида қонунчилик асосларини янада кучайти-

риш ва ахборот хавфсизлиги масалалари тўғрисида агентликларга талабни яхшилашга ғамхўрлик қилишни кучайтириш ҳамда бу муаммоларни ҳал этишда бир-бирларига имконият даражасида таъсир кўрсатиш имконияти берилди.

Ҳиндистонда, ахборот технологияси тармоқларида ва унга асосланган хизмат кўрсатиш ҳамда бизнес-жараёнларидаги ишчи ходимларнинг умумий миқдори сўнгги йилларда мисли кўрилмаган даражада ўсиб борди. Ахборот технологияси тармоғи ёлланма ва четдан келганлар ёрдами билан уч миллион иш ўринларини қўшимча ташкил қилди. 2005 — 2006 йиллар мобайнида электроника истеъмолини тўла ишлаб чиқаришни таъминлаш учун 180.000 миллион рупийга маблағ кўпайтиришни режалаштирди, бу ўтган йилга нисбатан 7% га ўсишни таъминлади. Барқарор макроиқтисодий шароит ва бозорда юқори харид қобилияти борлиги сабабли 2005 — 2006 йилда шахсий компьютерларни сотиш 4 миллион 700 минг донани ташкил этди. Шахсий компьютерларни сотишнинг кўпайиши шундай ишлаб чиқариш вертикаллари (кичик тармоқлар)да истеъмолнинг кенгайиш натижаси бўлиб, телекоммуникациялар, банк иши, молиявий хизмат, ишлаб-чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бизнес-жараёнларининг ахборот технологиясига асосланганлигини кўпайтириш ҳамда интернетдан кенг фойдаланишни фаоллаштирди, марказий ҳукуматда ҳамда маҳаллий штатлар ҳукуматларида янгиликларни жорий этишни кучайтириб юборди. Сўнгги йилларда кичик ва ўрта тадбиркорлик қорхоналарида компьютерлардан кенг фойдаланиш, кичик шаҳарларда шахсий компьютерларни сотиш миқдорини кўпайтиришга сабаб бўлди. Бутун Ҳиндистон ҳудуди бўйича кенг миқёсда интернет тарқатилишига ҳукуматнинг марказлаштириш дастури ишлаб чиқилди ва бутун мамлакат ҳудудларида жаҳондаги энг арзон баҳоларда уларни сотиш, уй компьютерларидан фойдаланиш миқдорини кўпайтиришга кўплаб шароитлар яратилди.

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш жараёнида техника тараққиёти ва инновацион янгиликлар туфайли ҳар йили ахборот технологиясининг таннархини камайтириш тенденциясини давом эттириш, шахсий компьютерларнинг қийматини камайтириш ўн минглаб, ҳатто ундан ҳам паст рупий даражасида сотишга имкон яратди. Ноут-буклар сотиш бозориди уларни 100 фоизгача сотиш, бир вақтда уларнинг бозор баҳосини пасайтириш кутилмоқда. Ахборот технологияси соҳасида ва унга асосланган хизмат кўрсатиш 2005 йилда АҚШда, Фарбий Европа мамлакатлари бозориди ва ривожланаётган мамлакатлар бозориди, умуман, бутун дунёда ахборот технологияси

бозорларининг барқарор ўсиши давом этиши билан сарф-харажат тобора тез ўсиб бормоқда. Аутсорсинглар рақобатлашув, жаҳон бўйича бу тармоқнинг бош ҳаракатланувчи кучи бўлиб, шу билан бирга, у етказиб берувчи билан истеъмолчилар ўртасида бир бутун боғловчи бўлиб давом этмоқда.

Ахборот технологиясига асосланган дастурлаш ва хизмат кўрсатишни таъминлаш натижасида Ҳиндистон экспорти 2003 — 2004 йилларда 12,9 миллион АҚШ долларидан 2005 — 2006 йилларда 17,7 миллион АҚШ долларгача ўсди. 2006 — 2007 йилларда эса бу кўрсаткич 23,4 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди.

Истеъмол ва талабнинг сўнгги йиллар давомида бир неча баробарга ортиб бориши Ҳиндистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасида ахборот технологияси бозорини жуда тез ривожланаётган бозорга айлантириб юборди. Дастур билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш бизнес жараёнига асосланган хизматлар Ҳиндистондан экспортнинг умумий ҳажми 2003 — 2004 йилдаги 3,1 миллиондан 2005 — 2006 йилларда 6,3 миллион АҚШ долларигача ўсиш имкониятини берди ёки икки баробар зиёдни ташкил этди.

Ахборот технологиясига ва бизнес жараёнига асосланган хизматлар Ҳиндистоннинг ўзининг муваффақиятларини намоён этиб, ахборот технологиясига асосланган хизмат соҳасида юқори сифатли ва рақобатбардошли қийматга эга эканлигини кўрсатди. Ҳозирги кунда айрим халқаро компаниялар Ҳиндистонда жойлашган илмий-тадқиқот институтлари ва муҳандислик бюроларининг юқори малакали ходимлари ёки учинчи даражали Ҳиндистон компанияларидаги муҳандислар ва илмий ходимларни хорижликларнинг ўзлари илмий-тадқиқот марказларига ва муҳандислик бюроларига таклиф этиб, ишга жалб этмоқдалар.

Ҳиндистон ахборот технологиясига ва сервисларига асосланган (муҳандислик, илмий-тадқиқот ишлари, халқаро дастурлаш маҳсулоти, Ҳинд дастурларини таъминлаш каби) умумий даромад ҳажми бир неча ўн баробардан кам бўлмаган миқдорда ўсди ёки 2001 — 2002 йиллардаги 3 млн. АҚШ долларидан 2004 — 2005 йилларида 3 триллион 100 млн. 2005 — 2006 молиявий йилда 3 трлн. 9 млн. АҚШ долларига кўпайди. Бу кўрсаткич 2006 — 2007 молиявий йилда 32 фоиздан ошди.

Ҳозирги кунда кўпчилик Ҳиндистондаги компаниялар ўзларининг ички бизнес жараёнини ISO, CMM, SIH, Sigma ва бошқа халқаро стандартлар билан тегишли равишда мослаштириб олишга эга бўлди.

Бу эса Ҳиндистонга инвестицияни жалб қилишга қизиқишни янада ошириб юборишга имконият яратди. 2005 йил охирида 400 дан зиёд ҳинд компаниялари сифат сертификати олишга эришди, 82 та компанияга эса SEICTM классификацияси бўйича бешинчи даражали деб тан олинди, бу ҳар қандай мамлакатдагига нисбатан анча кўпдир.

Ҳиндистонда телекоммуникациялар саноати тармоғининг юқори даражада ривожланаётганлиги ва ўсиб бораётганлиги эътироф этилган. Ҳиндистон телефонлардан фойдаланиш бўйича Осиёда иккинчи (Хитойдан кейин), жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Телефонларнинг умумий сони Ҳиндистонда 175 млн. зиёд (2005) ташкил этади. Мамлакатнинг 100 дан ортиқ шаҳарларида, 800000 дан зиёд кенг миқёсли бирлаштирилган линия йўналиши ўтказилган. 2007 йил охирида телефонлар сони 260 млн. ва рўйхатдаги кенг миқёсли бирлашмалар сони 10 мингдан ошиб кетди. 2010 йилда кенг миқёсли рўйхатдан ўтганлар сони 20 млн. га ўсиши режалаштирилган.

Ҳиндистон мобиль телефонларни сотиш ҳажми бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгалаб турибди. Ўсиб бораётган талабни қондириш учун, кўплаб компаниялар мобиль телефонлар билан боғлиқ маҳсулот бозорига катта миқдорда маблағ сарфлаб, мобиль телефонларини ишлаб чиқармоқда ва улар мамлакат ичида ва ташқи бозорининг талабини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида уйда спутникли телевидения хизматини тўғридан-тўғри уйга (ДТН) киритиш тобора кенгроқ тарқалган. Бу сервис хизматини миллий провайдер билан ҳам хусусий компаниялар билан ҳам етказиб бериш жуда кенг тарқатилган. Ҳиндистонда юқори сифатли кенг экранли телевидения кўрсатишни мамлакатнинг хоҳлаган жойида қабул қилиш имконияти яратилган.

Интернетни бошқариш хизмати сифатини яхшилаш билан боғлиқ вазифаларга мувофиқ Ҳиндистон ҳукумати Интернетни бошқариш сифатига катта эътибор бермоқда. Айниқса, аҳоли манфаати учун бу соҳаларни муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Мамлакатда Интернет бошқаруви бўйича миллий режа (NEGP) қабул қилинган, бу Марказий ҳукумат ва штат ҳукуматлари томонидан амалга оширилиб борилмоқда. Бу эса маҳаллий ҳукуматларaro хизматларнинг аҳоли учун қулайлиги таъминланишини амалга оширади ҳамда аҳоли пункларида яшовчилар учун бутун умр бўйи давомида "бир ойна" тизими ёрдами билан (комплекс хизмат) амалга ошириш ва орзон баҳода ишончли, ихчам ва самарали хизмат кўрсатишни таъминлайди. Ҳукумат 2006 йилда 5 йил давомида хизматлар тармоқларини ташкил этиш бўйича режани маъқуллади. Бунинг учун мамлакат-

нинг барча ҳудудларида ва штатларида амалга ошириш учун бюджет ҳисобидан 33340 млн. АҚШ долларида маблағ ажратилди. Бу штатлар ва туманлар маҳаллий ҳокимиятлари ўртасида маълумот алмашувини яхшилайти. Шунга қарамасдан, Ҳиндистон ҳозир кўпроқ қишлоқ хўжалиги мамлакати бўлиб турибди. Шу муносабат билан Ахборот технологиялар Департаменти амалдаги режа доирасида кўшимча яна 100 минг киши учун иш жойларида умумий хизмат марказий интернетни очиш тўғрисида таклиф киритди. Бу марказлар нафақат маҳаллий ҳукуматларaro хизматни амалга оширишга, балки қишлоқда яшовчилар учун Интернетга чиқишга имконият яратади. Ҳамма Марказларда кенг миқёсли Интернетга чиқишни янгилаш жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни моддий таъминлашни хусусий шахслар билан биргаликда амалга ошириш режалаштирилган. Бундай марказларнинг мақсади интернет бошқарувининг ва маҳаллий ҳукуматларнинг жойларда яшаётган аҳолига хизмат кўрсатишини таъминлашда ва шу билан бирга, қишлоқ жамоаларини ижтимоий ривожлантиришнинг таянчи бўлиб қолишини ҳисобга олади.

Серверлар томири. Ҳиндистондаги Ахборот технологиялар Департаменти ва айирбошлаш миллий Интернет (Nixi) Деҳлида, Мумбайда ва Ченнайда сервер Интернет томирининг учта ойнасини ўрнатдилар. Чунки бу уч шаҳар Интернет халқаро инфратузилмасида муҳим аҳамиятга эгадир. Деҳлида, Мумбайда ва Ченнай шаҳарларида тегишли тартибда К.Л. ва F серверлар туради. Бу серверларнинг жиҳозлари маълумотларнинг халқаро графигини камайтиришга ёрдам беради, хориж учун серверларнинг қарамлигини камайтириш орқали интернетнинг барқарорлигини оширади. Ахборот технология неъматлари Ҳиндистоннинг оддий одамларига етиб бориши учун рақамли ахборотлар барча ҳинд тилларига мос тарзда айлантирилиши лозим. Ахборот технологияси Департаменти Ҳиндистоннинг барча турли тилларида дастурлар билан таъминлашни ва рақамли ахборот билан тўла таъминлаш ташаббусини ўз зиммасига олади. Ҳозирги вақтда таликль, ҳинду ва мелугу тилларида дастурли ва рақамли ахборот билан таъминланиш амалга оширилган, 2004 – 2005 йилларда урду ва панжаб тилларида ҳам тайёрланган дастур ва рақамли ахборот билан таъминланиши ишлаб чиқилган ва ундан фойдаланилмоқда. 2006 – 2007 йилларда Ҳиндистондаги бошқа барча тилларни қамраб олган дастур ва рақамли ахборотлар хизматини таъминлаш ишга туширилди.

Ахборот технологияси тўғрисидаги Акт 2000 йилда қабул қилинганлигининг асосий мақсади Интернет хизматини сотишни ривожлантиришига тўғри бериш учун ҳамда Интернетни кенг кўламда

жорий қилишга замин яратиш учун имконият яратади. Мамлакатда шу йилдан бошлаб Интернет бошқаруви бошланади. Муҳими шундаки, ўша даврдаги технологияга ва реал ҳаётга мослашган бу интернет бошқаруви эди. Маълумки, технология ва техника доимо ривожланиш жараёнини бошдан кечиради, улардан самарали ва рақобатбардошли хизмат баҳоси бўйича етказиб бериш учун, энг зарури бу технологияга оид қонунчилик асосларига янгича қарашни талаб этади. Чунки маълумотлар ва қонунлар ҳимоясига тегишли жойи шундаки, улар хусусий мулкчиликни ҳимоялайди. Бу эса Ҳиндистон аҳолисини ҳамда чет эл мижозларини манфаатларини ҳисобга олади. Шу муносабат билан Марказий ҳукумат Парламентга Ахборот технологияси Актига қўшимча ва ўзгартириш киритишни таклиф қилди ва Парламент бу масалани ҳар таомонлама кўриб чиқиб, Актга ўзгартириш киритиш бўйича қонун қабул қилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ҳиндистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига унча катта бўлмаган таъсир кўрсатса-да, лекин Ҳиндистон тайёр ва хом ашё сотувчи мамлакат сифатида иқтисодиётида қисман пайсаниш содир бўлди. Ҳиндистон шароитида инқирозни бартараф этиш, олдини олиш ва инқироздан кейинги даврда Ҳиндистон ахборот технологиясини, Интернет бошқаруви ва хизмат кўрсатиш бизнес-жараёнларини таъминлашни янада кенгроқ такомиллаштириш борасида инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш давлатнинг тартибга солиш ва назорат қилиш вазифасига айланди.

ҲИНДИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари ўртасида тарихий, иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ ва сиёсий муносабатлар жуда қадим замонлардан бошланганлиги сўнгги йиллардаги ахборотлардан маълум бўлмоқда. Тахминан 2500 – 2700 йиллик тарихга эга бўлганлиги археологик ва ёзма манбаларда ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг жанубий туманларида, жумладан, Термиз ва Қарши шаҳарларида, айниқса, Ал-Ҳаким ат-Термизий мавзолейида ва бошқа жойларда ўтказилган археологик қазилмалар натижасида топилган буддийлар қурилмалари тарихий муносабатларга далил бўлади. Буддизм санъатига оид археологик топилмалар, Кушон подшолиги даври маданияти бунинг яққол далилидир. Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ўртасидаги илмий алоқалар тарихида аллома Абу Райҳон Беруний алоҳида ва муҳим ўрин

эгаллайди. Шунингдек, Ҳиндистонни ўрганишда Абдураззоқ Самарқандий, Заҳириддин Бобур, Фурқат ва бошқалар томонидан яратилган асарларда Ҳиндистон тўғрисида кенг маълумотлар баён этилган. Улардан Ал-Берунийнинг "Ҳиндистон" асари алоҳида аҳамиятга эга. Асар Ҳиндистон халқлари тарихининг турли даврлари ва соҳалари, айниқса, фанлари, адабиёти, фалсафаси, географияси, этнографияси, урф-олатлари, динлари, диний ривоятлари, ёзувчилари, табиий иқлими, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ва бошқаларга бағишлаб араб тилида ёзилган (1030 йил) 80 бобдан иборат. "Ҳиндистон" асари инглиз тилида (1888 йилда) немис олими Э.Захау томонидан таржима қилиниб, Лондонда нашр этилган. 1963 йили Ўзбекистон Шарқшунослик тадқиқот институти "Ҳиндистон" асарини рус тилида ва 1965 йили ўзбек тилида нашр этган. Берунийнинг Ҳиндистонда яшаб ҳиндларнинг тили, маданияти, санъатини ўрганиб, яратган "Ҳиндистон" асари ҳозирги кунда жаҳоннинг энг нуфузли кутубхоналарида сақланади. "Шарқ Рафаэли" — машҳур ҳиротлик мусаввир Камолиддин Бехзод ўзининг ўлмас асарлари билан Ҳиндистондаги минатура санъатининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Бобурийлар сулоласига асос солган Заҳириддин Бобур Ҳиндистон тарихида муҳим роль ўйнади. Бобурийлар даврида Ҳиндистон маданияти, санъати ва иқтисодиёти ривожланди. Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасида маданий, иқтисодий ва савдо алоқалари ривож топди. Бобурнинг "Бобурнома" асари 16 – 17-асрлардаги Ҳиндистон тарихини, ўша давр иқтисодий, маданий, савдо, ҳунармандчилик ва қурилиш аҳволини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ўртасидаги қадимдан бошланган ҳунармандчилик ва савдо муносабатлари, инглиз мустамлакачилиги даврида ҳам тўхтаб қолмади. Ҳинд ва ўзбек халқларининг ўта оз миқдорда бўлса ҳам, Ҳиндистонда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган матолар, заргарлик, зеб-зийнат буюмлари Ўзбекистоннинг Марғилон, Кўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларида савдо қилинганлиги ва Ўзбекистон ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилган атлас, адрас ва заргарлик буюмлари Ҳиндистон шаҳарларида савдога қўйилганлиги ёзма манбалардан маълум. Ўзбек ва ҳинд халқларининг оғзаки ижодида, Ҳиндистонда "Сўни ва Маҳивал" номи билан Ўзбекистонда эса "Иzzатбек ва Сўни" номи билан машҳур бўлган афсона яратилган. Бунда бухоролик ёш савдогар Иzzатбек ва панжоблик гўзал қиз Сўни ўртасидаги чин муҳаббат фожиаси ҳикоя қилинади. Шу афсона асосида ўзбек ҳинд бадиий фильми яратилган. XIX аср охири XX аср бошларида Ҳиндистонда

инглизлар ҳукумронлиги даврида ҳам ўзбек-ҳинд халқлари ўртасида маданий, адабий соҳаларда алоқалар давом этиб келган. Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат ҳинд диёридаги ҳўжандлик Тошхўжа Асирийга юборган мактубда ва "Кашмирлик қизга" шеърида шундай сатрлар учрайди:

*Бир қамар сиймони кўрдим болдайи Кашмирида,
Кўзлари масҳуру юз жоду эрур тасхирда.
Қош узра холининг асроридин бир нуқтадир,
Суройи "Нун" ўқудим пайваста ҳар тафсирда...*

Фурқатнинг бу шеъри Ҳиндистонда – Кашмирда бўлган даврларида ёзилганлиги ва ҳинд аёлларини мадҳ қилганлигини билдиради. Ҳиндистон халқларининг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари билан маданий, иқтисодий ва савдо алоқалари тўғрисида Ж. Неру асарларида ҳам ҳар томонлама баён этилган. Ҳиндистон мустақилликка эришганидан сўнг Ҳиндистон – Ўзбекистон муносабатлари янги босқич даражасига кўтарилди. 1955 ва 1961 йилларда Ж. Неру Ўзбекистонга 2 марта ташриф билан келиб, Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлди. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ тизимида турган вақтида Ҳиндистоннинг sanoати, қишлоқ ва сув хўжалиги фани, маданиятини ривожлантиришда илмий, инженер-техник ва ишчи-кадрлар, мутахассислар тайёрлаб беришда кўрсатган беғараз ёрдамида Ўзбекистон халқининг катта улуши бўлган. Ўзбекистоннинг sanoати корхоналари ва мутахассислари Бхилай металлургия заводи учун мураккаб технологик ва электротехника ускуналари, металл конструкциялари, ўтга чидамли материаллар, қувурлар, компрессорлар етказиб берди. Ўзбекистон Брауни ва Коялидаги нефтни қайта ишлаш заводларини кенгайтиришда ёрдам берди. Ўзбекистон ўзининг кўпгина sanoати корхоналари мутахассисларини Ҳиндистонда техник-иқтисодий ва маданий ёрдами билан қурилган 90 дан ортиқ йирик объектларига жўнатган. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган хилма-хил ва ҳар турли қишлоқ хўжалик машиналари, пахта териш комбайнлари, сеелкалар ва бошқалар Ҳиндистонга етказиб берилганди.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги илмий, техник, маданий муносабатлар ҳам муваффақиятли ривожланиб борди. Совет олимлари қаторида Ўзбекистонлик омишлар ва мутахассислар Ҳиндистон олий ўқув юртларида маъруза ва суҳбат олиб борган. Ўз навбатида Ҳиндистонлик биологик, химик, техник каби ёшлар Ўзбекистон олий ўқув юртларида таҳсил кўрган. Ҳиндистон ва Ўзбекистон пах-

такорлари қишлоқ ва сув хўжалик ходимлари ўртасида мустаҳкам амалий алоқалар ўрнатилганди. Республикамиз селикционер омилиари яратган пахтанинг юқори ҳосилли навлари чигитлари ҳар йили Ҳиндистон деҳқонларига жўнатиб турилган.

Ўзбекистонда тўпланган сугориш ва мелиорация қилиш, энергетика, физика ва кимё, биология, қорақўлчилик соҳаларидаги мутахассислар тажрибалари ҳам Ҳиндистонда зўр қизиқиш билан ўрганилган ва амалиётда қўлланилган.

1958 – 1970 йилларда Ўзбекистон нашриётлари эликдан зиёд ҳинд муаллифларининг асарларини ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарди. Жумладан, Бедил (таржимон Ш. Шомухамедов), М.Иқбол (таржимон Э. Воҳидов, Ж. Жабборов, С. Йўлдошев), шунингдек Мирза Толиб (таржимон Р. Муҳаммаджонов) асари ўзбек тилида нашр этилди. Бу китоблар орасида Рабиндранат Тагор, Премчанд, Яшпал, Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан, Чандр, Лулк Раж Ананд, Амрита Притам, Али Сардор, Жаъфарий ва бошқа асарлар бор. Шунингдек, Ш. Рашидов, Зулфия, А. Мухтор, Ч. Айтматов ва бошқаларнинг асарлари ҳинд, урду тилларига таржима қилинган. Ўзбекистонлик шоирлардан Зулфия, Ш.Рашидов, Ж. Жабборов, Рамз Бобожон, Барот Бойҳобилов ва бошқаларнинг асарлари ҳинд халқига, унинг озодлик ва янги ҳаёт учун олиб бораётган кураш ва ютуқларига бағишланган. Ҳинд ёзувчилари ва шоирлари, жумладан, Хўжа Аҳмад Аббос, Сажжод Зоҳир, Али Сардор Жаъфарий, Кайфий Азмий, Камар Раис ва бошқалар публицистик ва шеърий асарларини ўзбек халқига, ўзбек элининг катта ютуқлари, гўзал шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент) ва қишлоқларига бағишладилар. ТошДУ ҳозирги Миллий университетнинг Шарқшунослик факультетининг (ҳозирги Шарқшунослик институти) ҳинд, урду, панжоб филологияси кафедрасида ҳинд ва жануби-шарқий мамлакатлар тиллари ва адабиётидан талабларга мунтазам маърузалар ва машғулотлар олиб борилган.

Тошкент радиоси қошида урду ва ҳинд муҳаррирлиги ташкил этилган. Ўзбекистоннинг бир қатор мактабларида ҳинд ва урду тиллари (2-синфдан) мунтазам равишда ўқитиладиган бўлди.

1966 йили Тошкентда Ҳиндистоннинг бир гуруҳ санъат ва маданият намоёндаларининг 10 кунлиги бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг энг йирик раққос ва кўшиқчилари иштирок этдилар. Жумладан, Вайжита Маҳала (ҳозир Ҳиндистон Парламенти аъзоси), 1968 йилдан 1988 йилгача ҳар йили анъанага айланиб қолган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент кинофестивали-

нинг энг фаол иштирокчиларидан бири Ҳиндистоннинг кино ходимлари бўлган. 1979 йил сентябрда Осие мамлакатлари кўғирчоқ театрлари фестивалида Ҳиндистоннинг кўғирчоқ театри арбоблари фаол қатнашдилар.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ҳамда жамоатчилиги ўртасидаги маданий ва дўстлик муносабатларини мустақамлаш, ривожлантириш 1968 йил 16 декабрда Ўзбекистон ва Ҳиндистон жамияти бўлими ташкил топди. Бўлим ҳайъатининг раиси қилиб Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия сайланди ва ҳинд-ўзбек алоқаларида муҳим роль ўйнади. Ҳозир ҳам бу дўстлик жамияти фаолият кўрсатади, унга академик С.С. Фуломов раҳбарлик қилади. 1987 йилда Тошкентда Ҳиндистоннинг бош консулхонаси очилди.

Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, янги муносабатлар босқичига кўтарилди. Ҳиндистон Ўзбекистоннинг мустақиллигини тан олиб, 1992 йили икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ва халқаро тенг ҳуқуқли субъект сифатида алоқалар кенг йўлга қўйилди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида муносабатлар ҳуқуқий асосларини турли соҳалардаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни ҳамда ҳамкорликни тартибга солиб турувчи давлат, ҳукумат, муассасалар ва идоралараро ҳужжатлар ташкил қилади. 2009 йилгача икки давлат ўртасида 60 тадан ортиқ расмий ҳужжатлар имзоланди. 1992 йили Тошкентда Ҳиндистоннинг бош консулхонаси (1998 йилдан Давлат элчихонаси), 1992 йили Деҳлида Ўзбекистон Республикаси консулхонаси (1994 йили элчихонаси) ташкил этилган. Деҳлидаги Ўзбекистон элчихонасига махсус ер майдони ажратилиб, маъмурий бино ва элчихона ходимлари яшайдиган бино қурилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 4 марта (1991, 1994, 2000, 2005 йиллар) расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлди. 1993 йилда расмий ташриф билан Ҳиндистон бош вазири Нарасимхо Рао ва 2006 йилнинг апрелида эса Ҳиндистоннинг янги бош вазири Манмаҳон Сингхи Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий асосларни ташкил қилган қатор иқтисодий, сиёсий, гуманитар битим ва ҳужжатлар, жумладан, "Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим", "Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида битим", "Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида битим" ва бошқа битимлар билан мувофиқлаштирилиб бормоқда. 1993 йилда икки мамлакат ўртасида тузил-

ган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия доимий фаолият кўрсатиб келмоқда. 1993 — 2008 йиллар мобайнида бу комиссиянинг 7 та йиғилиши бўлиб ўтди. 1993 йил март ойида Тошкентда Ҳиндистоннинг биринчи — савдо ва 2007 йил октябрда илмий-технология кўргазмалари бўлиб ўтди. Бунда Ҳиндистоннинг йирик корхона ва компаниялари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил апрелдаги Ҳиндистонга ташрифи чоғида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, Таълим ва маданият соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Мудофаа вакиллари ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Ҳиндистон давлат савдо корпорацияси ўртасида англашув маеморандуми, "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳчилигини ривожлантириш компанияси ўртасида англашув баённомаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ҳамда Ҳиндистон экспорт ташкилотлари федерацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Ҳиндистон давлат банки ҳамда Ҳиндистон экспорт-импорт банки ўртасида ҳамкорлик меморандумлари, "Ўзбексаноат мащипекс" давлат акционерлик ташқи савдо компанияси билан Ҳиндистоннинг "Компетент" компаниялари гуруҳи ўртасида савдо уйи ташкил этиш тўғрисида меморандуми, жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия Университети билан Ж.Неру номи Деҳли Университети ҳамда Тошкент шарқшунослик институти билан Мирзо Ғолиб институти ўртасида англашув меморандуми ва Фарғона давлат университети билан Ҳиндистоннинг Калькуттадаги Мавлона Абул Камал Озод номи Осиени ўрганиш тадқиқот институти билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлари имзоланган. 2008 йилда иккала мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 190 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистонда 60 тадан зиёд қўшма корхонаси, шу жумладан, 10 та ҳинд корхонаси фаолият кўрсатмоқда, шунингдек, Ҳиндистонда Ўзбекистоннинг 4 та компанияси ваколатхонаси фаолият олиб боради. 2007 йил 13 — 14 апрелда Ўзбекистон — Ҳиндистоннинг ҳукуматлараро комиссиясининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги бўйича 7-йиғилишда Ҳиндистон Давлат Савдо вазири жаноб Джаирам Рамеш бошчилигидаги делегация билан Ўзбекистон Бош вазири ўртасида кенг миқёсда икки мамлакат ўртасида тўқимачилик саноати; пахта толасини қайта ишлаш; трикотаж буюмларини тайёрлаш ва тайёр усти-бош тайёрлаш; фармацевтика препаратлари-

ни ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқариш; тери буюмларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва бакалея товарларини ишлаб чиқариш; ахборот-технологияни ривожлантириш; нефть-газ қазиб олиш саноатида илмий-техникавий ҳамкорлик; ер ости фойдали қазилмаларини ундириш; кичик корхона ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; маҳаллий ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликда Ҳиндистонда Ўзбекистоннинг темир йўл идораси ходимларини ўқитиш ва ўргатиш ҳамкорлиги; фуқаролик, механик, йўл ва бошқа соҳаларда Ўзбекистоннинг темир йўл алоқаларини ривожлантиришнинг техникавий ёрдами ҳамда маданият ва туризм соҳаларида ҳамкорлик соҳаларига икки мамлакатнинг инвестицион фаолигини ҳамда савдонинг кенгайтиришни янада ҳамкорликни ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ҳукуматлараро ҳамкорлик йиғилиши доирасида бизнес форум ташкил этилди. Мазкур форум давомида Ҳиндистон ва Ўзбекистон вакиллари томонидан сув ресурслари ва терроризмга қарши ишчи гуруҳларнинг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Сув ресурслари соҳасидаги ишчи гуруҳ раҳбар Бхимиджал Самвардажи Пураскор ва Миллий тағқидирлаш бўйича Ҳиндистон Сув ресурслари вазирлиги томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, сув ресурсларининг ёмғир сувларини тўплаш орқали ер ости сувларини тозалаш ва уни сунъий тозалашда инновацион усуллардан фойдаланганларни рағбатлантириш учун Ҳиндистон ҳукуматининг 10 минг рупийгача мукофотини бериш, унда қишлоқ фуқаролари йиғинлари, нодавлат ташкилотлари (суддан фойдаланувчилар уюшмаси), шаҳар ва туман маҳаллий органларининг ҳар икки йилдаги амалий тажрибаси, ижобий ишлари натижасини рағбатлантириш кўзда тутилади. Бу усулни қўллаганлар ҳам мукофотланиш мумкинлиги қайт этилади. Терроризмга қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳ йиғилишида Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма йиғилиши бўлиб, унда терроризмни таҳдидининг минтақалар ва жаҳонда глобаллашувиغا қарши, уларнинг наркотик савдо билан боғлиқлигини тўхтатиш тўғрисида ахборотларни ва ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги қайд этиб ўтилди. Мазкур ишчи гуруҳларнинг йиғилишлари 1993, 2005 ва 2007 йиллари мунтазам такрорланиб, ахборот алмашиб турилади.

Тошкентда бўлиб ўтадиган жуда кўп халқаро, минтақавий симпозиумларда, семинар ва конференцияларда нафақат фаол иштирокчи, балки ташаббускор-ташкилотчи сифатида Ҳиндистоннинг кўп халқаро ва ички ташкилотлари, фондлари, идоралари, элчихонаси, Ҳиндистоннинг маданий маркази ҳам фаол иштирок этади. Масалан, 1999 – 2008 йилларда бундай конференциялар, семинарлар Тошкент-

да 8 марта ўтказилди. Шулардан бири 2007 йил апрелда бўлиб ўтган Ҳиндистоннинг "Қишлоқ ва саноатни ривожлантириш тадқиқот маркази (CRRiD)" билан Ўзбекистон "Минтақавий сиёсат фонди "ўртасида" Демократик ривожлантириш ва хавфсизликни жаҳонда тинчликни ва ривожлантиришни таъминлаш" бўйича Халқаро конференция бўлди. Унда Марказий Осиё, Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Россия, АҚШ, Франция ва Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, аккредитацияларнинг вакиллари қатнашдилар. Мазкур конференцияда Ҳиндистонлик 5 та олим, жумладан, CRRiDнинг бош директори Рашпол Малхотра, "ASIAN AGK" ва "DECCAN Chronicle" бош редактори, Тошкент жаҳон иқтисодиёти ҳамда Дипломатия ва халқаро муносабатлар университети ҳиндишунослик кафедраси мудири доктор Жётсона Бахши кабилар маъруза билан қатнашдилар. Бунда Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчиси Сканд Р.Тойал иштирок этиб, нутқ сўзлади. Уларнинг нутқларида Ўрта Осиё халқларининг ҳаётий тарзига, маданиятига, сиёсатига, жамиятига четдан келадиган диний фундаментализм ва терроризмнинг ноанъавий кўринишдаги кучлари, хавфи, зарарли таъсирини ва ташқи нотуризм мафқурасини заҳарловчи характерлари маҳаллий фуқаролар онгига таъсиридан, улар ўртасида жамиятни нотинчликка олиб келиш хавф-хатаридан сақлаш, огоҳ бўлиш зарурлиги ва муаммолари қайд қилиб ўтилди. Шунингдек, Тошкент шарқшунослик Институтида (2006 март), Қарши давлат университетида (2006 ноябрь), Фарғона давлат университетида (2007 14 – 15 сентябрь), Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг ривожланиб бораётган муносабатини янада такомиллаштириш, кучайтириш борасида мунтазам илмий-амалий конференция ва семинарлар бўлиб ўтди.

Ҳозирги кунда Тошкент шарқшунослик институтида Жанубий-шарқий мамлакатлар (ҳинд, урду, панжоби каби), тиллари ва адабиётлари кафедраси фаолият юритали. Мазкур институтда ҳинд тиллари билан бирга инглиз тили ҳам ўқитилади. Шунингдек, ушбу институтда Ҳиндистон тарихи, маданияти, банк-молия ва информацион технология фанлари ҳам ўрганилади. Бу ерда шарқшунос, ҳиндишунос, филолог, тарихчи, иқтисодчи профессорлардан О Шоматов, Б. Абидов, Х.Б. Бегинова, Ш. Мусаев, С.М. Мирқосимов, А.М. Қосимов ва бошқалар машғул олиб бориш билан Ҳиндистоннинг маданий, тарихий, иқтисодий ва сиёсий-ижтимоий, мусиқаси каби фанлардан илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Тошкент шарқшунослик институтида М. Ганди ва Ж. Неру номи музей ташкил этилган. Бу олий ўқув юртида ҳар йили мунтазам равишда Лаъл Баҳодир Шастри номи Тошкентдаги Ҳиндис-

тон маданият маркази ва Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчихонаси билан биргаликда илмий-амалий симпозиумлар, конференциялар, семинарлар ўтказиб турилади. Бу илмий анжуманларга Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлири профессор, доцент каби тадқиқотчилари таклиф этилади. Худди шунингдек, Ҳиндистон маданият маркази ва элчихонаси билан бирга Фарғона давлат университети ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатилган. Бундай ҳамкорликларда Фарғона давлат университетининг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва магистрантлари фаол иштирок этадилар. 2000 йилдан Фарғона давлат университети ва Ҳиндистондаги Мавлоно Абул Калом Азод номли Осиёни ўрганиш тадқиқот институти ўртасида илмий ҳамкорлик олиб борилади 2001 йилда Янги Деҳли университетиде ўтказилган "Марказий Осиё мустақиллигининг 10 йиллиги"га бағишланган Халқаро илмий-амалий конференцияда и.ф.д. профессор А.Ғофуров ўз маърузаси билан қатнашди. Шу йили Фарғона давлат университети билан Мавлоно Абул Калом Азод номли Осиёни тадқиқ қилиш институти ўртасида 2002 — 2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик шартномаси тузилди. Шартномага мувофиқ Ҳиндистондан ҳар йили талабалар, магистрантлар ва тадқиқотчилар келиб туради. Ҳиндистонда Фарғона давлат университетининг профессор-ўқитувчиларининг илмий мақолалари инглиз тилида мунтазам нашр этилмоқда. 2002 — 2008 йиллар давомида Янги Деҳлида фарғоналик олимларнинг 19 та илмий мақолалари махсус тўпламларда нашр этилди. Худди шунингдек, фарғоналик олимлар Тошкент шарқшунослик институтида Ҳиндистон маданият маркази ва элчихонаси билан ташкил этилаётган илмий симпозиумларда, конференцияларда ва семинарларда фаол иштирок этиб, 20 дан ортиқ мақола ва маъруза тезислари чоп этилди.

2007 йил 13 — 15 сентябрь кунларида Фарғона шаҳрида Ҳиндистон маданият маркази қошидаги ҳаваскорлик гуруҳининг концерти бўлиб, унда 3500 киши қатнашди. 13 — 14 сентябрь кунлари Ҳиндистон элчиси Сканд Р. Тойал ва Тошкент шарқшунослик институти, Миллий университет ва Беруний шарқшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Фарғона давлат университети олимлари, магистрантлари, талабалари иштирокида ва Ўзбекистон Дипломатия ва халқаро муносабатлар университети ҳиндшунослик кафедраси мудири доктор Жётсона Бакши ва бошқалар иштирокида Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасида ривожланаётган ҳамкорлик муносабатлари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда 50 та маъруза тингланди.

Бўлиб ўтган конференцияда Ҳиндистон элчиси Сканд Р.Тойал, проф. А. Ғофуров, доктор Ж. Бакши, профессорлардан А. Шоматов., А.Абидов ва бошқалар Ҳиндистон мустақиллигининг 60 йиллигида

ва Ўзбекистоннинг 16 йиллигида эришилган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланиш ва мустақил Ўзбекистон билан олиб борилаётган ҳамкорликнинг ривожланаётгани каби масалалар ва муаммолар тўғрисида батафсил маърузалар эшитилди. Конференция материаллари тўплами 131 бет ҳажмда нашр этилди. 2008 йил 14 — 15 мартда Тошкент шарқшунослик институти, Ҳиндистоннинг Лаъл Баҳодир Шастри номли маданият маркази, М.Ганди номли Ҳиндистон Маркази билан биргаликда "Бой маданият ва тарихий мерослар асосида ҳамкорликни тузиш" мавзусида халқаро семинар ташкил этилди. Унда 49 та илмий маърузалар эшитилиб тўплам шаклида нашр этилди. Унда фарғоналик проф. А.Ғофуров, доцент Г. Холматжонова, проф. М. Адхамов ва бошқалар маъруза қилдилар. Проф. А.Ғофуровнинг маърузаларидан Ҳиндистон ва Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги, ўзаро инвестициялар киритиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш борасида муаммоларни ҳал этиш йўллари ва шакллари тавсия этилди. Бундан хулоса чиқарган Ҳиндистон элчиси Сканд Р. Тойал ташаббуси билан Марғилонда "SPENDEX ТЕКСТИЛЬ" қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу корхонанинг 2009 йил 3 майда очилиш тақдиротида Ҳиндистоннинг янги элчиси доктор Саид Моал Хон Алкадри қатнашди.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бундай кенг кўламли муносабатлар икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий муносабатларида, экспорт ва импорт алоқаларининг миқдори ошиб боришида кўзга ташланади. Ҳиндистон Ўзбекистонга қоғоз ва картон, дори-дармон, ускуналар, органик ва кимёвий бирикмалар, техника, олмос, электр ускуналар, қора металл, машинасозлик товарлари, ҳунармандчилик, тери ва заргарлик буюмлари, чой, ёрэнгоқ, гуруч, цитрус маҳсулотлари, тўқимачилик ва трикотаж буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қайта ишлов бериш ускуналарини етказиб беради. Ўзбекистон Ҳиндистонга пахта толаси, машинасозлик, кимёвий маҳсулотлар, рангли металл, улардан тайёрланган буюмлар, айрим хизмат турлари, полиз маҳсулотлари, ипак ва кимёвий тола кабиларни экспорт қилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тамойиллари кенг жорий этилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ва уни бартараф этилганидан сўнг ишлаб чиқаришнинг янги тараққиётини ўзлаштириш, экспортда қўшимча қийматли маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ошириш борасида улкан натижаларни қўлга киритиш вазифаси белгиланган. 2006 йилдан республика ташқи савдосида ижобий сальдо тобора ўсиб бормоқда. Айниқса, ав-

томабилсозлик, микробиология, фармацевтика, енгил саноат, озиқ-овқат ва рангли материаллардан маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноатлари сингари соҳаларда импортдан экспортга айланиш жараёни шаклланиб бормоқда. Бу йўналишларда Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик мавжуд, аммо имкониятлар даражасида эмаслиги ҳукуматлараро муҳокамада қайд қилиб ўтилган. Ўзбекистон Ҳиндистонга олтин, мис, молибден кабеллар етказиб беришни кўпайтириши икки томонлама фойдали. Ўзбекистондан йилига 7,0 — 8,0 тонна олтин харид қиладиган Ҳиндистон тилла буюмлар савдоси борасида дунёда етакчи ўринда туришини ҳисобга олиб, олтин захирасига бой Ўзбекистон бу соҳада кенг ҳамкорлик ўрнатиши ҳисобга олинган. Ўзбекистон Ҳиндистон билан нефть-газ соҳасида ҳамкорлик қилиш учун "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Ҳиндистон нефть ва газ вазирлиги ўртасида англашув меморандумини; Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмитаси билан Ҳиндистон тоғ қазиб олиш саноати вазирлиги ўртасида англашув меллиорандуми; "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан Ҳиндистоннинг "Cail Limited" компанияси ўртасида англашув меморандуми; 2007 йилда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида иш режаси; "Ўзбек енгил саноат" давлат акциадорлик компанияси ва Ҳиндистон савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми кабилар имзоланди. Ҳиндистоннинг техник ва иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида Ўзбекистон билан ўзаро ҳаракатланиш бўйича навбат (2007 йил)даги ўқув курслари учун Ҳиндистон 120 та ўрин ажратди ва уни давом эттиришга келишилди. 2004 йилда Ўзбекистон Ҳиндистоннинг информация технологиялари бўйича Тошкент ахборот технология университетида ахборот технология маркази очилди. 2006 йилда Ҳиндистон Бош вазири Манмохон Сингх бу марказга ташриф буюриб, мазкур марказга Ҳиндистоннинг сиёсий ва давлат арбоби Ж.Неру номи берилди. Ҳиндистон Бош вазири марказнинг очилишида сўзлаб, "Ўзбекистон — Ҳиндистон бошқа соҳаларда ҳам салоҳиятларини янада кўпроқ кенгайтиришлари учун ахборот технологияси соҳаси кенг имконият яратади" деб таъкидлади. Ҳиндистон Бош вазири "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида ҳиндистоншунослик билан шуғулланаётган ҳинд-ўзбек олимлари билан учрашди. Бу ерда фан, маданият, санъат вакиллари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш лозимлиги қайд этилди. Ҳиндистон ҳукумати томонидан 2005 йил 30 мартда ҳинд илғор ҳисоблаш технологияларини ривожлантириш маркази орқали 30 млн. рупий (1

— рупий-0, 0228 доллар) ҳажмда грант ажратилди. Бу грант Тошкентда ўзбек-ҳинд ахборот технологияси бўйича марказни ташкил этишдаги чора-тадбирларни молиялаштиришга техника воситалари асбобларини сотиб олишга, маъруза ўқиш учун ҳиндистонлик маслаҳатчиларни таклиф қилишга, Ҳиндистоннинг таълим муассасаларида ўзбекистонлик мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларга сарфланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон турли чора-тадбирларни амалга ошириш марказга тегишли бино ажратиб, энг зарур ахборот технологиялари жиҳозлари билан таъминлайди. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари ахборот-технологияси бўйича мутахассисларни ажойиб Ҳиндистон тажрибалари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашга қаратилади. Шунингдек, ўзбек мутахассисларини Ҳиндистоннинг Пуна шаҳридаги С-ДАС илғор ҳисоблаш технология мактабига ташрифини таъминлаш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари бозори ҳажми бир меъёردа тараққий этиб бормоқда. Бу жараёнда дастурий маҳсулотлар соҳасининг жадал ривожланиб бораётганлиги муҳим ўрин тутди. Дастурлаш саноати ҳажмининг ўсиши билан бир қаторда, унинг маҳсулотлари иқтисодийнинг барча соҳалари кўрсаткичлари ва сифати янада юқори даражага кўтарилишига ёрдам бермоқда. Бугунги кунда дастурий таъминотни давомий ишлаб чиқаришда кенг равишда қўллаш жараёни ривожланмоқда. Тошкентда бўлиб ўтган ахборот технологияси бўйича кўргазмада жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган ахборот технологиялари орасида намоийш этилиб, ўзининг замонавийлигини кўрсатди. Ўзбекистонда сўнгги йилларда, айниқса, 2005 — 2009 йилларда дастурий маҳсулотлар бозори 40 — 50 фоизга ўсди. Дастур томонидан ахборот технологиялар дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ихтисослашган компанияларга солиқ тўлашда катта имтиёзлар берилган. Ташкил этилганига узоқ муддат ўтмасдан компания ўз мижозларини топди. Айниқса, ёшлар мазкур марказда ўқиб-ўрганиб, улар томонидан сўнгги йилларда 30 тага яқин дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Марказ битирувчилари турли дастурлаш ташкилотларида самарали меҳнат қилиб, республика иқтисодий-ижтимоий тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқдалар. Масалан, 1993 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган " FIDO-BIZNES" компанияси бозорнинг йирик компанияларидан бирига айланди. Улар Ўзбекистон почтаси ОАК бўлимларида йўлга қўйилган пулни тез жўнатиш дастуридан биридир. Компания томонидан ҳукумат, банк, саноат ва бошқа соҳалар тизимлари учун дастурлар яратиб берилмоқда.

Ўзбек-ҳинд санъатининг, айниқса, қўшиқчилик ва рақс бора-сидаги яқинлик асрлар ичра давомийлиги, 1997 йилда ташкил этилган Самарқанддаги "Шарқ тароналари" фестивалида ҳиндистонлик санъат усталарининг фаол иштироки ва юқори даражада ўринларни эгаллаганлиги билан ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Айниқса, 2007 ва 2009 йиллардаги "Шарқ тароналари" фестивалида ҳинд санъаткорларининг чиқишлари жуда жозибали бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон – Ҳиндистон халқларининг муносабатлари тарихий тараққиёт жараёнида табиий ҳолда вужудга келган экан, замонлар, ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг ларзалари ва мураккаблигига қарамасдан объектив жараён сифатида янги-янги босқичларни босиб ўтиб, тобора ривожланиб бормоқда. Мустақилликка эришган Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг иқтисодиёт, маданият, гуманитар, санъат соҳаларидаги тадбиркор, ишбилармон ва ташаббускор доираларининг алоқалари тобора кенгайиб бораверади. Айниқса, Ҳиндистон ва Ўзбекистон мамлакатларининг дахлсизлигини, сиёсий мустақиллигини, ўзаро ички ишларга аралашмаслик ташқи сиёсатини, суверенитетлигини ва халқаро тенг ҳуқуқли давлат эканлигини тан олган ҳолда адолатли сиёсат ўрнатилган. Биргаликда терроризмга, диний фундаментализмга ва ақидапарастларга қарши кураш олиб боришдаги бирлиги энг муҳим омил бўлмоқда. Ҳиндистон ва Ўзбекистон мамлакатларида яшовчи кўп миллатли, кўплигини диний эътиқодларнинг ҳамкорлиги ва муносабатлари бошқа давлатларга намуна сўлмоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг телевиденияси деярли ҳар куни битта ёки иккита ҳинд фильмлари намойиш этилмоқда. Бу эса ҳақиқий дўстлик рамзидир.

ҲИНДИСТОН ТУРИЗМ ВАТАНИ

Халқаро туризм жаҳон мамлакатларида шундай ривожланганки, у мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотлари ўсишининг манбасига айланиб бормоқда. Бутун дунё туристик ташкилотларининг маълумотларига кўра, ҳар йили 10 млн. киши туризмда қатнашади. Туристик салоҳият – тарихий, маданий, архитектуравий ва миллий қадрият ҳисобланади. Шу ҳисобдан мамлакатлар ўзаро ҳисоб-китоб қилишиб, хорижий меҳмонларни жалб қилиш учун қулай шароит яратмоқдалар. Бу борада Ҳиндистоннинг туристик салоҳияти янада юқори ҳисобланади. Чунки Ҳиндистонда 5000 дан ортиқ туристик объектлар мавжуд бўлиб, у ерларга ҳар йили миллионлаб туристлар боради. Ҳиндистон ялпи ички маҳсулотига катта даромад келтиради.

Ҳиндистондаги туризмни ривожлантиришда нафақат антиқа қурилган архитектура ва ҳиндча миллий ёдгорликлар, бинолар, қалъалар, шу билан бирга, дид ва эстетик даражада режалаштирилган ҳинд дарёлари ва кенгликларида қад кўтарган чиройли ва гўзал шаҳарлар ҳамда кўхна ва доимо янгиланиб бораётган замонавий уйғунлашган масканлар ва марказлар ҳамдир. Туристларни ўзига маҳлиё қиладиган шундай шаҳарлардан бири – қадимий ва навқирон мамлакат пойтахти Дехлидир.

Ривоятларга кўра, Дехлининг қадимги номи "Индрапрастха" деб аталган бўлиб, эраиздан аввалги 1200 йил муқаддам илк бор буюк қаҳрамон бўлган Махабхората даврида вужудга келган. Дехлининг гўзаллиги бир вақтнинг ўзида императорларни ҳам, босқинчиларини ҳам ўзига мафтун этган. Дарҳақиқат, адолатли тарзда Дехлини "DILWALAS" ёки жасур юракли инсонлар ери – деб юритилмаган. Ҳозирги Дехли қадимги вайроналарга айланган етти антик шаҳарлар ҳудудида қурилган. Бу муқаддас шаҳарни бобурийлар босиб олгандан кейин, Ҳиндистоннинг пойтахти ривожига озгина бўлса-да, ўз ҳиссаларини қўшганлар. Лютенцем комплекси Британия учун империянинг марказий пойтахти қилиб белгиланган "Янги Дехли" ("Нью Дехли") инглиз мустамлакаси даврида бунёд этилган ва ўзининг боғлари, кўкаламзор йўлаклари ва истироҳат боғлари ободонлашганлиги билан ажралиб туради. Дехли кўплаб подшоҳларнинг пойтахти бўлиб, бундаги кўп сонли монументлар унинг ўтмиш даври ҳақида маълумотлар беради. Бу ёдгорликлар буюк ўтмишдан гувоҳ бўлиб туристлар учун жозибали маскан бўлиб, келмоқда. Ҳиндистонда Дехли ўз салоҳияти бўйича учинчи йирик шаҳардир – бу ўтмиш ва ҳозирги даврнинг уйғунлашганлигини билдиради. Ганга дарёси текислигининг ғарбий томонида жойлашган Дехли ўзининг бой маданияти, архитектураси, ижтимоий инфратузилмасининг ҳар хиллиги, ёдгорликлари, музейлари, галереялари ва экзотик кўринишлари билан инсоният цивилизациясини ўзида мужассам этади.

Туристлар учун энг жозибали, кўркем, ўзининг ички ва ташқи архитектура безаклари билан лол қолдирадиган масканлар ва жойлар: Раштрапати Бхаван – Ҳиндистон Президентининг расмий резиденцияси, Нью-Дехли (Янги Дехли)нинг бош хусусияти "лютен" ҳисобланади. Бу резиденция 1929 йили 1253 минг фунт стерлинг сарфланиб қурилиш тугатилган, унда 340 та хона бўлиб, 130 гектар ҳудудда жойлашган.

Раҷтхат – Ямун дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган, 1948 йил январда Маҳатма Гандининг хокм-қули, кўмилган жой.

Кутуб минар – сифинувчилар ва мушоҳада қилувчиларучун парда билан ўралган маскан. Дехлида энг яши монументлардан биригина эмас, балки бутун жаҳонда ягона ҳисобланади.

Ред Форт — ўз номи билан қизил тошдан қурилган. Бу қалъа дунёда энг улуғланганлиги билан ажралиб туради. Бу қалъа Бобурнинг чевараси Шоҳ Жаҳон томонидан қурилган. Ушбу қалъа балкони-дан Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж.Неру ҳинд халқининг мустамлакадан озод бўлганлигини биринчи бўлиб эълон қилган.

Пуррана Кила — Бобурнинг ўғли Ҳумоюн ва Шер Шоҳлар томонидан энг қадимги жой — Индрапрастха (эрамиздан олдинги 900 йилдаги Деҳлининг номидаги жой)да қурилган. Қалъанинг девори салкам бир минг (бир километр 609 метрга)км узунликда бўлиб, ўнта дарвозаси бор. Атрофи хандақ билан ўралган бўлиб, уни Ямуна дарёси суви билан тўлдириб турилади.

Жантар Мантар-бир карашда у ҳозирги замон санъати галерияси-ни эслатади. Аслида Жайпурдан чиққан Совайн Джайсм Синх II (1699 — 1793 йиллар) (Бобурийлар хонодонидан чиққан асязода ва астроном) томонидан қурилган расадхона. Бу расадхона Самарқандаги Мирзо Улуғбекнинг расадхонасига жуда яқин ва ўхшашлиги бор.

Лакшми Нароян Мандир — бу 1938 йилда ҳиндларнинг барча худолари билан таништирадиган ўта мафтункор ибодатхона бўлиб, диндорларнинг урф-одатларини бажарадиган, кўпсонли сунъий тилларни ифодаловчи жой.

Ҳумоюн мавзолейи — Заҳириддин Муҳаммад Фарғона водийдан борган Бобурнинг ўғли Ҳумоюннинг боғларга, фаввораларга ва сувга муҳаббатини иродаловчи суюқли мавзолей. У Ҳиндистондаги биринчи ўзбек архитектураси намунаси бўлиб 1565 йилда Ҳумоюннинг бевхоним хотини Хажа Бегим томонидан қурилган.

Жума Масжид — 1650 йилда Бобурий император Шоҳ Жаҳон томонидан қурилиши бошланиб, ўзининг Редфортдаги саройига ўхшашлиги билан тамомлаш мақсадида қурилиши тугалланади. Бу қурилишга бутун умри давомида тунгги таҳажжуд намозини тарк этмаган одам биринчи ғиштни кўйиши таклиф этилганда, бундай мусулмон киши йўқлиги учун Шоҳ Жаҳоннинг ўзи кўяди. Масжид қурилишида 5000 киши олти йил давомида тинмай ишлайди. Бу масжид Ҳиндистондаги энг катта масжид ҳисобланади. Бу ерга ҳар жума куни Деҳлининг 5000 аҳолиси намоз ўқигани келади. Масжидда ўттиз бешта зинапоя бор. Гумбазининг баландлиги олтимиш бир метрдан ошади. Ички хонақо саҳни тўрт юз квадрат метрдан ортиқ.

Бу жоме масжидга Аллоҳнинг назари тушганлиги сабабли табиий офатлар натижасида ҳам бирорта ғишт қуламаган. Аммо йиллар ўтиши, ҳукмдорларнинг алмашуви оқибатида босқинчилар масжид деворларидан қимматбаҳо тошларни кўчириб олишган, ҳатто унинг бир хонақосининг олтин гумбазини ҳам ўғирлаб кетишган.

Ҳиндистон ҳукуматининг саъй-ҳаракати ва гамхўрлиги натижасида жоме масжиди қайтадан таъмирланган, давлат ва ЮНЕСКО рўйхатига олинган.

Тож Маҳал — XVII аср бошларида Шимолий Ҳиндистонда бобурийлар авлодидан бўлган Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида, унинг сеvimли рафиқаси Аржуманд бону (Мумтоз Маҳал, 38 ёшида)нинг вафоти муносабати билан Агра шаҳрининг Жамна дарёси бўйига катта бир боғ ичига қурилган. Унинг уч томони баланд қизил девор билан ўралган. Тож Маҳалнинг тўрт томонида аёллар ва эркаклар масжиди ва кириш ҳудудида махсус ишлайдиганларга ва яшовчиларга мажмуавий кўринишда бинолар қурилган. Мақбара билан бинолар орасида хиёбонлар барпо этилган. Хиёбонларда хилма-хил манзарали дарахтлар, гуллар экилган, сув отилиб турган жозибали фавворалар ва олтин рангли баликлар юрган ҳовуз бўйлаб мрамар ётқизилган майдон қурилган. Мақбара ердан 10 метр баландликка қурилган бўлиб, устида битта катта ва тўртта томонида тўрт кичик гумбаз қурилган. Бу бетакрор мақбарани бунёд этиш жараёнида 20 мингта яқин қурувчиар ишлаган. Мақбара 1632 — 1650 йиллар давомида турк меъмори устоз Муҳаммад Исохон лойиҳаси ва унинг бошчилигида қурилган. Мақбара қурилишига оқиш оқ мрамарлар ишлатилган ва у товланиб туриш хусусиятига эга. Мақбара қурилиши беағи учун дунёнинг турли мамлакатларидан — Бағдоддан хақик, Бадахшондан ёкут, Нилдан гранит, Россиядан зумрад, Ҳинд океанидан марварид, Тибетдан феруза, Цейлондан садаф келтирилган. Ушбу қимматбаҳо тошлар қабртош ва мақбара деворларининг беағига ишлатилган. Жимжимадор нақшлар ўйиб ишланган мрамар эшигидан мақбара ичкарисига кирилади. Саккиз бурчакли катта зал, унинг ўртасида Мумтоз Маҳалнинг, чап томонида Шоҳ Жаҳоннинг сағанаси жойлашган. Тарихчилар, сўёҳлар, меъморлар ва санъаткорлар Тож Маҳал мақбарасини бобурийлар авлоди яратган барча обидаларнинг чинакам гултожи ва етти мўъжизанинг бири деб атайдилар.

Акбар шоҳ мақбараси — Аграда қурилган император Акбар шоҳ дафн этилган жозибали нақшлар билан безатилган ансамблнинг умумий майдони 400 гектар бўлиб, унинг тўрт томонида кириш учун ҳашаматли дарвозалар бор. Унинг ичидаги майдонда ҳар турли паррандалар, товуслар, кўтос ва бошқа ҳайвонлар, жуда кўп маймунлар сақланади.

Ҳиндистоннинг шимолий, шарқий, ғарбий ва жанубий ҳудудларида ҳамда кўплаб шаҳарларида сайёҳлар учун яна ўта антиқа ёдгорликлар, масжидлар, бутхоналар, ҳайкаллар, кўплаб музейлар мавжуд. Масалан, Агра, Ажмер, Оллоҳободдаги қалъалар, Фатехпур-Секри шаҳар қалъалари. Инглиз мустамлакачиларининг ҳукмронли-

ги даврида Европа маданияти кириб келиши билан Янги Деҳли шаҳрида қурилган бинолар, Порт шаҳарлар: Калькутта, Мумбай, Мадрас кабилар барпо этилади. Деҳлидаги эски шаҳарда ҳиндлар учун мўлжалланган бетартиб бинолари билан бирга, европаликлар учун қурилган обод қисмида турли хил маъмурий бинолар, данғиллама уй-жойлар ва парклар ўрин олган. Ҳиндистон мустақиллиги даврида мамлакатнинг барча шаҳарларида минглаб замонавий янги кўп қаватли бинолар, ресторанлар, савдо марказлари, хорижий давлатлар элчихоналари, ҳинд ва чет эл компанияларининг маъмурий бинолари, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлари учун бинолар, соғлиқни сақлаш муассасаларининг комплекс бинолари, қатор илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар бунёд этилди.

Ҳиндистонда янгидан барпо этилаётган объектлар — бинолар маъмурий ва халқаро анжуманлар ўтказиладиган саройлар, янги қуриладиган илмий-тадқиқот марказларида, Олий ўқув юртлари биноларида энг сўнгги қурилиш материаллари ишлатилмоқда. Жумладан, АҚШ Геология хизмати маълумотларига кўра, бутун дунёда аниқланган вермикулит (энг сўнгги қурилиш материаллари) конларининг Ҳиндистондаги захираси кўп. Мермикулит ҳосилалари ўтга юқори чидамлилиги, товушни ютиши, иссиқлик ўтказувчанлигининг паслиги, кимёвий-биологик инертлилиги, юқори говаклилиги ва филтрловчи хусусиятлари билан ажралиб туриши билан, саноатнинг қўлаб тармоқларида, қурилишда ва транспортда кенг қўлланилади. Бу янги қурилиш материалларидан Ҳиндистонда сўнгги йилларда кенг фойдаланилмоқда.

"ТОЖ МАҲАЛ", УНИНГ ҚУРИЛИШИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳиндистон — бу чинакамига кўз кўриб қулоқ эшитмаган мўъжизалар мамлакати. Ҳар бир даврнинг ва замоннинг ўзига хос тарихи, унитилмас воқеалари бўлгани каби бу воқеаларни амалга оширган шахслари ҳам бўлади. Халқимиз ўзининг алломалари, адиблари, саркардалари ва йўлбошчилари билан бутун жаҳонга машҳур. Тўрт аср давомида "Тож Маҳал" жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин тугиб келмоқда. Шу сабабли "Тож Маҳал" ҳайрат ва баҳслар-мунозаралар учун мавзу бўлиб қолаётир, бошқа бир мўъжизот бунёд қилиш ниятида юрганлар учун ибрат бўлиб қолмоқда. Чунки у ўрта аср ҳинд меъморчилигининг энг машҳур ижодиётларидан ҳисобланади. "Тож Маҳал" буюк бобурийлар сулоласи давридаги Агра шаҳрининг тари-

хий ёдгорлигидир. Етти мўъжизанинг бири ҳисобланган Ҳиндистон миллий қадимжоларидан бири Тож Маҳалнинг яратилиши тарихи билан олим Х. Кунвер шуғулланган.

...Ганга дарёсининг ирмоғи бўлмиш Жамнанинг икки тарафида ясанган Агра шаҳрида май ойини тарвуз ва қовунлар ойи деб аташар экан. Бу ерда Агра шаҳридан ўн километрча нарида жойлашган Мау қишлоғидан келтирилган тарвуз ва қовунлар энг сифатли бўлган. Тарихда буюк Бобурийлар деб ном олган ва пойтахтни Агра шаҳрида барқарор этган сулола асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу тарвуз-қовунларнинг уруғларини ўзининг она юрти Андижондан келтирган экан.

Ҳиндистонда беш минг йиллар давомида бунёд этилган бинолардан бири улкан меъморчилик хазинаси — Агра шаҳрида қад кўтарган Тож Маҳал ёдгорлигидир.

1526 йилда Лўдийлар сулоласидан бўлган султонни тахтдан йиқитган Бобур Аграда салкам тўрт йил ҳукмронлик қилди. 1530 йилда вафот этгач, унинг ўғли Ҳумоюн (1530 — 1556) шохлик қилади, лекин у бир текис умр кечири олмайди, ҳаётининг кўп қисми қувғинликда ўтади. Шу сабабли у қурилиш ишлари билан шуғулланишга имконият топа олмаган. Ҳумоюннинг ўғли Акбар эса (1556 — 1605) меъморчилик бобида шон-шухрат қозонган. Аграни гуллаб-яшнаган шаҳарга айлантирган. Акбарнинг вориси Жаҳонгир (1605 — 1626) ўзининг санъат ва фанга бўлган қизиқиши билан ажралиб турган. Уни "Илм-фан ҳомийси" деб аташган, шоирлар, мусаввирлар, шарият уламулари, хаттотлар, санскрит билимдонлари унинг саройида тўпланганлар. Жаҳонгирнинг ўзи ҳам нозик таъб бўлиб, бинойидек шоирлик қилган. У форс шеъриятини, ислом таълимотини, ҳинд фалсафасини, христиан диний рисолаларини ўрганган. Шоҳ Жаҳонгир саройида 50 нафар ҳинд санскритшуноси илмий ишлар билан банд бўлиб, шулардан икки нафари Валмикиннинг "Рамаяна" достонини форс тилига таржима қилган.

Шоҳ Жаҳонгир даврида бунёд этилган энг гўзал иншоотлардан — "Итмодуддавла" мақбараси эътиборга сазовор. Оқ мрамрдан қурилган мақбара деворлари ислимий нақшлар билан безатилган бўлиб, ложувард, ёқут, яшма, зумрад ва биллур каби қимматбохо тошлардан фойдаланилган. Мақбара "Итмодуддавла", яъни "Бош хазинабон" унвони билан машҳур бўлган Ақобир Мирзо Фиёсбек шарафига барпо этилган. У Жаҳонгирнинг қайнотаси бўлган. Мирзонинг ҳуснд тенгсиз қизи Нуржаҳон Жаҳонгирнинг суюкли хотини бўлиб, "Итмодуддавла" мақбараси унинг лойиҳаси асосида вужудга келган.

Сайёҳлар бугун дунёда Тож Маҳал деб ном қозонган мақбара Жамна дарёси лабида қад кўтарган оқ мрамор бинони томоша қилиб, одамзод қўли яратган муъжизадан завқланиш учун Агра сари талпинадилар.

Агра шаҳри аҳолиси эса бу гўзаллик мужмуаси бўлган Тож Маҳални "Тошдаги Гавҳар" деб ардоқлаб улуғлайди.

Мақбара чиндан ҳам гўзал. Эрталабки қуёш нурларида оч пушти рангта чўмилган оқ мрамарнинг чярақлашидан кўзлар қамашиб, ёшга тўлса-да, киши ундан нигоҳини узгиси келмайди. Нафосатининг мусаххар тилсим кучи-ю, мутаносибликнинг ақл бовар этмас муъжизавий уйғунлиғни киши ақлу шуурини батамом ўзига ром эта олади.

Шоҳжаҳон ҳукмронлиғи даврида (1627 — 1666) салтанат меъморчилик ва шаҳарсозлик бобида ўзининг энг юксак даражадаги ижодиий ютуқларини қўлга киритган. Акбаршоҳ асосан қизил тошдан иншоотлар тиклаган бўлса, Шоҳжаҳон оқ мрамардан кенг фойдаланган. Унинг амрига мувофиқ мрамарни Жайпур атрофидаги рожастхон конларидан қазиб келтиришар, қимматбаҳо тошлар эса турли ўлкаларда олиб келинган.

Тож Маҳал қурилиши борасида олимларга нималар маълум? Бу иншоот ҳақидаги билимларимиз маълум ривоятларга асосланади, ҳақиқий ҳужжатлар ва Шоҳжаҳонга замондош гувоҳлардан қарийб ҳеч бир маълумот сақланиб қолмаган.

Барчага маълумки, Тож Маҳал мақбарасини севикли рафиқаси, кўпроқ Мумтоз Маҳал номи билан машҳур Аржуманд Бонубегим хотирасини абадийлаштириш мақсадида Шоҳжаҳон қурдирган. Султон Деканга юриш қилган пайтда Мумтоз Маҳал кўзи ёриши чоғида вафот этган. Бу воқеа Бурҳоннур шаҳрида содир бўлади. Подшоҳнинг хотини вақтинча шу ерга дафн қилинади. Олти ойдан сўнг жасад солинган тобутни Аграга кўчириб олиб келадилар. Жамна соҳилидаги боғлардан бирига кўядилар. Бу орада мақбара қурилиши ҳам бошлаб юборилади. Қурилиш ишлари ҳаммаси бўлиб 22 йил давом этади.

Мақбара лойиҳасини ким ишлаб чиққани, қурилишга ким раҳбарлик қилгани тўғрисида олимлар томонидан кўплаб баҳслар кетмоқда ва улар ҳамон аниқ бир тўхтамага келмаганлар. Бир-биридан қизиқ жуда кўп ривоят ва ақидалар мавжудки, бироқ улардан бирортаси ҳам Тож Маҳал яратилиш билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни аниқлашга ёрдам беролмайди. Тож Маҳал қурилиши кўламани тасаввур қилиш учун қўлдаги маълумотларни бир назардан ўтказиш кифоя: узоқ йиллар мобайнида ер ишлови билан 20 мингдан зиёд одам банд бўлган, 2000 туя ва ҳўкиз қўшилган мингта арава тош ва бошқа ашёларни ташишда фойдаланилган, қарийб мингта ҳўкизга ишловдан чиққан харсанг ва гишталарни ортиб, махсус йўлақлардан қурилиш майдонига қатнаб турилган.

Ишлар Жамнадан ярим милча нарида олиб борилган, мақбара қурилиши биттандан кейин яна ҳам улуғроқ ва гўзалроқ қиёфа касб этиши учун дарё ўзанини Тож Маҳалга сунъий равишда яқинроқ қилиш учун жуда катта ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилган. Баъзи маълумотларга қараганда, 540 бўлак ақиқ Бағдоддан, 670 бўлак феруза юқори Тибетдан, 614 бўлак дахана (малахит) Русиядан, 559 бўлак сулаймоний (оникс) Декандан, 625 бўлак олмос Марказий Ҳиндистондан келтирилган. Саҳнининг ўзига 10 минг дона марварид ишлатилган.

Мақбаранинг умумий қиймаги ўша давр ҳисоби билан ақл бовар қилмас даражада юқори бўлган. Тож Маҳалнинг қора мрамардан тикламоқчи бўлган иккинчи нусхасининг қанчага тушишни тасаввур этиш қийин эди, албатта. Чунки Кавсар қора мрамар оқ мрамардан 5 ҳисса қиммат турган, бу эса қора Тож Маҳал қурилиши оқ Тож Маҳалга нисбатан беш баробар қимматга тушади деган гап эди.

Хулоса қилиб айтганда, мақбара қурилишининг ҳаммаси бўлиб қанчага тушгани хусусида дунё олимлари ҳам бугунги кунгача ҳам бир тўхтама келишмаган. Жуда кўп тадқиқотчилар ва замондошларнинг ҳисоботларида ҳисоб-китоблар турлича намоён бўлган, ҳеч бўлмаганда тахминий хулоса чиқариш ниятида Х. Кунвар ўзининг "Тож Маҳалнинг баҳоси" деган махсус илмий ишида шунга тўхталиб ўтади. Фарб тадқиқотчиси Ҳ.Г. Киннинг фикрича, "Тож Маҳал"нинг қурилишига сарф бўлган харажатларнинг аниқ миқдори ҳеч-аерда қайд этилмаган, тахминий ҳисоб-китоб қилишга имкон берувчи маълумотлар шу қадар гаройиб ва чалкашки улардан фойдаланишнинг ҳожати йўқ ..."

Шундай бўлса-да, баъзи тадқиқотларда, жумладан, Муиниддин Аҳмаднинг "Тож Маҳал ва унинг тевараги" деган асариде Тож Маҳал бугун меъморий иншоотга сарф-харажатлар ҳақида муфассал маълумотлар беришга ҳаракат қилган. Бу миқдор Шоҳжаҳон давридаги ҳисоб билан 30 млн. 107 минг рупий 12 аннаъни ташкил этган. Кунвар шаҳоншоҳ хизматида бўлган Хазинбой Мунший Рудро Доснинг ҳужжатларидан олган.

Шоҳжаҳоннинг "Қара Тож Маҳал" қуриш режаси амалга ошмай қолди, уни ўз ўғли тахтдан ағдарди. Умрининг охиригача бир маҳаллар Мумтоз Маҳал учун деб ўзи барпо этган Агро Қизил фортидаги мрамар саройида уй маҳбуси сифатида сақланди.

Бизнинг фикримизча "Тож маҳал" мақбарасига қилинган сарф-харажатларни аниқлашнинг мушкуллиғи шундаки:

Биринчидан, қилинган сарф-харажатлар олтиннинг оғирлик миқдори билан асосланмаган.

Иккинчидан, қурилишга олиб келинган қимматбаҳо ақиқ, фе-
руза, малахит, олмос ва марваридлар қанча нархга олингани ва йўл
харажатига қанча сарфланганлиги аниқ эмас.

Учинчидан, Тож Маҳал мақбарасида ишлаган ҳинд ишчилари ва
усталари, хунармандлар, курувчилар, безакчилар, Ўрта Осиё, Фар-
бий Осиёдан келган хунарманд усталар, шаҳарсозлик ва безак санъ-
атининг турли соҳаларга мансуб машҳур мутахассисларга, гумбаз тик-
ловчиларга берилган иш ҳақи тўғрисида маълумотлар йўқ.

Тўртинчидан, қайси қурилиш ишлари ҳашар йўли билан бажа-
рилган ва уни ташкиллашга сарфланган маблағ харажатлари ҳисобга
олинмаган. Бу миқдорни ҳозирги пайтда бирликка сиғдиришнинг
иложи йўқ.

Х. Кунвар айтганидек, уни 10 – 12 марта кўпайтириш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

Қадимги даврлардан Ўрта Осиё давлатлари Ҳиндистон билан
иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини амалга оширган. Ўрта Осиё,
жумладан, Ўзбекистон бозорларида Ҳиндистоннинг турли маҳсулот-
ларига талаб юқори бўлган ва Ҳиндистонда Ўрта Осиё хунармандла-
ри тайёрлаган молларнинг бозори чаққон бўлган.

Ўрта Осиё хонликларида, Қўқон хонлиги (1710 – 1715 йиллар)
ташқил топган даврдан бошлаб, Шарқнинг энг бой мамлакатларидан
бири Ҳиндистон билан савдо, хунармандлик маҳсулотларини айир-
бошлаш алоқалари йўлга қўйилган. Ҳиндистон билан савдо алоқалари,
асосан, Бухоро амирлиги бозорлари ва ҳудуди орқали ҳамда жанубий
шарқий Қирғизистон, Қашқар вилоятлари орқали тоғли йўллар билан
ўрнатилган эди. Чунки Қўқондан Ҳиндистонга борадиган қарвон йўли
Бухоро амирлиги ҳудудидан ўтар эди. Ҳиндистондан Ўрта Осиёга жўнаган
қарвон Пешавордан Жалолободгача 3 кунлик йўл босганидан сўнг
Қобулга келган. Қобулга бож тўлаганидан кейин, 16 кунлик тоғ йўли-
га жойлашган Сарчашма, Хулм, ва Бомиён шаҳарларида ҳам бож тўлаб
ўтган. Бомиёндан чиққан йўл қарвон Балх шаҳригача 2 кун, ундан
кейин Каркигача 7 – 8 кун йўл босиб, бу шаҳарда ҳам бож тўлагандан
сўнг Қарши шаҳрига келган. Бу ерда ҳам бож тўлагач, айрим савдогар-
лар қарвон йўлининг Самарқанд йўналиши орқали Қўқон, Тошкент,
Марғилон шаҳарларига, бошқа савдогарлар эса Бухоро йўналишига йўл
олганлар. Ўрта Осиё хонликларининг Ҳиндистон билан савдо алоқала-
рида Қобул шаҳри муҳим роль ўйнаган. Йирик иқтисодий марказ си-

фатида Қобулга турли ҳудудлардан қарвонлар келиб тўхтаб ва бу ерда
катта савдо операциялари амалга оширилган эди. Шунингдек, шаҳар
йирик транзит маркази бўлиб, айрим қарвонлар бу шаҳарда маълум
вақт тўхтаб, бошқа юртларга йўл олганлар. Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга
жўнаган қарвон ҳам Қобул орқали ўтган. Қобул Бухородан 40 кунлик
масофа 1600 верст) узоқликда жойлашган бўлиб, Қобулдан Пеша-
ворга 8 кунлик масофа (320 верст) йўл босиш лозим эди. Ҳиндистон-
нинг яна бир шаҳри Мўлтон Қобулдан 22 кунлик йўл, яъни 880 верст
масофада жойлашган. Бухородан Калькуттага бориш учун эса 169 кун-
лик йўл -6760 верст масофани босиб ўтиш керак эди.

Ҳиндистонга борадиган қарвон йўли ниҳоятда оғир ва хавфли
эди. Шу боисдан ҳам Панжоб ва шикорпурлик афғон ва ҳиндлардан
иборат қўриқчилар Ҳиндистондан йўлга чиққан қарвонларни назор-
рат қилиб келганлар. Ҳиндларнинг Повинда номи билан аталувчи
машҳур қабила аъзолари қарвонлар хавфсизлигини таъминлаш жа-
раёнида ўзлари ҳам савдо ишлари билан шуғулланганлар.

Қўқон хонлигидан Ҳиндистонга юбориладиган молларнинг асо-
сий қисмини ипак ташқил этиб, унинг "чилла" деб аталадиган нави
бошқа Шарқ мамлакатларидаги каби машҳур бўлган. Уларнинг баҳо-
си XIX аср ўрталаридаги маълумотларга кўра, анча юқори бўлиб,
бир тўпи Қўқон хонлиги бозорларида рус пулида 197 руб. 90 коп.
дан сотилган. Бу ипакнинг Бухоро бозорларидаги нархи эса 240 руб-
лгача бўлган. Шунингдек, Бухоро бозорларида Хўжанд ипаги ҳам
таниқли бўлиб, унинг нархи Қўқон ипагидан бир оз арзонроқ эди.
Яъни, Қўқон ипагининг бир пуди 16 Бухоро тиллосида боҳоланса,
Хўжандники 15 тиллога тўғри келган. Қўқон ипаги Бухоро бозорла-
ридан Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа ҳудудларга олиб кетилган.
Маълумотларга қараганда, Қўқондан Бухорога бир йилда 8 минг
пудгача ипак ва ипак матолар келтирилган ҳамда уларнинг катта
қисми Ҳиндистонга олиб кетилган.

Ҳиндистонга Қўқон ва Бухоро амирлигидан ҳар йили 1000 туядан
ипак жўнатилиб турилган. Бу юк ҳажми ўртача 12 минг пуд эди. XIX
асрнинг 30-йилларида Ҳиндистон, Афғонистон орқали Ўрта Осиёга
келган инглиз жосуси А. Борнснинг маълумотларига кўра, сифатли ипак
Ҳиндистонга Қобул орқали Қўқон хонлигидан олиб борилган. Ўз на-
вбатыда, Ҳиндистондан Ўрта Осиёга Қобул орқали атторлик буюмла-
ри, доривор ўсимликлар, турли хил матолар, Кашмир рўмоллари, ҳинд
парчалари, китоблар, индиго, (нил бўёғи), мурч, шакар, саллал сурп,
дока, чит, чинни, қимматбаҳо тошлар, инглиз моллари ва бошқа бу-
юмлар келтирилган. А.К. Гейнс маълумотларига кўра, XIX аср ўртала-

рида Ўрта Осиё хонликларига Ҳиндистондан ҳар йили 10 – 15 минг туяда 160 – 240 минг пуд миқдорда турли моллар келтирилган. Бу молларнинг бир қисми Қўқон хонлигига олиб кетилган.

Айрим ҳолларда қўқонлик савдогарлар Ҳиндистонга борганлар ёки ҳинд молларини Бухоро, Самарқанд, Қарши бозорларидан сотиб олганлар. Ўрта Осиё хонликларида Ҳиндистондан келтириладиган индиго, Кашмир рўмоллари, чой ва ҳинд матоларига талаб катта эди. Маҳаллий тўқувчиликда талаб юқори бўлган индиго (нил) бўёғи асосан ўсимлик илдиэларидан Мўлтонда тайёрланган. Тўқ ҳаво рангдаги бўёқ жуда сифатли ҳисобланган. У билан бўялган матолар ювилганда ранги ўчмас ва қуёш нуридан оқариб кетмасди. Ўрта Осиё, хусусан, Қўқон хонлиги аҳолиси турли матоларни, жумладан, гиламларни тўқишда асосан индиго бўёғи билан бўялган иплардан фойдаланганлар. Турли матоларни нил бўёғи билан бўяшга яҳудий ҳунармандлари ихтисослашган эдилар. Ҳиндистондан Ўрта Осиёга ҳар йили 1000 туяда индиго келтирилган. XIX аср ўрталарида Бухоро бозорларида индигонинг бир пуди 4 – 5 тилло бўлган. Бухородаги Барра карвонсаройида ҳам асосан индиго сотилган.

Ўрта Осиёга Ҳиндистондан келадиган молларнинг катта қисмини чой ташкил этган. Ўрта Осиёга бир йилда ўртача 1000 туяда чой келтирилган ва уларнинг бир қисми Самарқанд ва Хўжанд орқали Қўқон хонлигига олиб кетилган. 16. Маълумотларга қараганда, 1868 йилнинг ўзида Ўрта Осиё бозорларига Ҳиндистондан 65 – 100 минг пуд атрофида чой 17. Ҳиндистондан келтирилган қўқ чойнинг 16 тури мавжуд бўлиб, унинг энг сифатлисининг 4 пуди 55 тилло эди.

Ўрта Осиё ва Россия халқлари орасида Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган машҳур Кашмир рўмолларини фақатгина бадавлат кишилар харид қилганлар. Чунки бу рўмол жуда қиммат бўлиб, Бухоро бозорларида унинг ҳар бирининг нархи рус пулида 250 – 800 рублгача турган. Шунингдек, Бухоро бозорларида Ҳиндистондан келтирилган шакарнинг ботмони 16 тилло турган. Қора қалампирнинг 1 пуди Бухорода 1,5 тилло бўлса, Тошкентда 25 – 30 танга эди.

Қўқон хонлигига ҳинд моллари бухоролик, ҳинд ва афғон савдогарлари томонидан ҳам келтирилган. Маълумотларга қараганда, 1866 йилда Қўқон хонлигига четдан ҳаммаси бўлиб 5000 туяда юк келтирилган бўлса, уларнинг 2000 туядагисини ҳинд ва Бухоро моллари ташкил этган. Қўқоннинг Ҳиндистон билан савдо алоқалари ривожлана бошланглигини хонлик шаҳарларида ҳиндлар кўпайиб қолганлигидан ҳам кўриш мумкин эди. В.В.Вельяминов-Зернов маълумотларига кўра, XIX аср ўрталарида Қўқон шаҳрининг ўзида 70 га яқин ҳинд ва афғонлар яшаганлар ва улар хонликнинг Бухоро амирлиги билан савдо алоқалари-

да муҳим роль ўйнаганлар. Шунингдек, ҳиндлар Тошкент, Наманган, Марғилон, Андижон, Хўжанд каби шаҳарларда ҳам истиқомат қилганлар. Улар савдо ишларидан ташқари судхўрлик билан ҳам шуғулланганлар. Улар маҳаллий аҳолига катта фоиз эвазига (йиллик 120 фоизгача) пул қарз берганлар. Бу уларга жуда катта даромад келтирган.

Ҳиндлар Бухоро ва Самарқанддаги каби Қўқон шаҳрида ҳам карвонсаройларда яшаганлар ва савдо билан фаол шуғулланганлар. XIX асрнинг 30-йилларида Қўқон хонлигида бўлган Н.Потаниннинг маълумотларига кўра, Қўқон шаҳрида 6 та сарой сифатидаги бозор бўлиб, уларнинг иккитасини маҳаллий, тўрттасини Россия, Ҳиндистон, Афғонистон, Қашқардан келган савдогарлар тўлдиришган. Ўрта Осиёдаги энг йирик ва гавжум бозорлардан бири Қўқон бозорида Ҳиндистон, Тибет, Қашқар, Бухоро, Афғонистондан келтирилган моллар улгуржи айрибошланган. Қоратегинликлар Қўқон бозорига табиий усулда ажратилиб олинган олтин келтиришиб, уни харид қилган ҳинд ва афғонлар, Бухоро бозорларига олиб кетардилар. Муқимий (1858-1970 йил) Қўқонда савдо қиладиганлар орасида хориж савдогарларининг хатти-ҳаракатини кузатиб, ўз шеъридан бирида шундай сатрларни ёзади.

*"Ҳинду, Чин ва мағруфдан келса топардим эътибор,
Шу эрур айбим Муқумий марду-му Фарғонам"*

Демак, Ҳиндистонлик ва бошқа савдогарлар Қўқонда ва унинг атрофида кўпчиликни ташкил этган.

Қўқон хонлигининг Ҳиндистон билан Бухоро амирлиги орқали олиб борадиган савдо йўлидан ташқари яна бир йўл мавжуд бўлиб, бу йўл Қўқон – Ўш – Қашқар орқали Кашмирга олиб борарди. Қўқон савдогарлари Қашқар бозорларидан ҳинд молларини харид қилганлар ёки бу ердан Кашмир йўли орқали Ҳиндистонга борганлар. Шарқий Туркистон шаҳри Хўтандан Шимолий Ҳиндистон шаҳри Лодакгача 760 верст, Ёркентдан Лодакгача 720 верст масофа бўлиб, бу йўл Кашмир ва Шимолий Ҳиндистон орасида савдодаги муҳим йўл ҳисобланарди. Қўқондан эса Ёркентгача Терак-Довон орқали 460 верст масофа бўлиб, у 15 – 20 кунда босиб ўтилган. Бу йўллар тоғ доволаридан иборат бўлиб, жуда қийин ва хавfli эди. Шунинг учун транспорт воситаси сифатида эшак, от ва қўтослардан фойдаланилган. Ҳиндистондан Қашқарга келтирилган моллар Қашқар – Қўқон – Тошкент орқали Ўрта Осиёнинг турли марказий бозорларига келиб тушган. Лекин бу ҳудуддан келган яна бир йўл мавжуд бўлиб, у Қашқар – Фулжа – Верний – Чимкент орқали

Ўрта Осиёнинг турли савдо-сотик марказларига етиб борган. Қўқон хонлигидан Ҳиндистонга асосан ипак олиб кетилган. Шунингдек, бу йўл орқали ўтган савдо карвонлари томонидан Ҳиндистонга 100 туяда эчки момиғи, гилмалар ҳам олиб борилган.

Қўқондан Қоратегин ва Ваҳш орқали Кобулга борадиган яна бир йўл орқали савдо карвонлари ҳинд, афгон, форс молларини хонликка олиб келганлар.

XIX аср ўрталарига келиб Ўрта Осиё бозори учун Англия ва Россия ўртасида кураш бошланган. Чор Россияси Ўрта Осиёнинг бир қисмини босиб олганидан сўнг, инглиз ва ҳинд моллари таъқиб остига олинган. Натижада Бухоро амирлиги орқали Қўқон хонлигига ҳинд ва инглиз моллари деярли келмай қўйган. Хонликка инглиз ва ҳинд моллари асосан Қашқар орқали келтирила бошланган. Бу жараён Қўқон хонлиги тугатилгунга қадар давом этган.

Хуллас, Ўрта Осиё ҳамда Ҳиндистон халқлари тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, ва у узоқ йиллик тарихга эга. Икки ҳудуд халқлари асрлар мобайнида иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқада бўлганлар. Бу тарихий алоқалар XVIII — XIX асрларда ҳам давом этган. Гарчи Қўқон хонлиги чегараси Ҳиндистон сарҳадлари билан бевосита туташмаган бўлса-да, ўзаро савдо алоқалари йил бўйи давом этган. Бу иқтисодий алоқалар ҳар икки томон учун ҳам фойдали эди. Бундай иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқа йўллари Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг янада кенгаймоқда. Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ҳозирги даврда тараққий этишига ўтмишдаги муносабатлар асосий негиз бўлиб хизмат қилади.

ҲИНДИСТОН МОЛИЯВИЙ ВА БАНК-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Молия ва молиявий, пул ва кредит муносабатларининг вужудга келиш тарихи инсоният тарихининг таркибий қисми бўлиб, 2,5 — 3 минг йиллар аввал Шарқда, жумладан, қадимги Бобил ҳамда Ҳиндистон давлатларида пайдо бўлган ва амал қилган. Хамурақи қонунлари, Ҳиндистоннинг Ману қонунлари, Хитой, Греция ва Рим империяси қонунларида бож-хирож, солиқлар тўплаш, давлат хазинаси ҳисоб-китоби, пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий муносабатларга катта аҳамият берилган. Дарҳақиқат, барча қадимги мамлакатларда молия ва пул соҳасида, солиқ-бож соҳасида тўғри ва

адолатли сиёсат юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шарт ҳисобланган. Молия ва молиявий тизимлар ҳар қандай давлатга пул маблағларини солиқлар, бож ва бошқа йиғимлар шаклида фуқаролардан йиғиб олиш, бир жойга тўплаш ҳамда улардан кўзланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш, тақсимлаш ва истеъмолга йўналтириш имконини беради. Шу йўл билан давлат аппаратининг бир маромда ишлаши, давлатнинг самарали мудофаа қудрати, гуманитар соҳалар, янги-янги бинолар ва иншоотлар қурилишига, ривожланишига, жамиятнинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож бўлган табақаларининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишлари таъминланади, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини тезроқ ривожлантириш чоралари кўрилади.

Молия ва молиявий муносабатлар давлат ҳамда унинг минтақавий ҳудудлари ва бўлинмаларининг, корхона ва ташкилотларининг кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган пул маблағлари ҳисобидан давлат фондини ташкил қилиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни амалга оширади. Бу жараёнда давлат молиявий муносабатларида ижтимоий эҳтиёжларни қондириш устидан назорат ўрнатилади ҳамда ижтимоий маҳсулотнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши содир бўлади. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти унинг тақсимоти ва назорат функциялари орқали ҳар бир мамлакатнинг ўзида умумжаҳон қоидаларига ва ўзига хос хусусиятларда намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Ҳиндистонда молия ва молиявий муносабатлари тарихи ҳар бир босқичда янгилаш шаклланиб келган. Буни бобурийларга, бобурийлар даврида, Ҳиндистон мустамлакачилик даврида ва мустақилликка эришганидан сўнгги даврларда ўзгариб, қўшимча киритилиб такомиллашиб келганида кўриш мумкин. Айниқса, бобурийлар сулоласи давомчиси Шоҳ Жаҳон даврида Тож Маҳалнинг қурилишига катта маблағ сарфланганлиги Ҳиндистоннинг иқтисодий қудратининг юқори эканлигини намоён этади.

Ҳиндистон мустамлакачилик даврида молия ва молиявий муносабатлар Британия империяси тизимига асосланади. Бу тизимнинг адолатсизлиги, фуқаролардан олинадиган солиқлар ва тўловларнинг юқорилиги ҳинд халқининг доимий норозилигига учраган.

Ҳиндистон мустақилликка эришганидан кейин ҳам муайян давргача инглиз молия ва молиявий тизимидан тезда қутула олмади. Чунки халқнинг қашшоқлиги, иқтисодиётнинг пастлиги мураккаб молиявий муаммоларни тезда ҳал қилишга имкон бермади. 1950 —

1960 йилларда иқтисодиётда давлат секторини ташкил этиш мақсадида банк тизими, суғурта компаниялари ва йирик саноат компанияларининг давлат назоратига ўтиши билан мустақил Ҳиндистон молия тизими шаклланди. 1951 йилда Ҳиндистоннинг давлат қарзи 27,4 млрд рупийни ташкил қиларди. 1949 йилда фунт стерлинг алмашуш курсининг 4,03 доллардан 2,8 долларга пасайиши натижасида ҳинд рупийсини девальвация қилишга тўғри келди ва рупийнинг алмашув курси 0,03 доллардан 0,021 долларга камайди.

1951 – 1952 йилларда Ҳиндистон давлат бюджети бўйича даромад 3700 млн. рупий, харажат 3755 млн. рупий, дефицит 55 млн. рупийни ташкил этди. Бюджетнинг ортиши натижасида меҳнат-кашларнинг соғлигини оширишга ва бир вақтда капиталистик компанияларга солинадиган солиқ ҳажмини камайтиришга қаратилган чоралар қўлланди. Ҳиндистон банк тизимида Англиянинг "Ллойде банк", "Чартерд банк оф Индия", "Острейлиа энд Чайха", "Маркантайл банк оф Индия" ва бошқалар ҳукмронлик қилиб келган ҳолда Ҳиндистоннинг анчагина ички ва бутун ташқи савдосини назорат қиларди. Улар Ҳиндистон давлати назоратига олинганидан сўнг, "Ҳиндистон захира банки" ташкил этилиб, миллий валюта – рупий чиқарила бошлади. Марказий банк, Халқ банки, Панжоб миллий банки, Оллохобод банки, Борода банки ва уларнинг жойлардаги бўлимлари ва филиаллари ташкил топди.

Ҳозирги даврда Ҳиндистондаги банк-кредит тизими, молиявий тизим шаклланиб, замонавий даражага кўтарилган. Бугунги кунда Ҳиндистонда амалга оширилаётган давлат молиявий сиёсати бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган макроиқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашдан иборат вазифаларни бажаришга қаратилган.

Амалга оширилаётган молиявий сиёсат қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

- а) солиқ сиёсати; б) бюджет сиёсати; в) пул-кредит сиёсати;
- г) инвестицион сиёсат; д) институционал қайта қуриш сиёсати;
- е) ижтимоий соҳани ривожлантириш сиёсати.

Ҳиндистонда молиявий сиёсатнинг омилкорлик билан юритилиши учун ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, давлат молиясининг соғломлашуви, банк-кредит тизимининг бир маромада фаолият юритиши, товар ва пул оқимларининг ўзаро мувозанатга келтирилган ҳолда бўлиши, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг молиявий-иқтисодий мустақиллиги оқилона чегараларда таъминланишни талаб этади.

Ҳиндистон ривожланаётган мамлакатлар орасида молия ва молиявий муносабатларни амалга оширишда катта тажриба тўплаган илғор мамлакат бўлиб келмоқда. Ҳиндистонда юритилаётган бюджет сиёсатининг бош мақсади – бюджет соҳасида танглик юз беришига йўл қўймаслик, ташқи қарзларга хизмат кўрсатишни таъминлаш, давлат маблағлари сарф-харажатида тежамкорлик режими амалга ошириш, даромад ва харажатларни марказлаштирилган тарзда бошқариш, муайян соҳада давлат монополиясини таъминлаш, давлат қарзлари соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ташқаридан маблағлар жалб қилиш, четта маблағ чиқариш аҳолини инвестиция кабилардан иборатдир.

Ҳиндистон пул-кредит сиёсати эса банк фаолияти соҳасида танглик юз беришига йўл қўймаслик, банкларга бўлган ишончни қайта тиклаш ва такомиллаштириб бориш, аҳоли жамғармаларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш, ҳисоб-китоб барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Банк тизимларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, банклар томонидан мажбурий нормативларга риоя этишни назорат қилиш, рупийнинг хорижий валютага нисбатан фарқларини камайтириш, давлат валюта захирасини кўпайтириш ва валютанинг четта чиқаришининг олдини олиш, божхона назоратини кучайтириш, пул (рупий) муомаласи барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий кредит фаолиятини амалга ошириш каби чора-тадбирлар пул-кредит сиёсати олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Ҳиндистон молиявий, пул-кредит ва банк сиёсатини рўёбга чиқариш механизмлари иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий механизм усулларини ҳамда воситаларини ўз ичига олади. Уларнинг ҳуқуқий механизмлари тегишли қонунларда, Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Ҳиндистоннинг молиявий сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари самарали ишлашининг муҳим шартлари сифатида, уларнинг жаҳон илғор молиявий амалиёти ютуқларини ўзининг ички хусусиятини ҳисобга олганлиги, бугунги куннинг реал вазиятига асосланганлиги ҳамда эртанги кунда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар, ҳаёт жараёни диномизми тўлароқ эътиборга олинганлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Реал ҳаётга мос келмайдиган, кундалик вазиятни бузиб кўрсатишга, соҳталаштиришга қаратилган қонунларни ҳаёт инкор этиши, улар ҳеч бир самара бермаслигини англаб олишга жиддий эътибор берилади.

Ҳиндистонда институционал қайта қуришлар молия сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг воситасида қимматли қоғозлар давлат иштирокида амалга оширилади. Мамлакатда кўчмас мулклар ҳисоб-

га олиб борилади. Банкротга учраган ва тугатилмаган қурилиш объек-
тларини ишга тушириш ва муомалага киритилиши амалга оширила-
ди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳамда
иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ва соҳаларида таркибий ўзга-
ришлар қилинади. Нарх ва тариф тизимлари ишлаб чиқилади, тако-
миллаштирилади ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ҳиндистон ресурслар банкининг ҳисоботи бўйича мамлакатнинг
валюта захираси 1991 йилда 5,8 млрд. доллардан, 1995 йилда 25,2
млрд. долларга, 2000 йилда 38,0 млрд. долларга ва 2007 йил апрелида
200 млрд. долларга кўпайган ёки 16 йилда 34,5 баробарга ўсган.

Ҳиндистон молия ва банк-кредит соҳаси барқарорлиги таъмин-
ланганлиги сабабли 2003-2004 йилда дунёда иқтисодий жадал ўсаёт-
ган иккинчи мамлакатга айланди. 2005 – 2006 йилда ялпи ички
маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 8 фоиздан 2006 – 2007 йилда 9,2
фоизга ўсди. Ҳиндистоннинг ташқи савдо айланмаси 1991 йилдаги
42 млрд. доллардан 2005 йилда 186 млрд долларни ташкил қилди.

Ҳиндистоннинг 1991 йилдан бошланган иқтисодий ислохотлари
иқтисодий ўсишнинг ҳар йиллик суръатини ошириб боришни таъмин-
ламоқда ва иқтисодий ўсиш 10 фоизни ташкил қилгани, аҳолининг
табiiй ўсишини 1,6 фоизга пасайтирди. Аҳоли таркибида юқори про-
фессинал тайёргарлик кўрган, яхши маълумотга эга бўлган ёшлар
улушининг юқорилиги таъминланмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг тар-
моқ таркибида хизмат кўрсатиш улуши 45 фоиз (меҳмонхона бизнеси,
транспорт ва коммуникация, молиявий хизмат, ахборот технологияси
хизмати, аутсорсинг ва бошқалар), қишлоқ хўжалиги 25 фоиз (чой,
жут, жут толаси, шоли, дуккакли ва дон, сут каби ишлаб чиқариш),
саноати 30 фоиз (тўқимачилик, фармацевтика, кимёвий, электрони-
ка, автомобиль каби саноат тармоқлари)ни ташкил қилади.

ҲИНДИСТОН ЗАМИНИНИНГ МЎЪЖИЗАКОРЛИГИ

Фаргона давлат университетининг профессори, иқтисод фанлари
доктори Аҳмадали ҳожи Ғофуров шу йилнинг 16 – 24 ноябрь кунлари
илмий-ижодий сафар билан Ҳиндистонда бўлиб қайтди. Яқинда мух-
бирлар билан таниқли олим учрашиб, аждолларимизга иккинчи ватан
бўлган улкан мамлакат сафари таассуротлари ҳақида суҳбатлашдилар:

– Домла, Ҳиндистонда биринчи марта бўлишингизми?

– Ҳа, биринчи марта. Лекин илгари ҳам таклиф этилганман. Гап
шундаки, мен Ҳиндистонлик профессор Деведра Каучук билан 1980 йил-
дан бери қадрдонман. Москвада танишгандик, 1999 йилда эса Тошкентда

учрашдик. Ўшанда у билан дўстона алоқалар ва илмий-амалий ҳамкорлик-
ни изчил йўлга қўйиш ҳақида келишиб олгандик. Шу боис у мени 2000
йил ноябрь ойида Кашмир вилоятидаги Жамму университетида ўтказила-
диган илмий конференцияга таклиф этди. Бироқ мен боролмадим. Тасо-
дифни қарангки, ўша ой охирида, яъни 30 ноябрда Д.Каучук Деҳли
университетининг кафедра мудири профессор К.Ваорикоо билан Тош-
кентга келди. Икковларини Фарғонага таклиф этдим. Уйимизда меҳмон
бўлишди. Фарғона ва Қуванинг диққатга сазовор жойларини кўрсатиб,
сайр қилдирдим. Улар билан Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, мада-
ний-маънавий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Ўшанда у
биринчи таклифидан фойдалана олмаганим учун таассуф билдириб, 2001
йил ноябрида Деҳли университетида муҳим илмий анжуман бўлажагини
айтди ва мени расман таклиф этажагини баён қилди. Мен бу шунчаки
мулозамат бўлса керак, деган фикрда унга миннатдорчилик билдирдим.

Лекин профессорнинг гапи мулозамат эмас, асосли ваъда экан. Шу
йилнинг сентябрь ойида менга Ҳиндистондан келган хат-таклифнома-
ни топширишди. Унда 2001 йилнинг 22 ноябрида Деҳли университети
ва Калькуттадаги Мавлоно Абул Калом Озод номли Осиёшунослик
илмий-тадқиқот институтининг ташаббуси билан Марказий Осиё дав-
латлари мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган халқаро илмий-
амалий семинар ўтказилиши айтилиб, унга мен таклиф этилажагим
баён қилинганди. Мен бу таклифга розилигимни ва тайёрланган маъ-
рузам матнини электрон алоқа орқали жўнатдим. Матн уларга маъқул
бўлгач, Ўзбекистон Олий таълим вазирлигининг розилиги ҳамда мам-
лакатимиздаги Ҳиндистон элчихонасидан рухсатнома визасини олиб,
16 ноябрь куни Тошкент аэропортидан Деҳлига учдим.

– Самолётда ҳаяжонлангандирсиз?

– Йўқ. Аксинча, Деҳли аэропортида ҳаяжонландим. Самолётда биз,
меҳмонларга етиб борганимиздан кейин кимлар кутиб олишини ба-
тафсил тушунтиришди. Мен мутлоқо хотиржам эдим. Чунки ҳинд
дўстларим аэропортда кутиб олажақларини хабар қилишганди. Са-
молётдан тушгач, ҳўлимда сумка билан у ёққа юраман-бу ёққа юра-
ман. Ҳеч ким яқинлашмайди. Хайрият орқамдан бир киши келиб кўзим-
ни беркитиб кучоқлаб олди. Эски қадрдонларим экан.

– Узр, бизни соқолинг адаштирди, биз билан учрашганда соқо-
линг йўқ эди – дейишди улар кулишиб. Мени ҳашаматли "Криш-
нан" меҳмонхонасига олиб боришди. Эртасига Деҳли университетида
узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан таништиришди. Сўнгра Тош-
кентдан бирга келган ҳамроҳим марҳум профессор Ф.Тешабоев ва
бошқа олимлар ҳамроҳлигида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчи-

хонасида ўтказилган учрашувга бордик. Ўша давридаги элчимиз Иброҳимжон Мавлонов, элчихона ходими Баҳромжон Қосимов бизга мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқа ва дўстона муносабатлар тобора ривожланиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Элчихонанинг уч қаватли муҳташам биноси пештоқда мағрур хилпираб турган Ўзбекистон байроғини кўриб шу азиз юрт фарзанди эканлигимдан бошим осмонга етди.

20 ноябрда Жавоҳарлаъл Неру асос солган Ҳиндистон халқаро муносабатлар марказида Осиёнинг 16 мамлакатидан келган олимлар иштирокида "Марказий Осиё давлатлари: мустақилликнинг ўн йиллиги" мавзусидаги халқаро семинар-анжуман очилди. Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Р.М. Абхьянхар очган бу анжуманда 33 та маъруза тингланди.

— Сизга ҳам навбат тегдими?

— Менга олтинчи бўлиб сўз беришди. Маърузани катта эътибор билан тинглашдан ташқари юксак ишонч билдиришиб, мени анжуман президиумига сайлашди. "Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар: 10 йил давомидаги ўзига хосликлар, натижалар ва муаммолар" мавзусидаги маърузамга Ҳиндистоннинг беш нафар йирик олимлари, тожикистонлик профессор Х.Умаров, қозоғистонлик С.Примбетов ва бошқа мутахассислар яхши баҳо беришди. Ўзбекистон Марказий Осиёда ҳар жиҳатдан етакчи ўринни эгаллаб келаётганлиги, Президент Ислоҳ Каримов мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро майдонда ҳам оқилона сиёсат олиб бораётганлигини таъкидлашди. Анжуман ташкилотчилари семинар материалларини махсус китобча ҳолида чоп этиб, семинар иштирокчиларига тақдим этдилар. Китобчада менинг шогирдларим Д.Ҳақимов, А.Ўринов билан ҳамкорликда ёзилган мақоладаримга ҳам катта ўрин берилган.

— Ҳиндистон қадимий ва улкан мамлакат. Бир миллиард 55 миллиондан ортиқ аҳолиси бор. Гўзал табиати, бой тарихи ва маданияти, сеҳрли санъати билан жаҳонга танилган. Сафарингиз чоғида ана шу қадриятлар билан танишиш имконияти бўлдимиз-йўқми?

— Бўлди. 19 ноябрь куни мезбонлар бизни махсус "ЖИП" автомашинасида Деҳлидан 220 километр узоқликда жойлашган Агра шаҳрига олиб боришди. Шаҳарнинг тарихий музей, мақбара ва ёдгорликлари билан танишдик. Жаҳондаги етти мўъжизанинг биттаси ҳисобланмиш Тож Маҳал мажмуаси ҳам шу ерда экан. Буюк юртдошимиз Заҳридин Муҳаммад Бобур, Акбаршоҳ, Шохжаҳон каби Ҷобурий-зодалар шарафига тикланган ёдгорлик, мачит, музейлар мажмуасини зиёрат қилиб, ҳинд халқининг ақл-заковати, маданияти ва маҳорати

юксаклигига яна бир қарра қойил қолдик. Учрашувлар, суҳбатлар, мулоқотлар давомида шунга амин бўлдикки, ҳинд халқининг мустақил Ўзбекистонмизга бўлган ҳурмати, меҳр-оқибати жуда баланд экан.

— Сафарда қутилмаган воқеа-ҳодисага ҳам дуч келдингизми?

— Унақаси ҳам бўлди. Аграда сайр қилиб юрганимизда рўпарамиздан бир-бирини қувлаб, ўйноқлаб юрган 6 та маймунча чиқиб қолди. Улар биз томонга келаётганини кўриб чўнтагимни кавладим. 4 дона бодом топиб маймунчаларга иргитдим. Бодом талашиб юмала-ёстиқ бўлиб кеттишди. Биз йўлимизда давом этдик. Ҳеч қутилмаганда иккала елкамга ўткир тирноқ ботаётганини сезиб қолдим. Не кўз билан кўрайки, 2 та маймунча елкамда ўтирибди. Берай десам чўнтагимда ҳеч вақо йўқ. Профессор Каучук яна жоғимга оро кирди. 2 дона қанд бериб, маймунларни ерга туширди. Менга кўчадаги ҳайвонларга ҳеч нарса бермасликни тайинлади. Ҳиндистон чиндан ҳам ажойиб мамлакат экан. Биз ҳайвонот боғи ёки циркда кўрадиган маймун, илон, фил каби ҳайвонлар Деҳли кўчаларида бемалол юрибди. Пойтахтнинг серқатнов, гавжум кўчаларида мол адашиб кириб қолса, у чиқиб кетмагунча ҳаракат тақа-тақ тўхтар экан. Оила у ёқда турсин, дабдабали ошхоналарда ҳам таомлар нуқул парранда гўштидан пиширилар, мол-қўй гўшти ишлатилмас экан. Чунки уларда мол — сизирга нисбатан илоҳий жонзот сифатида қаралиб, унга озор етказиш, безовта қилиш мумкин эмас экан.

— Сафарингизни икки мамлакат, хусусан, Деҳли ва Фарғона олимлари ҳамкорлигида янги кўприк бўлди, деса бўладими?

— Бўлади. Анжуманда иштирок этиш билан бирга Деҳли университетининг иқтисодий факультети, Осиёшунослик илмий-тадқиқот институтининг Деҳлидаги филиали ва Янги Деҳли университетининг институтининг Деҳлидаги филиали билан Фарғона Давлат университети ўртасида устувор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, уларнинг натижаларини чоп этиш, анжуманлар ўтказиш, олимларнинг ўзаро тажриба алмашишларига шароит яратиш бўйича шартнома тузилди. Бундан фарғоналик касбдошларимиз ҳам хурсанд бўлишди ("Фарғона ҳақиқати" газетаси, 2001 йил 11 декабрь).

XXI АСР — ТАРАҚҚИЁТ АСРИ

НЕРУ ВАТАНИ ГУЛЛАМОҚДА — Ҳинд халқи ва жамияти тараққиёти билан Ўзбекистон халқи ҳаётида юз бераётганга ўхшаш жаҳатлар мавжуд. Чунки бу давлат икки юз йил давомида мустабид

шароитда яшаб келган. Ҳиндистон 1947 йил 15 августда мустақилликка эришиб, ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. 52 йил муқаддам — 1950 йилнинг 26 январида ҲИНДИСТОН Конституциявий ассамблеяси (Парламенти) томонидан суверен Республика сифатида халқаро субъект бўлиб жаҳонга танилди. Шу кундан бошлаб мазкур сана Республика кун сифатида нишонланиб келинади.

Мустақилликнинг илк йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатишни, мудофаани мустақамлаш, Демократик институтларни ва бозор инфратузилмаларини шакллантириш, халқ фаровонлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳамжамиятдаги мавқеини юксалтириш, жаҳон мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни яхшилаш мақсадлари асосий вазифа қилиб қўйилган эди. Маълумки, Ҳиндистон кўп миллатли ва кўп динли, 1 миллиард 55 миллион аҳолиси мавжуд мамлакат бўлиб, умуминсоний кадриятлар асосида турли хил кўплаб этник гуруҳлардан иборат бўлишига қарамай, ҳукумат ягона миллий мафкура ва миллий ғоя воситасида миллий мустақиллик манфаатлари ва халқ фаровонлигини ошириш мақсадида барча одамларни бирлаштира олди.

Ижтимоий адолатпарварлик ва замонавий демократия йўлидан бораётган Ҳиндистон жаҳонда ўз иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустақамлашга эришди. Давлат ва халқнинг 52 йиллик саъй-ҳаракатлари ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлари натижасида саноат энг кўп ривожланган давлатлар ўнлигидан жой олди. Ҳозирги кунда мамлакат техника ва юқори технология, атом энергияси соҳаларида юқори малакага эга бўлган ишчи кучи ҳажми бўйича АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринда туради.

Сўнги 10 — 15 йилларда Ҳиндистон иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, телекоммуникация, микроэлектроника, авиация, таълим ва мудофаа соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритди. Ўтган йилда мамлакат иқтисодий ўсиш суръати 6 фоизни, инфляция даражаси 4 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда Ҳиндистоннинг хорижий валюта захираси 40 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Унинг экспорт салоҳияти ортиб бормоқда ва импорт ҳажми камаймоқда. Экспортнинг асосини тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги тайёр маҳсулотлари, турли муҳандистлик ва техника ускуналари, заргарлик буюмлари, электроника ва ахборот технологиялари ташкил этади. Бу маҳсулотлар АҚШ, Англия, Германия, Япония, Россия, Бельгия, Италия ва араб мамлакатларида ўз харидорларига эга.

Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари кўп асрлик тарихга эга. Айниқса, бобурийлар ҳукумронлик қилган даврда икки халқ алоқалари кенг ривожланган. Бобурийлар даврида бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. 355 йил давомида дунёнинг етти мўъжизаси деб ҳисобланиб келинаётган Агра шаҳридаги Тож Маҳал дунё аҳлини хайратга солмоқда. Деҳлида қурилган Қизил қалъа Акбаршоҳ ёдгорликлари ҳам сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига ўрнатилган юксак даражадаги ҳамкорлик алоқалари қарор топган. Икки мамлакат ўртасида кўплаб ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилди. Саноатнинг фармацевтика ва бошқа соҳаларида, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқларида қатор қўшма корхоналар ишга туширилган.

Икки давлат алоқаларидаги яна бир муҳим жабҳа — таълим-тарбия соҳасидаги ҳамкорлик бўлиб, Ҳиндистоннинг техникавий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик дастури (ПЭС) бўйича ўзбекистонлик талабалар ахборот технологиялари, бизнес ва тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, банк ва экология соҳаларида, дипломатия йўналишлари бўйича Ҳиндистон олий ўқув юрларида таҳсил олмақдалар. Айниқса, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги қарашлар бир хилдир. Ҳиндистоннинг Деҳли университети ва Осиёни ўрганиш илмий-тадқиқот институти билан Фарғона давлат университети ўртасида ҳам ҳамкорлик ўрнатиш бўйича шартнома имзоланганлиги бизнинг профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимизнинг улар билан алоқаларини янада мустақамлайди.

"А. Ғофуров "Иқтисодий назария" кафедраси мудири, и.ф.д. профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълим ходими. "Зиёкор" газетаси 2002 йил 4 январь".

ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲИНДИСТОН ТАЖРИБАСИ

Дунёдаги кўплаб мамлакатлар ўз мустақиллигига эришгач, иқтисодий тараққиётини тадбиркорлик субъектларини тиклашдан ва унинг ҳар хил шаклларидаги фаолиятини ривожлантиришдан бошлаганлар. Ҳозирги даврда жаҳоннинг юздан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ва микрофирмалар етакчи мавқеини эгаллаб келмоқда. Кўплаб ривожланган мамлакатларида иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ва микрофирмалар етакчи мавқеини эгаллаб келмоқда.

Хатто кўплаб ривожланган мамлакатларда ҳам ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши кам бўлса-да, мамлакат иқтисодиётида унинг аҳамиятига катта эътибор берилмоқда.

Аксарият Осиё мамлакатларининг иқтисодий тараққиётида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятига устуворлик аҳамият касб этади. Жумладан, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Туркия, Малайзия каби мамлакатларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тажрибаси кенг қамровли ва диққатга сазовордир. Хусусан, Ҳиндистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти нафақат мамлакат иқтисодиётида, балки жаҳон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгалайди.

Ҳиндистон иқтисодиётида аграр сектор ривожланиши бозор ва режали йўналишлардаги иқтисодиётга асосланганлиги бошқа мамлакатлар илмий доирасида турлича акс эттирилган эди. Шунга кўра, Ҳиндистон иқтисодиётида аграр сектор ривожланишини тадқиқ қилишдаги дастлабки услубий ёндашув, бу аграр сектор ривожланишининг ҳозирги замон назария талабларига асосланиб, миллий даромад, ҳосилдорлик, экспорт-импорт, ялпи ички маҳсулот, аграр секторда амал қилаётган кичик бизнес ва тадбиркор сифатида деҳқон, фермер ва ижрочи хўжаликларни ҳамда бошқалар хизмат кўрсатиш соҳаси объектив равишда ҳар томонлама ва тўлиқ таҳлил қилишни тақозо этади. Мамлакатда деҳқонларга ерларнинг егишмаслиги, туфайли ерлар ижарага олиб фойдаланилади. Қишлоқ жойларида саноат корхоналари, хусусий корхоналар ва янги иш ўринларининг ташкил этилиши фақатгина ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ривожланмоқда.

Ҳиндистонда меҳнат ресурсларининг етарли эканлиги шундаки, бу ерда 1 млрд. 200 млн-га яқин аҳоли яшайди, унинг 720 млн.ни меҳнат ресурслари ҳисобланиб, унинг 66 фоизи қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес соҳаларида фаолият кўрсатади.

Ҳиндистонда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида фаолият кўрсатаётган кичик корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга тижорат банклари томонидан доимий равишда имтиёзли кредитлар бериб борилади. Фаолият кўрсаталаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ушбу махсус ихтисослаштирилган тижорат банклари томонидан қисқа мудатли ва узоқ мудатли ниҳоятда қулай кредитлар ажратиш йўлга қўйилган. Айниқса, фермерларга бериладиган кредитлар миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, 1993 йилда 151 млрд. рупий миқдорида кредит берилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсат-

гич 480 млрд. рупийни ташкил қилди. Ҳиндистонда қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги кичик ва ўрта бизнес, айниқса, фермер ва оммавий фермер хўжаликларни ҳинд иқтисодчи олимлар "Ҳинд индустрия-сининг асосий тармоғи" деб ҳисоблашади. Чунки мамлакатнинг кичик ва ўрта корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан 822 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга рухсат берилган. Иш билан банд аҳолининг 89 фоизи мана шу секторда фаолият кўрсатади ва мамлакат экспортининг 45 фоизини таъминлайди.

1990 – 2007 йилларда мамлакат аграр хўжаликларини қайта ташкил қилиш жараёнида шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва фермерларларнинг турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши муваффақиятли олиб борилиши, жаҳон бозорларида сифатли ва нархи бўйича рақобатбардош бўлиши учун, ҳукумат уларни рағбатлантириш мақсадида махсус қарор қабул қилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишида нодавлат сектор ўзининг устувор аҳамиятлилигини кўрсатди. 50-йилларда қабул қилинган "Ер ислоҳоти" Қонуни қишлоқ хўжалиги тармоқларида хусусий секторнинг жадал суръатларда ривожланишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда Ҳиндистон фермер хўжаликларининг сони бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Хусусий сектор миллий иқтисодиётни ривожлантиришда етакчи роль ўйнайди ва ялпи ички маҳсулотда ушбу секторнинг улуши 75 фоизни ташкил қилади.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2005 йил 4 – 6 апрелдаги Ҳиндистонга ташрифи икки томонлама ривожланишда муҳим босқич ҳисобланади. Бу ташриф давомида ҳукуматлараро ва идоралараро 13 та ҳужжат имзоланди. Улар орасида "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳукуматлараро ҳамкорлик тўғрисида келишув", Ўзбекистон ва Ҳиндистон тизимини ривожлантириш корпорацияси ўртасида англашув баённомаси каби муҳим ҳужжатлар бор.

Ўзбекистонлик тадбиркорлар Ҳиндистон томонидан ўтказилаётган чора-тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Бундай дастурлар доирасида ўзбек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакили ҳамда ҳинд компанияларининг ўнлаб вакиллари савдо ва инвестиция соҳасида ҳамкорлар топиш мақсадида бир неча марта учрашдилар.

Ўзбек тадбиркорлари ишбилармон вакиллари делегациялари Ҳиндистонда учрашиш учун 2006 йил 16 – 17 мартда кимёвий маҳсулотлар экспортини ривожлантириш бўйича бизнес форумда; 2006 йил мартда Деҳлидаги Ҳиндистон савдо-саноат федерацияси пала-

таси томонидан ташкил қилинган "Ҳиндистон ва МХД ўртасида озиқ-овқат саноати ва агросаноат секторида ҳамкорлик" конференциясида Ўзбек тadbиркорлари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчихонаси томонидан Ҳиндистон корхоналарида Ўзбекистон тadbиркорларининг республика "Ташаббус" конкурсидан "Энг яхши тadbиркор" номини олганларни — голибларни ҳинд тажрибалари билан таништириш мақсадида курслар ташкил этилди. шу муносабат билан юзлаб ўзбек тadbиркорлари Ҳиндистоннинг Деҳли, Мумбай, Агра каби шаҳарларида бўлдилар ва катта тажриба ортириб келдилар.

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ер юзида экологик вазиятлар кескинлашуви тобора жиддий ва ташвишли тус олаётган бир пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида илк бор Мингйиллик Саммитида муҳим глобал даъватларга эътиборни қаратиш учун 2000 йил октябрда 189 та мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари ҳам келажакда экологик тоза сақлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. "Мингйиллик декларацияси" 21 асрга мўлжалланган глобал кун тартибини белгилаб берди. Бунда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) сифатида маълум бўлган 9 та аниқ мақсадга эришишга қаратилган истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Дастурга мувофиқ экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида 2015 йилга бориб барқарор ривожланиш тамойилларини давлат сиёсати ва дастурларига сингдириш ҳамда табиий захиралардан маҳрум бўлиш жараёнининг олдини олиш, 2015 йилга бориб тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла оладиган шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳиссасини кўпайтиришдан иборатдир.

Барқарор экологик вазиятни таъминлаш бугунги кун манфаатлари йўлида келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондиришни хавф остига қўймайдиган тараққиёт экан, бу барқарор ривожланиш табиий захиралар (сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмон, ер каби) яхлитлигини комплекс сақлаш мақсадида, уларни бошқариш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳиндистон ҳамда Ўзбекистонга мустақилликкача бўлган даврда даҳшатли экологик "мерос" қолган эди. Жумладан, заҳарли чиқиндиларни дарё ва кўлларга ташлаш, шунингдек, чиқинди ташланган ва кўмиладиган жойларнинг ёмон лойиҳалаштирилиши, табиий ресурслардан исрофгарлик билан фойдаланиш мураккаб ва чигал экологик вазиятни юзага келтирган эди.

Ҳар икки давлат "минг йиллик ривожланиш мақсадлари"даги 9 вазифани бажариш мақсадида махсус дастурларни 2001 йил январь ва февраль ойларида қабул қилдилар. Бу давлат раҳбарлари ўртасида тузилган 60 дан ортиқ шартнома ва битимларда иккала мамлакат учун ҳам аҳамиятли бўлган экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган англашув меморандуми имзоланди. Атроф-муҳитни ҳимоя қилишни кучайтириш, табиий захиралардан (ер, сув, ҳаво, ўсимлик ва ер ости бойликларидан) фойдаланишни бошқариш тизимини яратиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида комплекс сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича стратегия яратилди.

БМТнинг маълумотларига қараганда, жаҳон давлатларининг ишлаб чиқаришдан тушаётган даромадларининг бир фоизини экологик муаммони ҳал этишга йўналтириши, атроф-муҳит ва экологик вазиятни яхшилашга етарли эмаслиги сезилиб бормоқда. Инсоннинг табиат олдида ожизлиги тобора тез-тез такрорланаётган zilзила, сув босиш, ўрмон ёнғинлари, транспорт (автомобиль, пороходлар, самолётлар) воситаларининг атмосфера ҳавосига ва сувларга бўладиган зарарли таъсирининг олдини олиш ва камайтириш ўрнига зарарлилик даражасининг ошиб бориши каби табиий фожиалар кўринишида ўз исботини топмоқда. Булар табиат-инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлар таъсири жараёнида амалга оширилаётган сазй-ҳаракатларнинг зое кетаётганини билдиради.

Ўзбекистон 2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурида ҳам қишлоқ жойларда экологик вазият ва атроф-муҳитни, айниқса, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, аҳолини тоза сув билан таъминлашга катта эътибор қаратган.

Аτροφимизни ўраб турган табиий муҳит инсон ҳаётини доимо таъминлаб турувчи, усиз тирикчиликнинг ўзи ҳам бўлмаслиги аниқ экан, табиатга бирор-бир зарар етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Чунки бундай зарар, охир оқибат, ўнглаб бўлмас фожиаларни келтириб чиқариши мумкин.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тизимлари турлича бўлган мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари табиат ва унинг бойликларини сақлаб қолиш, инсоннинг табиий жараёнлар боришига кўрсатадиган салбий таъсирини йўқотиш, ҳозирги замон кишининг яшаш шароитини яхшилашни ер юзидаги барча халқларнинг бирликдаги куч-ғайратлари билан амалга ошириш мумкинлиги ва лозимлиги тушунилмоқда.

Ҳозирги вақтда инсон олдида кўндаланг бўлиб турган тирикчилик воситалари: озиқ-овқат, энергетика, саноат ва ижтимоий ривожланиш муаммолари каби масалаларни табиий муҳитни муҳофаза қилмай ва ундан фойдаланишни яхшиламай туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Шунинг учун бугунги кунда атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масаллари Ўзбекистон ва Ҳиндистон миллий иқтисодий ва минтақалари учун ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақаларида аҳолининг жуда зич жойлашганлиги, янги ерларга сув чиқарилиши, сув ресурсларининг етишмаслиги, ўрмоннинг йўқлиги ва чўлнинг ўзлаштирилиши натижасида бу муаммо янада долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ҳиндистонда эса аксинча, сув босиш, тошқинлар ва қург-оқчилик тез-тез такрорланиши юзага келиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон фақат "оқ олтин" ўлкасигина бўлиб қолмай, озиқ-овқат, зангори олов, рангли металлургия ўлкаси, хазинаси ҳамдир.

Ўзбекистоннинг қатор вилоятларида пахта ва ғаллачиликнинг ривожланиши, мева-сабзавот етиштиришнинг ортиб бориши сабабли, уларни қайта ишлаш учун энергетика, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар тобора кўпайиб, ривожланиб бормоқда. Ҳозирги даврда сув ва ҳаводан фойдаланиш ва экологик технологияларнинг етишмаслиги оқибатида республика сув ҳавзаларига ҳар йили 300 миллион куб метр ифлос оқавалар оқизилмоқда, ҳавога эса, кўчмас манбаларнинг ўзидангина 1,4 миллион тоннага яқин заҳарли моддалар чиқарилмоқда. Автомобиль манбаларидан чиқаётган ташламалар 3,0 миллион тоннага тенг ҳисобланади, бу ҳаво, ер юзи ва ер ости сувлари, тупроқ қатламларини ифлослантирмоқда, ҳайвонот ва ўсимлик олами ва табиий муҳитнинг бошқа объектларига зарар етказмоқда.

Атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги устидан мунтазам олиб борилган кузатув маълумотларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Навоий вилоятида 2000 – 2008 йилларда 28 та шаҳар ва аҳоли пунктларида санитар ҳолатнинг ёмонланиш меъёри анча юқори бўлган. Бундан Андижон, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Тошкент каби шаҳарлар ва бир қанча туман марказлари ҳам холи эмас.

Ифлослантирувчи моддалар йиғилиши ва уларнинг заҳарлигини ҳисобга олиш бўйича ҳавонинг ифлосланиш кўрсаткичи Андижон ва Фарғона шаҳрида (29, 66%, 24,62%) энг юқори, Нукус шаҳрида энг паст (4,46%) эканлиги аниқланган.

Республикамизнинг қатор туманларида, айниқса, Фарғона вилоятидаги Тошлоқ туманида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши давом этаётганлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда. Қадамжой сурма ва симоб конларидан ташлаб юбориладиган чиқиндилар Шоҳимардон сувини ифлослантирмоқда. Оқибатда, Фа-

рғона вилоятининг Водил туман маркази ва қишлоқлари ҳамда Фарғона, Марғилон шаҳарлари Шоҳимардон сойидаги ифлосланган сувдан истемол қилиши туфайли сариқ касаллиги тарқалмоқда.

Зарафшон дарёсига ва Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Косон туманларига хавф солаётган Тожикистон алюмин заводининг чиқиндиси оқиб келиши натижасида Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари аҳоли пунктларини марказлашган ҳолда ҳўжалик ва истеъмол суви билан таъминлаш оғир аҳволга тушиб қолмоқда.

Республика ва вилоят ихтиёридаги 42 та шаҳрининг 29 тасигина канализация ва тозалаш иншоотларига эга. Туман ихтиёридаги шаҳарларнинг канализациялари йўқлиги туфайли, оқавалар тозаланмасдан, сув ҳавзаларига ташлаб юборилади, улардан даволаш муассасалари фойдаланиши билан бактериял ифлосланиш ҳоллари қайд этилмоқда.

Тоғ водийларида жойлашган саноат корхоналарининг зарарли ташламалари катта масофаларга тарқалмоқда. Масалан, Олмалиқ шаҳрида ҳавонинг олтингугуртли газ билан ифлосланиш натижасида Тошкент вилоят худудида ёғадиган ёмғир таркибида сульфат кислотаси миқдорининг юқори бўлиши исботланган.

Ўзбекистон водийларида ва тоғ қияликларида дарахтлар кесиб юборилиб, бу ерлар экинзорлар ва яйловларга айлантирилмоқда. Дарёлар бўйидаги дарахтзорлар ва тўқайларнинг аҳоли яхши эмас, уларнинг кўп қисми қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш ва дам олиш зоналари учун ажратилмоқда, кўп жойларда дарахтлар йўқ қилиб юборилмоқда.

Ҳозирги даврда республиканинг умумий майдони 5,0 миллион гектарни ташкил этадиган Давлат ўрмон фондидан қишлоқ ҳўжалигига 2,4 млн. гектари узоқ муддатли фойдаланиш учун ажратилиб берилган.

Тўқайларнинг кесиб юборилиши, сувни муҳофаза қилиш чоратадбирларининг етарли эмаслиги, дарёлар, кўллар, сув омборларининг шўрланишининг кучайиши, ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларининг ёмонлашишига бунинг таъсирида улар тарқаладиган ерларнинг камайишига, турлари ва сонининг қисқаришига олиб келмоқда. Ҳозир кушларнинг 410, балиқлар ва ёввойи ҳайвонларнинг 79, ноёб ўсимликларнинг 400 хили Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Ҳозирги кунда қуйидагилар табиатни муҳофаза қилиш, табиий манбалардан самарали ва оқилона фойдаланиш соҳасидаги стратегик мақсаддир: одамлар саломатлигини таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш, биосфера мувозанатини таъминлаш, табиатдан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали, экологик ва барқарор ривожлан-

тириш мақсадларида фойдаланиш каби. Аслига қайтариладиган табиий манбаларни тиклаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ишлаб чиқариш чиқиндилардан фойдаланиш муаммоларини амалга оширмақ лозим. Табиатнинг ўз-ўзини тартибга солувчи хусусиятларини маҳаллий ва минтақа даражаларида тиклаш давлатнинг, маҳаллий ҳокимликлар ва аҳолининг вазифасидир.

Бу вазифани амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан етарли ҳуқуқий асослар яратилган. Аммо амалий бажаришловим бўлган ишлар етарли эмас.

Экологик, илмий-тадқиқотлар институтлари маълумотларининг кўрсатишича, ҳавони муҳофаза қилишдаги асосий йўналишлар қуйидагилардир:

- ҳавонинг ифлосланишига йўл қўйиладиган даражада ошиб кетган шаҳар ва аҳоли пунктларида ҳаво ҳолатини норматив талабда яхшилаш;
- 2020 йилгача республиканинг барча шаҳарларида, аҳоли пунктлари ва саноат марказларида ҳаво сифатини санитария-гигиена нормативлари даражасида яхшилаш;
- иқлимга салбий таъсир кўрсатишини камайтириш;
- қурилаётган ва модернизациялашган корхонага экологик тоза технологияларни жорий этиш.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун қуйдаги ишларни амалга ошириш таклиф этилади:

- 2015 йилгача республиканинг энг ифлосланган шаҳарларидаги ноқулай вазиятни юзага келтираётган корхоналарда, ҳавога чиқадиган ташламалар ҳажмини белгиланган нормативлар даражасига тушириш;
- стационар манбалардан ҳавони ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини 2015 йилгача чиқитсиз технология, энергиянинг муқобил турларига ўтиш, янги чанг-тўзондан тозалаш асбоблари, ёнилғи, олтингутирдан тозалаш қурилмаларини ўрнатиш, яъни жиҳозлаш, мавжудларининг самарадорлигини ошириш, ишлаб бўлган ва эскирган технологик ускуналарни алмаштириш ҳисобига 0,99 миллион тоннага, 2015 охиригача эса 0,80 миллион тоннагача тушириш;
- 2015 йилгача автотранспортдан заҳарли моддалар чиқарилишини умуман республика бўйича 1,2 миллион тоннага, яъни, 1990 йилга солиштирилганда икки-уч ҳисса камайтириш керак. Этил бензинидан фойдаланишни тўхтатиш ва автомобилларни ишланган газларни бартараф қилувчи воситалар билан таъминлашни амалга ошириш;
- қадамжойда жойлашган корхоналарни симоб ва сурма конларини ишлатишда фойдаланган сувларни тозалаш учун сув тозаловчи технологияни жорий этишга даъват этиш;

- тожикистон ҳудудидаги алюмин заводи чиқиндисини тозалаш учун зарур ускуналарни ўрнатишга эътиборни қаратиш ва бунинг учун ҳалқаро экспертиза ўтказиш;

- Марказий Осиё Республикаларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва тежаш ҳисобига Орол денгизи ҳавзасида мўътадил экологик вазиятни сақлаб қолиш;

- Экологик атроф-муҳитни яхшилаш бўйича Ҳиндистон давлати тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, ундан самарали фойдаланиш лозим. Чунки Ҳиндистон жаҳон мамлакатлар орасида энг кўп тоза сув билан (9 фоиз) таъминланган. Бу кўрсаткич бўйича Европа мамлакатлари 2 фоиз, АҚШ 3 фоизни ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аникин А.В. Юность науки. – М.: 1985.
2. Аникин А.В. Люди науки – М.: 1996
- Бобур Захириддин "Бобурнома" – Т.: 1989
- Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе – М.: "Дела", 1994.
- Бюллетень Индии. май – Июль 2007 й.
- Бюллетень Индии. январь – Март 2006 г.
- Бюллетень Индии. август – Октябрь 2007 г.
- Бюллетень Индии. октябрь – Декабрь 2006 г.
- Большая советская энциклопедия. – М.: 1977. Том 10. "Индия"
- Всемирная история экономической мысли, 4 том. в I томе "Древняя Индия" (94 стр); 12 глава Индия (271 стр); в III томе "Индия" (87 стр); – М.: "Мысль", 1987. 1990 г.
- Ергашев Д.Р. Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг жаҳон хўжалигидаги аҳамияти (журнал) "Бозор, пул ва кредит" 2004 №4 55 – 56-б.
- Ганди И. Политическая деятельность и жизнь. – М.: 1989.
- Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – Т.: 1984 "Ҳиндистон":
- Зограф Г.А. Вопросы Формирования Урду. Т. 1958
- Зограф Г.А. Языки Индии, Пакистана, Цейлона и Непала. – М.: 1960 г.
- Зограф Г.А. Хиндистон нарубеже XVIII-XIX в.в – М.: 1961 г.
- Индия – 2008. NEW. Delhi Undia. 2008.
- Индия перспективы, журнал. Деҳли, 2006.
- Йўлдошев К., Муфтайдинов Қ. Иқтисодиёт таълимот тарихи – Т.: 2000.
- Мировое хлопководство: проблемы и перспективы развития. – Т.: "Фан", 1990. 112-бет.
- Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли: От пророков до профессоров. – М.: "Дело", 1996 г.
- Неру Джавахарлал. Пусть не обманет надежда! – М.: 1990 г.
- Неру Джавахарлал. Открытие Индии, 2 книг. – М.: 1989 г.
- Неру Джавахарлал. Взгляд на всемирную историю. 3-х томов. – М.: 1989 г.
- Орошение и осушения в странах мира. – М.: Индия. 1979. 147 – 169 стр.

Отчет по Конференции Индологов Узбекистана. – Т.: 2006
Отношение между Узбекистаном и Индией: развивающиеся партнерства. Фергана. 2007.

Политика Индии в Центральной Азии: аспекты Узбекско -индийского сотрудничества. – Т.: 2007.

Серебряков И.Л. Литературный процесс в Индии (VII – XIII в.в.) – М.: 1979.

Фурқат Ижодиёти. "Фан", 1990

Сен А-Жаҳон мамлакатларида камбағаллик сабаблари ва ижтимоий ҳимоя (Ҳиндистон мисолида) – М.: 1996.

Узловые проблемы истории Индии – М.: "Наука", 1981. 271 стр.

Ўзбек совет энциклопедияси. – Т.: 1980. 426 – 438-бет.

Экономическая история СССР и зарубежных стран мира. – М.: 1978. 176 – 181 стр.

Шоматов О.Н. Очерки исторической лексикологии хинди и урду XV – начала XVII. в.в. – Т.: 1990.

Шоматов О.Н. Қадимги ҳинд маданиятига оид сўзлар луғати. – Т.: 2005.

Шарма. Л.П. Бобурийлар салтанати. – Т.: "Маънавият". 1998.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 11. Т. 2005. 334-355 бетлар.

Фафуров А и др. Экономическая история зарубежных стран мира. Фергана. 1998.(Экономическое развитие Индии.)

Гелбрейт Дж. Новое индустриальное общество – М.: 1969. 399 – 408 стр.

Business Digest (Pegging A Wayat Krowth) январь 2009. Индия.

Dilhi, AGRA JAIPUR WCS. Dilhi 2001/

Devendra Kamshik The Economic Central Asia in 19 th Century № 8/

Eurasian Vision Edited by; Mahavir Singh/ PRINTED in India. 2003/ 352 стр.

International Seminar Pelicans Culture AND Security in Control South Asia 2 march 2008. Wes Dehli India-2008. new Dilhi 2008 (1896 сtp).

Kumar B.B. Central Asia; Indian Literary Perception Dialogue выпуск 5№3 январь-март 2004

Central Asia-Undia Dialogue Seminar at Tashkent 2008/

Central Asia Since Independence Editors K. Warikoo, Mahavir Singh Delhi 2004 (на английском) 355 стр.

The Times of India/ Nowember 21.2001.

CONTEMPORARY Central Asia. Volume-x, Number-2 Pew Delhi-2006

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Ҳиндистон Республикаси.....	9
Табиий иқлим шароити.....	10
Иқтисодий географик жиҳати.....	14
Ҳиндистон тасвирий санъати.....	27
Ҳиндистон тарихи.....	37
Сиёсий партиялари, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари.....	57
Ривожланаётган мамлакатлар ва Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги қиёсий таҳлили.....	74
Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги.....	80
Ҳиндистонда суғориш, мелиорация ишларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш.....	89
Ҳиндистон саноатининг ривожланиши.....	97
Ҳиндистонда ахборот технология саноатининг ривожлантирилиши.....	101
Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида гимуносабатлар.....	106
Ҳиндистон-туризм ватани.....	118
«Тож маҳал», унинг қурилиши ва харажатлари тўғрисида.....	122
Ўзбекистон ва Ҳиндистон савдо алоқалари тарихидан.....	126
Ҳиндистон молиявий ва банк-кредит фаолиятининг ривожланиши.....	130
Ҳиндистон заминининг мўъжизакорлиги.....	134
XXI аср – тараққиёт асри.....	137
Иқтисодиётда кичик бизнес тадбиркорликни ривожлантиришнинг Ҳиндистон тажрибаси.....	139
Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.....	142
Фойдаланилган адабиётлар.....	148
Мундарижа.....	150
Содержание.....	151
Contents.....	152

СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....	4
Республика Индия.....	9
Природно-климатические условия.....	10
Экономико-географический аспект.....	14
Прикладное искусство Индии.....	27
История Индии.....	37
Политические партии, профсоюзы и другие общественные организации.....	57
Сопоставительный анализ сельского хозяйства развивающихся стран и Индии.....	74
Сельское хозяйство Индии.....	80
Развитие ирригации и мелиорации Индии и повышение эффективности.....	89
Развитие промышленности Индии.....	97
Развитие информационно-технологической промышленности.....	101
Отношения между Индией и Узбекистаном.....	106
Индия – родина туризма.....	118
Исследование средств строительства Тадж-Махал.....	122
Из истории торговых отношений Индии и Узбекистана.....	126
Развитие деятельности финансов и банковско-кредитной системы в Индии.....	130
Экзотика и привлекательность Индии.....	134
Мероприятия по охране окружающей среды и экологии в Индии.....	137
Список использованной литературы.....	148
Содержание.....	151

CONTENTS


Territory, Climate, Ocean, and other natural resources of India.....	4
Population, Languages and religion of India.....	9
The development of literature in India.....	10
Science and development of ideology.....	14
Medical service of India.....	27
Enlightenment. High education and cultural and educational institutions.....	37
Social sciences. Economical and Law science.....	57
The press, radio and television, applied art.....	74
Architecture, painting and music of India.....	80
Comparative analysis of agriculture of developed counties and India.....	89
Industrial development of India.....	97
The development of informative technology in India.....	101
Idiom's attitude to Uzbekistan.....	106
India - Birthplace of tourism.....	118
The research of finance which was spent for building of Taj Mahal.....	122
Indian historical trade relations with Uzbekistan.....	126
The development of financial activity and ban kiss- credit system in India.....	130
Exotics and attractive places of India.....	134
Indian years in XXI century.....	137
The development of small business and Entrepreneurship in India.....	139
The arrangement of defense of India ecology.....	142
Used Literature.....	148
Contents.....	151




1-расм. 2001 йил 23 ноябрда Агра шаҳридаги Тож Маҳал комплексида Халқаро конференциядан кейин Марказий Осиё республикалари олимлари билан. Ўнгдан чапга: Агро Университети проректори, Агро Университети ректори, Қирғизистонлик доцент, Девандра Каушик, проф. (Ҳиндистонлик), Марат Чанашев, доцент (Қозғистонлик), А. Ғофуров, проф. (Ўзбекистонлик), Умар Қаҳаров, проф. (тожикистонлик), А. Музофорова, доцент (Қозғистонлик), Б. Султонов (Қозғистонлик).



2-расм. Деҳли шаҳри. Янги Деҳли Университетида «Марказий Осиё республикалари мустақиллигининг 10 йиллиги»га бағишланган Халқаро конференцияда профессор А. Ғофуров Хиндистон Бош вазири Бижари Яжпаса, Бош вазири маслаҳатчиси проф. Девандра Каушикка, Деҳли Университети ректори ва проф. К. Варикоога дўстона совға қилиш жараёни.



3-расм. Агра шаҳридаги (Эски шаҳар) Акбаршоҳ қалъаси.



4-расм. Янги Деҳли шаҳридаги Махатма Ганди Хотирасига бағишлаб қурилган эсдалик қабри олдига.
2001 йил 18 ноябрь.



5-расм. 2005 йил 14 майда Фарғона Давлат Университетида Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчиси Таял Сайол билан учрашув.



6-расм. 2008 йил ноябрда Фарғона Давлат университетига Ҳиндистоннинг Янги Деҳли Университетидан доктор Носир Разахон бошчилигида тажриба алмашиш учун келган магистрант қизлар ва профессор А. Фофуров университет талабалари билан.

АХМАДАЛИ ҒОҒУРОВ

ҲИНДИСТОН

*Ижтимоий-иқтисодий, маданий, тарихий ва
географик жиҳатлари*

Қўлланма

Мухаррир — А. Зиядов
Техник муҳаррир — А. Мойдинов
Компьютерда саҳифаловчи — Р. Шарипов

Босишга рухсат этилди: 04.01.2010 й. Бичими 60x84^{1/16}.
«TimesUZ» ҳарфида терилди. Шартли б.т. 10,0. Нашр т. 9,5.
Адали 400. Буюртма — 01.

Оригинал-макет Банк-молия академиясининг нашриёт бўлимида
тайёрланди. Тошкент ш., Х. Арипов, 16-уй.

«Жаҳоннашриёт» ХК босмахонаси.
150114. Фарғона шаҳри, Герцен кўчаси, 2-уй.
Лиц.№22-1568. 2007 йил 27 июль.